ВАҲОБОВ А.В., ҚОСИМОВА Г.А., ЖАМОЛОВ Х.Н.

БЮДЖЕТ-СОЛИҚ СИЁСАТИ ЯХЛИТЛИГИ

«IQTISOD-MOLIYA»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Тошкент Молия институти

Ваҳобов А.В., Қосимова Г.А., Жамолов Х.Н.

Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги

Ўқув қўлланма

Тошкент
«IQTISOD-MOLIYA»
2005

Ваҳобов А.В. Қосимова Г.А., Жамолов Х.Н. Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги. Ўқув қўлланма. «IQTISOD-MOLIYA». Т., 2005. 284 б.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг эркинлашуви ва ислоҳотларнинг чуқурлашуви жараёни бюджет-солиқ тизимини ҳам мунтазам такомиллаштириб боришни тақозо қилади. Бюджет-солиқ сиёсати молия тизими ислоҳотларининг муҳим йўналиши сифатида иқтисодиётни тартибга солиш ҳамда унинг барқарорлигини таъминлаш жараёнида ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқ бўлиб бормоқда.

Мазкур қўлланма бюджет-солиқ тизимининг таркибий тузилиши ва бошқаришни ташкил этишнинг асосий шаклларини ўз ичига олган бўлиб, олий таълимнинг «Давлат маблағларини бошқариш», «Молиявий менежмент», «Халқаро молия муносабатлари» ва бошқа мутахассислик талабаларига магистратура босқичида ўқитилиши режалаштирилган «Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги» фанининг ўқув дастурлари асосида ёзилган. Шунингдек, қўлланмадан амалиётчи мутахассислар, илмий тадқиқотчилар, аспирантлар ва ушбу соҳа билан қизиқувчилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Тошкент Молия институти қошидаги Олий ўқув юртлараро илмий-услубий Кенгаш томонидан ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган

Масъул муҳаррир:
Ҳайдаров Н.Х. - иқтисод фанлари доктори, профессор.

Тақризчилар:

Шодиев. Р.Ҳ. -Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, иқтисод фанлари доктори, профессор.

Ғозиев А. - иқтисод фанлари номзоди, доцент.

Абдусатторова Р.Т. –Тошкент вилояти Молия бошқармаси бошлиғи ўринбосари, жамланган бюджет бошлиғи.

© «IQTISOD-MOLIYA», 2005

МУНДАРИЖА

Мукаддима **5-7**

I-бўлим. Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигининг моҳияти ва вазифалари

1-боб.«Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги» фанининг аҳамияти . **8-12**

1.1.«Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги» фанининг предмети ва вазифалари 8-9

1.2.Фанни ўқитишнинг объектив зарурлиги ва бошқа махсус фанлар билан ўзаро боғлиқлиги 9-10

1.3.Бозор шароитида малакали молия ходимларини тайёрлашда фаннинг аҳамияти 10-11

2-боб. Давлат бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигининг зарурлиги, моҳияти ва вазифалари **13-44**

2.1. Ўзбекистон Республикасидаги ўтиш даври иқтисодиётини бошқаришда молия сиёсатининг роли 13-17

2.2.Бюджет-солиқ сиёсатининг мазмуни ва уни баҳолаш методологияси 17-21

2.3.Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги ва моливий тартибга солиш.. 21-29

2.4. Бюджет-солиқ сиёсатига оид иқтисодчи олимларнинг қарашлари ва бу хусусдаги мунозаралар 29-43

II-бўлим. Ҳозирги замон шароитида бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигини таъминлаш масалалари

3-боб. Ҳозирги замон шароитида бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигини таъминлаш омиллари ва мезонлари **45-93**

3.1.Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигини таъминлаш юзасидан ривожланган давлатлар ижобий тажрибалари таҳлили 45-58

3.2.Бюджет даромадлари таркибида солиқларнинг ўрни ва динамикаси таҳлили 58-76

3.3. Бюджет харажатлари таркиби ва миқдорининг ўзгаришини бюджет-солиқ сиёсатига таъсири 76-93

4-боб. Солиқ оғирлигини мукаммаллаштириш **94-108**

4.1.Солиқ оғирлиги ва унинг ҳолатини белгиловчи омиллар... 94-99

4.2.Солиқ оғирлигининг корхонанинг молиявий хўжалик фаолиятига таъсири таҳлили 100-105

4.3.Солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ оғирлигини мукаммаллаштириш йўналишлари 105-108

5-боб. Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигини таъминлашнинг концептуал асосларини такомиллаштириш **109-146**

5.1. Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигини таъминлашда молиявий қонунчилик барқарорлиги ва самарадорлигини таъминлаш масалалари 109-120

5.2. Давлат молиясини стратегик тахминлаштириш асосларида фискал ва иқтисодий функцияларнинг самарали бошқарилишини таъминлаш 120-136
5.3. Солиқ юкини камайтириш шароитида бюджет-солиқ сиёсатининг мутаносиблигини таъминлаш 137-146
III-бўлим. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий тараққиётни молиявий барқарорлаштириш
6-боб. Бюджет сиёсати ва иқтисодиётни бюджет орқали тартибга солиш 147-207
6.1. Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги йилларида бюджет тизимидаги ислоҳотлар 147-164
6.2. Бозор иқтисодиёти шароитида бюджет тизими бўғинларининг вазифалари 165-171
6.3. Ўтиш даври иқтисодиётида бюджет орқали молиялаштириш хусусиятлари 171-174
6.4. Бюджет сиёсати ва бюджет орқали тартибга солиш соҳалари.. 174-206
7-боб. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий тараққиётни молиявий барқарорлаштириш концепцияси 208-270
7.1.Ижтимоий сиёсатнинг молиявий муаммолари 208-218
7.2. Инвестицион фаолиятни давлат томонидан бошқариш 218-229
7.3. Бюджет ва пул-кредит сиёсатининг хозирги замон муаммолари 229-242
7.4. Иқтисодий ўсиш стратегияси ва давлат молиясини соғломлаштириш 242-255
7.5.Фан-техника тараққиётини рағбатлантиришда давлатнинг молиявий фаолияти 255-262
7.6. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-иқтисодий тараққиётни молиявий масалалари 263-270

Фойдаланилган адабиётлар 271-283

МУҚАДДИМА

Мустақил тараққиёт йўлини танлаб, демократик давлат куриш йўлидан бораётган республикамизнинг бозор муносабатларига ўтиши шароитида, ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида чуқур ўзгаришларни амалга ошириш ҳозирги кунниng асосий талабидир. Бюджет-солиқ сиёсати борасида олиб борилаётган ўзгаришларнинг марказида бюджет даромадлари ва харажатларининг мувофиқлигини таъминлаш ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириш муҳим вазифа ҳисобланади. Бу ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида рўй бераётган туб ўзгаришлар, молиявий-иқтисодий назария, бюджет-солиқ сиёсати ва бюджетнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг бажарилишини ижтимоий-иқтисодий яратувчилик руҳида қайта кўриб чикишни талаб этмоқда.

Зеро, Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг эркинлашуви ва ислоҳотларнинг чуқурлашуви жараёни бюджет-солиқ тизимини ҳам мунтазам такомиллаштириб боришни такозо килади. Бюджет-солиқ сиёсати молия тизими ислоҳотларининг муҳим йўналиши сифатида иқтисодиётни тартибга солиш ҳамда унинг барқарорлигини таъминлаш жараёнида ҳар қачонгидан ҳам муҳимрок бўлиб бормоқда.

Дарҳақиқат, Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганидек, «Ислоҳотлар ва ўзгаришлар йўлида фақатгина эришилган марралар билан чекланиб қолиш асло мумкин эмас.. Иқтисодиётдаги ислоҳотлар ва ўзгаришлар жараёни ҳеч қачон ниҳоя билмайди. Бу, энг аввало, бюджет ва солиқ сиёстидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш билан боғликдир»[1].

Маълумки, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида мустақил миллий молия-кредит тизими, бюджет ва солиқ сиёсатининг юритилиши, бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос ижтимоий ҳимояланган,

[1] И. Каримов. Мирная жизнь и безопасность страны зависят от единства и твердой воли нашего народа. Т.: Узбекистан, 2004. стр 157-158.

босқичма-босқич йўли танланди. Натижада Ўзбекистон Республикаси бозор муносабатларининг шаклланишига оид туб иқтисодий ислоҳотларининг ўтказилиши давлатнинг молия-бюджет ва солиқ сиёсатини тубдан қайта кўриш, такрор ишлаб чиқариш жараёнида бюджет сиёсати ролининг ўзгариши, бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигини таъминловчи аниқ мезон ва омилларнинг тизимлашган услубиётини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан давлат бюджети лойиҳасини тайёрлаш жараёнида солиқ юкини босқичма-босқич камайтириш назарда тутилган. Бу эса бюджет-солиқ сиёсати соҳасидаги қарорларнинг самарали бўлишини, даромадлар ва харажатларни режалаштиришда илмий асосланган ва таҳлил этилган иқтисодиётнинг турли соҳаларини барқарор ривожлантиришга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни аниқ мезонлар асосида ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш долзарб вазифалар қаторига киритилади.

Шунингдек, давлат молиясини стратегик тахминлаштиришда фискал ва иқтисодий функцияларнинг мувофиқлигини таъминлаш борасидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш барқарор бюджет-солиқ сиёсатини амалга ошириш учун хизмат қилади.

Муаллифлар мазкур қўлланмани тайёрлашда Ўзбекистон амалиётидан келиб чиқиб, ушбу соҳада мавжуд адабиётлардан, матбуотда эълон қилинган мақолалардан фойдаланган ҳолда, уларни тизимлаштиришга ҳаракат қилдилар. Қўлланманинг ҳар бир боби сўнгида талабанинг билимини мустаҳкамлаш ҳамда мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш мақсадида ўзини-ўзи текшириш учун саволлар тузилди.

Қўлланмани тайёрлашда ўз ёрдамларини берган тақризчилар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, иқтисод фанлари доктори, профессор Р.Ҳ. Шодиев, и.ф.н. доц. А. Ғозиев, Тошкент вилояти Молия

бошқармаси бошлиғи ўринбосари, жамланган бюджет бошлиғи Р.Т.Абдусатторовага алоҳида миннатдорчилик билдирамиз.

Мазкур ўқув қўлланма бўйича барча фикр-мулоҳаза ва таклифларни Тошкент Молия институтининг илмий-услубий Кенгашига юборишингизни сўраймиз. Бу келгуси нашрларда мазкур қўлланманинг янада мукаммал тарзда ўқувчиларга тақдим этилишига ёрдамлашади.

Муаллифлар

I-бўлим. БЮДЖЕТ-СОЛИҚ СИЁСАТИ ЯХЛИТЛИГИНИНГ МОҲИЯТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

1-боб. «Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги» фанининг аҳамияти

1.1.«Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги» фанининг предмети ва вазифалари

Республикамиздаги амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ва режали-марказлашган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш даври, халқаро миқёсдаги глобаллашув, ҳудудий интеграция, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар молия, бюджет-солиқ тизимида юз бераётган таркибий ва институционал ўзгаришларнинг ажралмас қисми сифатида намоён бўлмоқда. Халқаро миқёсда амалга оширилаётган ушбу глобал жараёнлар ўзининг тезкорлиги, кўлами ва ахборот сиғими билан мамлакат бюджет-солиқ тизимини бошқариш олдига жиддий вазифаларни қўймоқда.

Мазкур фаннинг бошқа фанлар сингари ўзига хос предмети ва вазифалари мавжуд. Бу фанни ўқитишнинг зарурлиги иқтисодиётнинг эркинлашуви ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида бюджет ва солиқ муносабатларининг янада такомиллашиб бораётганлиги билан ҳам янада кучаймоқда.

«Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги» фанида молия сиёсати стратегиясини белгилаш, давлат даромадлари, харажатлари ва қарзларни бошқариш каби масалаларнинг назарий жиҳатлари ёритилади. Молия соҳасида фаолият юритувчи мутахасссислар учун ушбу фан назарий билимларнинг асосий йўналишларини белгилаб беради. Мазкур фанда бозор иқтисодиёти қонунларидан келиб чиқиб, бюджет-солиқ сиёсатининг моҳияти ва вазифалари ёритилди.

Мазкур фан бўлажак магистрларга молияни режалаштириш, бюджет-солиқ сиёсати стратегиясини белгилаш билан боғлиқ

муаммоларни ечишга кўмаклашувчи қўшимча назарий билимларни беришгина қолмасдан, балки уларни амалиётга тайёр кадрлар бўлиб етишишига ёрдамлашади. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб фан қуйидаги вазифаларни бажаради:

- молия стратегиясининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва аҳамиятини ўрганиш;
- бюджет-солиқ сиёсатининг стратегик ва тактик вазифаларини ўрганиш;
- молиявий режалаштиришнинг ташкилий тамойиллари, усуллари ва ушбу жараённи бошқаришнинг ҳуқуқий-меъёрий асосларини ўрганиш;
- микро ва макро даражада молиявий режалаштириш асослари ва хусусиятларини ўрганиш;
- бюджет-солиқ сиёсатининг стратегияси юзасидан ривожланган давлатлар илғор тажрибалари ва хусусиятларини ўрганиш.

Мазкур қўлланма бюджет-солиқ тизимининг таркибий тузилиши ва бошқаришни ташкил этишнинг асосий шаклларини ўз ичига олган бўлиб, олий таълимнинг «Давлат маблағларини бошқариш», «Молиявий менежмент», «Халқаро молия муносабатлари» ва бошқа мутахассислик талабаларига магистратура босқичида ўқитилиши режалаштирилган «Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги» фанининг ўқув дастурлари асосида ёзилган. Шунингдек, қўлланмадан амалиётчи мутахассислар, илмий тадқиқотчилар, аспирантлар ва ушбу соҳа билан қизиқувчилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

1.2.Фанни ўқитишнинг объектив зарурлиги ва бошқа махсус фанлар билан ўзаро боғлиқлиги

«Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги» фанини ўқитишнинг мақсади - келгусида юқори малакали иқтисодчи-мутахассислар бўлиб етишадиган талабалар учун давлат молиясини режалаштириш истиқболлари ҳақида,

бюджет-солиқ сиёсатининг стратегик ва тактик вазифалари ҳақида назарий билимлар бериш, уларда давлатнинг ҳозирги кундаги бюджет-солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари бўйича кўникмалар ҳосил қилишдан иборат. «Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги» фани «Молия», «Халқаро иқтисодий муносабатлар», «Иқтисодий назария», «Давлат молияси», «Чет мамлакатлар молияси» каби фанлардан олинган назарий асосларга таянади.

Шу билан бирга «Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги» фани қатор фанлар, жумладан, «Давлат бюджети», «Маҳаллий бюджетларни шакллантириш ва бошқариш», «Нобюджет фондлар», «Чет мамлакатлар молияси», «Корхоналар молияси», «Солиқ ва солиққа тортиш», «Суғурта асослари», «Қимматли қоғозлар бозори» каби фанларни ўзлаштириш учун назарий-услубий асос бўлиб хизмат қилади.

1.3.Бозор шароитида малакали молия ходимларини тайёрлашда фаннинг аҳамияти

«Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги» фанини ўрганиш жараёнида талабалар тегишли билимга, укувга ва кўникмаларга эга бўлишлари лозим. Талабалар умумназарий фанлардан олган билимлари билан бир қаторда молиявий қонунчилик, оммавий-ахборот воситалари орқали кундалик молиявий ўзгаришлардан хабардор бўлишлари мумкин.

Мазкур фаннинг асосий ғояларини тўла ва муваффақиятли ўрганиш учун талабалар молия амалиётида мавжуд иқтисодий таҳлил усулларидан, молиявий режалаштириш усулларидан фойдалана билишлари лозим.

«Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги» фанидан олинган билимлар талабаларни олий ўқув юртини тамомлагандан сўнг молия амалиётига оид кундалик фаолиятида учрайдиган долзарб амалий муаммоларни ечишда ҳамда давлат бюджет-солиқ сиёсатига хос адабиётларни ўрганиб малакаларини оширишларида кўл келади.

Фаннинг предметини чукур ўрганишнинг аҳамияти шундаки, бюджетга солиқларни йиғишда солиқ тўловчи - юридик ва жисмоний шахслар елкасига ортиқча солиқ юкини кўпайтирмаслик, тадбиркорларнинг ўз фаолиятларидан манфаатдорлигини сўндирмаслик, ижтимоий ва инвестицион фаолликка эътибор бериш кўзда тутилади.

Шунингдек, чет эл мамлакатлари давлат бюджетини таҳлил қилиш, бюджет-солиқ амалиётини ўрганиш ва таққослаш асосида тегишли хулосалар ишлаб чиқиш, бу тажрибаларнинг бизга маъқул томонларидан республикамиз амалиётига мослаб зарур жойларини татбиқ этишдан иборат.

«Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги» фанини ўқитиш жараёнида янги технологиялардан фойдаланишнинг ташкил қилади. Бу фанни ўқитишда молиявий қонунлар, хукумат қарорлари, молиявий ҳисоб-китобларнинг автоматлаштирилган тизими («Молия» АИЖ) дастури, низомлар ва молиявий лойиҳаларни баҳолашнинг ЮНИДО ва «Progect expert» компьютер дастурларидан, янги компьютер технологиялардан, тарқатувчи материаллардан, тестлар тўпламидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Таянч сўз ва иборалар

Бюджет тизими бўғинлари, бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги, ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг тақсимланиши, давлат харажатлари, бюджетларнинг мустақиллиги, бюджет тизимининг асосий тамойиллари, ҳокимият органларининг ваколатлари, маҳаллий солиқлар ва йиғимлар, солиқ ставкалари.

Мавзу бўйича назорат учун саволлар

1. «Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги» фанини ўқитишнинг мақсади нималардан иборат?
2. «Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги» фанининг моҳияти ва вазифаларини тушунтиринг.
3. «Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги» фанини ўрганишда қандай усуллардан фойдаланиш мумкин?
4. «Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги» фанининг бошқа фанлар билан боғлиқлигини кўрсатинг.

2-боб. Давлат бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигининг зарурлиги, моҳияти ва вазифалари

2.1. Ўзбекистон Республикасидаги ўтиш даври иқтисодиётини бошқаришда молия сиёсатининг роли

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни яратишга қаратилган изчил иқтисодий ислоҳотларни амалга оширмоқда. Ислоҳотлар стратегияси давлат иқтисодий сиёсатининг кенг қамровли дастакларини ўз ичига олади. Мана шундай дастаклардан энг муҳимларидан бири-давлатнинг изчил молиявий сиёсати ҳисобланади. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида давлат молиявий сиёсатини олиб бориш ва иқтисодни молиявий тартибга солиш муаммоларига алоҳида эътибор берилади.

Молиявий сиёсат давлат иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми бўлиб, уни фалсафий категорияга таққослайдиган бўлсак, усткурмага тааллуқлидир. Маълумки, ҳар қандай жамиятда ҳам давлат бирон-бир мақсадга эришиш, олдига қўйган вазифа ва мажбуриятларини бажариш учун молиядан кенг фойдаланади.

Молиявий сиёсат қўйилган мақсадларни ҳаётга татбиқ этиш учун бажарилиши лозим бўлган вазифаларни ташкил этишда асосий рол ўйнайди. Молиявий сиёсатни ишлаб чиқиш жараёни ва ҳаётга татбиқ этишда у жамият олдида турган вазифаларни бажариш шароитларини таъминлаб, иқтисодий манфаатларга таъсир кўрсатадиган курол сифатида намоён бўлади.

Молиявий сиёсатнинг асосий йўналиши молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, молиявий тизим соҳалари ўртасида қайта тақсимлаш ва бош йўналишга эга бўлган ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни барқарорлаштириш мақсадида давлат ихтиёридаги молия ресурсларини марказлаштиришдан иборат.

Молиявий сиёсат ҳақида сўз юритар эканмиз, биз унинг ниҳоятда кўп қиррали ва мураккаб категория эканлигини алоҳида таъкидлашимиз керак. Ҳозирги кунга қадар молиявий сиёсат тушунчаси борасида ягона фикр мавжуд эмас. Масалан, ғарб иқтисодчилари Стенли Фишер, Рудигер Дорнбуш ва Ричард Шмалензиларнинг фикрича, молиявий сиёсат мустақил тушунча ҳисобланмайди. Улар молиявий сиёсат тушунчасига фискал сиёсат тушунчаси орқали ёндашадилар. «Фискал сиёсат эса давлатнинг ўз даромадлари ва харажатлари бўйича қарор қабул қилиши бўлиб ҳисобланади»[2], -деб таъкидланади.

Хориж иқтисодий мактабининг Кэмпбелл Р., Макконелл ва Стенли Л.Брю каби намояндалари ҳам шунга ўхшаш фикрларни билдириб, «молиявий-бюджет ва фискал сиёсат тушунчаларини бир ўрингa қўйишади»[3].

Профессор В.В. Лавровнинг фикрича, молиявий сиёсат ишлаб чиқаришни ҳисобга олиш ва назорат қилиш, меҳнат сифати ва маҳсулотларни тақсимлаш билан боғлиқ. Рус олими И.В. Левчук молиявий сиёсатнинг ишлаб чиқаришни ривожлантиришдаги катта ролини кўрсатиб, молиявий сиёсат, биринчи навбатда, марказлаштириш ва демократик бошқаришни ташкил этишда хизмат қилади, -дейди.

Молиявий сиёсатга тўлароқ тушунчани М.К. Шереметьев ўзининг «Финансы» ўқув қўлланмасида беради: «биринчидан, молиявий сиёсат -бу молиядан фойдаланиш бўйича давлатнинг асосий йўналишидир; иккинчидан, молиявий сиёсат - мамлакат иқтисодиётининг ичида рўй берувчи молиявий жараёнларнинг натижасидир»[4].

Юқоридагиларга асосланиб, молиявий сиёсат - бу ахолининг ҳаёт даражасини ошириш мақсадида молиявий маблағларнинг давлат томонидан тартибга солинишидир,-деб айтишимиз мумкин.

---

[2] Фишер С., Дорнбуш Р.,Шмалензи Р. Экономика. -М.: Финансы и статистика. 1993.
[3] Беляев Ю.А. Бюджетный федерализм: зарубежный опыт. -М.: Финансы. 1994.
[4] Финансы. Уч. пособие под ред. Шереметьева М.К. М.: Финансы, 2002, с. 75.

Молиявий сиёсат хакида фикр юритганимизда, унинг турларига алохида тўхталиб ўтишимиз лозим бўлади. Ҳозирги кунда молиявий сиёсат турларини қуйидагича гуруҳлаш мумкин:


- иқтисодий ўсиш сиёсати;
- мувозанатлаштириш сиёсати;
- чегаралаш сиёсати.

Молиявий сиёсатнинг юқорида келтириб ўтилган турлари миллий даромад хажмини ва аҳоли бандлиги даражасини оширишга, давлат харажатлари тизимини назорат қилишга, солиқлар воситасида иқтисодиётни тартибга солишга, бюджет-солик сиёсати яхлитлигини таъминлашга хизмат қилади. Молиявий сиёсатни амалга оширишда давлат молиясининг алохида бўғинларига эътибор каратилади.

Давлат молияси бўғинлари қуйидагилардан ташкил топади:

I-чизма

Давлат молиясининг таркибий тузилиши



Давлат бюджети кучли демократик давлатнинг ишончли молиявий таянчи бўлиб хизмат қилиши керак. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциясига биноан, Ўзбекистон Республикаси ўз молия ва пул-кредит тизимига эга. Давлат бюджети - республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва

маҳаллий бюджетлардан иборат. Бундан ташқари, давлат бюджети таркибида давлат мақсадли жамғармалари жамланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасида илк бор давлат ва маҳаллий бюджетларга тушунча бериб ўтилган, бунга кўра давлат бюджети - бу давлат пул маблағларининг (шу жумладан, давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили давомида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

Асосий молиявий режа сифатида бюджет қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

- бюджет универсал молиявий режа ҳисобланиб, ўз кўрсаткичлари билан ижтимоий ва иқтисодий ривожланишнинг барча соҳаларини қамраб олади. Бу универсаллик хусусияти бошқа молиявий режаларда учрамайди, чунки улар тор доирада ҳаракат қилади;
- бошқа молиявий режаларга нисбатан бюджет мувофиқлаштириш вазифасини бажаради.

Мувофиқлаштириш-бюджет кўрсаткичи билан бошқа молиявий режалар кўрсаткичининг ўзаро боғлиқлиги орқали амалга оширилади. Корхоналарнинг молиявий режаларида бюджетга тўланадиган мажбурий тўловлар ҳажми ва бюджетдан ажратиладиган маблағлар ажратилади.

Таниқли рус олимлари М.В. Карасева ва Ю.А. Крохина ўзларининг «Финансовое право» дарслигида бюджетнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятларининг кўрсатиб ўтадилар:

- бюджет- давлат ва маъмурий тузилмаларнинг харажатларини қоплаш мақсадида ташкил этиладиган пул маблағлари жамғармасидир;
- бюджет-давлат ва маъмурий тузилмаларнинг молиявий режали акти бўлиб, унда уларнинг даромадлари ва харажатлари кўрсатиб

ўтилади;

- бюджет-корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг баланси ва сметаси сингари молиявий режа бўлиб, универсаллик ва мувофиқлаштириш хусусиятига эга.

Юкорида кўриб чиқилган барча жиҳатлар бюджет мазмунини бойитиб, тўлдириб туради. Бюджет бу -давлат ҳокимияти органлари функцияларини таъминлаш мақсадида пул маблағларини ташкил этиш ва харажат қилиш шаклидир. Бу тушунчадан кўриниб турибдики, биринчидан, бюджет - бу пул маблағларини ташкил этиш ва харажат қилиш шакли ҳисобланади, иккинчидан, бюджет-давлат ва маҳаллий хокимият органларининг функцияларини таъминлайди.

Ҳар қандай категориянинг, шу жумладан, бюджетнинг моҳияти унинг вазифаларида намоён бўлади. Бюджет кенг молиявий категория бўлганлиги сабабли, унга молиянинг барча вазифалари хосдир.

Бюджетнинг қуйидаги асосий вазифаларини кўрсатиб ўтишимиз мумкин:

- миллий даромадни қайта тақсимлаш;
- иқтисодиётни тартибга солиш;
- бюджет соҳасини молиявий таъминлаш;
- давлатнинг ижтимоий сиёсатини амалга ошириш;
- марказлашган пул маблағлари жамғармаларини ташкил этиш ва фойдаланиш устидан назорат ўрнатиш.

Бюджет оммавий-ҳуқуқий категория бўлиб, норматив тарзда мустаҳкамланади ва давлат (маъмурий-ҳудудий тузилмалар) манфаатларини амалга оширишда хизмат қилади.

2.2. Бюджет-солиқ сиёсатининг мазмуни ва уни баҳолаш методологияси

Бюджет сиёсати иқтисодий сиёсатнинг ядроси ҳисобланади ҳамда ўзида жамият институтлари ва аҳоли ўртасидаги молиявий

муносабатларни яққол ифодалайди. Бюджет сиёсати, айтиш мумкинки, макроиқтисодий барқарорликнинг бош омилидир. Давлат бюджети сиёсатини юритишда икки дастакка эгадир. Булар давлат даромадлари ва харажатларидир. Буларнинг бевосита ва билвосита усуллар деб аташ мумкин.

Бюджет сиёсатининг билвосита усуллари бўлиб, солиқлар ва солиқсиз тўловлар орқали иқтисодиётга таъсир кўрсатиш каби тадбирлар ҳисобланади. Солиқ ставкаларининг ўзгариши, солиқлар бўйича имтиёзлар яратиш ёҳуд уларни бекор қилиш, турли хил тўловларни жорий қилиш каби билвосита усуллар орқали мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятга таъсир кўрсатиш мумкин, бунда солиқ тўловларнинг моддий қизиқишлари бюджет сиёсатидаги ҳал қилувчи ролни ўйнайди.

Бюджет сиёсатининг бевосита усулларига эса бюджетнинг харажатлар қисми орқали ижтимоий-иқтисодий вазиятга таъсир кўрсатиш киради. Тармоқларни молиялаштириш харажатлари миқдорини ўзгартириш, ночор корхоналарга дотациялар ажратиш, субвенциялар бериш, бюджет ссудаларини ажратиш, улар бўйича имтиёзлар жорий қилиш, чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун кафолатлар бериш каби тадбирлар бюджет сиёсатининг тўғридан-тўғри усуллари ҳисобланади.

Барқарор бюджет сиёсатини юритиш, ўз навбатида, бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигини таъминлашга хизмат қилади. Бюджет солиқ сиёсатини муваффақиятли амалга ошириш иқтисодиёт олдида турган мухим вазифаларни ҳал қилишда асосий рол ўйнайди.

Давлат бюджет-солиқ сиёсатининг стратегик вазифаси давлат маблағларини тузилмавий қайта қуришни, иқтисодий мустақилликни ва охир-оқибатда аҳоли фаровонлигининг ошишини таъминлаш учун ривожланётган бозор иқтисодиёти ва унинг инфратузилмасига мақсадли таъсир кўрсатишга йўналтиришдан иборат. Бу ерда бюджет-солиқ сиёсати деганда, давлатнинг бюджет даромадларини оптимал шакллантириш ва

давлат харажатларини рационализация қилиш учун солиқ олишни такомиллаштириш соҳасидаги сиёсати тушунилади.

Айни пайтда бюджет-солиқ сиёсати ишлаб чиқаришни ўстиришга ва унинг самарадорлигини оширишга, солиққа тортиладиган базани кенгайтириш мақсадида ҳуқуқий ва жисмоний шахслар даромадларини кўпайтиришга қаратилган бўлиши лозим. Бюджет-солиқ сиёсатининг хусусияти шундан иборатки, у нафақат давлатнинг даромадлар базасини таъминлаш ва келиб тушган пул маблағларини харажат қилиш, балки жамиятда макроиқтисодий барқарорликни ҳамда инфляциянинг паст даражасини, аҳолининг оптимал бандлигини таъминлаши зарур.

Бюджет-солиқ сиёсати тор маънода макроиқтисодий барқарорлик ва мустаҳкам иқтисодий ўсиш, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни ва босқичма-босқич валюта бозорини эркинлаштириш, аҳолининг барқарор моддий фаровонлигини таъминлаш ва аҳолининг ижтимоий ҳимоясини ошириш каби умумдавлат макроиқтисодий вазифаларни таъминлашга йўналтирилган.

Бюджет-солиқ сиёсати амалиётда амалга ошириш нуқтаи назаридан бирламчи вазифалар ўртасида тўғри мувофиқликни аниқлаш муҳим ҳисобланади.

Бошқача айтганда, бюджет-солиқ сиёсати доирасида умумий стратегияни ишлаб чиқиш билан бир қаторда навбатдаги амалга ошириладиган аниқ чора-тадбирларга фақат тўғри урғу бериш орқали муваффақиятга эришиш мумкин.

Бозор муносабатларига ўтишнинг муайян босқичи вазифаларига мос равишда бюджет-солиқ сиёсати инструментлари ҳам ўзгариб боради. Миллий иқтисодиётимизни ислоҳ қилишнинг бугунги кундаги энг муҳим вазифалардан бири давлат бюджети даромад ва харажатлари мувофиқлигини таъминлашга қаратилган. Бюджет-солиқ сиёсатининг стратегик вазифаси давлат харажатларини тузилмавий қайта қуришни,

даромадларнинг янги манбаларини излаб топишни, иқтисодий мустақилликни ва охир-оқибатда аҳоли фаровонлигининг ошишини таъминлаш учун ривожланаётган бозор иқтисодиёти механизмларига мақсадли таъсир кўрсатишни йўналтиришдан иборат. Бунда бюджет-солиқ сиёсати давлатнинг бюджет даромадларини бюджет харажатлари таркибий тузилишининг ўзгаришига қараб шакллантириш, даромадларни оқилона сарфлаш механизмини ишлаб чиқиш соҳасидаги сиёсат тушунилади.

Давлат бюджети сиёсати давлатнинг даромадлари ва харажатларини рационал шакллантириш, бюджет бўғинлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш, маҳаллий бюджетлар манфаатларини мувофиқлаштириб туришни таъминлаши лозим.

Айни пайтда, бюджет-солиқ сиёсати ишлаб чиқаришни ўстиришга ва унинг самарадорлигини оширишга солиққа тортиладиган базани кенгайтириш мақсадида ҳуқуқий ва жисмоний шахслар даромадларини кўпайтиришга қаратилган бўлиши керак.

Бозор иқтисодиёти шароитида бюджет-солиқ сиёсатининг асосий вазифалари иқтисодиётда ишлаб чиқариш жараёнининг пасайиб кетишига йўл қўймаслик, яъни ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат. Бунинг учун солиқ сиёсати соҳасида солиқ ставкаларини пасайтириш, янги инвестициялар учун солиқ имтиёзларини бериш, тезлаштирилган амортизацияни қўллаш каби тадбирлар амалга оширилади.

Ўзбекистондаги бюджет-солиқ сиёсатининг характерли хусусиятлари сифатида қуйидагиларни ажратиш мумкин:

- ⇒ ҳукумат ижтимоий-иқтисодий ва бюджет-солиқ сиёсатининг ўзаро боғланганлиги ва бир-бирини тўлдириши;
- ⇒ бюджет-солиқ сиёсатининг макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий юксалишни рағбатлантиришга эришиш ҳамда уни мустаҳкамлашга йўналтириши;

⇒ солиқ йиғимини оқилона усулда ташкил этиш ва соликларнинг рағбатлантирувчи ролини таъминланиши;

⇒ бюджет харажатларининг ижтимоий мақсадларга йўналтирилиши.

Умуман олганда мамлакат хукумати томонидан ўтказилаётган бюджет-солиқ сиёсати давлат ғазнаси билан соликларнинг рағбатлантирувчи роли ва бюджет харажатларининг энг мақбул тузилмаси ўртасидаги ўзаро нисбатнинг самарадорлигига эришиш имконини яратди. Ўз навбатида, даромадлар бўйича бюджетнинг барқарор ва тўлақонли ижроси бюджетда белгиланган барча тадбирларни ўз вақтида ва тўла молиялаштиришни таъминлайди.

2.3. Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги ва молиявий тартибга солиш

Макроиқтисодий жиҳатдан эса давлатнинг самарали бюджет-солиқ сиёсати инвестиция иклимини яхшилаш, молиявий барқарорлик, пул ва молия бозорлари ривожи, корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва аҳолининг реал даромадлари ўсишига имкон беради.

Солиқ тадбирлари бюджет тадбирларини тўлдириб туради ва улар биргаликда талаб мажмуасини ривожлантиришга, натижада эса ишлаб чиқаришни ҳам ривожлантиришга олиб келади. Бюджет-солиқ сиёсати пул-кредит сиёсати каби давлатнинг яхлит тадбирларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Иқтисодий ҳолатни кўтариш даврида давлат бюджет-солиқ ва пул-кредит сиёсатида қарама-қарши тадбирларни мужассамлаштириб туриш сиёсатини ўтказади. Ушбу даврдаги бюджет-солиқ сиёсати солиқлар ставкасининг кўтарилиши, давлат харажатларининг қисқариши, амортизация сиёсатини ўтказиш доирасида чегараланишлар билан характерланади.
2. Молиявий барқарорликни таъминлаш. Бунинг учун, энг аввало,

иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли ўтказишнинг асоси сифатида пул муомаласини барқарорлаштириш бўйича зарур чоралар кўриш даркор. Фақат барқарор пул тизими яратилган шароитида хўжалик механизмининг барча қатнашчилари ва ташкилий қисмлар ўртасида алоқалар ўрнатиш мумкин.

3. Инвестицион фаолликни ривожлантириш ва унинг миллий даромаддаги улушини кўпайтириш.
4. Бюджетнинг давлат дотациялари бўйича алоҳида моддий ишлаб чиқариш соҳаларига ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш. Харажатлар орқали бюджет, иқтисодиётни бошқариш ва ривожлантиришнинг муҳим дастаги бўлиб хизмат қилади.
5. Бюджетнинг даромад базасини, соликка тортишни такомиллаштириш ва соликларни тўлиқ тўланиши бўйича назоратни кучайтириш ҳисобига барқарорлаштириш. Соликлар орқали корхоналар фаолиятини рағбатлантириш рақобатбардошликни оширади, капитал йиғилиши учун қулай шароит яратади. Бунда турли соликлардан имтиёзлар берилиб, иқтисодий ривожланиш учун замин яратилади.
6. Давлат харажатларини мақсадли ва самарали ташкил қилиниши бўйича молиявий назорат тизимини шакллантириш.

Ҳозирги кундаги энг долзарб масалалардан бири - бюджет даромадлари ва харажатлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлашдан иборат. Бунда асосий ўринни бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигига эришиш масаласи эгаллайди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида издан чиққан иқтисодиётни қайтадан қуриш, янги жамият бошқарув тизимини шакллантириш, аҳолини «ижтимоий ларзаларсиз» бозор муносабатларига мослаштириш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш жуда катта маблағларни талаб этди. Лекин бу корхоналар зиммасидаги солиқ юкининг ортиб

кетишига, улар иқтисодий аҳволининг ёмонлашувига олиб келди. Шунинг учун кейинги йилларда асосий эътибор бюджет-солиқ сиёсатининг фақат фискал томонигина эмас, балки узоқ муддатли истиқболга эришиш мақсадида бюджет харажатлари таркибини қайтадан кўриб чиқиш ва солиқларнинг рағбатлантирувчи функциясини оширишга ҳам қаратилмоқда.

Бюджет уч таркибий қисмдан – харажатлар, даромадлар қисмлари ва улар балансидан иборат, яъни даромадларнинг харажатларга мувофиқлиги қоидасига кўра тузилади. Бюджетни шакллантириш, аввало, унинг харажатлар қисмини тузиш йўли билан юз беради, чунки давлат ўзида мавжуд молиявий имкониятлардан келиб чиқибгина харажатлар қилиши мумкин.

Давлат, аввало, жамиятни самарали ривожлантириш мақсадида унинг зарур маблағлари ҳажмини белгилаш ва шундан кейингина ўз қўлида бўлган бюджет даромад қисмини тўлдиришнинг асосий воситаси солиқ ва бошқа манбалари ёрдамида ана шу молиявий ресурсларни жалб этиши керак. Бюджет-солиқ сиёсати маблағлар ҳаракатининг аниқ йўналишларини, миллий даромадни қайта тақсимлашни акс эттиради, бу эса унга мамлакатда иқтисодиётни ва ижтимоий жараёнларни самарали бошқаришга имкон беради.

Иқтисодиёт ривожланишининг турли босқичларида бюджет давлат сиёсатини амалга ошириш қуроли, мўлжалланган дастурлар ва тадбирларни амалга ошириш учун пул маблағларининг асосий манбаси ҳисобланади. Охир оқибатда айни у давлат ҳокимиятининг кундалик масалаларини ҳам, ривожланиш истиқболларини ҳам ҳал этишдаги салоҳиятни белгилайди.

Бюджет иқтисодиётга, ишлаб чиқариш жараёнига, хўжалик ҳаётига давлат томонидан таъсир ўтказиш воситасидир, у давлат истеъмолининг молиявий асоси сифатида намоён бўлади ҳамда давлат томонидан

ижтимоий сиёсат олиб бориш учун фойдаланилади.

Давлат бюджети давлатнинг асосий молиявий режаси сифатида, ҳукумат органларига ўз ваколатларини амалга ошириш учун иқтисодий имкониятлар берди. Бюджет давлат учун зарур бўлган молиявий ресурсларни акс эттириб, шу билан биргаликда, мамлакат солиқ сиёсатини белгилайди.

Солиқ сиёсатини ўзгартириб, давлат муайян доираларда мамлакатни иқтисодий ривожлантиришни рағбатлантириши ва унинг иқтисодиётда пайдо бўладиган салбий кўринишларига йўл қўймаслиги мумкин. Солиқлар ёрдамида тартибга солиш ҳар қандай мамлакатнинг хўжалик ҳаётини, яъни ишлаб чиқариш таркиби, сармоя жамғариш шахсий истеъмолни қамраб олади, чунки солиқ сиёсатининг ўзгариши мамлакат иқтисодиётининг таъсирчан воситасидир. Бундай тартибга солишнинг асосий мақсади бўлиб, корхоналарнинг ички ва ташқи фаолияти учун (айниқса, инвестиция фаолиятини жонлантириш учун) солиқ иқлимини яратиш ҳамда сармоя ҳаракатини тармоқ ва минтақавий йўналишларда ривожлантиришни рағбатлантириш учун шарт-шароитларни таъминлаш ҳисобланади. Солиқ сиёсати ёрдамида тартибга солиш ҳар доим ҳам самарали натижалар беравермайди, бунга мавжуд иқтисодий вазиятни тўғри баҳоламаслик, узоқ муддатли стратегик тахминлаштиришни нотўғри белгилаш, солиқ юкининг таксимланишида номутаносиблик сабаб бўлиши мумкин.

Солиқ сиёсати асосига бюджетга солиқ тушумлари ҳажмларини солиқ ставкаларини ошириш ҳисобига эмас, балки ишлаб чиқаришни тегишли тармоқларини ва маҳсулотларнинг устувор турларини рағбатлантириш воситасида солиқ солиш базасини кўпайтиришга имкон яратадиган чоралар ҳисобига ошириш зарурлигига асосий эътиборни қаратиш лозим.

Солиқ сиёсати солиқларнинг жамиятдаги ролини белгилайди.

Солиқларнинг усткурма тартибнинг субъектив ҳодисаси сифатидаги аҳамияти давлат фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Ушбу аҳамият доимий ҳаракатда бўлиб, бутун халқ хўжалигини манфаатлари ва мақсадларини жамлама кўринишда акс эттирадиган ҳолда давлат сиёсатини ўзгаришига боғликдир.

Давлатнинг бюджет-солиқ сиёсати самарасиз бўлиши мумкин, яъни уни амалга ошириш қуйидаги ҳолларда мақбул натижаларга олиб келмайди:

1. Бюджет-солиқ сиёсати вақт даврлари муаммоси билан тўқнаш келади. Иқтисодий сиёсатни рўёбга чиқишда вақт-даврларининг икки тури ажратиб кўрсатилади.

Ички давр - иқтисодий шок гангитиш билан у ёки бу ҳаракатларни амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилиш ўртасида.

Ташки давр - чоралар кўриш билан натижани олиш ўртасида.

Иқтисодий танглик ёки инфляцияни англаш дарҳол юз бермайди. Одатда иқтисодчилар макроиқтисодий вазиятни батафсил таърифлайдиган статистика маълумотларини яхши деганда уч-олти ой кечикиб оладилар. Табиийки, бундай вазиятда ҳар қандай қарорлар кечикади.

Бюджет-солиқ сиёсати узоқ давом этадиган ички давр билан таърифланади: солиқ қонунларидаги ёки давлат харажатлари таркибидаги ўзгаришлар, одатда ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи органи томонидан тасдикланиши керак. Бу эса кўп вақтни талаб киладиган турли хил маъмурий русум-коидалар: қонун лойиҳасини тайёрлаш, уни муҳокама қилиш ва келишиб олиш, парламент томонидан қабул қилиниши, Президент томонидан тасдикланиши ва бошқалар билан боғланган.

Кўпинча бюджет-солиқ сиёсатини амалга оширишда функционал кечикиш юз беради: қарор қабал қилиниши билан унинг ижроси кўп вақт ўтишига тўқнаш келади.

Шундай қилиб, тадбир режалаштириш ва ижро этишдаги

муддатларга тўлиқ риоя этилмаслиги бюджет-солиқ сиёсатининг самарадорлигини пасайтиради, баъзан уни хавфли ҳам қилади: барқарорлаштириш ўрнига бекарорликка олиб келиши ҳам мумкин. Инфляция омили, пул муомаласининг барқарорлиги бюджет-солиқ сиёсатини (солиқларни камайтириш) натижаларини олиш пайтида иқтисодиёт тушкунлик босқичига ўтса, улар бирмунча, ноўрин бўлиши мумкин. Бунинг натижасида қуйидаги омиллар сабабли иқтисодий тушкунлик янада кучаяди.

1. Бюджет-солиқ сиёсатини амалга ошириш турли хил сиёсий муаммолар билан тўқнаш келади. Ҳукумат фаолияти, макроиқтисодий барқарорлаштиришдан . ташқари, барқарорлаштириш вазифасига зид келиши мумкин бўлган бошқа мақсадларни ҳам кўзлайди. Бюджет-солиқ сиёсатидан жуда тез соф сиёсий натижаларга эришиш (ҳокимият тепасига келиш, ҳ окимиятни қўлдан бермаслик) учун фойдаланилади. Солиқ юкининг камайиши давлат харажатларининг кўпайиши, одатда, турли хил сайлов олди тадбирлари бошланиши билан мувофиқ келиши аввалдан кўзга ташланиб келади. Бундан ташқари, бюджет сиёсатини доимо ҳамманинг кўз ўнгида сайловчилар мададига таянмоқчи бўлган сиёсатчилар (ҳатто, буни иқтисодий зарурият талаб қилган тақдирда ҳам) солиқларни кўпайтиришга ёки ижтимоий эҳтиёжлар учун харжатларни камайтиришга журъат эта олмайдилар.
2. Макроиқтисодий прогнозлаш муаммоси мавжуд. Қарорни ўз вақтида қабул қилишда ва ижронинг ўз вақтида амалга ошириш зарурлигини эътиборга олганда, бюджет-солиқ сиёсатининг муваффақияти макродаражада бўлғуси вазиятни олдиндан башорат қилиш мумкинлигига боғликдир. Масалан, 2002 йилда республикамизда ўтказилган «Ички истеъмол бозорини сифатли

маҳсулотлар билан тўлдириш ва савдо устидан банк назоратини ўрнатиш»га қаратилган бозорларни ёпиш сиёсати пул-кредит тизимининг номувофиқлигига, товарлар айланишининг секинлашувига, бюджетга тушумлар миқдорини камайтиришга, нақд пул массасини четга чиқишига, ишсизлик даражасининг ортишига сабаб бўлиб, бюджет солиқ сиёсати ва макроиқтисодий барқарорликка ўзининг салбий таъсирини кўрсатди. Ҳар бир макроиқтисодий сиёсат ўзининг натижаларини камида ярим йилдан кейин беради. Лекин, ярим йилдан сўнг иқтисодиёт тушкунлик ҳолатида бўладими, ривожланадими ёки бизнинг сиёсатимиз инфляция тўлқинини янада кучайтириб юборадими? Афсуски, илм-фаннинг ҳозирги ҳолати макроиқтисодий сиёсат учун аниқлик билан узоқ муддатли ва ўрта муддатли прогнозлар қилиш имконини бермайди. Одатда, қисқа муддатли (2-3 ойга) прогнозларгина муваффақиятли бўлади.

3. Фаол макроиқтисодий сиёсатнинг ҳозирги баъзи муҳолифлари ўз далил исботларида Лукас танқиди (рационал кузатишлар назарий мактабининг асосчиси Р. Лукас номи билан аталган) деган концепциядан фойдаланадилар. Лукас танқиди шундан иборатки, иқтисодий сиёсат натижаларини баҳолаш усулларини унинг иқтисодиёт субъектлари умидларини шакллантиришга таъсирини ҳисобга олмайди. Ваҳоланки, ушбу умидлар улкан ўрин эгаллаб, макроиқтисодий сиёсатни кўпинча маъносиз қилиб қўяди. Чунончи, ҳукумат томонидан рағбатлантирувчи сиёсат ўтказилганда иқтисодиёт субъектлари муайян вақт ўтгандан сўнг инфляция сакраши юз беришини тушунадилар. Шунинг учун улар ўз режаларини янги вазиятни ҳисобга олиб тузадилар. Солиқлар камайтирилиши ёки давлат режаларини ўстириш тўғрисида ахборот олиниши биланоқ ресурсларни сотувчилар инфляцияни

кутиб, ишлаб чиқариш омиллари нархини олдиндан оширадилар. Товар ва ресурслар нархининг ортиши истеъмолни камайтириб, иқтисодиётни ривожланишига тўсқинлик қилади.

Бюджет-солиқ сиёсати самарасини пасайтирадиган омиллардан қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- нархларнинг ўсиши (ҳақиқатда иқтисодиётни рағбатлантиришга доир чора-тадбирлар нафақат реал ЯИМ кўпайишига, балки инфляцияга ҳам олиб келиши мумкин);
- сиқиб чиқариш эффекти: солиқ ставкаларини камайтириш миллий жамғармаларини қисқартиради ва инвестициялар ҳажмини камайтиради;
- соф экспорт эффекти: солиқларни қисқартириш миллий жамғармалар миқдорини камайтиради, ички фоиз ставкасини оширади, хорижий сармояларнинг қўшимча оқиб келишига олиб келади: натижада мамлакат валютасининг курси ошади ва соф экспорт миқдори қисқаради.

Бюджет-солиқ сиёсатининг рағбатлантирилиши билан ЯИМ кўпайганда кишилар фоиз ставкасининг ошишига қарамай, пулга бўлган талабни оширадилар, натижада фоиз ставкалари кескин ошиб, инвестициялар ҳажми қисқаради. Бозор даромадларини кўпайтиришдаги бюджет-солиқ сиёсатининг ечими солиқ тизими ва солиқ сиёсати билан боғлиқдир. Ўзбекистоннинг солиқ сиёсатини ривожлантиришдаги асосий йўналиш бу давлат учун ҳам, бозор қатнашчилари учун ҳам қулай фискал шароитларни яратишдир. Бунда солиқ ислоҳотининг асосий мақсади фақат бюджет даромадларини кўпайтириш бўлиб қолмасдан, балки ишлаб чиқаришни ривожлантириш, тадбиркорликни рағбатлантириш ва фаолият фаоллигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоғи лозим. Бунда қуйидагилар кўзда тутилади:

- солиқларни қисқартириш, солиққа тортиш базасини кенгайтириш,

солиқ ставкаларини пасайтириш йўналишларида солиқ қонунчилигини такомиллаштириш;

- солиқ имтиёзларини қайта кўриб чиқиш;
- бир хил солиқ базасига эга бўлган солиқларни бирлаштириш;
- солиқ қонунчилигига риоя этиш устидан қатъий оператив назоратни жорий этиш.

Солиқлар бўйича боқимандалик муаммосини ечиш учун қуйидагилар зарурдир:

- солиқ тўловларини қарздор корхона ҳисобидан маблағлар олишни қонуний таъминлаш;
- қатъий равишда солиқлар бўйича қарздорликнинг мавжуд бўлишида банкротлик жараёнларини амалга ошириш;
- мулкдорларни ва корхона раҳбарларини солиқларни ўз вақтида бюджетга тўлаш бўйича жавобгарликни ошириш.

Айтиб ўтилган чораларни амалга киритиш бюджет-солиқ сиёсати самарадорлигини оширади. Улар ўртасидаги яхлитликни таъминлашга хизмат қилади ҳамда солиқ тизимини иқтисодий ўсишга эришиш вазифалари билан мувофиқлаштиришга ёрдам беради.

2.4. Бюджет-солиқ сиёсатига оид иқтисодчи олимларнинг қарашлари ва бу хусусдаги мунозаралар

Ҳозирги иқтисодиётнинг самарали ривожланиши кўп жиҳатдан бозор иқтисодиётининг давлат томонидан тартибланишига боғлиқ бўлиб бормоқда. Лекин, бунда асосий масала давлат томонидан бошқаришнинг воситалари, усуллари, имкониятлари ва чегараларини ҳар бир давлат учун хос бўлган бозор ички фаолиятидан келиб чиққан ҳолда тўғри танлаб олишдадир.

Иқтисодий адабиётлардан маълумки, давлат томонидан бозорни бошқаришнинг иқтисодий, маъмурий, ташкилий ва ижтимоий- психологик

усуллари мавжуд. Иқтисодий усулларга асосан пул-кредит сиёсати, молия-бюджет механизми, баҳони шакллантириш, иқтисодий дастурлаш ҳамда тадбиркорлиги киради.

Бошқаришнинг бу усулларидан фойдаланиш нисбатлари эса ҳар бир давлатнинг иқтисодий тузумига, бозор иқтисодиётининг ривожланиш даражасига боғлиқ бўлади. Жаҳон иқтисодий амалиётида шу пайтгача қадар бозорнинг эркин иктисодиёт, режали иқтисодиёт ва бошқариладиган, тартибга солиб туриладиган каби турлари амалда қўлланилган. Бозор механизмининг қайси тури амалда эканлигига қараб иқтисодиётни бошқаришнинг тегишли усулларига етакчилик қилади.

Республикамизда айнан бозорни бошқариш тажрибасининг йўқлиги сабаб ғарб иқтисодий тафаккури турли оқимларнинг давлатнинг бозор иқтисодиёти узоқ вақт амалда бўлган, ривожланган давлатларнинг бой тажрибаларини чуқур ўрганиш ва таҳлил этиш, натижаларидан зарур ҳолларда оқилона фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Шу мақсадда иқтисодиётни бошқаришда давлатнинг аралашуви, уни тартибга солишнинг назарий жиҳатларини ўрганиш ҳам муҳим аҳмиятга эга.

Мумтоз иқтисодчилар У.Петти, М.Б. Сей ва инглиз иқтисодчилари Д.Рикардо, Дж.Милль «эркин иқтисодиёт» тарафдорлари бўлганлар. Уларнинг фикрича, иқтисодиёт ўз-ўзини бозорнинг қиймат қонуни асосида бошқарувчи тизимдир. Давлатнинг иқтисодга аралашуви шарт эмас, талаб ва таклиф қонуни ишлаб чиқариш жараёнини бошқариб туради, молиявий ресурсларни зарур томонга йўналтириб туради, деб ҳисоблайдилар. Лекин, иқтисодий муносабатларнинг мураккаблашуви давлатни иқтисодиётнинг турли соҳаларида кенгроқ ва чуқурроқ аралашувини тақозо қилди.

Мумтоз иқтисодчилар орасида соликларнинг иқтисодиётдаги ролига нисбатан икки хил қараш мавжуд бўлган.

Кейнс мактаби соликларни давлат томонидан бошқарув воситаси деб ҳисоблаганлар, неоклассик мактаби эса соликларни фискал қурол сифатида

қабул қилинади. Солиқларнинг вазифасига нисбатан тегишли бўлган икки функциянинг мавжудлигидан ва бу икки қарашда улардан бирига кўпроқ эътибор берилишидан келиб чиқади. Бу солиқларнинг фискал ва иқтисодий функцияларидир.

Тўғри иқтисодчи П. Самуэльсоннинг фикрига кўра, дастлаб солиқлар фақат фискал мақсадда ўрнатилган ва ҳокимиятда ўтирганларнинг манфаатлари учун хизмат қилган. Мумтоз иқтисодиёта солиқлар фақат давлат бюджети даромадларининг манбаи сифатида ўрганилиб келинган. Солиққа тортиш соҳасидаги илмий назарияларда эса, асосан, солиққа тортиш тамойиллари, концепциялари, ундириш усуллари, солиққа тортишнинг адолатли даражасини ишлаб чиқишга бағишланган.

20-асрда давлатнинг иқтисодга аралашуви унинг иқтисодий жараёнларга ҳар хил усуллар билан таъсирини, хусусан, давлатнинг солиқлар воситасида иқтисодиётни тартибга солувчи йўналишларини ифодаловчи илмий назариялар пайдо бўлди. Бу назарияларнинг дастлабки «Кейнс назарияси» эди. Кейнс давлат ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаши, улар маҳсулотлари реализацияси манбаларини таъминлаш мақсадида самарали талаб, қўшимча истеъмолчи яратиш лозим, деб ҳисоблайди. Буни амалга ошириш мақсадида давлат тегишли солиқ тизими орқали инвестиция жараённи кучайтириши лозим бўлади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳукуматимиз юритаётган солиқ сиёсатининг айрим жиҳатлари Кейнс назариясининг баъзи ғояларини акс эттиради. Республикамизда қабул қилинаётган давлат инвестиция дастурларини молиялаштириш зарурияти корхона ва ташкилотларни солиққа тортишнинг юқори даражада бўлишини тақозо этувчи сабаблардан бири бўлган.

Иқтисодий қийинчиликлар даврида истеъмол даражасининг пастлиги сабабли корхона ва ташкилотлар, шунингдек, аҳоли қўлида йиғиладиган маблағлар кўп ҳолларда инвестицияга эмас, балки истеъмолни тўлароқ

қондиришга сарфланади. Ҳатто, тадбиркорларимиз сармоя қўйишни ҳохлаганларида ҳам уларнинг маблағлари катта аҳамиятга эга бўлган ишлаб чиқариш объектларини қуришга етмайди. Бу ҳолда якин келажакда иқтисодий тараққиётга эришиш учун молиявий ресурслар тақчиллиги шароитида бу маблағлардан самарали фойдаланиш мақсадида уларни юқори даражада солиққа тортиш орқали давлат бюджетига жамғариш бозор иқтисодиётига ўтиш боскичида ҳукуматимиз солиқ сиёсатининг йўналишларидан бири ҳисобланади. Бироқ, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу тадбирлар кутилган иқтисодий самарани бермаяпти.

Давлатнинг бюджет-солиқ сиёсати давлат харажатлари ва солиққа тортиш даражасини ўзгаришига бевосита таъсир эатади. Давлат харажатларини ошиши даромадларни берилган даражасида режалаштирилаётган жами харажатларни ўсиб боришини билдиради. Шунга мувофиқ мувозанатли даромад Y ҳам ўсади,у Y1 ҳолатини эгаллайди. Бунда даромадларни қўшимча ўсиши давлат харажатларининг қўшимча ўсишига қараганда кўпроқ бўлади. яъни ***дельта Y катта дельта G.***

Дельта Y \ дельта G. нисбатни давлат харажатларининг мультипикатори деб аталади. У давлат харажатларини бир миқдорга кўпайганда мувозанатли даромад қанча ошганлигини билдиради. Давлат харажатлари жами харажатларнинг бир қисми ҳисобланар экан, демак, бундай ҳолатда давлат **харажатларининг мультипикатори** ҳамда жамғаришга ***(MPS)*** ва истеъмолга ***(MPC)*** мойиллик ёрдамида алоқа мавжуд бўлади.

Даромадларда жамғариш улушини ўзгариши қанчалик кам бўлса, харажат шунчалик кўп ва даромадлар миқдори ***(Y)*** юқори бўлади. Шунга мувофиқ, мультипикатор ҳам юқори бўлади. Бошқача айтганда, мультипикатор ***(MPS)*** нинг тескари қийматига тенг. ёки ***1\ MPS.***

Бироқ, ***MPS + MPC =1*** бўлгани учун давлат харажатлари мультипикатори миқдори ***1\ 1-MPC*** га тенг бўлади. Мисол учун,

истеъмолга бўлган чекланган мойиллик 0,7 га тенг бўлса, унда мультипикатори 3,33 тенг бўлади *(1/1-0,7)*. Бу шуни билдирадики, давлат харажатларини бир миқдор кўпайиши мувозанатли даромадни 3,33 бирликка оширади.

Солиқларнинг ўзгариши ***дельта Т*** даромад ва истеъмолга тескари таъсир кўрсатади. Солиқларнинг камайиши мультипикатор самарасини келтириб чиқаради, яъни даромадларни солиқлар ўзгариши миқдорига қараганда янада кўпроқ қўшимча ўсишига олиб келади. **Солиқ мультипикатори** ёки даромадларга солиқларни ўзгаришидан келадиган самара тенг.

У\Т= MPC\ 1- MPC

Масалан, агарда истеъмолга бўлган чекланган мойиллик чегараси 0,7 га тенг бўлса, унда солиқ мультипикатори 2,3 тенг бўлади ***(0,7/1-0,7)***. Бу шуни билдирадики, солиқларни бир миқдорга камайтириш даромадларни 2,3 миқдорга ўсишига олиб келади.

Аммо, Кейнснинг фикрича, юқори солиққа тортиш иқтисодиётда ижобий рол ўйнайди, бюджет даромадларини таъминлаш орқали иқтисодиётда мувозанатни таъминлаш мумкин бўлади. Солиқ тушумларининг пасайиши бюджет даромадлари ва харажатларини пасайтириб, иқтисодий барқарорликнинг юзага келишига сабаб бўлади. Прогрессив солиққа тортиш эса иқтисодиётда мувозанатни сақлайди, яъни солиқлар бу беқарорликни тўғрилайди.

Айрим давлатлар бу концепцияни давлат харажатлари юқори бўлган қуролланиш даврлари учун муваффақиятли қўллашди. Лекин, иқтисодий ўсишнинг талабларидан бири бўлган ишлаб чиқаришга илмий-техника тараққиётини жорий этиш зарурияти туфайли давлат иқтисодиётни бошқариш йўналишларини давлат дастурлари орқали талабни кучайтириш воситасида ишлаб чиқаришнинг ривожланишини рағбатлантиришга қаратди. Кўп ҳолларда мамлакатда талабни кучайтириш чет

мамлакатлардан товарлар олиб келишига сабаб бўлди.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, юқори даражада солиққа тортиш концепцияси ортиқча ишлаб чиқариш ва реализация билан боғлиқ муаммолар мавжуд пайтда ўзининг айрим ижобий натижаларини бериши мумкин бўлади. Аммо, иқтисодий тушкунлик ва инфляция даврида ишлаб чиқаришни рағбатлантириш мақсади давлатнинг иқтисодиётга бевосита аралашувини камайтиришни тақозо этади. Бу эса ўз навбатида давлат харажатларини камайтириб, солиқ ставкаларини пасайтириш учун имкон яратади.

Соликларнинг пасайтирилиши ва имтиёзларнинг тақдим қилиниши натижасида аҳоли жамғармаларини ўстиришга ҳаракат қиладилар. Натижада ишлаб чиқариш, бинобарин, солиққа тортиладиган даромадлар кўпаяди. Бу эса, ўз навбатида, бюджет даромадларининг кўпайишига замин тайёрлайди. Бу ғояни илгари сурган «таклиф назарияси» асосчилари инвестиция жараёнини рағбатлантириш мақсадида солиқларни қисқартириш тарафдорлари бўлиб чиқди.

Бошқариладиган бозор иқтисодиётини иқтисодий усуллар билан бошқаришда унинг асосий шаклларидан пул-кредит сиёсатини юритиш билан бир қаторда солиқлар воситасида бошқаришнинг ҳам аҳамияти катта.

А.Смит, Д.Рикардо ва уларнинг издошлари томонидан ишлаб чиқилган солиқларнинг классик назарияси (солиқларнинг нейтралитети назарияси)га мувофиқ, солиқлар ҳукуматни сақлашга керак бўладиган харажатларни қоплаши лозим бўлган давлат даромадларининг бир туридир. Бунда солиқларнинг бошқа роллар бажариши иқтисодиётни бошқариш, суғурта тўлови, хизматларга ҳақ ва бошқалар) ҳақида кенг фикр юритилмаган.

А.Смит бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг (давлат мулкидан келадиган) бевосита даромадлари улуши табиий камаяди, давлат бошқарув

харажатларини қоплашнинг асосий манбаи солиқ тушумлари бўлиши шарт, деб ҳисоблаган. «Бошқа харажатларни масалан, йўлларни қуриш ва суд муассасаларини сақлаш ва бошқаларни молиялаштириш бўйича харажатлар манфатдор фуқаролар томонидан тўланадиган тушумлар ва йиғимлар ҳисобидан қоплаши керак»[5]. Француз олими Пол Мари Годмс фикрича, «солиқларнинг ягона мақсади-давлат харажатларини молиялаштириш ва ғазналарни таъминлаш»[6]дан иборатдир.

Кейинчалик неоклассик назария вакиллари соликларнинг бошқарувчанлик аҳамиятини кўрсатиб беришди. Уларнинг фикрича, иқтисодий жараёнларни бузилишидан ишлаб чиқариш соҳасидаги қулайлик бошқасига ноқулайлик туғдирмаслиги лозимлигини уқтиришди.

Классик иқтисодиётдаги қарашларга инглиз иқтисодчиси Д.Кейнс ва унинг издошлари томонидан ишлаб чиқилган кейнсчилик назарияси қарши чиқди. Ушбу назариянинг мазмуни, солиқлар иқтисодиётни бошқаришни бош дастаги ҳисобланади ва унинг муваффақиятли ривожланишида муҳим компонентлардан бири бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда иқтисодиётда соликларнинг аҳамияти жуда катта эканлиги барча замонавий иқтисодий назария вакиллари томонидан эътироф этилади. 80-йилларда иқтисодиёт назариясини илгари сурган америкалик олимлар М. Бернст, Г.Стайн, А.Лаффер солиқлар тўғрисидаги кейнсчилик назарияси қарашларини ривожлантириб, солиқлар иқтисодиётни бошқариш ва ривожлантиришнинг муҳим омили эканлиги ҳақидаги фикрларни қўллаб-қувватлашади. Ушбу назарияга кўра, солиқ юкининг оғирлашуви фақат маълум бир чегарага етгунча қадар давлат даромадларининг кўпайишига олиб келиши мумкин. Бу чегара миллий ишлаб чиқариш солиққа тортиладиган қисмининг қискариши билан бошланади. Агар ана шу чегара босиб ўтилса, солиқ сиёсатининг ўсиши бюджет даромадларининг ўсишига эмас, балки, аксинча, қискаришига


---

[5] Булатов А. Экономика. –М.: Бек. 1994. стр 310.
[6] Годме П. М. Финансовое право. –М.: Прогресс. 1978. стр 385.

олиб келади. Бу нарсани график кўринишида ифодалаш мумкин.

2-чизма

Лаффер эгри чизиғи



Графикдаги вазиятдан кўриниб турибдики, Лаффер эгри чизиғи давлат бюджети даромадларининг солиқ ставкаси даражасига боғлиқлигини кўрсатади. Ундан солиқ ставкаларининг ўсиши маълум бир критик нуқтага етгунга *(O; M)* қадар давлат бюджети даромадларининг ўсишига олиб келиши *(M)* мумкинлигини аниқлаш қийин эмас. Ана шу критик нуқтадан сўнг солиқ ставкаларининг яна оширилиши тескари натижаларга олиб келади. Корхона олинган фойдани қандай қилиб бўлса ҳам солиқдан «қочиш», уни яшириб қолиш йўлларини қидира бошлайди, ишлаб чиқариш ва инвестициялар ҳажми қисқаради.

Шундай қилиб, тадбиркорлик фаолиятини жонлантириш вазифасини солиқ юкини енгиллаштирилиши орқали ҳал қилиш лозим. Солиққа тортиш ставкасининг пасайтирилиши ишлаб чиқаришнинг ўсишига, ўз навбатида, келажакда солиқ тушумларининг вақтинчалик камайишини компенсация қилинишига олиб келади.

Солиқларнинг ҳаддан зиёд оғир бўлмаслиги солиқ тизими асосий тамойилларидан биридир. Бу ерда гап аслида, солиқ фаолиятининг у ёки бу

турини рағбатлантириш ёки рағбатлантирмаслиги тўғрисида кетаяпти. Агар солиқ оғир бўлиб, у ёки бу фаолиятининг ривожланишига кескин тўсқинлик қилса, у ҳолда бундай солиқни ҳаддан зиёд оғир, деб қабул қилиш мумкин ва аксинча.

Солиқларнинг ҳаддан зиёд оғирлик даражасини фақат солиқ тўловчиларгина эмас, балки бу нарсани мамлакатимиз доирасида солиқ сиёсатини ишлаб чиқувчилар ва ҳаётга татбиқ этувчилар ҳам аниқ идрок этмоқлари керак. Чунки, солиқларнинг ҳаддан зиёд оғир эканлиги муваффақиятли солиқ сиёсатини юргазилаётганлигидан далолат бермайди ва бундай солиқ сиёсати юргизиш билан кўзланган мақсадларга эришиб бўлмайди.

Демак, хулоса қиладиган бўлсак, иқтисодиётни бошқаришнинг юқорида айтиб ўтилган назарияларидаги солиқларнинг роли тўғрисидаги қарама-қаршилик, аслида иқтисодиётнинг динамик ривожланишида олиб қарайдиган бўлсак, бир-бирини тўлдириб туради. Қиска даврларда солиқларни камайтириш талабни ўзгартиришга ва, албатта, бюджет тушумларининг камайишига олиб келади. Солиқлар орқали таклифга таъсир этиш ўз натижасини дарҳол кўрсатмайди. Корхона учун солиқ босими камайтирилгандан сўнг ҳосил бўлган ортиқча даромадларни жамғариш, инвестицияшга сарфлаш, курилиш қилиш, ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олиш, ўрнатиш анчагина вақт талаб қилади. Шундан кейингина қўшимча маҳсулотлар таклифи ўсиши юз бериб, бюджетга қўшимча тушумлар келиши мумкин.

Демак, бунда давлат хавфли таваккалчиликка боради. Онгли равишда бюджет дефицитини кучайтириб, бюджетга келиб тушмаган даромадлар ҳисобидан маълум ораликдан (вақтдан) сўнг кўпрок даромад келишини кутиш лозим бўлади. Айнан шу хавфли таваккалчиликнинг мавжудлиги ва вақт кераклиги кўп давлатларда ушбу назариянинг қўлланилишига имкон бермайди. Айниқса, буни иқтисодий ривожланаётган давлат харажатлари

юқори, даромадлар эса кам бўлган давлатларда кузатилади. Бизнинг республикамизни ҳам шулар қаторига киритиш мумкин. Шундай қилиб аҳолига, истеъмолчиларга ишлаб чиқарувчиларга нисбатан солиқлар пасайтирилганда, ишлаб чиқаришнинг ва реализациянинг ўсиши орқали даромадларнинг ҳам ўсиши ва бюджетга қўшимча даромадлар тушиши мумкин. Аммо, қўшимча даромадлар суммаси солиқларни пасайтириш ҳисобига бюджет даромадларининг камайган суммасига тенг бўлмаса-да, келгусида солиқ тўловчиларнинг кўпайиши ва солиқ объектларининг кенгайиши ҳисобига даромадларнинг харажатларни қоплаш учун етарли бўлган миқдорини таъминлаши мумкин.


Маълумки, хўжалик субъектларининг молиявий барқарорлиги давлат бюджети даромадлари узлуксизлигини таъминлайди. Ишлаб чиқарувчиларнинг инқирозига учраши давлат ва жамият манфаатларига путур етказади. Ишлаб чиқариш стихияли тарзда зарурий йўналишга тушиб олгунга қадар маълум вақт талаб этилиши молиявий ресурсларнинг мақсадсиз ишлатилишига, ишлаб чиқариш объектларининг самарасизлигига олиб келади. Бундан ташқари, иқтисодиётнинг шундай соҳалари мавжудки, бу тармоқларга сармоя сарфлаш сармоя эгалари учун етарли даражада манфаат келтирмайди.

Бундай ҳолларда давлат бюджети-молия, аниқроғи солиқлар орқали таъсир қилиши, яъни солиққа тортиш даражасини пасайтириши ёки бу тармоқларни молиялаштириши, субсиядиялар бериши, ёҳуд инвестиция қилиши ва ҳоказолар орқали давлатнинг иқтисодиётга аралашуви уни тартибга солиш зарурияти юзага келади. Бунда давлат бошқариш воситалари орқали талаб ёки таклифга ташқи савдо оборотига, инфляцияга, истеъмолга, сармояларни зарурий йўналишга буришга, таъсир ўтказишга ҳаракат қилади. Давлатнинг иқтисодий бошқариш воситаларидан бири бўлган молия-бюджет механизмини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнига таъсирининг асосий йўналишлари қуйидагилардан

иборат (2-чизмага қаранг).

3-чизма

Молия бюджет механизмининг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнига таъсирининг асосий йўналишлари



Бозор муносабатларига ўтишнинг муайян вазифаларига мос равишда бюджет-солиқ сиёсатининг инструментлари ҳам ўзгариб боради. Маълум даврларда улар бюджетни маблағлар билан таъминлашни тўлдиришга қаратилса, баъзи даврларда иқтисодий қўллаб-қувватлашнинг муҳим воситаси сифатида намоён бўлади.

Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигини таъминлашда давлат тадбирларининг йўналишлари қуйидагилардан таркиб топади:

- мамлакатда макроиқтсодий барқарорликни, иқтисодиётнинг жадал суръатларда ривожланишини таъминлаш, ялпи ички маҳсулотнинг изчил ўсишига эришиш, йиллик инфляция даражасини пасайтириш;

- мамлакатда қатъий пул-кредит сиёсатини амалга ошириш орқали миллий валюта қадрини мустаҳкамлаш, унинг эркин айирбошлашини таъминлашга эришиш;
- корхоналарга солиқ юкини камайтириш бўйича тадбирларни изчил давом эттириш, хўжалик субъектларининг инвестицион фаоллигини оширишга, уларнинг иқтисодий эркинлигини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, айниқса, кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қўшимча рағбатларни яратиш, ялпи ички маҳсулотнинг шаклланишида ва ички бозорни тўлдиришда уларнинг ролини ошириш;
- миллий иқтисодиётнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш учун қўшимча иқтисодий рағбатларни яратиш, хорижий инвестициялар жалб қилиш учун зарур шароитларни таъминлаш;
- бюджет маблағлари самарадорлигини ошириш мақсадида ғазначилик тизимини жорий этиш;
- бюджет ташкилотларини молиялаштиришда бюджетдан ташқари манбалар аҳамиятини ошириш ҳамда бюджет маблағларидан фойдаланишда уларнинг мустақиллигини кенгайтириш.

Юқорида санаб ўтилган давлат тадбирлари, аввало, бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигини таъминловчи мезонлар ва омилларни белгилашда муҳим рол ўйнайди.

Давлат бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигини таъминлашга бир қанча сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий омиллар таъсир кўрсатади. Бунга давлат тузилиши, сиёсий ҳолат, ички ва ташқи сиёсат йўналишлари, мамлакатдаги макроиқтисодий барқарорлик, аҳолининг иш билан таъминлаш даражаси, инфляция, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, инвесторлар учун яратилган қулай инвестицион муҳитнинг мавжудлиги, аҳолининг турмуш даражаси ва бошқалар киради. Юқорида келтириб ўтилган омил ва

мезонлар бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигини таъминлашга билвосита таъсир кўрсатади. Лекин бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигини таъминлашга бевосита таъсир кўрсатувчи омиллар ҳам мавжудки, улар ушбу сиёсатни самарадорлигини белгилаб бериб, давлат тадбирларининг энг муҳим дастаклари ҳисобланади. Фикримизча, бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигини таъминлашга бевосита таъсир этувчи омиллар ва мезонлар таркибига 3-чизмада кўрсатилган омиллар ва мезонлар киради.

4-чизма

Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигини таъминлашга бевосита таъсир этувчи омиллар ва мезонлар


Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигига таъсир этувчи омиллар	Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигига таъсир этувчи мезонлар
Бюджет даромадларининг таркиби, тузилиши ва йўналишларига боғлиқ омиллар	-бюджет даромадларида солиқли ва солиқсиз тўловлар нисбатининг ўзгариши; -янги солиқ ва тўловларни жорий этиш, самарасиз солиқлар ва тўловларни бекор қилиш, солиқсиз тўловларнинг бюджетдаги ролини ошириш; -юридик ва жисмоний шахслар учун солиқ юкини пасайтириш, солиқ базасини камайтириш, солиқ ставкасини пасайтириш, солиқ тўловчилар учун имтиёзлар бериш.
Бюджет харажатларининг таркибига боғлиқ омиллар	-харажат миқдори ва нисбатларининг ўзгариши; -харажат таркибининг ўзгариши; -бюджетдан ажратиладиган субсидия ва дотациялар миқдорининг ўзгариши; -Давлат бюджети тақчиллиги даражаси ва бошқалар.

Маълумки, бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигига юқорида кўрсатилган икки муҳим йўналишдаги омиллар ва уларнинг таркибий элементлари жиддий таъсир кўрсатади. Бунда асосий ўринни давлат бюджети солиқли даромадлари ташкил этиб, унинг ўзгаришига қуйидаги омиллар таъсир қилади.

Қуйидаги чизмада кўрсатиб ўтилган солиқ элементлари давлат бюджети даромадлар қисмини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

5-чизма

Давлат бюджети солиқли даромадларининг ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар таснифи



Айнан уларнинг йилдан-йил ўзгартирилишида мавжуд иқтисодий вазият, давлатнинг ижтимоий-сиёсий ривожланиш даражаси ҳамда бошқа жиҳатларни инобатга олиш лозим бўлади.

Жаҳон цивилизациясида турли давлатларнинг иқтисодий тузуми, ижтимоий-сиёсий ривожланиш даражаси, ишлаб чиқариш ва мулкчилик муносабатлари ҳолатининг турлича бўлиши, ўз навбатида, ҳар бир давлатда солиқларнинг бюджет даромадларини шакллантиришдаги ўрни, солиқларнинг таркибий тузилишини, бевосита ва билвосита солиққа тортиш нисбатини, солиқлар бажарадиган функциялардан фойдаланиш шартларини, солиққа тортиш тамойилларини, солиқ имтиёзлари таркиби

ва улардан фойдаланиш даражаси, солиқ юки даражасининг ҳам турлича бўлишини тақозо қилади. Бинобарин, бундай шароитида солиқлар орқали иқтисодиётни тартиблаш жараёни ҳам турлича бўлиши табиий, албатта, аммо барча давлатларда бу бошқаришда солиқлардан фискал, рағбатлантирувчи ва чегараловчи восита сифатида фойдаланилади.

Давлат томонидан ўтказилаётган солиқ-бюджет сиёсати давлат ғазнаси билан солиқларнинг рағбатлантирувчи роли ва бюджет харажатларининг энг мақбул тузилмаси ўртасидаги ўзаро нисбатнинг самарадорлигига эришиш имконини яратди. Ўз навбатида, даромадлар бўйича бюджетнинг барқарор ва тўлақонли ижроси бюджетда белгиланган барча тадбирларни ўз вактида ва тўла молиялаштиришни таъминлайди.

Макроиқтисодий жиҳатдан эса давлатнинг самарали солиқ-бюджет сиёсати инвестиция иклимини яхшилаш, молиявий баркарорлик пул ва молия бозорлари ривожи, корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва аҳолининг реал даромадлари ўсишига имкон беради.

Таянч сўз ва иборалар

Молия сиёсати, давлат харажатларининг мультипикатори, бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигини таъминлашга бевосита таъсир этувчи омиллар ва мезонлар, бюджет тизимининг асосий тамойиллари, Лаффер эгри чизиғи.

Мавзу бўйича назорат учун саволлар

1. Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигини таъминлашда давлат тадбирларининг йўналишлари нималардан иборат?
2. Давлат харажатларининг мультиликатори ҳамда солиқ мультипликаторининг моҳиятини ва вазифаларини тушунтиринг.
3. Бюджет-солиқ сиёсатига оид иқтисодчи олимларнинг қарашлари ва мунозаралари тўғрисидаги фикрларингизни айтинг.
4. Давлат бюджети солиқли даромадларининг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни кўрсатинг.
5. Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигини таъминлашга бевосита таъсир этувчи омиллар ва мезонларни тушунтиринг.

II -бўлим. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ШАРОИТИДА БЮДЖЕТ-СОЛИҚ СИЁСАТИ ЯХЛИТЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

3-боб. Ҳозирги замон шароитида бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигини таъминлаш омиллари ва мезонлари

3.1.Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигини таъминлаш юзасидан ривожланган давлатлар ижобий тажрибалари таҳлили

Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигини таъминлаш борасида ривожланган давлатларда ижобий тажрибалар тўпланган. Улардаги бу сиёсатнинг изчил амалга оширилиши давлат бюджети даромадларини бир меъёрда барқарор ўсишни, харажатларни окилона сарфланишига олиб келмокда. Ҳар бир давлатнинг бюджет-солиқ сиёсатининг ўзига хос томонлари мавжуд.

АҚШнинг бюджет тизими ўзига хос хусусиятларга эга. Чунончи, АҚШда миллий даромаднинг 40 фоизи давлат бюджети орқали тақсимланади. Шунингдек, давлатнинг иқтисодиётга аралашуви 20-25 фоизни ташкил қилади.

АҚШнинг бюджет тизимининг ўзига хос хусусияти шундаки, ижтимоий харажатларнинг асосий қисми маҳаллий бюджетлар ҳисобидан амалга оширилади. Кейинги йилларда жами харажатларнинг 30-35 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилмокда.

АҚШда бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигини таъминлашда солиқлар ҳам муҳим рол ўйнайди. Бу давлатнинг солиқ тизимини кўриб чиқадиган бўлсак, у баъзи бир белгилари билан бошқа бир солиқ тизимларидан ажралиб туради. Жумладан:

- мамлакат солиқ тизимида жуда катта бошқарув аппаратининг мавжудлиги;
- солиқ органлари умумий тузилишининг мамлакат миқёсида қатъий

марказлаштиришнинг йўқлиги, мамлакат солиқ идораларининг уч даражали федерал, штат ва шаҳар (баъзан айрим графликлар даражасидаги туманлар) уларнинг ҳар бирининг тўлиқ мустақиллигидир.

Ҳозирги кунда АҚШнинг солиқ тизими такомиллашган бўлиб, бунда солиқлар фақатгина бюджетни тўлдириш, яъни фискал функцияни бажарибгина қолмай, балки иқтисодий ривожланишнинг асосий таянч элементларига айланади. АҚШда бюджет-солиқ сиёсатини амалга оширилишида бюджет воситаларининг шаклланиши ва ҳаракат қилиниши марказий ўринни эгаллайди. АҚШ молия тизимининг асосий бўғини бўлиб, федерал ҳукуматнинг бюджет механизми ҳисобланади. .

АҚШ Президенти Рональд Рейган бошчилигида 1986 йилда солиқ ислоҳоти ўтказилди ва бир нечта ўзгаришлар рўй берди. Ушбу ислоҳотда ҳукумат қуйидаги масалаларни кўриб чиқди:

1. Даромад солиғи ставкалари ва имтиёзларни камайтириш.
2. Дефицитни йўқотиш учун давлат харажатларини камайтириш.
3. Солиқ қонунчилигини қайта кўриб чиқиш.
4. Пул-кредит сиёсатини олиб бориш.

Бюджет-солиқ сиёсати соҳасида ўтказилган ушбу ислоҳот ижобий натижага эришди, яъни унга кўра баъзи солиқ ставкалари пасайтирилди, имтиёзлар қисқартирилди ҳамда баъзи солиқлар жорий этилди.

АҚШ молия тизимининг асосий бўғини федерал ҳукумати бюджет механизми ҳисобланади. Йирик ва доимий тушумга эга бўлган солиқлар федерал бюджетга йўналтирилади. Федерал харажатлар умумдавлат харажатларининг тахминан 60 фоизини ташкил этади. Қолган 40 фоизи штатлар ва маҳаллий ҳокимият идораларининг бюджетларига тўғри келади.

Федерал бюджет таркибида юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги 54,3 фоизни (юридик шасхлардан 9,3 фоиз,

жисмоний шахслардан 45,0 фоиз), акцизлар 6,3 фоизни, совғалар ва меросдан олинадиган солиқ 1,0 фоизни, иш берувчилар билан оқимлар томонидан баравар тўланадиган ижтимоий таъминотга ажратмалар 27,6 фоизни, бепул тиббий ёрдамга ажратмалар 7,0 фоизни, иш берувчилар томонидан тўланадиган ишсизлик нафақаларига ажратмалар 2,0 фоизни ташкил қилади.

Федерал бюджетнинг харажатлар қисми 20 та асосий бюджет тоифаларига, шу жумладан, миллий мудофаа, халқаро ишлар, қишлоқ хўжалиги, транспорт, энергетикани ривожлантириш, соғлиқни сақлаш, ижтимоий суғурта харажатларига, давлат қарзи бўйича фоизлар тўлашга ва бошқаларга бўлинади.

Штатларнинг бюджетларига солиқ тушумларининг умумий ҳажмида жисмоний ва юридик шахслардан олинадиган даромад солиғи 39,0 фоизни, маҳсулот сотишдан олинадиган солиқ 49,0 фоизни, юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган мулк солиғи 2,0 фоизни, фойдали қазилмаларни қазиб чиқарганлик учун табиий ресурсларнинг мулкдорлари томонидан тўланадиган солиқ 2,0 фоизни, лицензияланадиган фаолият билан шуғулланиш ҳуқукини берганлик учун олинадиган лицензия йиғимлари 6,0 фоизни ташкил этади. Муниципал маъмурлар жисмоний шахсларга даромад солиқлари, акцизлар, компаниялардан лицензия йиғимлари, касб учун солиқ, фойдали қазилмаларни қазиб чиқарганлик учун солиқ, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солиқ солиши мумкин. Давлат бюджетининг даромадларига назар ташлайдиган бўлсак, Давлат ҳукумати уч босқичдан иборатлиги учун солиқларни уч даражада бўлинишини 1-жадвалдан кузатиш мумкин.

1-жадвал

АҚШда 2000-2002 йиллардаги солиқ турлари бўйича даромадларнинг таксимланиши

(млн. долларда)

Кўрсаткичлар	1996	1997	1998
Юридик шахслар даромадларига солиқ	133,9	204,7	213,3
Жисмоний шахслар даромадларига солиқ	745,3	825,0	928,4
Касб учун солиқ	492,4	528,6	557,8
Мулк солиғи	17,6	20,4	24,6
Акциз солиғи	42,2	44,6	45,6
Жами даромадлар	1486,4	1623,3	1769,4

Манба. АҚШ федерал бюджети маълумотлари асосида

АҚШ солиқ тизимига хос бўлган рағбатлантирувчи ёндашув бошқа хар қандай тизимга нисбатан кучлироқдир. Бундай ёндашув фақат иқтисодиётга эмас, балки жамият ҳаётида ҳам кўзга ташланган ижобий тамойиллар ва жараёнларнинг самарали ривожланишини таъминлайди. Маълум даврларда иқтисодий ўсишни жадаллаштириш учун айрим солиқ турларининг ставкалари камайтирилади.


Ҳар қандай активлар, акциялар, уйлар, ер участкаларидан олинадиган сармоя даромадларига солиқ солинади. Унинг ставкаси ишлаб топилган даромадлардан (иш ҳақи, хунармандларнинг даромадлари ва шу кабилардан) олинадиган солиқлардан тахминан икки баробар камдир. Бу эса ижтимоий жамғарилишни рағбатлантиради. Чунки, улар сармоядан даромад олиш ҳуқуқини берадиган қимматли қоғозларни сотиб олиш фойдали бўлади.

Федерал бюджет даромадларининг асосий қисмини тўғри солиқлар ташкил этади. Штат ва маҳаллий ҳукумат бюджетларига эгри солиқлар

кўпрок тушади (1-диаграмма).

1-диаграмма

2002 йил АҚШ федерал бюджети даромадлари таркиби



Федерал бюджетга тушадиган даромад солиғи асосий ўринни эгаллайди. Ушбу солиқни ҳисоблаш ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, бунда оилавий шароитининг таъсири алоҳида олинади (2-жадвал).

2-жадвал

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблашда оилавий шароитнинг таъсири

(доллар ҳисобида)

Солиққа тортиладиган даромад				Солиқ ставкаси
0-40100	0-20500	0-24000	0-32150	15
401010-96300	20501-48450	24001-58150	32151-83050	28
96301-147700	48451-73850	58151-92130	83051-134500	31
147701-263750	73851-131875	92131-263750	134501-263750	36
263750ва ундан юкори	131876 ва ундан юқори	263751 ва ундан юқори	263751 ва ундан юқори	39.6

Манба. АҚШ федерал бюджети маълумотлари асосида

Федерал бюджетда бюджетдаги салмоғи бўйича жисмоний шахслар даромад солиғидан кейин иккинчи ўринда ижтимоий суғурта ажратмалари туради. Бу ажратмалар иш берувчи ва ишчи ўртасида тенг иккига бўлинади. Йиғим ставкаси ҳар йилги бюджет тизимига қараб ўзгаради.

АҚШ солиқлари таркибида асосан тўғри солиқлар ҳиссаси кўпроқдир. Ўзбекистон ва АҚШнинг бюджет-солиқ сиёсати ўртасидаги ўхшашлик жиҳати ҳар иккала бюджетга ҳам муҳим аҳамиятга молик солиқлар йўналтирилади. Фарқли жиҳати эса Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимида ҳозирги кунда эгри солиқлар ҳиссаси кўпроқ, шу сабабли эгри солиқлар ҳам умумдавлат солиқларида муҳим аҳамиятга эга. АҚШ федерал бюджетида эса эгри солиқлар деярли йўқ, чунки мамлакат

бюджетида эгри солиқларнинг ҳиссаси кам бўлиб, АҚШ федерал бюджетига жисмоний шахслар даромад солиғидан кейин иккинчи ўринда (бюджетдаги салмоғи бўйича) ижтимоий суғурта ажратмалари ва корпорациялар даромадларига солиқ киради. АҚШ да корпорация бюджетига солиқларни федерал бюджетдан ташқари штат солиқлари таркибига ҳам киритилади. Ҳозир бу солиқнинг ставкаси -34,0 фоиз, республикамизда 2003йилда 20,0 фоиз.

Республикамиз солиқ тизимининг иккинчи поғонаси маҳаллий солиқлар ва йиғимлардир. Маҳаллий солиқлар маҳаллий ҳукуматлар бажарадиган вазифаларига қараб белгиланиб, уларга доимий ва тўлиқ бириктириб берилган. Маҳаллий ҳукуматлар асосан ижтимоий масалаларни - мактаб, соғлиқни сақлаш, маданият, маориф, шаҳарлар ва қишлоқлар ободонлиги каби вазифаларни бажаради. Аммо, республикамиз ҳудудида маҳаллий солиқлар харажатларни 30-40 фоизни қоплайди, холос. Маҳаллий бюджетнинг муҳим хусусияти шундаки, улар фақат шу ҳудуднинг бюджетига тушади, бошқа бюджетларга ажратмалар берилмайди.

Жаҳоннинг иқтисодий ривожланган давлатлари қаторига кирувчи Германияда бюджет-солиқ сиёсатининг самарали механизми яратилган. Германия бюджети даромад ва харажатлари маъмурий бошқарувнинг уч даражасини ўз ичига олади.

1. Марказий бюджет.
2. Регионал бюджет.
3. Маҳаллий бюджет.

Давлат бюджетига 1974 йилдан бошлаб ижтимоий суғурта ва ижтимоий таъминот фондлари ҳам киритилган. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Германияда солиққа тортиш тизими федерациялар, ерлар ва маҳаллий солиқларга бўлинади. Бюджет хўжалигини мустақил юритиш тамойиллари умумдавлат ва ерларнинг манфаатларини кўзлаган ҳолда

олиб борилади.

Натижада, хозирги кунда Германияда солиқ тизимида кирқ солиқ турлари мавжуд. Германияда солиқлар федерация, ер, қўшма (федерал ва ерлар билан биргаликда), муниципал, жамоа ва черков солиқларига бўлинади. Қўшма солиқлар Германия давлат бюджетининг ўзига хослигини намоён этади. Қуйидаги жадвалда қўшма солиқларнинг тақсимланиши келтирилган.

3-жадвал

Германияда қўшма солиқларнинг тақсимланиши

(фоизлар ҳисобида)

Солиқлар номи	Солиқларнинг солиқ суммасидаги улуши		
	Федерацияларга	Ерларга	Жамоаларга
ҚҚС	67,5	32,5	-
Қўшимча ажратмалар	1,5	1,5	-
Даромад солиғи	42,5	42,5	15,0
Декларация-ланган даромад	50,0	50,0	-
Корпорация солиғи	50,0	50,0	-
Ҳунармандчилик	9,0	9,0	82,0

Манба. Шамсутдинов Ф.Ш., Шамсутдинова.Ш. Система налогообложения Германии. Учебное пособие. Ташкентский Финансовый институт. Т. 2000. 48 стр.

Германия Республикасида бюджетнинг марказлашмаганлиги марказий бюджет воситалари маблағларни қайта тақсимланиши билан эмас, балки бюджет даромадларни манбаларининг конуний бириктириб қўйилиши билан амалга оширади. Ҳар бир солиқ бўйича деярли алоҳида меъёрий хужжатлар мавжуд. Германия Республикасида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғри солиқлар ичида энг муҳими

ҳисобланади. Солиққа тортиш объекти бўлиб иш ҳақи, эркин касб даромадлари, гонорарлар, капитал даромадлари, банклар жамғармаларидаги фоизлар, ижара ҳақи, хусусий иш фаолиятидан олинадиган даромадлар ва бошқалар киради.

Германияда капиталдан олинадиган даромад солиғи жисмоний шахслардан олиниб, дивидендлар ва фоизларга нисбатан ҳисобланади. Бюджетдаги жами даромадларда ушбу солиқнинг салмоғи 2-3 фоизни ташкил этади. Солиқ ставкаси 25 фоиз қилиб белгиланган. Бу кўрсаткич Буюк Британияда - 25,0 %, Японияда- 20,0%, Италияда- 30,0%, Францияда -25,0%, Швецияда-35,0%, Испанияда -20,0%, Ўзбекистон Республикасида - 15,0%ни ташкил этади.

Германия мамлакатини Ўзбекистон Республикаси бюджет-солиқ сиёсати билан солиштирадиган бўлсак, бир қанча ўхшашлик ва фарқли томонлари мавжуд. Ўзбекистонда солиқлар республика ва маҳаллий солиқларга бўлинса, Германияда федерал ерлар ва маҳаллий солиқларга бўлинади.


Германияда қўшма солиқлар, яъни бир вақтнинг ўзида бир неча бюджетга тушадиган солиқлар мавжуд. Ўзбекистон Республикасида эса бу йўқ, ҳар бир солиқ тури тўлиғича битта бюджетга тушади. Германияда ҚҚСнинг пасайтирилган ставкаси мавжуд. Ўзбекистонда эса ҚҚС ягона ставкада қўлланилади.

Францияда бюджет даромадлари таркибининг асосий бўғини бўлиб, ҚҚС ҳисобланади. Солиқнинг асосий ставкаси 18,6 % бўлиб, энг юқори ставка 22%ни ташкил этади. Ушбу юқори ставка автомобиллар, кинолар, фотомаҳсулотлар, атир-упалар мўйналар, қимматбаҳо териларга нисбатан қўлланилади. Камайтирилган солиқ ставка 5,55 бўлиб, у асосан озиқ-овқат маҳсулотлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, китоблар ва тиббий воситаларга нисбатан бюджетга тушади. Франция бюджетига мол-мулк солиғи ҳам катта даромад келтиради. Мол-мулкка солинадиган солиқ

объекти бўлиб мол-мулк, мулкий ҳуқуқ ва қимматли қоғозлар ҳисобланади.

2-диаграмма

Франция 2000 йилги давлат бюджет даромадлари таркиби



Франция марказий ҳукумат бюджет даромадларининг асосий қисмини-93%ини солиқ тўловлари ташкил этади. Бюджет даромадларининг қолган қисмини махсус даромадлар ташкил қилади. Махсус даромадларни асосан ижтимоий фондларга тўловлар ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасида марказий ҳукумат бюджет даромадларининг асосий қисмини 90,0-93,0%ини солиқ тўловлари ташкил килади, қолган қисмини давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар ташкил этади.

Францияда бюджет даромадларининг 8,5% ини эгри солиқлар таркибига кирувчи нефть маҳсулотларига солиқ ва акциз солиғи эгаллайди ва бюджет даромадларининг 20-21 %ини ташкил этади. Тўғри солиқлар ичида иккинчи ўринни компаниялар даромадига солиқ эгаллайди. У

бюджет даромадларининг 8-10%ини ташкил этади.

Ўзбекистонда умумий бюджет даромадлари 2002 йилда 19,8 %ини акциз солиғи эгаллаган. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи 12 %ини ташкил қилган, Юридик шахслардан ундириладиган *даромад солиғи эса бюджетнинг 9,2 %ини эгаллаган.*

Ғарбий Европада маҳаллий солиқлар тизимида тўғри солиқлар катта улушини ташкил этади: жами солиқ тушумларининг 70-75%и ни даромад, фойда ва мулк ҳисобидан олинадиган солиқлар улушига тўғри келади. Истеъмолдан олинадигна солиқлар 3-4 % ни ташкил этади, бошқа солиқлар 20 % ни ташкил этади. Японияда тўғри солиқлар улуши 85 % ни, эгри солиқлар эса 15 % ни ташкил этади.

Тўғри солиқлар ичида фойда ва даромад ҳамда турли мулк солиқлари таркиби анча фарқ қилади: Скандинавия мамлакатларида барча солиқ тушумларининг 80-90 % даромад ва фойда солиғи ҳиссасига тўғри келади. Бельгия, Германия, Австрияда бу кўрсаткич 50 %дан ошмайди.

Бошқа мамлакатларда эса ҳудудий органлар бюджетлардаги солиқ тушумларининг асосий қисми турли шаклдаги мулклардан олинадиган солиқлар ҳисобидан *шаклланади. Жумладан, Ирландияда ягона маҳаллий* солиқ *ҳисобланади. Нидерландияда жами солиқ даромадларининг* 2\3 қисмини шу солиқлар ташкил этади. Японияда 48 % солиқ даромадларини турар-жой бинолари учун солиқлар ва 21%ни кўчмас мулк учун солиқлар ташкил этади.

Буюк Британия, Испанияда ҳар бир маъмурий ҳудудий бирликлардаги жон бошига тўғри келадиган даромадлардан келиб чиққан ҳолда, марказий ҳокимиятлар бюджетдаги солиқ тушумлари соҳаси бўйича ҳудудий органлар бюджетларини *корректировка қилишда* ҳам *иштирок* этади. Жон бошига ўртача даромади юқори бўлган ҳудудий органлар бюджетлардаги солиқ тушумларининг бир қисми марказий ҳокимият органлари томонидан олиниб, даромад даражаси паст бўлган ҳудудларга

йўналтирилиши мумкин.

Ҳудудий бюджет даромадлари маҳаллий солиқлар ва йиғимлар, солиқдан ташқари тўловлар, юқори бюджетдан ажратмалар ҳисобидан шаклланади. Ушбу даромадлар манбалари ўртасидаги мутаносблик ҳудудий бошқарув органларига юклатилган вазифалар, улар томонидан маҳаллий солиқларни йиғиш имконияти, шунингдек, марказий ҳокимият органлари томонидан худудларга молиявий ёрдам кўрсатиш имкониятига боғлиқ бўлади.

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда ҳудудий бюджетлар улуши давлатнинг умумий ресурслари ҳажмида юқори улушни ташкил этади. Масалан, Португалияда бу кўрсаткич ЯИМ га нисбатан 3,0%ини, Норвегияда -155ни Швецияда эса 31 %ни ташкил этади.

Японияда бюджет -солиқ сиёсати ўзига хос хусусиятга эга. Аввало, ушбу мамлакатда тўғри ва эгри солиқлар мавжуд бўлиб, тўғри солиқларга корпарация даромадига солиқ, ворисликка солиқ ва ер солиғи киради. Эгри солиқларга истеъмол солиқлари, спиртли ичимликларга, тамаки маҳсулотларга шакар, бензин, нефть, авиация ёқилғиси, чет эл валютаси ва қимматли қоғозлар операцияларига, йўловчиларни ташиш, автомобил воситаларига божхона божлари киради. Япония билан Ўзбекистоннинг бюджет-солиқ сиёсатини таққослаш натижалари қуйидагича кўринишга эга.

Солиқларнинг бюджетга келиб тушиши бўйича:

- Ўзбекистонда солиқлар иккита бюджетга келиб тушади: умумдавлат бюджети ва маҳаллий бюджет;
- Японияда ҳам икки бюджет маавжуд бўлиб, улар қуйидагича номланади: давлат бюджети ва маҳаллий бюджет.

Бюджетлар даромадларининг шаклланишида солиқлар ва солиқсиз тўловларнинг ҳиссаси бўйича:

- Ўзбекистонда давлат бюджети шаклланишида солиқлар ҳиссаси 93 % ни ташкил қилади, солиқсиз тўловлар ҳиссаси 7 % ни ташкил қилади;
- Японияда давлат ва маҳаллий бюджетларнинг даромад қисми қуйидагича: солиқлар ҳисобига 84 %, солиқсиз тўловлар ҳиссаси 16 %, шуни эслатиб ўтамизки, маҳаллий бюджетларда эса 25 % гача солиқсиз тўловлар ҳисобига бюджет даромадлари қопланади.

Япония давлат бюджети даромадлари таркибида солиқларнинг улуши бошқа ривожланган давлатларникига нисбатан бирмунча пастроқ кўрсаткичга эга. Солиқсиз тўловлар ва бошқа даромад манбалари 15 % атрофида улушни эгаллайди. Айниқса, маҳаллий бюджетлар ҳудудий имкониятларидан келиб чиқиб, солиқсиз тўловлар ҳажмини 25 %гача кўрсаткични таъминлаганлигини ижобий ҳолат, деб баҳолаш мумкин. Бизнинг республикамизда ҳам маҳаллий облигациялар чиқариш орқали бюджетнинг солиқсиз даромадларини кўпайтириш имкониятлари мавжуд.

Ривожланган давлатлар бюджет-солиқ сиёсати борасида тўпланган тажрибалардан кўриниб турибдики, ҳар бир давлатнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, бу мамлакатда олиб борилаётган молия сиёсатининг йўналишларига боғлиқ. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ривожланган давлатларда ҳам давлат бюджети даромадларининг асосий қисми солиқлар ҳисобидан ташкил этилиб, уларнинг ЯИМ даги улуши ўртача 80-90 %ни ташкил этади. Бу давлатларда давлат бюджети ижтимоий йўналтирилганлиги билан ажралиб туради.

Айниқса, жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ бўйича тўпланган ижобий тажрибаларни бизнинг солиқ амалиётимизга ҳам жорий этиш мумкин. Бундан ташқари, Ғарбий Европа давлатларида қўлланиладиган ҚҚСнинг табақалаштирилган ставкаларини жорий этиш ҳам бюджет даромадлари барқарорлигини таъминлаш ва иқтисодий субъектлар молиявий фаолиятларини рағбатлантириш учун хизмат қилиши

мумкин.

Ривожланган давлатлар бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигини таъминлаш бўйича аниқ бир мезонлар ишлаб чиқилганки, бу мезонлар даромадлар ва харажатларнинг мувофиқлигини таъминлаш учун хизмат қилмоқда. ЯИМ таркибидан давлат бюджетига йўналтирилган маблағлар миқдорининг аниқ меъёрий чегараси белгиланганки, бу бюджет-солиқ сиёсатини барқарор ривожлантириш учун ва иқтисодиётда бир текис ўсиш ҳолатларини таъминлаш учун асос бўлади.

Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигини таъминлашда давлат бюджети харажатлари таркибидаги ўзгаришлар ҳам сезиларли таъсир кўрсатади. Чунки, бюджет амалиётида режалаштирилган харажатларга қараб даромадларни шакллантириш амалиёти мавжуд. Бу билан бюджет харажатларини камайтириш даромад манбаларини ҳам қисқартириш керак, деган хулоса келиб чиқмаслиги зарур.

3.2. Бюджет даромадлари таркибида солиқларнинг ўрни ва динамикаси таҳлили

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор вазифалари иқтисодий эркинлаштириш, давлат бошқарувчилик функциясини қисқартириш ва унинг иқтисодиётга аралашувини чеклашдан иборат. Шу билан биргаликда миллий ишлаб чиқаришни шакллантириш ва ривожлантириш, бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигини таъминлаш, бюджет камомадига йўл қўймаслик муҳим устувор вазифалар қаторига киради. Бу вазифаларни амалга ошириш учун, аввало, солиқлар орқали иқтисодиётни бошқариш механизмини тўғри, оқилона ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш лозим бўлади.

Бу ҳақда фикр юритар экан Президент И. Каримов шундай таъкидлайди: «Солиқ сиёсатини такомиллаштириш иқтисодиётни барқарорлаштиришга ва молиявий аҳволни мустаҳкамлашга оид

муаммоларни ҳал килишда муҳим аҳамият касб этади. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида солиқлар иқтисодий сиёсатни амалга оширишда энг муҳим бошқарувчи омил бўлиб қолади»[7].

Дарҳақиқат, солиқ тизими ислоҳот жараёнининг таркибий қисми, унинг ички ҳаракатлантирувчи омили бўлган ҳолда, иқтисодий ислоҳот мақсадларига энг кўп даражада мувофиқ келиши шарт.

Солиқлар қайта тақсимлаш муносабатларининг фаол қатнашчиси сифатида капитал йиғишни кучайтириш ёки камайтириш, аҳолининг тўловга қодирлигини кенгайтириш ёки камайтириш орқали такрор ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатларини рағбатлантиради ва шу каби дастаклар орқали бутун такрор ишлаб чиқариш жараёнига жиддий таъсир кўрсатади.

Солиқ мажбурияти иккита параметр, яъни солиқ базаси ва солиқ ставкаси бўйича аниқланади. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ тўғрисида»ги қонунда солиққа тортиш лозим бўлган соҳа – турли хил кўринишдаги даромадлар, харажатлар, бойликлар ва ҳар қандай бошқа омиллар белгилаб берилади. Солиқ ставкасида ушбу базанинг солиқ кўринишида олинадиган улуши акс этади. Шунинг учун ҳам, табиийки, солиқ базасининг қандай аниқланиши ва қандай солиқ ставкалари ўрнатилиши тўғрисидаги масалалар солиққа тортиш сиёсатининг асосий масалалари ҳисобланади»[8].

Солиқларнинг функциялари уларнинг моҳиятини, амалиётда ҳаракат қилаётганлигини кўрсатади. Шундай экан, функция доимо яшаб солиқ моҳиятини кўрсатиб туриши зарур»[9]. Ҳозирги вақтда солиқларнинг функциялари ва уларнинг аниқ сони борасида мунозаралар мавжуд. Аммо, замонавий солиққа тортиш тизимида солиқларнинг қуйидаги функцияларини ажратиб кўрсатиш мумкин: фискал, тақсимот, назорат, рағбатлантириш ва тартибга солиш.

---

[7] Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: Ўзбекистон, 1998.-358 б.
[8] Деверс М.П. Экономика налоговой политики. –М.: Филинь, 2002.стр21.
[9] Яҳёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. -Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. -126.

Солиқларнинг фискал функцияси орқали солиққа тортишнинг асосий вазифаси, яъни давлат молиявий маблағларининг шаклланиши, шунингдек, давлатнинг умумдавлат ва максадли дастурларини амалга ошриш учун маблағларни жамғариш вазифалари амалга оширилади. Солиқ тушумлари давлат бюджети даромадларининг асосини ташкил қилади. Масалан, АҚШда солиқ тушумлари давлат бюджетининг 98 % ини, Буюк Британияда -97% ини, Францияда -91 % ини ташкил этади.

Иктисодий Ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига (ИҲТТ)га аъзо 24 давлатда солиқ тушумларининг бюджет даромадларидаги улуши 78 % (Норвегия) дан 97,8 % (Италия) гача тебраниб туради. «МДҲ давлатларида солиқ тушумларининг давлат бюджетидаги улуши кўрсаткичи Россияда - 82,7%, Украинада - 82,2%, Қозоғистонда - 97%, Беларус Республикасида - 97,3%ни ташкил этади»[10]. Ўзбекистон Республикасида солиқ тушумлари 2001 йилда жамланган бюджетга нисбатан 86,3% ни ташкил этади.

Давлат ўз тасарруфига ишлаб чиқарилган ЯИМнинг анчагина қисмини солиққа тортиш йўли билан олади ва қайта тақсимлайди. Солиқ тушумларининг улуши ижтимоий фондларга тўловлар билан биргаликда ЯИМга нисбатан АҚШда - 29,0%, Канадада - 34%, Германияда - 41%, Францияда - 43 % Швецияда - 55%, Россияда - 24,3%, Қозоғистонда - 22,4%,Украинада - 23%, ва Беларус Республикасида - 33,9%ни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасида 2001 йилда солиқ тушумлари бюджетдан ташқари фондлар билан биргаликда ЯИМга нисбатан 32,3% ни ташкил этди. Шу нуктаи назардан солиқларнинг фискал функцияси ва тақсимлаш функциялари уйғунлашади десак, хато қилмаймиз.

Солиқлар тўғрисидаги дарсликларда қайд этилишича, корхоналарнинг қўшимча қиймати ёки даромадлари аввал тақсимланади ва сўнгра даромадларнинг бир қисми бюджетга ўтказилади»[11]. Бундан

---

[10] Статсборник СНГ. –М.2001.

[11] Яҳёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. -Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. -136.

ташқари, солиқларнинг тақсимловчилик функцияси аҳолининг турли категориялари ўртасида умумий даромадларнинг қайта тақсимланишини таъминлаши нуқтаи назаридан ижтимоий функцияни ҳам бажаради, деган қарашлар мавжуд.

«Солиққа тортиш орқали алоҳида ижтимоий гуруҳлар ўртасида тенгсизликни камайтириш мақсадида уларнинг даромадлари бўйича ўзаро муносабатларни ўзгартириш йўли билан ижтимоий мувозанат қўллаб-қувватлашга эришилади»[12]. Бошқача айтганда, солиқ юкининг имконияти юқори бўлган солиқ тўловчиларга кўпроқ тушиши хисобидан фуқароларнинг ижтимоий ёрдамга муҳтож қисми фойдасига маблағлар олиниши содир бўлади.

Швед иқтисодчиси К. Эклунднинг сўзларига кўра, «давлат ишлаб чиқариш ва хизматларнинг катта қисми йиғилган солиқлар ҳисобидан молиялаштирилади ва қолган қисми фуқаролар ўртасида тақсимланади. Бунга таълим, тиббий хизматлар, болаларни тарбиялаш ва шу каби йўналишлар тегишлидир. Мақсад - ҳаётий муҳим воситаларни имкон қадар тенг тақсимланишига эришишдир»[13].

Давлатнинг иқтисодий ривожланишида солиқларнинг ушбу функциясининг муҳим рол ўйнашини таъкидлаш лозим. Бугунги кунда республикамизда ҳудудларнинг иқтисодий потенциали ва ривожланиш даражаси турличадир.

Ҳудудларни тенглаштириш мақсадида солиқларнинг тақсимот вазифасидан фойдаланилади: кам ривожланган ҳудудларда солиқ тушумлари ушбу ҳудудлар ҳисобида қолади (масалан, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти), ўз навбатида уларга нисбатан ривожланган ҳудудлар сифатида айрим вилоятларда солиқ тушумларининг фақатгина маълум бир қисмигина шу ҳудудлар эҳтиёжлари учун қолдирилади (Тошкент шаҳри, Тошкент, Қашқадарё, Андижон, ва Навоий

[12] Булатов А.С. Экономика. -М.: БЕК. 1997. стр 309.
[13] Эклунд К. Эффективная экономика - шведская модель. М.: Экономика, 1991.-63 с.

вилоятилари).

Солиқлар орқали давлат аҳоли ва корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолиятини, шунингдек, даромад ва харажатларнинг манбалари устидан назорат қилинади. Солиқ суммасини пул кўринишида баҳолашнинг мавжудлиги давлатнинг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжини даромадлар кўрсаткичлари билан миқдорий қиёслаш мумкинлиги имконини беради.

Солиқларнинг назорат функциясини амалга ошириш натижасида солиқ тизимининг самарадорлиги баҳоланади, фаолият турлари ва молиявий оқимлар устидан назорат ўрнатилади. Бундан ташқари, солиққа тортишнинг назорат функцияси орқали бюджет-солиқ сиёсатига ўзгартиришлар киритишнинг зарурлиги аниқланади.

Солиқлар ва йиғимлар тизими ижтимоий ишлаб чиқаришга, унинг таркибий тузилишига ва динамикасига, жойлашишига, илмий-техника тараққиётини жадаллаштиришга иқтисодий таъсир кўрсатувчи механизм бўлиб хизмат қилади. Солиқлар ёрдамида тадбиркорлар фаоллигини рағбатлантириш ёки аксинча, чеклаб қўйиш ва демак, тадбиркорлик фаолиятининг у ёки бу тармоғи ривожланишига таъсир кўрсатиш мумкин.

Ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва жаҳон бозорида миллий корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш учун шарт-шароит яратишда ҳам солиқларнинг рағбатлантириш функцияси муҳим рол ўйнайди.

Солиқлар ёрдамида эркин товар бозори ёки протекционистик иқтисодий сиёсатни амалга ошириш мумкин. Деярли барча мамлакатларда ишлаб чиқаришни тараққий эттириш ва замонавийлаштириш учун маълум бир ҳудудларда инвестицияни рағбатлантириш сиёсати солиқлар орқали амалга оширилди. 80-йилларнинг иккинчи ярмига келиб кўплаб мамлакатларда янги юқори технологияли ишлаб чиқаришни рағбатлантириш методини қўллаш кенг тарқалган.

Ўзбекистон Республикаси бозор муносабатларини ривожлантириш жараёнининг муҳим босқичидан ўтмоқда. Иқтисодиётнинг барча тармоқларида тадбиркорлик фаолияти ва давлатнинг билвосита бошқаришига асосланган ҳолда рақобатчилик механизмига таяниб чуқур тузилмавий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Билвосита бошқариш ҳақида гап кетганда, аввалambор, иқтисодий ривожланишнинг муҳим жараёнининг солиқ тизими орқали амалга оширилиши тушунилади. Солиқ сиёсатидаги реал ва яхлит ҳолатининг характерли шароитларини аниқлаш учун давлатнинг солиқ сиёсати йўналтирилган объектнинг таҳлилини қиламиз.

4-жадвал

Ўзбекистон Республикаси асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар динамикаси

(фоизлар хисобида)

Кўрсаткичлар	1999 йил	2000 йил	2001 йил	2002 йил
ЯИМ	4,3	3,8	4,5	4,2
Саноат маҳсулотлари	6,1	6,4	7,0	8,5
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	5,9	3,2	5,1	6,1
Инвестиция ҳажми	2,0	1,0	3,7	3,8
Чакана савдо ҳажми	10,5	7,8	9,5	9,4
Аҳолининг пул маблағи (ЯИМ га %да)	71,2	72,9	74,2	80,2

Манба. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари

Жадвалдан кўриниб турибдики, охирги йилларда ЯИМ барқарор 4% атрофида ўсиб бормоқда. Унинг ўсиши иқтисодиётнинг асосий тармоқлари - саноат ва қишлоқ хўжалигининг ўсиши билан таъминлаб берилмоқда. Ушбу соҳаларда барқарор ўсиш кузатилгани учун соҳалардаги корхоналар аҳволи яхшиланмоқда, деб назарий хулоса қилиш

мумкин. Шу қаторда, ишлаб чиқариш ва қайта ишлаб чиқариш соҳаларига инвестициялар зарурдир, лекин охирги йилларда уларда ўсиш ўрнига камайиши ҳолати содир бўлмоқда. Лекин, аҳоли даромадларида ижобий суръатлар кузатилмоқда, бу эса ўз навбатида соҳаларнинг ривожига зарур бўлган умумий талаб ҳажмининг ошишини, чакана савдо оборотини ўсиши орқали кузатиш мумкин. Буларнинг ҳаммаси назарий жиҳатдан давлатнинг иқтисодий ривожи учун қулай шароит борлигини исботлайди.

МДҲ мамлакатларининг давлат бюджети кўрсаткичларининг 1996-2001 йиллардаги таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, улардан аксариятини даромадлар ҳажми ЯИМга нисбатан камаймоқда. Шунга қарамасдан, бевосита солиқларнинг ҳажмини давлат бюджетининг даромадлар қисмида камайиши (Қозоғистон ва Россиядан ташқари) ва билвосита солиқлар ҳажмининг ошиши кузатилмоқда.

Ўзбекистондаги бевосита солиқлар ҳажмининг камайиши МДҲ давлатлари иқтисодиётидаги ўзгаришларни тўлдиради. Қозоғистондаги аҳвол эса тадқикот ўтказишни талаб қилади, чунки охирги йилларда аҳоли даромадларининг ўсиши саноатнинг ўсиш суръатидан кўпдир.

Жаҳоннинг барча ривожланган мамлакатлари каби бозор иқтисодиётига ўтиш даврини ўз бошидан кечираётган Ўзбекистонда ҳам солиқлар давлат даромадлари ва давлат бюджети даромадларининг асосий қисмини ташкил қилади. Ўзбекистон Республикаси бюджетининг даромадлар қисмини шакллантиришда солиқларнинг аҳамияти йилдан-йилга ошиб, иқтисодий ривожланишнинг турли босқичларининг устувор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, таркибий ва структуравий жиҳатидан ўзгариб бормоқда. Бюджет солиқ сиёсати яхлитлигини таъминлаш бюджет даромадларини шакллантиришда солиқларнинг ўрни ва аҳамиятини ошириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган Давлат бюджети параметрлари тасдиқлаш тўғрисидаги 2004 йил 28 декабрдаги 610-сонли Қарорида ўз ифодасини топган.

5-жадвал

Баъзи МДҲ давлатларида давлат бюджети даромадларининг таркиби

Давлатлар	Давлат бюджети даромадлари ЯИМ га нисбатан % ҳисобида		Бевосита солиқлар ҳажми, умумий ҳажмига нисбатан % ҳисобида		Билвосита солиқлар ҳажми, умумий ҳажмига нисбатан % ҳисобида	
	1996 йил	2000 йил	1996 йил	2000 йил	1996 йил	2000 йил
Арманистон	15,1	17,5	25,6	19,5	32,9	51,4
Белоруссия	26,0	35,0	25,0	21,1	40,6	33,7
Қозоғистон	17,2	23,0	29,9	37,8	26,7	27,3
Россия	25,4	29,0	27,4	39,9	35,4	35,5
Ўзбекистон	34,3	27,5	35,7	24,2	37,7	49,3
Украина	37,0	28,0	26,8	29,1	23,1	24,1
Озарбайжон	14,7	15,2	40,6	30,8	25,6	29,8

Манба. http: //www.nalog.ru


Маълумки, кўпгина мамлакатлар давлат бюджети даромадларининг аксарият қисмини солиқлар ҳисобидан шакллантиради. Солиқларнинг давлат бюджети даромадлар қисмини шакллантиришдаги, шунингдек, мамлакатда яратилган ЯИМ таркибидаги улушни аниқлаш орқали иқтисодий тараққиётга баҳо бериш мумкин. ЯИМ таркибида солиқлар улушининг ортиши бюджет даромадларини кўпайтиришга олиб келсада, келгусида жадал иқтисодий ривожланиш учун тўсиқ бўлиши мумкин. Шунинг учун умумий солиқ тушумларининг ЯИМга бўлган нисбатни камайтириш томонга қараб солиқ тизимини оптимал такомиллаштириш йўлларини излаш зарур. Бу муносабат солиқ юки даражасини белгилайди. Масалан, АҚШ, Канада, Австралияда марказий бюджетдаги солиқ тушумларининг ЯИМга нисбати сўнгги йилларда 20-22% атрофида тебраниб турди.

Масалан, АҚШ давлат бюджетида солиқ тушумлари 98% ни, Буюк Британияда - 96,5%ни, Францияда- 91,5%ни ташкил килади. Агарда республикамизда яратилаётган ЯИМ ҳажмида солиқларнинг тутган ўрнига

баҳо берадиган бўлсак, қуйидаги ҳолатни кузатишимиз мумкин.

3-диаграмма

ЯИМ таркибида Давлат бюджети даромадлари салмоғининг ўзгариши



Маълумотлардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда ЯИМ таркибидаги солиқлар улушининг ўзгариши 1998-2002 йиллар мобайнида 24-32% атрофида ўзгариб турган. Масалан, 1998 йилда бу кўрсаткич 32,4 %ни ташкил қилган. ЯИМ га нисбатан солиқларнинг улуши 2000 йилда энг паст кўрсаткичга эга бўлиб, у 24,1 % га тенг бўлган. Лекин, кейинги йилларда бу кўрсаткичнинг яна ўсаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Жумладан, бу кўрсаткич 2002 йилда 29%га тенг бўлган.

Охирги йилларда давлат бюджетининг даромадлар қисмида бевосита солиқларнинг камйиши ва билвосита солиқларнинг ўсиши кузатилмоқда. Агар бевосита солиқларни (бу юридик шахсларнинг даромад солиғи ва жисмоний шахсларининг даромад солиғи суммасини назарда тутамиз) қисми 2003 йилда 26,3 %дан 2004 йилда 26,1 %га тушган бўлса, билвосита солиқлар ҳажми шу йилларда 57,8%дан 49,2 %га ўзгарган.

6-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари

Кўрсаткичлар	2003йил		2004 йил		2005йил	
	Жами даромадга нисбатан	ЯИМ га нисбатан	Жами даромадга нисбатан	ЯИМ га нисбатан	Жами даромадга нисбатан	ЯИМ га нисбатан
Ялпи ички махсулот	**х**	**100.0**	**х**	**100.0**	**х**	**100.0**
Давлат бюджети даромадлари	100.0	24.2	100.0	21.2	**100.0**	**21.9**
1. Бевосита солиқлар	26.3	6.4	27.2	5.8	**26.1**	**5.7**
1.1 Юридик шахслардан олинадиган даромад солиғи	7.4	1.8	7.0	1.5	**6.3**	**1.4**
1.2. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан олинадиган ялпи даромад солиғи	3.0	0.7	2.9	0.6	**2.0**	**0.4**
1.3Кичик корхоналардан ундириладиган ягона солиқ	2.3	0.5	3.3	0.7	**2.4**	**0.5**
1.4Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	12.3	3.0	12.7	2.7	**14.1**	**3.1**
1.5 Тадбиркорлик фаолияти билан шуғ. юрид. ва жис. шахслар даромадидан олин. қатъий бел. солиқ	1.3	0.3	1.4	0.3	**1.3**	**0.3**
2. Билвосита солиқлар	57.8	14.0	58.5	12.4	49.2	**10.8**
2.1 Қўшилган қиймат солиғи	22.9	5.5	23.1	4.9	22.6	**5.0**
2.2Акциз солиғи	29.6	7.2	28.7	6.1	21.0	**4.6**
2.3. Божхона божлари	1.7	0.4	2.3	0.5	2.0	**0.4**
2.4. Ягона божхона тўлови	1.9	0.5	2.6	0.6	1.7	**0.4**
2.5.Жисмоний	1.6	0.4	1.8	0.4	1.9	**0.4**

шахслар томонидан истеъмол қилинган бензин, дизель, солиқ						
3. Ресурс тўловлари ва мулк солиғи	9.5	2.3	9.9	2.1	19.0	4.2
3.1 Мулк солиғи	3.1	0.7	2.8	0.6	3.3	0.7
3.2 Ер солиғи	2.2	0.5	2.9	0.6	2.6	0.6
3.3 Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун учун солиқ	1.3	0.3	1.7	0.3	10.0	2.2
3.4 Сув ресурсларидан фой. учун солиқ	0.4	0.1	0.5	0.1	0.1	0.1
3.5Экология солиғи	2.6	0.6	2.1	0.4	3.0	0.6
4.Ижтимоий Инфра. ривож.иш ва ва ободон. учун солиқ	1.7	0.4	1.7	0.4	1.6	0.3
5.Бошқа даромадлар	4.6	1.1	2.6	0.6	4.1	0.9

Манба. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳисобот маълумотлари

Умуман олганда, охирги йилларда тўғри солиқларнинг салмоғи ЯИМ қийматида бироз камайган ҳолда, эгри солиқлар салмоғи ошганлиги кузатилиб, уларнинг муайян тенденцияда эканлигини намоён бўлмоқда. Чунки, эгри солиқлар тўғридан-тўғри корхоналарнинг инвестицион фаолиятининг сусайишига олиб келмайди. Тўғри солиқлар салмоғи ЯИМ қийматида пасайиши корхоналарнинг моддий техника базасини кенгайтириш, қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришга имкон яратади.

Республикамиз давлат бюджети даромадлари ўзгаришига назар ташлайдиган бўлсак, унинг таркибида муҳим салмокни эгалловчи солиқларнинг миқдори ўсиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Солиқларнинг миқдорий кўрсаткичининг ошиши икки омил давлат бюджети харажатларининг ошиши ва инфляция суръатига боғлиқ бўлади. Қуйидаги жадвалда давлат бюджети даромадлари таркибидаги солиқларнинг миқдорий ўзгаришлари (инфляция ҳисобга олинмаган) акс

эттирилган(7-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадлари йил сайин ўсиб бораётганлиги кузатилган. Кейинги йилларда ресурс соликларнинг салмоғи ҳам анча ошмокда. Бу солиқ ер, сув, ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлайди. Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, давлат бюджетига келиб тушадиган ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғининг динамикаси бир меъёрда ўсиши кузатилган. 1998 йилда Республика бюджетига 57851,3 минг сўмлик ресурс тўловлари тўланган бўлса, 1999 йилда 75800 минг сўмлик ва ниҳоят 2002 йилда 166619 минг сўмлик ушбу турдаги соликлар давлат бюджетига келиб тушган.

Республикамизда амалга оширилаётган изчил бюджет-солиқ сиёсати давлат бюджети даромадлар қисмида муайян улушини эгалловчи бюджетнинг бошқа даромадлари динамикасига ўзининг таъсирини ўтказган. Масалан, 1998 йилда давлат бюджетида бошқа даромадлар 25006,9 минг сўмни ташкил қилган бўлса, 1999 йилга келиб уларнинг миқдори камайган ҳамда 17900 минг сўмга тенг бўлган. Аммо, 2000-2002 йилларда бюджет-солиқ сиёсатида амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли давлат бюджетида бошқа даромадларнинг миқдори яна кўпайиб, 2002 йилда уларнинг миқдори 71718,9 минг сўмга тенг бўлган.

Агарда биз давлат бюджетининг даромадлар қисмини шакллантиришда соликларнинг тутган ўрнига эътибор қаратадиган бўлсак, қуйидаги маълумотга эга бўламиз.


Маълумки, бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигини таъминлашда давлат бюджетининг даромадлари муҳим рол ўйнайди. Агарда биз бюджет даромадлари таркибининг ўзгаришига баҳо берадиган бўлсак, давлат бюджетида эгри соликларнинг ҳиссаси ошиб бораётганлигини гувоҳи бўламиз. Масалан, 1998 йилда эгри соликлар давлат бюджети даромадлар қисмининг 41,4 %фоизини ташкил қилган бўлса, 2002 йилга келиб бу

кўрсаткич 59,2 фоизга етган.

Республикамиз бюджет-солиқ сиёсатида ишлаб чиқувчиларга кенг имтиёзлар ва енгилликлар бериш кўзда тутилган. Бунинг натижасида давлат бюджети даромадларида тўғри солиқларнинг улуши 1998 йилда 36 фоиздан 2002 йилда 25,9 фоизга пасайди. 1998-2002 йилларда давлат бюджети даромадлар қисмида ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи улушлари ошганлиги кузатилган.

4-диаграмма

Давлат бюджети даромадлари таркибининг ўзгариши



Шунингдек, 2000 йилдан давлат бюджетида инфратузилма солиғи ўсиб бораётганлиги кузатилмоқда.

Бюджет-солиқ сиёсатида кейинги йилларда давлат бюджети даромадлар қисмини шакллантиришда асосан солиқларга таянилиши белгиланмоқда. Шу сабабдан давлат бюджети даромадлар қисмини шакллантиришда бошқа даромадларни ҳиссаси камаймоқда. Агарда 1996 йилда даромадлар бюджет даромадларининг 18,4 фоизини ташкил қилган бўлса, 2002 йилга келиб уларнинг улуши 4 фоизга ошган.

Ушбу кўрсаткичларнинг нисбий ўзгаришига -чизма маълумотлари

орқали аниқлик киритиш мумкин.

8-жадвал

Тўғри солиқлар динамикаси


(минг сўмда)

Тўғри солиқлар	1998	1999	2000	2001
Юридик шахслардан фойда солиғи	86000,6	89800,0	87618,4	120705
Жисмоний шахслар даромадига солиқ	50297	67600,0	98747,2	144000,0
Тадбиркорлик фаолияти билан ш.ж.ш.	7500,0	9000,0	15878,0	26926,1
	2002	2003	2004	2005
Юридик шахслардан фойда солиғи	204257,1	210500,0	280500,0	276300,0
Жисмоний шахслар даромадига солиқ	214791,8	288300,0	333900,0	465600,0
Тадбиркорлик фаолияти билан ш.ж.ш.	40550,3	31400,0	37500,0	43100,0

Манба. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари

5-диаграмма

Давлат бюджети даромадлари таркибида тўғри солиқларнинг нисбий ўзгариши




Юқоридаги маълумотларидан кўриниб турибдики, кейинги йилларда Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетига келиб тушадиган тўғри соликлар таркибида юридик шахсларнинг даромад солиғи камайиб борганлигини кузатишимиз мумкин. Масалан, давлат бюджети даромадлари таркибида юридик шахсларнинг даромад солиғи 1998 йилда 21%ни ташкил қилган бўлса, 2002 йилда бу солиқ 11,5% гача камайган.

Тўғри солиқлар таркибида жисмоний шахслар даромад солиғининг улуши кейинги йиллар мобайнида турлича кўрсаткичларга эга бўлган, масалан, 1999 йилда ушбу солиқнинг жами даромадлардаги улуши 12,3%ни ташкил этган бўлса, 2000 йилда энг катта улушга эга бўлиб, 15,4%гача кўтарилган. Охирги икки йилда бу солиқнинг жами даромадлардаги улушининг тебраниб туриши кузатилган. Тегишли равишда 2001-2002 йилларда бу кўрсаткич 10,5 ва 12,3 фоизни ташкил этган.

Республикамизда кейинги йилларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи иқтисодий субъектлар сонининг ошиши давлат бюджетига бу субъектларнинг фаолияти бўйича ундириладиган солиқ тушумлари миқдорини ҳам кўпайтирмоқда. Масалан, 1998 йилда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслардан ундириладиган солиқнинг давлат бюджети даромадларидаги улуши 1,0%ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2002 йилга келиб 2,3%га етган. Юридик шахслардан ундириладиган даромад солигининг давлат бюджети даромадларида улушининг камайиши бюджет-солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари қаторига киритилади. Чунки, аввалги йилларда солиқ ставкасининг юқорилиги юридик шахсларнинг молиявий аҳволига салбий таъсир кўрсатиб, уларни иқтисодий ночор ҳолатга тушиб қолишига сабаб бўлган эди. Шу боисдан кейинги йилларда ушбу солиқ ставкаси камайтирилмоқда.

6-диаграмма

Юридик шахслардан ундириладиган даромад солиғи ставкасининг ўзгариши



Юқоридаги диаграммадан кўриниб турибдики, юридик шахслардан ундириладиган даромад солиғи ставкаси кейинги йиллар мобайнида пасайтириб борилмоқда. Масалан, 1998 йилда бу солиқнинг ставкаси 35%ни ташкил қилган бўлса, 2003 йилда эса бу солиқ ставкаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 455-сон Қарорига асосан 20% қилиб белгиланди. Бу юридик шахслар зиммасига солиқ юкини камайтириб, улар учун ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қўшимча имкониятлар яратади.

Республикамиз бюджетининг даромадлар қисмини шакллантиришда эгри солиқлар муҳим аҳамият касб этади.

9-жадвал

Эгри солиқлар динамикаси

(минг сўмда)

Эгри солиқлар	1998	1999	2000	2001
ҚҚС	101232,0	173327,0	193110,0	283865,0
Акциз солиғи	53704,0	95416,0	121337,6	340198,0
Божхона божлари	8390,6	11000,0	8200,0	18616,0
	2002	2003	2004	2005
ҚҚС	508867,2	535800,0	654900,0	748900,0
Акциз солиғи	478533,0	693900,0	877900,0	692600,0
Божхона божлари	53700,0	86100,0	94100,0	123000,0

Манба. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари.


Маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, эгри солиқлар таркибида энг юқори улуши ҚҚС 1999 йилда бюджет даромадларининг 31,6%гача

бўлган энг юқори кўрсаткични эгаллаган бўлса, бу кўрсаткич 2002 йилда 28,6%ни ташкил этган. Акциз солиғи 1999 йилда 1704 %ни ташкил этган бўлса, 2001 йилда энг катта кўрсаткичга 29,5%гача кўтарилган. Бунга сабаб мамлакатимиз ҳудудига олиб кирилаётган товарлар ҳажмининг ўсиши, акцизости товарларининг кўпайиши, мамлакат ичида товар айланишининг кўпайганлигидадир.

7-диаграмма

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетида

эгри солиқларнинг динамикаси



Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, солиқлар ва солиқ тизими иқтисодиётда муҳим функцияларни ва вазифаларни бажаради. Солиқ тушумлари муҳим макроиқтисодий ва микроиқтисодий жараёнлар кўлами ва улардаги ривожланиш суръатларига жиддий таъсир кўрсатадиган, молиявий оқимларни бошқаришда давлатнинг муҳим инструменти ҳисобланадиган давлат бюджетини маблағ билан таъминлайди. Мавжуд макроиқтисодий ва микроиқтисодий шароитлар эса солиқ сиёсатининг ҳам имкониятлари ва чегараларини белгилаб беради. Шунинг учун ҳам

иқтисодиёти ўтиш даврини бошидан кечираётган бизнинг республикамизда эса бюджет-солиқ сиёсатини ишлаб чиқишда ва уни амалга оширишда баланслашган ёндашув жуда муҳимдир.

Солиқ сиёсати мақсадлари ва имкониятлари ўртасидаги оқилона баланснинг мавжуд бўлиши бюджетнинг барқарор фаолият кўрсатишини пировардида эса узоқ муддатли стратегик мақсадларни амалга ошириш ва таъминлаш шартидир.

3.3.Бюджет харажатлари таркиби ва миқдорининг ўзгаришини бюджет-солиқ сиёсатига таъсири

Мамлакатнинг иқтисодиёти ички ва ташқи манбалардан самарали фойдаланиш даражасига боғлиқ. Давлат бюджети мамлакат молиявий ресурсларини жамғариш ва тақсимлаш жараёнида ҳал қилувчи ролни ўйнайди.

Давлат бюджети даромадларининг бюджетга тушишининг узлуксизлиги таъминланса, иқтисодиётнинг турли тармоқлари ривожланиши учун етарли даражада харажатлар қилиш имконияти мавжуд бўлади ва аҳоли турмуш фаровонлиги яхшиланади. Агарда маблағ кўрсаткичлари тўлиқ бажарилмаса, бюджет йўналишлари бўйича номувофиқлик келиб чиқади. Бу эса бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигига путур етказиб, даромад ва харажатларнинг номутаносиблигига олиб келади.

Давлат бюджетини қабул қилиш ўз олдига бир қатор устувор вазифаларини қўяди:

- иқтисодиётни барқарор ва жадал ривожланишини таъминлаш, қатъий пул-кредит сиёсатини олиб бориш;
- молия, солиқ ва божхона идоралари олдига солиқлар ва тўловларнинг тўлалигича йиғилишини таъминлашнинг аниқ йўналишлари ва механизмларини белгилаш;

- хўжалик субъектларининг бюджет олдидаги боқимандa қарзларни кескин камайтириш;
- солиқ тўлаш интизомини мустаҳкамлаш, бюджет харажатларининг мақсадли йўналишлар бўйича оқилона сарфланишини назорат қилиш.

Бундай мақсадларга эришиш учун энг аввало, бюджет даромадларини шакллантириш ва харажатлардан оқилона фойдаланишда солиқ ставкаларини пасайтириб бориш, хўжалик субъектларининг солиқ юкини камайтириш, самарасиз солиқ имтиёзларидан воз кечиш, давлат харажатларининг таркибий ва структуравий жихатидан қайта кўриб чиқиш зарур.

Бюджет-солиқ сиёсати самарадорлигини оширишда давлат бюджети ижросини ташкил этиш ва назорат қилиш мухим ахамият касб этади. Ўзбекистон Республикасида давлат бюджетининг ижросини назорат қилишни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг худудий молия органлари амалга оширади. Бунинг учун турли даражадаги бюджетларга мақсадли жамғармаларнинг тушиши тўғрисида солиқ, божхона органларидан, мақсадли жамғармаларни тақсимловчи органлардан бюджет маблағларини олувчилардан бюджетдан ажратилган маблағларнинг тушуми ва сарфланиши тўғрисида хисоботлар, банклардан бюджет маблағларининг ҳаракати тўғрисида маълумотлар олинади. Давлат бюджетининг ижроси тўғрисида умумлаштирилган якуний маълумотлар, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тақдими асосида Вазирлар Маҳкамасида йилнинг ҳар чорағида кўриб чиқилади.

Давлат бюджетида барча асосий молия институтлари сарфлар, турли даромадлар, давлат кредити бирлашган. Давлат бюджети давлатнинг молия ресурсларини вужудга келтириш, шакллантириш усулларини, улардан мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши мақсадларида фойдаланишни белгилайди.

Ўзбекистон Республикасида ягона бюджет тизими шакллантирилган бўлиб, у икки бўғиндан иборат: республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар. Ўзбекистон Республикасидаги барча бўғинларни шакллантириш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижросини ҳисобга олиш миллий валюта-сўмда амалга оширилади.

Давлат бюджетининг асосий вазифаси давлатнинг фискал сиёсати мазмунини ва йўналишларини ўзида ифода этади. Кенгроқ маънода айтганда, давлат бюджетининг асосий вазифаси миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш, иқтисодиётни тартибга солиш ва рағбатлантириш, ижтимоий сиёсатни молия билан таъминлаш, мамлакатнинг марказлаштирилган пул жамғармаларини вужудга келтириш ва улардан фойдаланиш устидан назорат қилиш ҳисобланади.

Давлатнинг фискал сиёсатининг иқтисодий ривожланиш ва аҳоли турмуш даражасига таъсирини мувофиқлаштириш зарур. Чунки, бюджет фақат маблағларни марказлаштириш, уларни тўплаш, жамғаришгина эмас, балки тўпланган молиявий ресурсларни оқилона сарфлашни ҳам ўзида ифодалайди. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг 1998-2004 йиллардаги таркибий тузилишини кўздан кечирадиган бўлсак, бу даврда бюджет харажатлари тузилмасида муҳим ўзгаришлар юз берганлигини кўришимиз мумкин.

10-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг 1998-2004 йиллардаги таркиби

Харажатлар	1998	1999	2000	2001	2002	2003	2004
1. Ижтимоий-маданий тадбирлар харажатлари	34,8	31,7	40,4	39,8	40,3	38,4	40,0
2. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш харажатлари	10,6	6,8	10,4	8,5	7,5	6,9	6,6
3. Иқтисодиётни молиялаштириш харажатлари	10,8	10,8	9,7	8,7	8,7	11,0	12,5
4. Давлат капитал қўйилмаларни молиялаштириш харажатлари	22,6	22,6	21,3	17,9	14,4	13,6	11,7
5. Давлат бошқарув органлари ва суд органларини сақлаш	14,0	14,3	2,3	2,3	2,5	3,4	3,5
6. Бошқа харажатлар	8,2	8,6	18,9	23,2	25,5	26,7	25,7

Манба. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳисоботлари.

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, кейинги йилларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатлари қисқариб бомоқда. Хусусан, бюджетнинг бу турдаги харажатлари 1998-2004 йиллар мобайнида кўпайганлигини кузатишимиз мумкин. Шунингдек, давлат бюджетидан иқтисодиётга харажатлар ҳамда давлат капитал қўйилмаларини молиялаштириш учун харажатлар салмоғи ҳам камайиб бораётганлиги кузатилган, лекин бошқа харажатлар салмоғи 8,2 дан 25,7% фоизгача ўсган, буни ижобий ҳол деб баҳолаб бўлмайди. Давлат бюджети харажатлари таркибида мақсадли инвестиция дастурларига йўналтирилган харажатлар салмоғи ҳам камайиб бомоқда, бу эса ташқи инвестициялар салмоғининг ортиб бораётганлиги билан изоҳланади.

Давлат бюджети харажатларининг таркибий ўзгариши давлат

ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг йўналишларини ўзида ифода этади. Даромадлар манбаларининг ўзгаришига қараб харажатларни режалаштириш амалиёти мавжуд эмас, шунинг учун харажатларни режалаштириш жараёнида мамлакатнинг мавжуд иқтисоий салоҳияти ва келгуси стратегик ривожланиш истиқболлари йўналишларидан келиб чиқиб, харажатлар таркибини тузиш ва уларни оқилона сарфлаш зарур.

Агарда Давлат бюджети харажатларининг динамик ўзгаришига баҳо берадиган бўлсак, 1998-2004 йиллар мобайнида жами бюджет харажатларининг ошиб бориш тенденциясини кузатишимиз мумкин. Бу йиллар мобайнида бюджет харажатлари 465040,7 млн. сўмдан 2831500,0 млн. сўмгача ёки олти баробарга ортганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Давлат бюджети харажатлари, айниқса, 2001-2002 йилларда жадал суръатлар билан ўсган, бу ўз навбатида, бюджетга жалб қилинадиган даромадлар ҳажмини ошишини ҳам такозо этади.

Олдинги йилларда тўпланган тажрибалардан келиб чиққан ҳолда 2004 йилдаги Давлат бюджети харажатлари таркибий тузилишида деярли сезиларли ўзгаришлар рўй бермаган. Жорий йилда ижтимоий тадбир харажатлари салмокли улушга эга бўлиб, ушбу соҳа харажатлари жами харажатларга нисбатан 40,0 % салмоқни эгалламоқда, аввалги йилга нисбатан бу кўрсаткич ошиши ҳам ижтимоий тадбирларга сарфландиган харажатлар катта улушга эга бўлиши назарда тутилган. Бу жорий йилда республикамизда аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларига бўлган эътибор кучайиб бораётганлиги, кам таъминлаган аҳоли қатламини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолишини билдиради.


Маълумки, давлат иқтисодиётни тартибга солишда, унинг асосий йўналишларини белгилашда бош ислоҳотчилик ролини бажармоқда. Шу мақсаддан келиб чиқиб иқтисодиётга ажратиладиган маблағлар ва давлат инвестиция дастурига мувофиқ марказлаштирилган инвестиция

харажатлари бюджет харажатлари миқдори кейинги йилларда ортиб бормокда.

8-диаграмма


2005 йилда давлат бюджети харажатларининг таркиби

(фоиз ҳисобида)



9-диаграмма

Давлат бюджетидан иқтисодиётга ва марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш учун ажратиладиган маблағларнинг ўзгариши



Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, иқтисодиётга харажатлар миқдори 2002-2004 йиллар мобайнида 188800,0 млн. сўмдан 401500,0 млн. сўмга ортган, яъни 2 марта кўпайган. Шунингдек, марказлаштирилган инвестициялар учун ажратиладиган маблағлар шу йиллар мобайнида 348700,0 млн. сўмдан 328100,0 млн. сўмга камайган. Лекин, бу кўрсаткичлар нисбий миқдорларда камайганлигини кузатишимиз мумкин. Бунинг асосий сабаби, аввало, хусусий секторнинг ривожланиб бораётганлиги, давлатнинг иқтисодиётга аралашуви камаяётганлиги ва чет эл инвестициялари ҳисобидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ҳажмининг ортиб бораётганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Республикамизда амалга оширилаётган бюджет сиёсатидаги асосий йўналиш бюджет даромадлари ва харажатларининг бир-биридан кескин фаркланишини олдин олиш, яъни бюджет-солиқ сиёсатини аниқ бир йўналтирилган тизимда давлатнинг ижтимоий-иқтисодий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ва иқтисодиётнинг ривожланиш даражасини эътиборга олиб сиёсат олиб боришдир. Бунда давлат бюджетининг харажатлар қисмини оптималлаштириш, ортиқча харажатларга йўл қўймаслик, ижтимоий зарурий соҳаларни ривожлантириш истиқболларини кўзлаган ҳолда харажатларни мақсадли йўналтириш ва бу қилинаётган харажатларни келгусидаги самарадорлик кўрсаткичларини эътиборга олиш бугунги куннинг долзарб вазифаси ҳисобланади.

Ҳукумат иқтисодий тизимнинг фаолиятига муҳим тавсифни йигма ҳолда беришда давлат бюджетинингг сальдосини абсолют сумма ва нисбий даражаси ЯИМ нисбатан ҳисобланган кўрсаткичлардан фойдаланилади. Агар сальдо мусбат бўлса, давлат бюджети фаол, манфий бўлса тақчилли бюджет дейилади.

Кўпгина ҳолатларда харажатларнинг даромадлардан ошиб кетиши бюджет тақчиллигини келтириб чиқаради. Бюджет даромадлари

харажатлари ва бюджет тақчиллиги ўртасида ўзаро узвий боғлиқлик мавжудки, бу бюджет ижроси жараёнида ва мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг йўналишларига караб турли даражада намоён бўлади.

Бюджет тақчиллигига таъсир этувчи турли хилдаги макроиқтисодий омиллар орасидан унга бевосита таъсир этувчи омилларни ва билвосита таъсир этувчи омилларни ажратиб олиш муҳимдир. Бюджет тақчиллигини таърифига харажатларнинг даромадлардан кўп бўлиши сифатидаги макроиқтисодий ёндашув бюджет тақчиллигига таъсир этувчи омилларни бюджет даромадларига таъсир этувчи омилларга ва бюджет харажатларига таъсир этувчи омилларга бўлишни назарда тутади. Ушбу таърифдан келиб чиқиб, қуйидагиларни таъкидлашимиз мумкин бўлади:

- бюджет тақчиллиги харажатлар билан даромадлар ўртасидаги маълум муносабатларнинг натижаси бўлиб ҳисобланади. Даромадлар ҳам харажатлар ҳам бир неча омилларга боғлик бўлади. Харажатлар йўналтирилиши жиҳатидан шартли ривишда уч қисмга бўлинган бўлади (давлат харидлари, ижтимоий трансфертлар, қарзларни тўлаш харажатлари), даромадлар эса иккитага (солиқлардан тушум, бошка даромадлар)га бўлинади;
- бюджетнинг харажат ва даромад қисмларининг ҳар бир моддаси макроиқтисодий омилларнинг таъсири остида деб қаралади. Шуни таъкидлаш лозимки, баъзи омиллар ҳам даромад ҳам харажат қисмида бўлади. Хусусан, маҳсулот хажми (V) давлат харидлари омили хамда бюджет тушумлари омили сифатида қаралади; ишсизлик даражаси (U) ижтимоий харажатлар ва бир вақтнинг ўзида реал маҳсулот омили сифатида қаралади; нархлар даражаси (P) давлат харидлари ва солик тўловлари омили сифатида қаралади.

Юқорида келтирилганларда барча таъсирлар хисобга олинганлиги, бюджет тақчиллигини улар асосида тўла тушунтириш мумкинлиги

тўғрисида мунозаралашиш мумкин. Бундай моделда барча таъсирлар ҳисобга олинмаган бўлиши тушунарлидир. Буни ҳар қандай модел ҳам ўз диққатини маълум бир нарсада тўхтатиши, бошқа нарсалардан абстрактлаши лозимлиги билан оқлаш мумкин.

Омилларни танлашда биз қуйидаги меъёрлар билан ёндашдик:

- ҳамма томондан тан олинган классик бюджет тақчиллиги ҳажмини белгиловчи, масалан, реал маҳсулот, солиқ ставкалари ёки давлат харидлари каби омилларни ҳисобга олиш;
- даромадлар дифференциацияси даражасининг ўсиши, инқирозли пасайиш даврида реал маҳсулотнинг потенциал маҳсулотдан фарқ қилиши, бюджет тушумларининг ўзига хос таркиби, инфляциянинг мавжудлиги каби ўтиш иқтисодиёти хусусиятларини ўзида акс эттирган омиллар таъсирини ҳисобга олишнинг мақсадга мувофиқлиги.

Қуйида ушбу модел бўйича турли макроиқтисодий омиллар билан бюджет-солиқ сиёсати орасидаги боғланишларни кўриб чиқамиз.

Давлат харидлари ва реал маҳсулот (У). Кўплаб мамлакатларда, хусусан, ривожлаган мамлакатларда қуйидаги боғланишни кузатиш мумкин: реал маҳсулотнинг умумий ҳажми ошганда давлат харидлари ҳажми ҳам ортади ва ушбу харидлар реал маҳсулотга қараганда тезроқ ортади. Ушбу боғланиш Вагнер қонуни номини олган. Давлат харидларининг реал маҳсулотга нисбатан тезроқ ошишига сабаб, давлат *хизматлари (давлат харидларини талаб этувчи) – юқори сифатли товардир.* Бундай хизматлардан келадиган даромадларга бўлган талабнинг эластиклиги (Е), ҳар қандай юқори сифатли товар учун бўлгани каби бирдан катта бўлади, яъни $E>1$[14].

Шунинг учун

$$MG > MY(dG/dY > 1),$$

[14] И.В. Линцов, Дефицит государственного бюджета и его социально-экономические причины в Украине мавзуида курс иши, 2000, интернет маълумотлари.

бу ерда MG – *пировард харажатлар*, МУ – пировард даромад (маҳсулот).

Бунинг аксини эса тўғри деб бўлмайди, яъни даромадлар камаядиган бўлса давлат харидлари доим ҳам камаявермайди. Ўтиш иқтисодиётидаги давлат тажрибаси шуни кўрсатадики, давлатнинг даромадлари даражаси камайса давлат аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазифасини бажариши керак бўлади. Бунда давлат ҳеч қачон аҳолининг даромад пасайиши туфайли йўқотишларини турли сабабларга кўра, масалан, нархларнинг инфляция туфайли ошиши сабабли, тўлиқ копламайди (MG<-MY) У ва G орасидаги боғланишлар бўйича қуйидаги гипотезани айтиш мумкин:

- реал маҳсулот кўлайганда (амалда фаровонлик ошганда) давлат харажатларининг кўпайиши давлат хизматлари сифатини яхшиланиши ва давлат харидларининг ошиши билан ифодаланади, яъни:

$$Y\uparrow \rightarrow PG\uparrow \rightarrow G\uparrow (MG>MY);$$

- реал маҳсулот ҳажми камайганда (фаровонлик даражаси пасайганда) давлат харажатларининг кўпайиши ижтимоий трансфертлар ҳисобига ошиши мумкин, яъни:

$$Y\downarrow \rightarrow IT\uparrow \rightarrow G\uparrow (MG<MY);$$

Давлат харидлари, нархлар ўзгариши (P) ва харидлар ҳажми (Qg). Давлат харидлари, нархлар ўзгариши ва харидлар ҳажми орасидаги асосий формула қуйидагича ифодаланиши мумкин:

$$PG=P*Q^g.$$

Бу ердан қуйидаги келиб чикади: $P\uparrow \rightarrow PG\uparrow \rightarrow$; $Q^g\uparrow \rightarrow PG\uparrow$.

Давлат харидларининг таркиби давлат бюджети харажатларининг расмий тавсифига асосан аниқланади.

Давлат қарзлари бўйича фоизлар ва қарзларни тўлаш. Бюджет тақчиллиги, давлат қарзи ва қарзларни тўлаш бўйича фоизлар орасидаги боғланиш қуйидаги формула билан ифодаланади:

$$(G_n - T_n) + i * D_n^g = D_n^g - D_{n-1}^g.$$

бу ерда D_n^g ва D_{n-1}^g - олдинги ва жорий давлат қарзлари;

$i * D_n^g$- олдинги қарзлар бўйича қарзлар фоизларини тўлаш бўйича фоизлар;

G_n-T_n – Давлат бюджети қолдиғи.

Келтирилган формула қуйидагича иқтисодий маънога эга бўлади:

- тақчилликни қоплаш манбаи бўлиб (формуланинг ўнг қисми) давлат қарзи ҳисобланади;

- бюджет қолдиғи G_n-T_n давлат қарзини кўпайтиради, қарзлар бўйича фоизларни тўлаш эса бюджет тақчиллигини кўпайтиради.

Агар тақчиллик давлат қарзи ҳисобига молиялаштирилса, қарзни тўлаш бўйича харажатларни ошишини ва ушбу омилга боғлиқ равишда бюджет тақчиллигини кўпайишини кутиш мумкин:

$$G0\text{-}T0\uparrow \rightarrow Dg\uparrow \rightarrow (iDg)\uparrow \rightarrow (G1\text{-}T1)\uparrow$$

Миллий валюта курси ва бюджет тақчиллиги. Миллий валюта курси давлат қарзларини тўлаш бўйича харажатлар ҳажмига таъсир этувчи омил сифатида қаралади, чунки миллий валюта курсини пасайиши олдинги фоиздаги ташқи қарзни тўлаш учун миллий валютада кўпроқ пул маблағларини талаб этади:

$$q\uparrow \rightarrow i^d\uparrow \rightarrow D^g\uparrow$$

Миллий валюта курсини ўзгаришининг бюджет тақчиллигига таъсири бошқача кўринишда ҳам бўлиши мумкин. Хусусан, курс давлат бюджети тушумига таъсир этиши мумкин. Маълумки, курснинг ўсиши мамлакатнинг экспорт салоҳиятини камайтиради (соф экспортнинг камайиши), яъни экспортни солиққа солишдан тушадиган тушумлар камаяди. Шунингдек, курснинг ўсиши ёки унинг пасайишдан кейин барқарорлашуви нархларни ўсишини чеклаб қўйиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида маҳсулотларни сотилишига, бундан келиб чиққан ҳолда нархлар

даражасига боғлиқ бўлган эгри соликлардан бюджетга тушумларни камайишига олиб келади.

Барқарор ва ўсаётган валюта курсининг бюджет тақчиллигига нисбатан ижобий натижаси ички барқарорлашувга, ишлаб чиқариш хажмини ортишига, даромадларни кўпайишига ва, шундай килиб, бевосита соликлар базасини ошишига олиб келишини кузатиш мумкин.

Реал махсулот хажми ва бюджет тақчиллиги.

Y ва D^s орасидаги боғлиқлик қуйидаги формула билан (бюджет функцияси) ифодаланиши мумкин:

$$D^s=G-T=G-t*Y$$

Бу ерда t – солиқ ставкаси,

Бу ердан: реал махсулот қанча кўп бўлса бюджет тақчиллиги шунча кам бўлади: $Y\uparrow \rightarrow D^s\downarrow$.

Реал махсулотнинг бюджет тақчиллигига таъсири биринчи навбатда реал бюджет харажатлари билан боғлиқ бўлади. Бундан ташқари реал махсулотнинг бюджет тақчиллигига таъсири соликлар ўзгариши билан ҳам боғликдир. Ушбу боғликликларни қуйидагича ифодалаш мумкин. Агар $(G-T)=D^s-tY$ тенглик тўғри бўлса, у ҳолда:

D^s % ўзгариши = G% ўзгариши - % (Y ўзгариши х t ўзгариши), яъни тақчилликнинг ўзгариши давлат харажатларини ўзгаришидан соликдан тушадиган тушумни ўзгаришини айиришдан ҳосил бўлади.

Мехнат ресурсларининг бандлиги камайганда (ишсизлик кўпайганда) солиққа тортиш базаси ва бюджетга тушумлар камаяди. Бюджет тақчиллиги ва бандлик орасидаги боғлиқлик «яширин» бюджет профицити тушунчаси оркали тушунтирилиши мумкин. Ушбу тушунчанинг қуйидаги талаблар (тамойиллар) оркали тушунтириш мумкин бўлади:

а) нотўлиқ бандлик шароитида бюджет баланслаштирилса, нисбатан ортиқча солиққа тортиш пайдо бўлади, унинг ортиқчалиги давлат харажатлари даражасига нисбатан кўринади;

б) солиқ ставкалари фақат тўлиқ бандлик шароитидагина бюджетни баланслаштирадиган даражада белгиланиши лозим бўлади.

Лаффер эгри чизиғи маълум бўлганидан кейин солиқ ставкаларини фақат маълум чегараларгача ўсиши бюджет тушумларини кўпайтириш манбаси бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги қараш классик қараш бўлиб колди. Ушбу чегарадан кейин солиқ ставкаларининг оширилиши бюджет тушумларини камайишига олиб келади.

Пул массаси ва нархлар динамикаси ҳамда бюджет тақчиллиги. «Бюджет тақчиллиги инфляция сабабчиси бўлади» деган қоида кўпчилик томондан қабул килинган. Бунга тескари бўлган боғликликни ҳам аниқлаш муҳимдир: инфляция бюджет тақчиллигига қандай таъсир этади. Бюджет тақчиллиги фақат маълум шароитлардагина, айнан бошқа имкониятлар қўллаб бўлинганидан кейингина инфляцияни келтириб чиқариш мумкин. Бундай имкониятлар қаторига ички қарзлар в Марказий банк захираларидан фойдаланиш киради. Пул таклифини кўпайтириш натижасида бюджет тақчиллигини молиялаштиришнинг янги манбаи ҳосил бўлади. Бу қуйидаги формула билан ифодаланиши мумкин[15]:

$$D_b = \frac{\vec{P}}{1+\vec{P}} * \left(\frac{M}{P}\right)$$

бу ерда $\vec{P} = \frac{P_n - P_{n-1}}{P_{n-1}}$ - инфляция даражаси;

$\frac{M}{P}$ - реал пул қолдиқлари. Ушбу формуланинг иқтисодий маъноси қуйидагича:

а) бюджет тақчиллиги инфляцион солиқ оркали молиялаштирилиши мумкин;

б) солиққа тортиш базаси бўлиб аҳоли қўлидаги реал пул қолдиклари $\frac{M}{P}$ ҳисобланади, солиқ ставкаси эса $\frac{\vec{P}}{1+\vec{P}}$ га тенглашади;

---

[15] И.В. Линцов, «Дефицит государственного бюджета и его социально-экономические причины в Украине» мавзусида курс иши, 2000 й. Интернет маълумотлари.

в) реал тақчилликнинг маълум бир қийматида, пул қолдиклари қанча кам бўлса бюджет тақчиллигини молиялаштириш учун шунча катта инфляция даражаси талаб этилади.

Пул таклифини кўпайтириш орқали маълум инфляция даражасига йўл қўйиш билан ҳукумат бюджет тақчиллигини молиялаштирадиган қуйидагича инфляцион солиқ олади[16]:

$$\left[T_1 \frac{P_n - P_{n-1}}{P_{n-1}}\left(\frac{M}{P_n}\right)\right]$$

Лекин, инфляцион солиқ билан амалга ошириладиган инфляция даражаси ва бюджет тақчиллиги орасидаги боғликлик ($\bar{P} \uparrow \rightarrow T_i \uparrow \rightarrow D^b \downarrow$), фақат инфляция даражаси аҳоли пул захираларини камайишидан тезрок бўлган вақтларда бўлиши мумкин. Маълумки, инфляция даврида аҳоли пул захираларидан қутулишга ҳаракат қилади. Пул маблағлари захиралари камайиши тезлиги инфляция даражасидан ошиб кетса инфляцион солиқ камаяди ва бюджет тақчиллиги кўпаяди.

Бундан келиб чиққан ҳолда, агар:

$\frac{\Delta M\left(\frac{M}{P}\right)}{\Delta M * \bar{P}} >$, у ҳолда $\bar{P} \uparrow \rightarrow T_i \uparrow \rightarrow D^b \downarrow$

ва агар:

$\frac{\Delta M\left(\frac{M}{P}\right)}{\Delta M * \bar{P}} <$, у ҳолда $\bar{P} \uparrow \rightarrow T_i \uparrow \rightarrow D^b \uparrow$

Бу ерда ΔМ-М нинг ўзгариши.

Инфляциянинг солиқ оркали бюджет тақчиллигига яна бир таъсири Оливер-Таган қондасида ўз аксини топган. Бу қоидага кўра, агар мамлакат солиқ ставкаларини тўғрилаш тизимига эга бўлмаса, инфляция туфайли бюджет тушумлари солиқдан қочиш йўллари мавжуд бўлганлиги сабабли

[16] И.В. Линцов, «Дефицит государственного бюджета и его социально-экономические причины в Украине» мавзусида курс иши, 2000 й. Интернет маълумотлари.

камаяди. Нархлар ошганда ва солиқ ставкалари ўзгармай қолганда реал солиқ тушумлари камаяди. Ушбу қоида қуйидаги схема орқали акс эттирилиши мумкин:

$$D_b \uparrow \rightarrow \tilde{P} \uparrow \rightarrow T_{\text{реал}} \downarrow \rightarrow D^b \uparrow$$

Шундай қилиб, инфляцион солиқ - инфляция даражасини маълум қийматида давлат олиши мумкин бўлган ва пул маблағлари эгаларининг капиталини йўқотишга тенг бўлган фойдадир. Ушбу йўқотиш пул таклифи кўпайтирилганда бўлади.

Бюджет тақчиллиги ва кўп сонли макроиқтисодий омиллар орасидаги боғлиқлик таҳлили кўп омилли таъсирлар мавжудлигини тасдиқлайди. Бюджет тақчиллиги кўрсаткичини асослаётганда комплекс омилларини ҳисобга олиш лозим бўлади.

Расмий маълумотларга қараганда, Ўзбекистон Республикаси бюджети тақчиллигининг нисбий қиймати йилдан-йилга камайиб борган, уни бошқариш сифати ва таркиби унча катта ўзгаришларга учрамаган. Қуйидаги жадвалда 2000, 2001, 2002 йиллар давомидаги бюджет харажатлари, даромадлари ва бюджет тақчиллиги тўғрисида умумий маълумотлар келтирилган. Илова қилинаётган жадвалларда ушбу маълумотлар тўлиқ берилган.

11-жадвал

2000-2005 йиллар мобайнидаги бюджет харажатлари, даромадлари ва тақчиллиги тўғрисидаги маълумот

млрд. сўмларда

Йиллар	Бюджет даромадлари	Бюджет харажатлари	Бюджет тақчиллиги	
			Миқдори	ЯИМ нисбатан %
2000	910,9	942,7	31,8	1.7
2001	1706,4	1750,3	43,9	1,5

2002	2518,2	2573,5	55,3	1,0
2003	2342,1	2376,9	34,8	0,4
2004	2750,9	2743,2	+7,7	1,0
2005	3310,8	3464,1	153,3	1,0

Манба:Молия вазирлиги маълумотлари асосида.

Юкорида келтирилган жадвалдан кўриниб турибдики, бюджет тақчиллиги мутлақ суммаси йидан-йилга ошиб борган, унинг нисбий суммаси эса аксинча, йилдан-йилга камайиб борган. Бу эса Ўзбекистон Республикаси хукумати томонидан қаттиқ бюджет сиёсати юритилаётганлигини кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси бюджет даромадлари таркибидаги улуши қуйидаги жадвалда кўринади.

12-жадвал

2001-2005 йилларда бюджет даромадлари таркиби тўғрисидаги маълумот (Максадли фонд даромадларисиз)

(млрд. сўмда)

Йиллар	Тўғри солиқлар		Эгри солиқлар		Ресурс тўловлари ва мулк солиғи		Бошқа даромадлар	
	сумма	%	сумма	%	сумма	%	сумма	%
2000	232,0	25,5	414,7	45,5	91,1	10	168,8	19
2001	361,2	28,5	655,7	51,8	117,3	9,3	132,6	10,4
2002	505,5	27,1	1018,3	54,6	139,3	7,5	815,5	10,8
2003	616,6	26,4	1353,8	57,8	222,3	9,5	108,4	4,6
2004	729,7	26,5	1540,1	56,0	316,8	11,5	117,9	4,3
2005	865,8	26,2	1627,9	49,2	629,8	19,0	135,2	4,1

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида.

Жадвалдан кўриниб турибдики, эгри солиқларнинг умумий даромадлардаги улуши йилдан-йилга ошган ва ушбу солиқларни йиғилиши сифати яхшиланганлигини, бу борада олиб борилаётган ишлар

ўз натижасини бераётганлигини кўриш мумкин. Тўғри соликлар 2000 йилга нисбатан 2001 йили кўпайган, бирок 2002 йили 2001 йилга нисбатан унинг нисбий қиймати камайган. Бу мамлакатдаги умуминтисодий ҳолатдан келиб чикиш билан изоҳлаш мумкин деб ўйлаймиз.

Харажатлар ва уларнинг давлат бюджети харажатларидаги улуши қуйидагича:

13-жадвал

2001-2004 йилларда бюджет харажатлари таркиби тўғрисидаги маълумот

(Максадли фонд харажатларисиз)

млрд. сўмларда

Йил-лар	Ижтимоий соҳа		Ижтимоий ҳимоя		Марказлашган инвестиция ва иқтисодиётга		Суд ва давлат органлари		Бошқа харажатлар	
	сумма	%	сумма	%	сумма	%	сумма	%	сумма	%
2000	337,9	35,8	72,0	7,6	276,8	29,4	23,4	2,5	232,7	24,7
2001	498,2	37,9	101,0	7,7	353,3	26,9	28,6	2,2	332,5	25,3
2002	732,5	38	144,3	7,5	523,7	27,2	40,2	2,1	484,9	25,2
2003	912,6	38,4	183,2	7,7	609,6	25,6	58,7	2,5	612,8	25,8
2004	1097,7	40,0	207,8	7,6	667,0	24,3	69,9	2,5	700,9	25,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида.

Харажатларнинг нисбий улушлари охирги уч йил давомида деярли ўзгармаган. Ижтимоий соҳа харажатлари 2000 йилдаги 25,8 фоиздан 2001 ва 2002 йиллардаги 38,0 фоизгача кўпайган. Марказлашган инвестициялар ва иқтисодиётга килинган харажатлар улуши эса аксинча, камайиб, 2000 йилдаги 29,4 фоиздан 2002 йилдаги 27,2 фоизга тушган. Бошка харажатларнинг улуши деярли ўзгармай қолган. Бу ҳам бизнинг иқтисодиётимизда охирги йилларда барқарор ҳолат юзага келганлигини чукур ўзгаришлар, фавқулодда ҳодисалар ва бюджет харажатлари

пропорционаллигини катта миқдорда ўзгартирувчи бошқа воқеалар юз бермаганлигини кўрсатади.

Изланишлар шуни кўрсатадики, давлат бюджети харажатлари таркибининг ўзгариши даромадларнинг турли манбаларини қидириб топишни тақозо қилмоқда. Бунда асосий эътибор самарасиз харажатлардан воз кечиб, ижтимоий йўналтирилган харажатларни кўпайтиришга қаратилади.

Таянч сўз ва иборалар

Давлат бюджети харажатлари, Давлат бюджети даромадлари, федерал бюджет, ерлар бюджети, такчиллик, тўғри солиқлар, эгри солиқлар, дотация, Лаффер эгри чизиғи, реал маҳсулот ҳажми, давлат харидлари.

Мавзу бўйича назорат учун саволлар

1. Бюджет даромадлари таркибида солиқларнинг ўрнини кўрсатинг.
2. Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигини таъминлашнинг хориж тажрибалари тўғрисида нима дея оласиз?
3. ЯИМ таркибида Давлат бюджети даромадларининг салмоғини камайишини қандай баҳолайсиз?
4. Бюджет харажатлари таркиби ва миқдорининг ўзгариши бюджет-солиқ сиёсатига таъсири нималардан иборат?
5. Ўзбекистондаги республика ва маҳаллий солиқларини, Германиянинг федерал ерлар ва маҳаллий солиқлари билан таққосланг.

4-Боб. Солиқ оғирлигини мукаммаллаштириш

4.1.Солиқ оғирлиги ва унинг ҳолатини белгиловчи омиллар

Иқтисодиётни тартиблашга солиқлар орқали таъсир ўтказишда солиқнинг икки даражаси, унинг иқтисодий тараққиёт жараёнига, аҳолининг турмуш даражасига таъсири муҳим аҳамият касб этади. Солиқ юкининг муайян давр учун илмий асосланган, адолатли ва реал вариантларнинг қўлланилиши кўпгина ривожланган давлатларда иқтисодиётнинг самарали ривожланиб боришини таъминламоқда.

«Солиқ оғирлиги (юки, «зулми»)-давлат ва жамият ҳаётида солиқларнинг ролини характерлаб берадиган энг умумлашган кўрсаткичдир»[17]. Ишлаб чиқариш умумий ҳажми ва даромадларида солиқ ажратмаларининг салмоғини кўрсатувчи, бозор иқтисодиётининг амалга оширилаётган моделидан келиб чиқадиган ўлчамдир. Қиска қилиб айтганда, солиқ оғирлиги бу барча тўланадиган солиқларнинг суммасидир.

Солиқ юкига унинг мазмун моҳиятидан келиб чиқиб, турлича ёндашувлар мавжуд. Бу категорияга турли хил ёндашувлар мавжуд бўлганлиги билан, унинг умумий мазмун моҳияти ягонадир.

Солиқ юки тушунчасига Қосим Яхёевнинг «Соликка тортиш назарияси ва амалиёти" китобида қуйидагича таъриф берилади: «Солиқ юки тўловчининг ҳамма солиқлар ва йиғимлар йиғиндисининг бюджетга тўлашидир. Солиқ юки фойдага ёки жами даромадга нисбатан олинади. Мамлакат миқёсида ҳамма тўланган солиқ ва йиғимларнинг ЯИМ даги салмоғи ҳам солиқ юкини ифодалайди»[18].

Агар солиқ тўловчи солиқларни тўғри тўлаган бўлса, унга солиқ юки мос келади. Лекин, баъзи корхоналарда эгри солиқлар бўлиб, унинг ҳуқуқий тўловчилари корхона ҳисоблансада, солиқ юки истеъмолчи, яъни

---

[17]Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари Т.: Адлия. 2002. -163б.
[18] Яхёева Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. -Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. -168б.

аҳоли зиммасига тушади, охирги истеъмол қилувчилар аҳоли ҳисобланади. Солиқ назариётида - солиқ зулми тушунчаси мавжуд бўлиб, «солиқ юки» тушунчасининг айнан бир кўринишидир. Масалан, доцент Л.Б. Хваннинг «Солиқ ҳуқуқи» номли китобида қуйидагича таъриф берилади:

«Солиқ зулми солиқ тизими иқтисодий кўрсаткичларидан бири бўлиб, солиқнинг жамият ҳаётидаги ролини тавсифловчи умумий кўрсаткичидир, у солиқлар умумий суммасининг ЯИМга нисбати сифатида аниқланади»[19].

Республикамизда ҳам солиққа тортиш соҳасидаги асосий масалалардан бири бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳозирги босқичи учун хос бўлган солиқ юкининг энг оптимал ҳолатини ишлаб чиқариш ва уни амалда таъминлаш бўлиб колмоқда. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов «Солиқ тизимини ўзгартиришда асос қилиб олинадиган бош тамойил корхоналар зиммасидаги солиқ юкини кескин камайтиришдир»[20], деб таъкидлайди.

Иқтисодиётни солиқлар орқали тартибга солишда, хусусан, тармоқлар ўртасидаги мувофиқликни таъминлашда соҳа ва тармоқларда солиқ юкининг тегишли ҳолатини ўрнатишга алоҳида эътибор бериш лозим бўлади.

Республикамизда 1998 йилнинг 1 январидан кучга кирган Солиқ кодекси солиқ сиёсатининг асосий масалалари: солиқ турлари ва ставкалари, умумдавлат ва маҳаллий солиқлар таснифи, солиққа тортиш методологияси асослари ва бошқа умумиқтисодий масалалар аниқ равшан кўрсатиб берилишига қаратилган муҳим қадам бўлди. Натижада республика халқаро экспертизадан ўтган замонавий солиқ сиёсатининг барқарор ҳуқуқий пойдеворига эга бўлди. Солиқ кодекси маҳаллий ва чет эл товар ишлаб чиқарувчилари ҳамда инвесторлари учун кафолатлар ва имтиёзларнинг кенг тизимларини яхлит тизим сифатида бирлаштирди.

---

[19] Хван Л.Б. Солиқ ҳуқуқи. Т.: Консаудитинформ. 2001. -148б.
[20] Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: Ўзбекистон, 1998.-359 б.

Маълумки, харажатлар ва соликларнинг йўналишлари ва миқёси кўп жиҳатидан иқтисдиётнинг, жумладан ҳар бир солиқ тўловчининг бундан кейинги ривожланиши ва молиявий барқарорлигини белгилаб беради. Давлат бюджетининг ўзига хос бир томони мавжуд, бу ҳам бўлса бюджет-солиқ сиёсати нафақат давлат даромад базасини оқилона шакллантириш ва олинган маблағни тўғри таксимлаш, балки жамиятда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш қуролидир. Бошқача сўз билан айтганда, мамлакатнинг марказий иқтисодий органлари учун, жумладан, Молия вазирлиги учун уларнинг иқтисодий тадбирлари макроиқтисодий барқарорликни, инфляциянинг паст даражасини сақлашни, иқтисодий ўсишнининг юқори суръатларини ва аҳолининг оптимал бандлигини таъминлаши шарт, деган барча томондан тан олинган қоидаси бор.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексида солиққа тегишли қонун хужжатларининг тамойиллари берилган бўлиб, унга кўра «Белгиланаётган соликлар ва йиғимлар (товарлар, ишлар, хизматлар)нинг ёки пул маблағларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида эркин муомалада бўлишини бевосита ёки билвосита чеклаб қўйиш ёки солиқ тўловчининг иқтисодий фаолиятини бошқача тарзда чеклаб қўйиш ёки унга ғов бўлиш мумкин эмас»[21], деб ёзиб қўйилган.

Солиқ юки муаммосининг долзарблиги шундаки, у иқтисодий субъектлар зиммасидаги барча тўловларни ўзида мужассамлаштириб уларнинг иқтисодий фаолиятига таъсир кўрсатади. Солиқ юки ўтиш даври иқтисодиётини бошдан кечираётган мамлакатларда, айниқса, ўткир тарзда намоён бўлади. Солиқ юки муаммоси иқтисодий сиёсат нуқтаи назаридан ҳам долзарб ҳисобланади.

Солиқ тизимидаги дастлабки ислоҳотлардаёқ иқтисодиётдаги солиқ юкини камайтириш муҳим эканлиги таъкидлаб келинди. Бу муаммо Ўзбекистон Республикаси иқтисодий сиёсатининг ҳам асосий

---

[21] Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. Т.: 1999. Ўзбекистон Республикасининг Молия қонунлари. №7. 4-модда.

йўналишларидан бири ҳисобланиб, у Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 26 декабрдаги 517-сон карорида белгилаб қўйилди. Ушбу карорда ишлаб чиқарувчилар солиқ юкини пасайтириш призмасини мамлакат иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишлари билан ўзаро боғлиқ ҳолда солиқ сиёсатини такомиллаштириш масаласи қўйилди.

Солиқ сиёсатини такомиллаштиришда бош мақсад қилиб солиқ юки даражасини пасайтириш, корхоналар зиммасидаги солиқ юкини пасайтириш орқали ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва солиқ тўловларини миқдорий жиҳатидан барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш масалалари устувор қилиб белгиланган.

Солиқ юкига баҳо беришдан аввал реал ҳолатини аниқлаш лозим бўлади. Солиқ юкини аниқлаш унга кўпгина омиллар таъсир этиши туфайли анча мураккабдир. Умуман, солиқ юкини солиқлар ва йиғимлар йиғиндисининг ҳар бир юридик ёки жисмоний шахс даромадидаги улуши сифатида белгилашимиз мумкин. Лекин, бу тушунча ҳам аниқ маънони ифодаламайди,чунки даромад дейилганда турлича миқдорий кўрсаткичларни тушуниш мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, кўпгина давлатларда айниқса, ривожланаётган давлатларда, жумладан, бизнинг республикамизда ҳам асосий ҳолларда давлат харажатлари миқдори солиқ юкини белгилайди.

Солиқ юки даражасини қуйидаги омиллар белгилаб беради.

⇒ солиқлар, йиғимлар ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий ажратмалар сони;

⇒ уларнинг ставкалари даражаси;

⇒ ҳар бир солиқ базасининг ўзига хос шаклланиш хусусияти даражаси.

Солиқ юкининг мақбул даражасини белгилашда давлат қуйидаги ҳолатлар таъсирини ҳам эътиборга олиши зарур:

- мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси;

- солиқ тўловчиларнинг тўлов қобилияти, умумий молиявий имкониятлари;
- бозор муносабатларининг, хусусан, мулкчилик муносабатларининг ҳолати;
- инфляциянинг ўсиш даражаси;
- маълум давр хусусиятларига кўра давлатнинг ўз олдига қўйган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий вазифалари нисбати.

Агар иқтисодий ривожланишнинг маълум даври учун солиқларнинг фискаллиги аҳамиятлироқ деб топилса, солиқ юки анча юқори қилиб белгиланади. Солиқлардан тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантирувчи восита сифатида фойдаланиш аҳамиятлироқ деб топилса, солиқ юкини пасайтиришга тўғри келади. Иқтисодиётдаги солиқ юкини таҳлил қилганимизда ЯИМга нисбатан жами солиқ ва тўловчиларнинг нисбати миқдорига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бу кўрсаткич республикамизда барқарор ҳолатга эга эмас. Буни қуйидаги жадвал маълумотларидан ҳам кузатишимиз мумкин.

14-жадвал

Иқтисодиётдаги солиқ юкининг тузилиши

(ЯИМга нисбатан % ҳисобида)

Кўрсаткичлар	2000	2001	2002	2003	2004	2005
Умумлашган бюджет тушумлари	35,2	32,7	30,6	30,7	30,8	31,3
Шу жумладан						
Давлат бюджети солиқ тушумлари	27,9	25,5	23,6	23,6	24,1	23,3
Бюджетдан ташқари фондлар маблағлари	7,3	7,2	7,0	7,1	6,7	8,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари.

Умумлашган бюджетнинг солиқ даромадларининг ЯИМга нисбатини камайиши фискал қайта бошқаришнинг индикатори бўла олмайди. Иқтисодиётдаги фискал юкни объектив баҳолаш ҳисобига ўтказилган,

лекин пул шаклида олинмаган бюджет даромадларини (бокимандалар, ўзаро ҳисоб-китоблар, ҳар хил солиқ манбаларидан узайтирилган ва ҳисобдан чиқарилган тўловлар) ҳисобга олишни талаб қилади.


Қуйидаги чизмадан кўриниб турибдики, давлат бюджетининг солиқ даромадларини ЯИМга нисбатан 2000 йилда 27,9% дан 2004 йилда 24,1% га камайишига қарамасдан, бюджетдан ташқари жамғармаларнинг солиқ даромадлари охирги 5 йил ичида ЯИМга нисбатан 7% атрофида ўзгарган.

Ушбу ижобий оқибатларни уларнинг тармоклар кўрсаткичларидаги холатини аниклаш учун бюджетнинг даромад қисмини чукур таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

10-диаграмма

Иқтисодиётдаги солиқ юкининг тузилиши

(ЯИМга нисбатан % ҳисобида)



Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида.

4.2.Солиқ оғирлигининг корхонанинг молиявий хўжалик фаолиятига таъсири тахлили

Юридик шахсларнинг даромад солиғи ҚҚС билан бир вактда киритилди ва ставкалари 12 фоиздан 30 фоиз оралиғида белгиланди. Бунда солиқ ставкаси иктисодий тармоклар бўйича дифференция килиниб, солик фойдадан эмас, балки ялпи даромаддан олинган.

Солиқ солинадиган базага ҚҚС, республика худудидан ташкарига олиб чиқиб кетилаётган махсулотларга тўланадиган хом ашё ресурслари солиғи, акцизлар, суғурта бадаллари ва бошқа тўловлар киритилмаган. 1995 йилнинг бошидан даромад (фойда) солиғи 38 фоиз асоий ставкада бир катор камайтирилган коэффицентлар кўлланиладиган холда амалга киритилди. Шу билан бирга банклар, суғурта ташкилотлари, видеосалонлар, аукционлар ва бошқа тоифадаги солиқ тўловчилар учун даромад солиғи саклаб колинди.

Фойда солиғи солиқ юкини кўрсатадиган асосий кўрсаткич, унинг ЯИМга нисбатидир. Фойда солиғининг ЯИМга нисбати 4,6 %дан 1998 йилда 2002 йилдаги 2,6%га тушди. Фойда солиғи нисбатининг тушишига шу йиллардаги ставканинг 35%дан 24 %га тушиши сезиларли таъсир килган.

Республика корхоналари фаолиятининг асосий кўрсаткичларини - 1998-2002 йиллардаги тахлили шуни кўрсатмокдаки, ялпи фойдани ЯИМга нисбатининг 1999 йилда тушиши 2002 йилда 9,3%га ўсиш суръатига ўзгарди. Чегара ставкасининг 35%дан 2 %га тушиши давлатнинг бюджетига тушадиган аҳоли даромадларини чегиришни боскичма-боскич камайтириш сиёсатини олиб боришдир. Назарий жихатидан соликларни тушиш коэффициенти соликларни чегара ставкасидан ошиб кетиши мумкин эмас.

Бизнинг холатимизда эса, солиқ тушишининг реал коэффициенти ҳажми 1998 йил 52,3%га тенг бўлиб, аста-секин 2002 йилда 28,5%гача камайган.

15-жадвал

Фойда солиғи тушумлари динамикаси

Кўрсаткичлар	2000	2001	2002	2003	2004
Солиқ тўлангунгача бўлган фойда (ЯИМга нисбатан % ҳисобида)	8,8	7,6	8,7	9,1	9,3
Корхоналарнинг фойда солиғида тушган тушумлар (ЯИМга нисбатан % ҳисобида)	4,6	4,0	3,5	2,7	2,6
Соликларнинг чегара ставкаси, %	35	33	31	26	24
Соликларнинг тушиш коэффициенти, %	52,3	52,0	39,7	29,7	28,5
Эластиклик коэффициенти	-	0,84	0,85	0,51	0,48

Манба: Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва Молия вазирликларининг маълумотлари асосида.

Соликларни тушиш коэффиценти ҳажмининг соликни чегара ставкасидан ошганлиги, солиққа тортиладиган базага солиқ тўлашгача бўлган молиявий натижадан ташқари ишлаб чиқариш характерига эга бўлмаган харажатлар харажатлар ҳам киритилганлиги билан тушунтирилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, солиқ базасига тескари тартибда кирадиган бу харажатлар йил сайин камаймоқда. ЯИМга нисбатан 1998 йилда 4,3 %дан 2001 йилда 1,3%гача, бу шубҳасиз солиқ тизимини софлик ва соддалик томонидан яхшиланишидир.

Ўзбекистонда тўғри солиққа тортиш муаммоларини қуйидаги йўл

билан таснифлаш мумкин. Қонунчилик характеридаги муаммолар, методологик характердаги муаммолар, маъмурий характердаги муаммолар, улар бир-бирини тўлдириб ва бир-бирини такозо килиб туради.

Қонунчилик характерига эга бўлган муаммоларга шундай муаммолар киради, ўтиш давридаги мамлакатларга хос, яъни солиқ қонунчилигининг доимий ва соф эмаслигидир.

Шуни таъкидлаш лозимки, бир хил солиқлар базасини аниқлашда келишмовчиликлар ва тушунмовчиликлар мавжуд. Масалан, юридик шахсларни солиқ базасида, солиқ тўлашгача бўлган молиявий натижадан ташқари бир канча харажатлар, яъни ишлаб чиқариш характерига эга бўлмаган давр харажатлари. Шу каби харажатлар корхонага шаклланиб ўтади.

Амалдаги соликка тортиш тизими доирасида даромад солиғи тўловчиларини 4 гуруҳга бўлинади:

- ягона солиқ тўлашга ўтган кичик корхоналар;
- қишлоқ хўжалиги корхоналари;
- банклар, суғурта компаниялари, умумовқатланиш ва савдо корхоналари;
- бошқа хўжалик субъектлари.

Солиқ тўловчиларнинг биринчи гуруҳи бошқа солиқлар ўрнига ягона солиқ, иккинчи гуруҳи- ягона ер солиғи, учинчи гуруҳ -ялпи даромад солиғи ва фойда солиғини тўртинчи гуруҳ тўлайди. Ҳамма тўртта солиқ тури тўғри соликка тортиш функциясини бажаради. Шу вақтнинг ўзида бу солиқлар ҳар хил соликка тортиладиган базага эга. Масалан, фойда солиғи тўловчиларга соликка тортиладиган даромадни аниқлаш, ялпи даромадни олиш йўлларига кўра харажатни ва шу билан бир қаторда иш хақи харажатларини айириш ҳуқуқи берилган. Даромад солиғи тўловчиларига иш ҳақи харажатлари ялпи даромаддан айрилмайди.

Соликка тортиладиган базани аниқлашда турли хил ёндашувлар,

санаб ўтилган солиқ тўловлари категориялари учун солиқ йиғиш фоизини аниқлаш номувофиқдир. Бу шароитда амалдаги солиққа тортиш тизимини ягоналаштириш зарур, яъни ҳамма солиқ тўловчиар учун ягона фойда солиғи базасини, ялпи даромаддан ягона харажатни айириш зарур. Бу нуқтаи назардан харажатлар таркибини бундан буён такомиллаштириш зарур. Фойда ҳажми ҳеч қандай қўшимчаларсиз солиққа тортиш базаси бўлиши керак, бу усул ривожланган мамлакатларда қўлланилади.

16-жадвал

Қўшимча қиймат солиғидан тушумлари динамикаси

ЯИМга нисбатан % ҳисобида

Кўрсаткичлар	2000	2001	2002	2003	2004
ҚҚС	9,8	7,3	6,8	6,6	6,4
ҚҚС базаси	54,4	55,4	51,8	53,5	53,7
Солиқнинг чегара ставкаси	20	20	20	20	20
Солиқларнинг реал ставкаси	18	13,1	13,0	12,3	12,4
Эластиклик коэффициенти	1,81	0,21	0,98	0,84	0,78

Манба: Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва Молия вазирликларининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Асосий соликлардан бири ҚҚС 1992 йилда 30%ставка бўйича киритилиши натижасида сотиш ва оборот солиғи бекор қилинди. Кейинчалик ҚҚС ставкаси бир неча марта кўриб чикилди. ҚҚСни тўлашда ягона 20%ли ставкага ўтиш, солиққа тортишни ягоналаштириш ва соддалаштиришга ўтиш, чегирма харажатларни ва зиддиятларни камайтириш учун қилинган қадам бўлса ҳам, ҚҚС дан бюджетга тушадиган тушумни кўпайишига олиб келмади.

ҚҚСни тушумлар динамикаси таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, тушумнинг ЯИМга нисбати секин-аста 1998 йилда 9,8%дан 2002 йилда 6,45га камаймоқда. Чегара ставкаси (2 % миқдорида) ва солиқ бзаси (ЯИМга нисбатан 50%дан сал кўпроқ) ўзгармаган ҳолда шу йиллардаги реал солиқ ставкасини 18 %дан 12,4%га тушиши табиий ҳол ҳисобланади. Эластиклик коэффиентларининг паст кўрсаткичлари ҚҚСга тортишда жиддий муаммолар борлигидан далолат беради, чунки бу солиқни вақтида тўланишини таъминлаб бера олмайди.

ҚҚСни бюджетга тўлаш механизмини 1999 йил январ ойидан ўзгариши катта аҳамият касб этди. 1999 йилгача моддий ресурслар бўйича ҚҚС суммаси, ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобдан чиқариш меъёрига қўшиб ҳисобга олинар эди. 1999 йилдан ҚҚСни умумий, счет-фактура бўйича тушган ҳақиқий товарлар суммаси асосида ҳисоблана бошлади ва улар корхоналарнинг қўшимча молиявий ресурсларига бўлган эҳтиёжини ошишига олиб келди. Камчиликлар сарасига икки маротаба солиққа тортишни айрим ҳолларда кўп маротаба солиққа тортишни киритиш мумкин. Бошқа асосий сабабларга кўпгина адолатли ва тенг ҳукукли солиққа тортишга салбий таъсир кўрсатадиган самарали ва самарасиз имтиёзларни киритиш мумкин.

Аҳамияти кам бўлмаган омилга аванс тўловлар тажрибасини киритиш мумкин, улар ҳеч қайси ривожланган мамлакатларда қўлланилмайди. ҚҚСнинг тушиш ҳажмига ҳар хил таъсир кўрсатадиган бошқа сабаблар ҳам бор. Бу сабаблар биргаликда ҚҚСга солиққа тортишни такомиллаштириш кераклигини кўрсатади.

Билвосита солиқларнинг юки охири истеъмолчига бориб тушади, деб ҳисоблаш нотўғридир. Биринчидан, билвосита солиқларнинг ўсиши товарнинг нархини оширади, бу эса ўз навбатида сотиб олувчи корхоналарнинг талабининг қисқаришига олиб келади. Натижада таклиф мос равишда қисқаради, бу эса реал солиқ базасини камайишига олиб

келади.

Иккинчидан, давлат томонидан ишлаб чиқариш соҳасидаги молиявий қийинчиликлар даврида билвосита солиқларнинг ҳаддан ортиқ солиқ юки тўланмаган ҳисоб тўловлари ва бюджетга тушмаган тушумларни кўпайишига олиб келади.

Шу сабабли, билвосита солиқ юкини товарларни аҳолига реализация қилишда истеъмол солиғини (сотишдан солиқ) киритиш мақсадга мувофиқдир. Биринчидан, истеъмол солиғини киритиш одилона солиққа тортиш тамойилларига жавоб беради, ўз навбатида, истеъмолни катта суръати орқали катта солиқ тушумига эришилади. Иккинчидан, истеъмол солиғи бошқа бевосита ва билвосита солиқларнинг йўқотишларини қоплаши лозим.

4.3.Солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ оғирлигини мукаммаллаштириш йўналишлари

Солиқ юки республикамиз аҳолисининг яшаш тарзи ва турмуш даражасига ҳам жиддий таъсир кўрсатади. Буни биз 17-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин. Қуйидаги жадвалдаги маълумотлар шуни кўрсатадики, аҳоли даромадларининг ЯИМга нисбати ўсмоқда (1998 йилда 64,9%дан 2001 йилда 74,2%га), бу эса ўз навбатида аҳоли даромадларини босқичма-босқич ошириш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири эканлигини билдиради.

17-жадвал

Аҳоли даромадлари ва солиқ тўловлари динамикаси*

Кўрсаткичлар	2000	2001	2002	2003	2004
Аҳолининг пул маблағлари (ЯИМга нисбатан % ҳисобида) шу жумладан	64,9	71,2	72,9	74,2	76,1
Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди фонди (ЯИМга нисбатан % ҳисобида)	22,8	23,4	20,6	19,5	19,2
Жисмоний шахсларнинг даромад солиғидан тушган тушумлари (ЯИМга нисбатан % ҳисобида)	3,5	3,7	3,2	3,3	3,3
Соликнинг чегара ставкаси (%)	45	45	40	33	32
Солиқни йиғиш даражаси (даромад солиғини аҳоли пул даромадларига нисбати) (%)	5,4	5,2	4,4	4,5	4,6
Солиқни йиғиш даражаси (Даромад солиғини ИҲФга нисбати) (%)	15,4	15,8	15,7	17,1	17,2
Эластиклик коэффициенти (аҳолининг пул даромадларидан)	0,7	0,91	0,67	1,16	1,21
Эластиклик коэффиценти (иш ҳаки фондига нисбати)	-	1,08	1,09	1,46	1,57

Манба: Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва Молия вазирликларининг маълумотлари асосида.

Шуни таъкидлаш лозимки, иш ҳақи фонди солиқ базасидир

(ўрганилаётган даврда эластиклик коэффициенти 1 дан катта бўлган бу солиқни иш ҳаки фондига эластиклигини кўрсатади), унинг ҳажмини ЯИМга нисбати 1999 йилда 23,4%дан 2002 йилда 19,25га камайган. Даромад солиғи чегараси ставкасининг тушишига қарамасдан, 1998 йилда 45 %дан 33%га 2002йилда, тушум ҳажми шу йилларда 15,45дан 17,2 %га ошган. Бу шундан далолат берадики, биринчидан, фойда солиғига тортишдаги бошқарувни яхшиланганлиги, иккинчидан, солиқнинг асосий юки ўрта ҳол аҳолига тушаётганлигини билдиради.

Республикамизда яратилаётган ЯИМга нисбатан солиқ тўловлари ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар миқдори нисбати унчалик катта кўрсаткични ташкил этмайди. Лекин, аҳоли даромадлилик даражаси паст бўлган республикамизда бу кўрсаткичлар аҳолининг қуйи қатлами учун оғирлик қилади. Айниқса, истеъмол маҳсулотлари учун тўланаётган солиқлар бевосита аҳолининг яшаш даражасига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Яъни улар даромадларнинг катта қисмининг солиқ ва тўловларга ажратилиши бошқа харажатларнинг қискартилиши ҳисобидан амалга оширилмоқда.

18-жадвал

Ўзбекистон Республикасида аҳоли солиқ тўловларининг ЯИМга нисбати

Кўрсаткичлар	2002	2003	2004
ЯИМ, млрд.сўм	7469,3	9664,1	12139,0
Аҳолининг давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлари, млн.сўм	358,5	492,9	643,4
ЯИМга нисбатан % ҳисобида	4,8	5,1	5,3
Шу жумладан бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар	4,3	4,5	4,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланган.

Маълумотлардан кўриниб турибдики, аҳолининг бюджет ва

бюджетдан ташқари фондларга тўловлари миқдори йилдан-йилга ортиб борган. Бунга асосий сабаб мол-мулк солиғи ставкасининг ошиб борганлиги ва аҳоли солиқларнинг миқдорининг кўпайганлигидир. Кейинги йилларда республикамиз аҳолисининг реал даромадлари ошиб бораётганлиги ЯИМга нисбатан аҳоли солиқлари миқдорини ҳам ортишига сабаб бўлган.

Юқорида санаб ўтилган солиқлардан ташқари, муҳим аҳамият касб этувчи солиқлар бўйича солиқ юкини камайтирилишини мунтазам равишда амалга оширилиши солиқларнинг рағбатлантирувчи механизмини кучайтиришга қаратилган бўлиши лозим.

Умуман олганда, солиқ тизимидаги ислоҳотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш вазифасини ҳамда бюджетни маблағ билан таъминлаш вазифаларини уйғунлаштирган. Шу билан бирга иқтисодий ўсишда юқори даражага эришиш вазифаси, ўз навбатида, истеъмол талабини оширишни талаб қилади, бу эса барча солиқлар ва мажбурий тўловлар тўлангандан кейин қоладиган пул даромадларининг мос равишда ўсишини талаб қилади. Шунинг учун, молиявий рағбатлантириш тизимини ривожлантириш ва юридик ҳамда жисмоний шахслар даромадларини жадал суръатлар билан ўсишини таъминлаш учун шароит яратиш солиқ сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб қолаверади.

Таянч сўз ва иборалар

Солиқ оғирлиги, корхонанинг молия-хўжалик фаолияти, тўғри солиқлар, эгри солиқлар, дотация, реал маҳсулот ҳажми, қўшимча қиймат солиғи, акциз солиғи.

Мавзу бўйича назорат учун саволлар

1. Солиқ оғирлиги ва унинг ҳолатини белгиловчи омилларни кўрсатинг.
2. Ўзбекистонда тўғри солиққа тортиш муаммолари нималардан иборат?
3. Солиқ оғирлигининг корхонанинг молиявий хўжалик фаолиятига таъсирини таҳлил қилинг.
4. Солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ оғирлигини мукаммаллаштириш йўналишлари тўғрисида нима дея оласиз?

5-боб. Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигини таъминлашнинг концептуал асосларини такомиллаштириш

5.1. Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигини таъминлашда молиявий қонунчилик барқарорлиги ва самарадорлигини таъминлаш масалалари

Республикамизда мустақилликка эришилганидан кейин илгариги иқтисоий тизим ўрнига жаҳон стандартларига мос демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш модели танлаб олинди. Шунинг учун ҳам ўтиш даврида ҳуқуқий асосларни шакллантириш, ислоҳотларнинг қонуний-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш вазифаси қўйилди. Шунингдек, давлат мулкига асосланган мулкчилик шаклини ислоҳ қилиш ҳисобига кўп укладли иқтисодиёт негизини яратиш масаласи устувор йўналиш сифатида қабул қилинди.

Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек, иқтисодий ислоҳотни амалга оширишнинг асосий нуқталаридан бири бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий негизини яратишдан иборатдир. Аввал бошданоқ, биз ўзимиз учун муҳим сабоқ чиқариб олдик - зарур ҳуқуқий омилни шакллантирмасдан туриб, тегишли қонунлар ва меъёрий хужжатларни қабул қилмасдан туриб, ислоҳотларни амалга оширишнинг ишончли кафолатини, ислоҳотлар ортга чекинмаслигининг кафолатини амалда яратиб бўлмайди»[22].

Ҳукуматнинг республикамизда бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий шароитлари, тегишли қонун ва қарорлар асосида кўп укладли иқтисодиётни ва рақобат муҳитини шакллантиришнинг ташкилий шарт-шароитларини вужудга келтириш, деб белгиланганлиги сабабли, бозор инфратузилмасининг асосларини яратишда айнан қонуний негизларга таянилади.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий йўналтирилган, эркин бозор иқтисодиётига асосланган, миллий молия-кредит тизимига эга бўлган,

---

[22] Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., Ўзбекистон, 1995.- 29 б.

мустақил бюджет - солиқ сиёсатига эга бўлган давлат қурилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Ислоҳот дастурларини амалга ошириш ушбу соҳадаги қонунчилик фаолиятида ҳамда ҳақиқий фаолият доирасида ҳам ўзгаришларга олиб келди. 1992-1995 йилларда республикада бюджет тизимининг кейинги ривожланишини бошқарадиган қонунчилик актлари қабул қилинди, бунга мувофиқ қуйидагиларни амалга ошириш кўзда тутилган эди.

Барча даражадаги бюджетларнинг иқтисодий мустақиллик тамойилини тарғиб қилиш, уларнинг алоҳида шаклланишининг норматив асосларини белгилаш, бюджетларни шакллантириш муҳим тадбирларни республика бюджетидан молиялаштириш билан боғлиқлининг зарурияти Ўзбекистон Республикасида давлатнинг икки даражали бюджет тизими фаолият юрита бошлади, у республика ва маҳаллий бюджетларни ўз ичига олади.

Молия тизими бошқа секторларга қараганда, бюджет жараёнининг қонунчилик асосларини ишлаб чиқишда муайян оркада қолишга йўл қўйилган бўлиб, бу давлат молиясида самарали фойдаланишга салбий таъсир этиши мумкин. Шу сабабли, бюджет жараёнини тартибга солиш механизмини яратиш ва бюджет тизимининг институционал ўзгаришларини амалга ошириш учун бюджет маблағларини сарфлашни мақбуллаштириш, иқтисодиётнинг устувор тармокларини ривожлантириш, иқтисодий юксалишни рағбатлантириш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш ҳамда мустақил Ўзбекистоннинг давлатчилик асосларини мустаҳкамланишига кўмаклашадиган ягона қонун қабул қилиниши зурур бўлиб қолди.

Ҳозирги вақтда бюджет тизимини шакллантириш зарурияти Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиётнинг боскичма-бокич ривожланишининг янги даражаси билан юзага келган. Республиканинг халқаро майдонга чиқиши қонунчилик базасини халқаро стандартларга

мослаштиришни талаб қилди. Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонуннинг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши бир неча сабаблар билан боғланган.

Биринчидан, 1992 йилдан бошлаб мамлакатда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси амал қила бошлади, у эса бюджет тизимига таъсир қилмасдан қолмайди.

Иккинчидан, 1997 йилдан Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекс» и кучга кирди. Ушбу кодекснинг қабул қилиниши молия тизимини, шу жумладан, солиқ тизимини шакллантиришга асос бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов айтганларидек, Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичида асосий эътибор мамлакат молиявий тизимини такомиллаштиришга қаратилган. 1991-1996 йилларда ҳукумат мутахассислари, БМТ, ХВФ ва бошқа гуруҳ экспертлари Ўзбекистон Республикасида янги солиқ тизимини шакллантириш муаммоси устидан иш олиб борадилар ва ушбу меҳнат натижасида янги Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекс» и ишлаб чиқилди.

Кейинчалик Хукумат ишчи гуруҳининг асосий мақсади - Ўзбекистон Республикси Молия вазирлигининг тузилиши, ғазначилик хизматини ташкил қилишни ҳисобга олган ҳолда ислоҳ қилишга йўналтирилган эди. Ушбу гуруҳнинг меҳнати натижасида 1999 йилнинг август ойида учта энг муҳим қонунлар лойиҳаси ишлаб чиқилди: Ўзбекистон Республикасининг «Давлат молияси тўғрисида», Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида», Ўзбекистон Республикасининг «Ғазначилик тўғрисида» Қонунлари. Ушбу қонунларнинг ичида энг муҳими ва энг асосийси бўлиб, 2000 йилнинг 14 декабрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонуни ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида», конуни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 2 июндаги ПФ-2612-сон «Жамиятнинг сиёсий-иқтисодий ва маънавий соҳаларда ислоҳотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш, мамлакат ҳавфсизлигини таъминлаш бўйича дастурни амалга ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини ижро этиш асосида ишлаб чиқилди.

Ушбу қонун бюджет-солиқ сиёсатининг яхлитлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг асосий вазифалари қилиб қуйидагилар белгиланган:

- Ўзбекистон Республикасининг Бюджет тизими тузилиши ва уни бошқариш асосларини;
- Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини тузиш тамойиллари ва унинг тузилмасини;
- Давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш тартибини;
- Давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни;
- Давлат бюджети маблағлари билан операцияларни амалга ошириш жараёнида ҳисобга олиш, ҳисобот ва назорат қилиш тартибини белгилайди.

Ушбу қонуннинг аҳамияти шундаки, унга мувофиқ жойлардаги ҳокимият органларининг ҳуқуқлари кенгайтирилди, ҳокимият ва бошқарув органларининг бюджет жараёни барча босқичларидаги ваколатлари аниқлаштирилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва ҳокимликларга, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ҳамда маҳаллий бюджетларга тасдиқланган кўрсаткичлардан ташқари тушган қўшимча даромадларни мустақил равишда тақсимлаш ҳуқуқи берилади.

Ташкилотларни бюджетдан молиялаш харажатлари устида назорат

юритиш тартибини белгилашда кўпинча юзага келган мулкчилик ҳуқуқларини нотўғри тарзда талқин қилиш ҳоллари «бюджет ташкилоти» аниқ тарифи белгиланганлиги туфайли бартараф қилиниши мумкин бўлди.

Бюджет маблағларидан белгиланганидан бошқа мақсадларда фойдаланганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик қатъий чоралари белгиланганлиги туфайли бюджет ташкилоти ва шартнома асосида ҳаракат қилиб давлат томонидан буюртирилган хизматлар учун ҳақ олган, лекин солиқлар тўлаб, ўз фойдасини бемалол тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлган хўжалик ҳисобидаги ташкилот (ҳатто давлат ташкилоти)ни молиялаштириш масаласини талқин қилишда қарама-қаршиликлар юзага келар эди. Қонунларда Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими тушунчаси ва унинг тузилиши тамойиллари таърифланмаган эди. Шу сабабли, мазкур тамойилларни мамлакат ривожланишининг шарт-шароитлари ва халқаро андозаларга мувофиқ равишда таърифлаш зарурияти юзага келган эди.

Умуман, қонунда белгиланган тушунчалар мажмуи бюджет тизимига таъсир этган омилларнинг вазифаси ва ўзгаришлари жиддий эканлигини акс эттиради. Шунингдек, атамаларга оид кўрсатмаларнинг бир хиллигини бюджет атамалари ҳуқуқнинг умумий меъёрлари ва иқтисодий реалликлар билан мумкин кадар мустаҳкам ўзаро боғлинишларни таъминлайди. Давлат бюджети таркиби Конституция, қонунлар, шунингдек, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида бюджет маблағларини шакллантириш-тақсимлаш амалиёти билан мослаштирилган.

Бизнинг фикримизча, бу чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигини таъминлашдаги чора-тадбирларнн тўғри йўлга қўяди.

Илмий тамойилларга мувофиқ равишда давлат бюджетини шакллантиришда унинг микроиқтисодий таъсирини лозим даражада

ҳисобга олиш мажбурийлиги белгиланган. Бюджет лойиҳаси илгари йилдаги амалда бажарилганлик, жорий йилда ижро этиш тўғрисидаги тахмин билан узвий боғланган ҳолда кўриб чиқилади. Халқаро таснифлаш асосида давлат бюджети даромадлари ва харажатлари миллий таснифларни ишлаб чиқиш кўзда тутилади. Ушбу таснифлар давлат молия ҳисобини юритиш ва уни бошқаришни яхшилаш имконини беради.

Турли даражадаги бюджетларнинг барча даромад ва харажат йўналишлари белгиланади. Бюджет даромадларини шакллантирадиган маблағлар тушумларнинг манбалари давлатнинг ташқи ва ички қарзларини, шунингдек, республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар учун батафсил кўрсатилиб тасдиқланган маблағ ажратмалари доирасида давлат бюджети маблағларини сарфлаш шаклларини ўз ичига олади.

Даромад ва харажат қисмларини шакллантириш тартиби халқаро андозаларга тўғри келади. Бу эса турли мамлакатлар бюджет тизимларини бир хиллаштириб боришнинг зарурий элементи бўлиб, молиявий масалалар бўйича халқаро музокараларни анча енгиллаштириш имконини беради. Иқтисодий ҳолатнинг муҳим индикатори ва давлат томонидан тартибга солишнинг муҳим объекти сифатидаги давлат бюджетининг танқислиги тегишли ҳукукий мақом олиши ҳамда тартибга солишнинг қонуний негизига эга бўлиб қолди.

Қонунда Республика бюджетида танқислик мавжуд бўлиши ҳамда танқисликни молиялаш манбалари кўзда тутилади. Қорақалпоғистон Республикасининг бюджети ва маҳаллий бюджетлари балансланштирилган даромад ва харажатларга эга бўлиши лозим. Тақчилликка йўл қўйилмайди, шу жиҳатдан қараганда турли даражадаги бюджетларнинг мустақиллиги масалалари ички бюджет сиёсатининг муҳим муаммоси ҳисобланади.

Бюджетларнинг мустақиллиги бюджет тизимининг асосий тамойили сифатида белгиланган бўлиб, ушбу тамойил турли даражадаги ваколатли

хокимият органларининг ўзларига берилган ваколатлари доирасида бюджет жараёнини мустақил равишда амалга ошириш ҳукукларини англатади. Ҳар бир даражадаги бюджет даромадларининг ўз манбалари, шунингдек, жойлардаги ваколатли ҳокимият органларининг қонунларда белгиланган доираларда маҳаллий соликлар ва йиғимлар солиқ ставкаларини ўзгартириш ҳуқуқи қонун асосида мустаҳкамлаб қўйилган.

Даромадлар манбалари белгиланганлиги ва улар маҳаллий бюджетларнки эканлиги қонун асосида мустаҳкамланиб қўйилиши маҳаллий ҳокимият органларининг мустақиллиги ва бюджетларни шакллантиришда манфаатдорлигини оширади. Бунда маҳаллий бюджетларга маблағлар келиб тушишининг регулятив манбалари белгиланаги бўлиб, уларнинг жумласига белгиланган меъёрлар бўйича давлат соликларидан ажратиладиган маблағ ажратмалари киради.

Барча даражадаги бюджетлар харажатларнинг йўналишлари аник тақсимлаб қўйилганлиги, шунингдек, қўшимча даромадларни тақсимлашда мустақилликка эга эканликлари жойлардаги ҳокимият органларининг бюджет маблағларини минтақавий ривожланиши дастурларига мувофиқ самарали сарфлаб бориш имкониятини беради.

Бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солиш мазкур қонун лойиҳасининг зарурий элементи бўлади. Харажатлар республика бюджетидан молиялаштирилиши давлат бюджети маблағларини тақсимлаш ва қайта тақсимлашда турли даражадаги бюджетлар харажатларини молиялацда уларнинг ваколатларини аник ажратиб белгилайди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг бюджетига ва маҳаллий бюджетларга доир чеклашларни белгилайди. Бу эса амалдаги конунларга биноан бюджет тизимини мустаҳкамлашга, бюджет-солиқ сиёсатининг яхлитлигини таъминлашга кўмаклацади.

Давлат бюджетида консалидациялашган давлат мақсадли жамғармалари рўйхатга олинган. Эндиликда давлат мақсадли

жамғармаларини фақат қонун бўйича ташкил қилиниши мумкин. Кўрсатиб ўтилган жамғармаларининг фаолиятн давлат бошқарувининг устувор вазифаларини ҳал этишга йўналтирилган амалиёт бюджетни мустаҳкамлаш, даромадлар ва харажатлар ҳисобини юритишни яхшилаш, бюджет интизомини оширишнинг муҳим элементи сифатида консолидациялашган тарзда қўшиб бориш бирлаштирилганлигини исботланмоқда.

Давлат молиясида соҳасида олиб борилаётган ўзгаришларнинг марказида консалидациялашган бюджетни шакллантириш ва бундан янада самарали фойдаланиш, давлат бюджетини мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги тутган ўрнини ошириш масалалари туради. Бюджетни шакллантиришда унинг ҳам харажатлар қисмини, ҳам даромад қисмини белгилаш муҳимдир, чунки буни ҳисобга олмаслик нохуш окибатларни келтириб чиқаради.

Илмий асосларга таянган ва иқтисодий қонунлар талаби асосида тўғри ташкил қилинган молия, бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, молиявий тизим соҳалари ўртасида қайта тақсимлаш ва республикамизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни барқарорлаштириш мақсадида, давлат ихтиёридаги молия ресурсларини марказлаштиришдан иборатдир.

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган бюджет сиёсатининг асосий йўналишларидан бюджет тақчиллигини маълум нисбатда ушлаб туриш ва уни тартибга солиш, бюджет маблағларидан сарфлашда мақсадли, самарали ва оқилона ишлатишга риоя қилиш билан бирга даромадларни ўз вактида тушириш бюджет ижросида яхши натижалар беради.

Маълумки, бюджетнинг ижроси икки усул билан, ғазначилик ва банк орқали амалга оширилади. «Бюджетни ижросидаги банк тизимида мамлакатнинг марказий эмиссия банки орқали амалга оширилади. Ғазначилик тизимида давлат ғазнаси даромадларни қабул қилади,

харажатларни амалга оширади ва колган маблағлар унинг махсусхисоб рақамида қолади. Бу тизимнинг ижобий томонлари талайгина бўлсада, афсуски, хозирги кунда ундан кам фойдаланилмокда»[23].

Ғазначилик-Молия Вазирлигининг консолидациялашган бюджетнинг касса ижроси учун, давлат даромадлари ва харажатлари ҳисобини олиб борилиши учун, давлат харажатларига молиявий ресурсларни етарли бўлишини таъминлаш учун масъул бўлган таркибий қисм ҳисобланади.

Давлат молия тизимида ўтқазилаётган ислоҳотлар давлат харажатларини бошқариш самарадорлигини оширишни назарда тутади. Давлат иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва бозор муносабатларини ривожлантириш жараёнларида ҳал қилувчи рол ўйнайди. Бунда давлат бюджети ислоҳотларнинг энг муҳим дастакларидан бири вазифасини ўтайди. Давлат молиясини бошқариш ислоҳотларининг яна бир йўналишининг мақсади бюджетнинг бажарилишини автоматлаштирилган ғазначилик тизимини республикада жорий қилишдан иборат.

Тизимни жорий қилишда қуйидагиларни таъминлаш лозим:

- бюджет бажарилишини кузатиш;
- бошқарув қарорларини қабул қилишда қулайлик яратиш;
- бюджет маблағларининг мақсадсиз сарфланишидан ҳимоялаш;
- бюджетни режалаштириш ва прогнозлаштириш сифатини ошириш;
- маълум вақт мобайнида бюджет жараёнини бошқариш.

Ўзбекистон Республикасида марказлаштирилган ғазначилик тизимини ташкил этиш кўзда тутилмокда. Марказлаштирилган ғазначилик тизими нақд маблағнинг ягона ғазначилик ҳисоб варақасида марказлаштирилган ҳолда қайд этилиши, ҳисоби ва бюджет бажарилишини назорат қилишни кўзда тутади.

---

[23] Сабанти Б.М. Теория финансов Учебное пособие. Москва. Менеджер 1998. 96стр.

Ғазначиликни ягона ҳисоб варақаси кассадаги нақд маблағлар оқимларини бошқариш ва пул операцияларининг мавжуд тури концепцияларидан қуйидаги варианти Ўзбекистонга мос деб ҳисобланади. Ғазначиликнинг актив ягона ҳисоб варақаси ва марказлашган ҳисобчилик назорати олиб борилади. Барча бюджет маблағлари ғазначиликнинг ягона ҳисоб варақасига йиғилади, тўловни амалга оширишни сўровномаси ва уни тасдиқловчи ҳужжатлар, ғазначиликка жўнатилади, ғазначилик тўловларни режалаштиради ва назорат қилади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, бюджетнинг ижроси жараёнида ғазначиликдан фойдаланиш алтернатив усуллардан биридир. Бюджет тизимининг барча босқичларида ягона ташкилий ҳуқуқий асослардан, стандарт ва бюджет технологияларидан фойдаланиш, солиқ тўловчиларнинг пулини иқтисод қилиш ва кўзланган мақсадга эришиш учун ғазначилик тизими яратилади.

Ғазначилик тизимининг қатор ижобий томонлари мавжуд. Биринчидан, бюджет билан бюджетдан маблағ олувчигача бўлган пулнинг ҳаракати қисқаради. Иккинчидан, бу тадбирнинг амалга оширилиши марказлашган бухгалтериядаги штатлар сонини қисқартириш имконини беради. Содда қилиб айтганда, ғазначилик тизими орқали бюджетдан фойдаланиш бугунги кунда бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланишнинг ва назорат қилишнинг асосий воситаларидан биридир. Маҳаллий бюджетлар бажарилишида ғазначилик тизимига ўтиш бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланишнинг, бошқарув органлари харажатларини қисқартиришнинг имкониятини берадиган тўғри йўллардан биридир. Шунинг учун республикамиз бюджет ижроси жарёнида бюджетнинг ғазначилик ижросини жорий этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Ривожланган мамлакатлар амалиётидаги ғазначилик тизимини Ўзбекистонда ҳам жорий этилиши ва ривожланиши давлатнинг молия ахборот тизимини жорий этиш давлат молиясининг ҳолати

тўғрисида тезкор ва ишончли ахборотлар олиш имконини беради, бу эса давлат молиясини самарали бошқаришни таъминлайди. Бюджет тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш борасида мамлакатимизда олиб борилаётган ишларда «ривожланган давлатлар тажриба ва тараққиёт моделларидан кўр-кўрона нусха кўчирмаган ҳолда, уларга хос ҳаёт даражаси ва сифатига эришиш»[24]ни кўзлаб, улардан амалиётимизда кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Республикамиз Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонуни бюджет-солиқ сиёсатининг яхлитлигини таъминлашда асосий ҳуқуқий база бўлиш билан бирга улар ўртасида баъзи-бир бир-бирини инкор этувчи ва мувофиқликка зид келадиган айрим томонлар мавжудки, бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг асосий масаласи ушбу номувофиқликни бартараф этишга қаратилиши лозим. Зеро, иқтисодиётнинг турли соҳаларидаги каби бюджет тизимида ҳам илғор тажрибага асосланган ижобий ўзгаришларнинг амалга оширилиши, мукаммал ҳуқуқий асосларнинг барпо этилиши халқимизнинг эркин ва фаровон ҳаётга эришишининг муҳим шартидир.

5.2. Давлат молиясини стратегик тахминлаштириш асосларида фискал ва иқтисодий функцияларнинг самарали бошқарилишини таъминлаш

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бюджет-солиқ сиёсатини такомилаштириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишда макроиқтисодий ва микроиқтисодий кўринишда бюджет-солиқ сиёсатини сифатли амалга ошириш ва республика ҳукуматида фискал шароитларни яратишга қаратилган бўлиши керак. Бюджет солиқ сиёсатини амалга оширишда бир томонлама фискал ва бошқарувчилик ёндашувдан воз

[24] Каримов И. А. Пировард мақсадимиз озод ва обод Ватан-эркин ва фарофон ҳаёт. Т.: 2001.Т-8. 31б.

кечиб, солиқларнинг рағбатлантирувчи функциясини фаоллаштиришга ўтиш зарур.

Ўзбекистонда валюта режими иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим рағбатлантирувчи дастак функциясини бажарган шароитда солиқ сиёсати устувор фискал бўлиб колди[25] ва ўзига юклатилган рағбатлантирувчи функцияни тўла амалга ошира олмади. Тўлов балансининг жорий операциялар бўйича миллий валютанинг конвертациясига ва алмаштириш курсларининг кўплиги тизимининг амалиётда қўлланилишни тўхталишига эришилгач, бунинг оқибатида валюта сиёсати иқтисодиётда устувор соҳа ва тармокларни ривожлантириш мақсадида амалга оширилади. Бундай шароитда солиқ сиёсати нафақат давлат бюджетини тўлдирувчи дастак бўлиши, балки катта даражада индустриал сиёсатнинг, экспротга мўлжалланган ишлаб чиқариш сиёсати, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириши, чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг ажралмас кисми бўлиши керак.

Амалга оширилаётган бюджет-солиқ сиёсатини бошқа макроиқтисодий сиёсатлар билан мувофиқлаштириш лозим. Бунда бюджет-солиқ сиёсатининг тактика ва стратегиясини макроиқтисодий барқарорлик ва мустаҳкам иқтисодий ўсиш устувор вазифаси асосида куриш мақсадга мувофиқдир. Чунки, бу устиувор вазифа иқтисодий ривожланишнинг асосини мустаҳкамлаш жараёнларига, иқтисодиётнинг реал ва молия секторига жамғариш ва инвестиция бозори жарёнларининг кенгайиши ва ривожланишига таъсир қилади. Шу билан бирга бошқа устувор йўналишлар бюджет-солиқ сиёсатининг иқтисодиётга таъсирини қўшимча ва кучайтирувчи самара орқали ёрдам бериши керак.

Ҳозирги кунда бюджет-солиқ сиёсати концепциясини ишлаб чикишда катта муаммо мавжуд бўлиб, у ижтимоий-иқтисодий

---

[25] Юқори расмий алмаштириш курси устувор тармокларни яширин субсидиялаш механизми сифатида фойдаланиб, бир вактнинг ўзида экспортга мўлжалланган ишлаб чиқаришга «солиқ» ҳисобланган.

ривожланишнинг асосий макроиқтисодий прогнозларига боғлиқ. Иқтисодий сиёсатнинг асосий йўналишлари бўлган пул-кредит, бюджет-солиқ, инвестиция, валюта, ташқи иқтисодий сиёсат, даромадлар сиёсати, қисқа даврдаги таркибий ислохотлар макроиқтисодий ривожланиш жорий ва стратегик параметрларнинг ўртасидаги ўзаро боғлиқлик механизмини аниқ ва самарали таъминламайди.

Бир йиллик иқтисодий сиёсат:

- биринчидан, бир йилга мўлжалланган бўлиб, бирнеча йилга олдин динамик дастурлаштиришсиз;
- иккинчидан, идоравий йўналишлар керакли даражада узоқ муддатга, хаттоки қисқа даврга мувофиқлаштирилмаган;
- учинчидан, молия йили давомида тафовут даражаси ўсади, чунки маҳкама ўзининг мақсадларини кўзлаб, идоралараро келишувлар билан ўзини юклатмайди.

Юқорида кўрсатилган ташкилий бошқарув характердаги камчиликлар натижасида иқтисодий рвожланишнинг аниқ ҳаракатини, иқтисодиётни бир бутун бўлиши учун унинг қисмлар ўртасидаги пропорцияни бузади. Шундай қилиб, институционал механизмларни яратиш зарурияти туғилиб, у иқтисодий сиёсатнинг технологик жараёнларидаги бўшлиқларни боғлаб, бир бутун самарали бошқарув тизимини ташкил қилади. Масалан, бозор иқтисодиёти ривожланган давлатларда Молия вазирлиги, Марказий банк, Иқтисодиёт вазирлиги ва бошқа идоралар биргаликда ишлаб чиққан дастурий хужжатларда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим йўналишларида давлат бошқарувининг мақсадлари, устувор вазифалари ва фаолияти ойдинлашади.

19-жадвал

Миллий солиқ солиш тизимини шакллантириш

	Бирламчи асоси	Солиқ солиш асоси	Солиқ солишни шакллантириш механизмлари ва таркибий қисмлари
1-қадам	Фундаментал тушунчалар	Солиқ фалсафаси	Солиқ тушунчаси, унинг моҳияти, жамият ва иқтисодий ривожланишдаги зарурати
			Солиқ солишнинг классик принципиал асослари
2-қадам	Солиқ солишнинг замонавий назарияси	Солиқ солиш методология-си асосларини шакллантириш	Солиқ муносабатлари қонуниятларининг назарий ва илмий-техник асосланиши
			Ишлаб чиқариш омиллари ва солиқ солиш ўртасида ўрнатилган сабаб-оқибатли тобелик
3-қадам	Солиқ солишнинг халқаро концепция-лари	Солиқ солишнинг миллий концепция-лари	Солиқ концепцияларида давлатнинг сиёсий ўрнашуви ва адекват иқтисодий асосларини ишлаб чиғиш
			Солиқ қонунларини қабул қилиш ва шакллантириш
			Солиқни ишлаб чиқишда ташкилотлар учун услубий ва йўриқнома материалларини тузиш ҳамда тасдиқлаш

Бюджет-солиқ сиёсатида инфляцияга қарши кураш фақат бюджет тақчиллигини қисқатириш орқали амалга оширилмайди. Инфляция нафақат муомаладаги пулнинг массаси ошиши ҳисобига, балки маҳсулот таннархи, яъни товар ва хизматлар нархини оширувчи юқори солиқлар ҳисобига ҳам ўсади. Шунинг учун 90-йилларнинг ўрталаридан буён солиқ ставкаларини пасайтириш чоралари қўлланилиб, хом ашё, товар ва

хизматлар нархининг ошиши устидан муҳим даражада бозор назорати таъминланмоқда. Солиқланинг камайтирилиши, шунингдек, ишлаб чиқариш секторида маҳсулотлар ишлаб чиқаришни оширишга қўшимча рағбатларни ташкил этади.

Бюджет-солиқ сиёсати амалиётини амалга ошириш нуқтаи назаридан бирламчи вазифалар ўртасида тўғри мувофиқликни аниқлаш муҳим ҳисобланади. Бошқача айтганда, бюджет-солиқ сиёсати доирасида умумий стратегиясини ишлаб чиқиш билан бир қаторда навбатдаги амалга ошириладиган аниқ чора-тадбирларга фақат тўғри урғу бериш орқали муваффақиятга эришиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан валюта режими, ташқи савдо ва банк фаолиятини эркинлаштириш шароитида бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштириш зарурлигига алоҳида эътибор берилди. Аввалambор, бу ерда солиқ юкини пасайтириш ва бюджет харажатларини оптималлаштириш ҳақида гап кетади.

Хусусан, ҳукумат режали маъмурий тизим даврида вужудга келган ва ҳозиргача битириб тугатилмаган бюджет-солиқ сиёсатининг фискал стериотипларидан воз кечишга қаттиқ аҳамият қаратди. Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси олдига жиддий ва қийин вазифа қўйилиб, бунда нафақат корхона, аҳоли, молиявий институтлардан солиқ юкини пасайтириш, балки солиқ сиёсатининг рағбатлантирувчи аҳамиятини ошириш керак эди. Шу билан бирга ишлаб чиқилаётган ва амалга оширилаётган солиқ сиёсати чора-тадбирлари билан макроиқтисодий сиёсатнинг бошқа йўналишларини тўла уйғунлигини таъминлаш муҳимдир.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича кенг комлекс чораларни амалга оширишга эришилди. Бюджет-солиқ сиёсати тизимида муҳим ўзгаришлар содир бўлиб, солиқ кўрсаткичларини жаҳон стандартларига мослаштириб

борилмокда. Мустакилликнинг ўтган йилларида И.Каримов ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларига асосан ўтказилаётган бюджет-солиқ сиёсати ислоҳотлари муҳим позитив натижалар ва вазифалар ечимини топишни таъминлайди.

Давлатнинг иқтисодий сиёсати саъй-ҳаракатлари билан макроиқтисодий барқарорликка эришилди. 1996 йилдан бошлаб 6 йил давомида ЯИМ ўртача йилига 4%дан барқарор ўсди. ЯИМнинг аҳоли жон бошига ўсиши йилига 3%ни, ҳукумат ва Марказий банк ҳаракати билан инфляциянинг ойлик суръати 1994 йилдаги 24%дан бугунги кунгача 1,5%га қисқартирилди. Инфляциянинг пасайиши пул-кредит сиёсатининг чора-тадбирлари билан бир қаторда ҳукуматнинг давлат бюджети дефицитини қисқартириш бўйича мунтазам ўтказиладиган чора-тадбирларини амалга оширишга имконият берди. Бугунги кунда ЯИМда бюджет дефицити 1%ни ташкил этади.

Республикамиз хўжалик юритиш ва ижтимоий муносабатларнинг янги шаклларига ўтиши муносабати билан солиққа тортишнинг меъёрий - ҳуқуқий базаси мунтазам равишда такомиллашиб борди. Ривожланиш ва оёққа туришнинг мураккаб йўлини босиб ўтиб, анчагина барқарор ва яққол бўлган солиқ тизими шаклланди, у сўнгги йилларда давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг мувозанатлашувига эришиш имконини берди.

Республика ҳукумати томонидан иқтисодиётга тушадиган солиқ юкини босқичма-босқич камайтириш изчил сиёсатнинг ўтказилишига жағармаларни ва иқтисодиётнинг моддий (хусусий) секторнинг истеъмолни ошириш зарурияти сабабчи бўлди, солиқлар ва йиғимларни бир хиллаштириш эса миллий солиқ тизимини халқаро меъёр ва стандартларига мувофиқлаштириш имконини берди. Натижада, давлат бюджети даромадларининг таркибида (мақсадли фондларсиз солиқ тушумларининг ЯИМдаги улуши 1998 йилдаги 31,1%дан 2001 йилдаги

26,0%га камайди, мақсадли фондларни хисобга олганда эса, тегишлича 43% дан 36%гача камайди.

Республика хукумати Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилда 29 декабрдаги 517-сон қарорига мувофиқ солиқ солиш сиёсатини янада такомиллаштириш, фискал функцияларни камайтириш ҳамда соликларнинг рағбатлантирувчи аҳамиятини кучайтиришга доир асосий чора-тадбирлар сифатида қуйидагиларни белгилаб олди:

- солиқ юкини ишлаб чиқарувчилардан истеъмолчиларга ўтказиш, тўғридан-тўғри солиқлар салмоғини қискартириш хисобига билвосита солиқлар улушини кўпайтириш;
- солиққа тортишнинг ўхшаш базасига эга бўлган солиқларни бир хиллаштириш, солиқ механизмини соддалаштириш;
- ресурсларни тежовчи ишлаб чиқаришларни рағбатлантиришни таъминловчи ресурс тўловлари ставкаларини мақбуллаштириш;
- йиғувчилик даражасини ошириш ва бошқа заҳиралар ҳисобига солиқ солиш базасини кенгайтириш.

Бевосита солиқлар салмоғини камайтириш ҳисобига билвосита солиқлар улушини ошириш, солиқ юкини ишлаб чиқарувчилар зиммасидан истеъмолчиларга ўтказиш бевосита солиқлар корхоналар ҳамда фукароларнинг молия-хўжалик фаолиятига, яъни уларнинг даромадлари ҳажмига бевосита таъсир кўрсатиш билан боғлиқ, бевосита соликларнинг камайиши билан ишлаб чиқаришнинг ривожланиши рағбатлантирилади, тегишлича солиққа тортиш базаси кенгайиб, бюджетга тушумлар ортади. Бевосита солиқлар ставкаларини камайтириш ва билвосита солиқларга тортиш базасини кенгайтириш орқали бунга эришиш мумкин. Бундан ташқари, солиқ ставкаларини янада кўпроқ пасайтириш йўли билан айрим йўналишлар-экспорт, хорижий инвестициялар ва бошқалар рағбатлантирилади.

Ишлаб чиқариш сектори зиммасидаги солиқ юкини камайтириш асосан корхоналар даромадини солиққа тортиш даражасини пасайтириш воситасида амалга оширилмоқда. Иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичида корхоналар учун белгиланган соликларнинг юқори ставкаларидан ижобий самарага эришилмади, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва уни техник жиҳатидан қайта қурллантириш учун етарли маблағларни йўналтириш имконини бермади. Республика ҳукумати буни ҳисобга олган ҳолда фойда солиғи ставкасини босқичма-босқич пасайтириш мақсадли сиёсатини юритиб келмоқда. 1995 йилда жорий этилган давридан бошлаб унинг ставкаси 38 фоиздан 2003 йилга келиб 20 фоизгача пасайтирилди.

Республика ҳукумати томонидан иқтисодиётга тушадиган солиқ юкини босқичма-босқич камайтириш изчил солиқ-бюджет сиёсатининг қиска ва узоқ муддатли мақсадлари ва инструментларининг ўтказилишига жамғармаларни ва иқтисодиётнинг моддий (хусусий) секторининг истеъмолини ошириш зарурати сабабчи бўлди, соликлар ва йиғимларни бир хиллаштириш эса миллий солиқ тизимини халқаро меъёр ва стандартларга мувофиклаштириш имконини берди.

Натижада, давлат бюджети даромадларининг таркибида (мақсадли фондларсиз) солиқ тушумларининг ЯИМдаги улуши 1998 йилдаги 31,1 фоиздан 2005 йилда 23,2 фоизгача камайтириш назарда тутилади, мақсадли фондларни ҳисобга олганда эса тегишлича 43 фоиздан 32 фоизгача камайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 декабрдаги 610-сон қарорига мувофиқ солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш, фискал функцияларни камайтириш ҳамда соликларнинг рағбатлантирувчи аҳамиятини кучайтиришга доир асосий чора-тадбирлар сифатида қуйидагиларни белгилаб олинди:

- солиқ юкини ишлаб чиқарувчилардан истеъмолчиларга ўтказиш, тўғридан-тўғри солиқлар салмоғини қисқартириш ҳисобига билвосита солиқлар улушини кўпайтириш;

- солиққа тортишнинг ўхшаш базасига эга бўлган солиқларни бирхиллаштириш, солиқ механизмини соддалаштириш;

- ресурсларни тежовчи ишлаб чиқаришларни рағбатлантиришни таъминловчи ресурс солиқлари ставкаларини мақбуллаштириш;

- солиқларнинг йиғилувчанлик даражасини ошириш ва бошқа захиралар ҳисобига солиқ солиш базасини кенгайтириш.

Бевосита солиқлар салмоғини камайтириш ҳисобига билвосита солиқлар улушини ошириш, солиқ юкини ишлаб чиқарувчилар зиммасидан истеъмолчиларга ўтказиш бевосита солиқлар корхоналар ҳамда фуқароларнинг молия-хўжалик фаолиятига, яъни уларнинг даромадлари ҳажмига бевосита таъсир кўрсатиш билан боғлиқ. Бевосита солиқларнинг камайиши билан ишлаб чиқаришнинг ривожланиши рағбатлантирилади, тегишлича солиққа тортиш базаси кенгайиб, бюджетга тушумлар ортади. Бундан ташқари, солиқ ставкаларини янада кўпроқ пасайтириш йўли билан айрим йўналишлар – экспорт, хорижий инвестициялар ва бошқалар рағбатлантирилади.

Ишлаб чиқариш сектори зиммасидаги солиқ юкини камайтириш, асосан, корхоналар даромадини солиққа тортиш даражасини пасайтириш воситасида амалга оширилмоқда. Иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичида корхоналар учун белгиланган солиқларнинг юқори ставкалари ижобий самаралар бермади, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва уни техник жиҳатдан қайта қуроллантириш учун етарли маблағларни йўналтириш имконияти яратилмади. Республика ҳукумати буни ҳисобга олган ҳолда фойда солиғи ставкасини босқичма-босқич пасайтириш борасида мақсадли сиёсат юритиб келмоқда: 1995 йилдан бошлаб унинг ставкаси 38 фоиздан 2005 йилга келиб 15 фоизгача пасайтирилди.

Кейинги йилларда жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш тизими ҳам белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб такомиллашиб бормоқда. Жумладан, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи юкини камайтириш ва фуқаролар даромадларини тегишлича конунлаштириш мақсадида жисмоний шахслар даромадларига солинадиган солиқ шкаласи мунтазам ривишда такомиллаштирилмоқда. 1998 йилдан бошлаб 45 фоизлик энг юқори ставкабилан 5 даражали шкала қўлланилиб келган. 2000 йилда энг кам ойлик иш ҳақининг 10 бараваридан ошувчи даромаддан 40 фоизлик энг юқори ставка билан 4 даражали шкала белгиланди. Жисмоний шахслар даромад солиғини энг кам ойлик иш ҳақини ҳисобдан чиқармай ҳисоблаб чиқаришнинг янги уч даражали тизимига ўтилди ҳамда 2001 йилдаги 36 фоизлик ставкани 2005 йилда 31 фоизгача пасайтирилди ва бу борадаги тадбирлар такомиллаштирилиб, Вазирлар Маҳкамасининг 610-сонли қарорига асосан энг юқори солиққа тортиш ставкаси 31% қилиб белгиланди.

Жисмонний шахслар солиқ юкини камайтириш сиёсати аҳолининг, айниқса, кичик ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги даромадларини қонунлаштиришга, бюджетга даромадлар тушумини янада оширишга йўналтирилган. Бироқ, шуни кайд этиш лозимки, мазкур механизм жисмоний шахаслар даромадларини декларациялаш институти мавжуд бўлгандагина самаралироқ ишлайди. Айнан шундан келиб чиққан ҳолда, Президентимизнинг 2002 йил 5 сентябрдаги ПФ-3127-сон Фармонига мувофиқ 2002-2005 йилларда республикада жисмоний шахслар жами даромадларини декларациялаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш назарда тутилмоқда.

Жисмоний шахслар даромадларини солиққа торишни янада такомиллаштириш мазкур солик ставкаларининг ўсиб боришини пасайтириш ҳисобига аҳолининг ўрта ва юқори даромадга эга гуруҳлари ортишини рағбатлантириш концепциясидан келиб чиқиб амалга

оширилиши лозим. Бу ҳол ўрта ва юқори даромадга эга солиқ тўловчиларнинг қонунга зид операциялари соҳасидаги қонуний операциялар соҳасига чиқишларига имкон беради.

Бюджет-солиқ сиёсатини амалга оширишнинг асосий йўналишларидан бири ўхшаш солиққа тортиш базасига эга бўлган солиқларни бир хиллаштириш ва солиқ механизмини соддалаштириш ҳисобланади. Солиқ кодексида умумдавлат ва маҳлалаий солиқларнинг аниқ ажратилиши солиқларни бир хиллаштиришнинг асосий йўналиши бўлди. Бундай ажратиш билан бир қатор самарасиз бир-бирини қайтарувчи солиқлар турли йиғимлар бекор қилинди. 2002 йилда ўхшаш солиққа тортиш базасига эга ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ва ободонлаштириш ишларига йиғим бирлаштирилди. Ушбу тўловларнинг бирлаштирилиши маҳаллий солиқлар ва йиғимлар сонини қисқартириш имкони берди. Ҳозирги кунда солиққа тортиш механизмини соддалаштириш давом этмоқда. Қўшилган қиймат солиғини тўлаш механизми ички ва ташқи солиққа тортишда мўлжалланган жойига қараб халқаро стандартларга мувофиқлаштирилди. ҚҚС бўйича ягона ставканинг қабул қилиниши ҳисоб-китобда жараённи анча соддалаштирди.

Кичик корхоналар учун ягона солиқ ва ягона ер солиғи каби солиққа тортишнинг соддалаштирилган усуллар жорий этилиши солиқ механизмини соддалаштириш, солиқ юкини камайтиришнинг бошқа муҳим йўналиши ҳисобланади.

Кичик корхоналар учун ягона соликнинг жорий этилиши аҳоли орасида тадбиркорлик фаоллигини рағбатлантиришга йўналтирилган иқтисодий ислоҳотларнинг бориши билан шартланди. Умуман олганда, соддалаштирилган тизимни кенг ёйиш учун Япония, ХХР, Россия, Қозоғистон ва бошқа мамлакатларда назарда тутилганидек, қўшимча мезон-корхона балансида турган мол-мулк ва тушум ҳажми қийматини жорий этиш масаласини кўриб чиқиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Солиқ солинадиган базани кенгайтириш, тадбиркорлар ва аҳоли даромадларини қонунлаштириш мақсадида республика ҳукумати томонидан 2002 йилда солиққа тортиш тизимини тубдан ўзгартиришга оид қонуний ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, республика Президентининг 2002 йил 30 майдаги «Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида солиққа тортиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» ПФ-3076-сон Фармони билан савдо соҳасида солиққа тортишнинг янги тизими – умумий фойдланиладиган майдон бирлиги ҳисобидан Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдикланган солиқнинг базавий ставкасидан келиб чикиб белгиланувчи кичик корхоналар учун белгиланган даромаддан олинадиган ягона солиқ тизими жорий этилди. Бундан ташқари, ялпи даромад солиғини тўловчи савдо корхонлари учун илгари тўланадиган соликлар ўрнига ялпи тушумдан ягона солиқ тўлаш тизими жорий этилди. Айни вақтнинг ўзида улгуржи савдо корхоналари ҚҚС тўловчилари ҳисобланиши белгилаб қўйилди. Юқоридаги кўрсатилган ўзгаришлар ҳисоб тизимини анча яхшилайди ва савдо каби мураккаб соҳада соликлар йиғилиши даражасини оширади.

Бюджет-солиқ сиёсатининг 2005 йилдаги солиқ-бюджет сиёсатининг қисқа ва узоқ муддатли мақсадлари ва инструментларининг асосий йўналишлари жорий йилнинг кутилаётган ижтимоий-иқтисодий натижалари ва мамлакатимиз ривожланишининг қуйидаги устивор йўналишларини таъминлашдан келиб чикади:

- иқтисодиётнинг барқарор ва жадал суръатларда ривожланишини таъминлаш, ЯИМнинг ўсишини 9,3 фоизга етказиш, йиллик инфляция даражасини 9-12 фоизгача пасайтириш;
- қатъий пул-кредит сиёсатини амалга ошириш, жорий операциялар бўйича миллий валютанинг эркин айирбошланишини таъминлаган ҳолда пул тизими барқарорлигини ва миллий валюта қадрини янада мустаҳкамлаш;

- корхоналарга солиқ юкини камайтириш бўйича тадбирларни изчил давом эттириш, хўжалик субъектларининг инвестицион фоллигини оширишга, уларнинг иқтисодий эркинлигини кенгайтиришга каратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, айникса, кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қўшимча рағбатларни яратиш, ялпи ички махсулотнинг шаклланишида ва ички бозорни тўлдиришда уларнинг ролини ошириш;
- миллий иқтисодиётнинг экспорт салохиятини кенгайтириш учун қўшимча иқтисодий рағбатларни яратиш, хорижий инвестициялар жалб килиш учун зарур шароитларни таъминлаш;
- мелиорация ва ирригация тизимларни ривожлантиришга айникса, сув танқислиги мавжуд ҳудудларга алоҳида эътибор қаратиш ҳамда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чукурлаштириш, фермер хўжаликларини, оилавий пудратни қўллаб-қувватлашни кучайтириш;
- коммунал хизматлар соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, ичимлик суви ва табиий газдан самарали ва тежамли фойдаланишни таъминлаш;
- бюджет ташкилотларини молиялаштиришда бюджетдан ташқари манбалар аҳамиятини ошириш ҳамда бюджет маблағларидан фойдаланишда уларнинг мустақиллигини кенгайтириш.

Юридик шахслар томонидан тўланадиган даромад солиғи 2005 йилда 15 фоизга туширилди. Бунинг натижасида корхоналар ихтиёрида қоладиган фойда улуши ортди, бу эса ўз ўрнида ишлаб чиқаришни кенгайтириш, айланма маблағларни кўпайтириш ва ишчиларни моддий рағбатлантиришга йўналтириладиган маблағлар миқдорини ошириш имкониятини оширди. 2005 йилда жисмоний шахслар томонидан тўланадиган солиқ ставкаларининг пасайтирилиши ҳамда шкаланинг ўзгартирилиши туфайли даромади ўрта ва юқори даражадаги жисмоний

шахслар даромад солиғи юкки 10 фоизга камайиши тахмин қилинмоқда. 2003 йилда реклама солиғи, меъёридан ортиқча тайёр маҳсулот қолдиғи учун тўлов, автотранспрот воситаларини сотганлик учун солиқ ҳамда табиий муҳитга ифлослаштирувчи моддаларни чиқариб ташланганлик учун тўловлар тўланиши бекор қилинди. Бу эса солиқ тўловчиларга бир мунча енгилликлар яратди. Жумладан, реклама солиғи ҳамда меъёридан ортиқча тайёр маҳсулот қолдиғи учун тўловларнинг бекор қилиниши самарадорлиги кам бўлган, харажатлари тушум билан тўғри келмайдиган солиқларни қисқартириш, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бериладиган солиқ бўйича ҳисоб-китоблар сонини камайтиришни таъминлайди.

Автотранспорт воситаларини олиб сотганлик учун солиқнинг бекор қилинишига асосий сабаб ушбу солиқ миқдори жами даромадлар тушумига нисбатан жуда кичик салмоққа эга ҳисобланади. Табиий муҳитга ифлослантирувчи моддаларни чиқарнб ташланганлик учун тўловнинг бекор қилиниши ҳам бевосита солиқ тўловчилардаги солиқ юкини енгиллаштиришга қаратилган. 2005 йилда солиқ-бюджет сиёсатида амалга ошириладиган чора-тадбирлардан бири солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш ва соддалаштириш бўлиб ҳисобланади. 2003 йилда соддалаштирилган солиқ тизимини қўлловчи корхоналар учун ягона солиқ ставкаси индексация қилинди:

- брокерлик фирмалари, ўйин уйлари, лотерея ўйинларини ўтказувчи корхоналар, оммавий тадбирларни ўтказиш билан даромад олувчи корхоналар, хусусий нотариуслар учун - 1,4 баробарга;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи, савдо ва умумий овқатланиш соҳасидаги корхоналардан ташқари иқтисодиётнинг бошқа соҳаларидагилар учун - 1,2 баробарга;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар учун (ягона ер солиғи тўловчилардан ташқари) - 1,2 баробарга.

Амалиётдаги кичик корхоналар учун ягона солиқ ставкаси 1998 йилда ўрнатилган эди ва 2003 йилгача кўриб чиқилмаган. Маълумки, ягона солиқни жорий қилинишида умумдавлат ва маҳаллий солиқлар (шу жумладан, ресурс солиқлари) ўрнини босиши назарда тутилган, ушбу солиқнинг ставкаси ресурс солиқларнинг индексация қилиниши, фойда солиғи юкининг камайиши ва 1998 йилдан самарадорлиги кам бўлган солиқларни бекор қилиниши натижасида кўриб чиқилиши лозим эди. Бундан ташқари, ягона солиқ тўлашга ўтишда солиқлар бўйича тушумлар миқдорини камайтириш эмас, балки, биринчи навбатда, солиққа тортишни соддалаштирилиши кўзда тутилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг кичик корхоналар ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўғрисида 2005 йил янги фармони чиқди ва бу фармонга асосан улар йўл фондига тўлов, пенсия фондига тўлов, мактаб таълимини ривожлантириш фондига тўлов туламасдан фақат битта ягона солиқ яъни 13% тўлайдилар.

Солиқ-бюджет сиёсатининг қисқа ва узоқ муддатли мақсадлари ва инструментларини самарадорлигини оширишда амалга оширилган чора-тадбирлардан бири юридик шахслар мулк солиғининг солиққа тортиш базаси кенгайтирилди, яъни уни меъёрдан ортиқ ўрнатилмаган (ишлатилмаётган жиҳозлар) тугатилмаган қурилишлар миқдоридан тўланиши кўзда тутилди. Мулк солиғи ставкаси 2% дан 3% гача индексация қилинди ва унинг бюджет даромадлари тушуми таркибидаги салмоғи 2,7% дан 3,0% гача тикланди. Мулк солиғининг солиққа тортиш базаси кенгайтирилиши, корхоналарнинг мулкларидан янада самарали фойдаланиб, ишлатишларини рағбатлантирилишини таъминлайди. Бундан ташқари, солиққа тортиш базасига тугалланмаган қурилиш ва ўз вактида ўрнатилмаган жиҳозлар нархининг киритилиши ўз ўрнида тугалланмаган қурилишни белгиланган меъёрий муддатларда ишга туширишга интилишларини таъминлайди.

Бюджет-солиқ сиёсатида 2003 йил қатъий солиққа эга бўлган ресурс солиқларни инфляциянинг ўсишига қараб индексация қилиш кўзда тутилган. Жумладан, ер солиғи 1,2 баробарга, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси 1,2 баробарга индексация қилинди.

Шунингдек, солиққа тортиш базасига юридик шахс томонидан ишлатилаётган жами сув ҳажми киритилди. Ушбу солиқни тўловчилар қаторига ўз иш фаолиятида сув ишлатувчи якка тартибдаги тадбиркорлар киритилди. Бу ўзгаришлар ишлатилаётган сувнинг характери ва мақсадига боғлиқ бўлмаган ҳолда, жами ишлатилган сув учун солиққа тортиш имкониятини яратади. Сув ресурсларининг етишмаслиги ва ундан оқилона фойдаланиш мақсадида сувдан фойдаланганлик учун солиққа тортилиши мулкчилик шакли ва фаолияти туридан қатъий назар, ҳамма тадбиркорлардан олинади.

2003 йилда маҳаллий бюджетларни шакллантиришда маҳаллий солиқлар ва йиғимлар аҳамиятини кучайтиришга муҳим эътибор қаратилди. Жумладан, жисмоний шахслар транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмоли учун тўланадиган солиқ суммаси ўзгартирилди. 2002 йилда 1 литр бензин , дизель ёқилғиси учун 20 сўм, 1 кг газ ёқилғиси учун 20 сўм бўлгани ҳолда, 2003 йилда мазкур солиқ ҳар иккала барча ёқилги турлари учун 30 сўм қилиб белгиланди. Бу эса албатта, маҳаллий бюджетларга тушадиган солиқлар миқдорининг кўпайишини назарда тутади.

Бюджет-солиқ сиёсати борасидаги чора-тадбирларни такомиллаштириш мақсадида 2003 йилда тўланадиган солиқлар бўйича аванс тўловлари частотасини камайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Маълумки, 2002 йилда жорий тўловлари даромад солиғи бўйича ҳар ойнинг 10 ва 20 саналарида, ҚҚС бўйича ҳар ойнинг 15 ва 20 саналарида ва кейинги ойнинг 5 санасида амалга оширилиши белгилаб қўйилган эди. 2003 йилда бюджет-солиқ сиёсатида амалга ошириладиган ислоҳотлар

туфайли даромад солиғи ва ҚҚС бўйича аванс тўловлари муддатларини қисқартириш, яъни даромад солиғи бўйича бир ойда бир марта, ҚҚС бир ойда икки марта тўловларни амалга оширилиши кўзда тутилган. Ушбу чора даромад солиғи ва ҚҚС бўйича тўловларни, ҳақиқатдаги солиқ солиш базасидан ҳисобланишини, шунингдек, илгари аванс тўловлари учун жалб қилинадиган маблағлар ҳисобига корхонанинг айланма маблағи сақланиши имконияти яратилади.

Мустақил мамлакатимиз иқтисодий ислоҳотларни изчиллик билан амалга ошриб борар экан, бу ислоҳотларнинг иккинчи боқичида иқтисодий барқарорликни ва таркибий ўзгаришларни таъминлаш биринчи навбатдаги вазифа сифатида кун тартибига қўйилган. Бундай шароитда солиқ тизими, энг аввало, фискал (ғазнани тўлдириш), қайта тақсимлаш вазифларини эмас, балки биринчи галда рағбатлантирувчилик вазифасини бажариш керак.

Кўриниб турибдики, бу ерда мамлакатимиз доирасида иқтисодий барқарорликни ва таркибий ўзгаришларни таъминлашнинг аҳволи бевосита солиқ тизимининг, биринчи навбатдаги, рағбатлантирувчилик вазифасини бажариш билан узвий боғлиқ қилиб қўйилмокда.

Бошқача айтганда, иқтисодий барқарорликни ва таркибий ўзгаришларни таъминлаш борасида эришган ютуқларимиз кўп жихатидан солиқ тизмининг биринчи галда рағбатлантирувчилик вазифасини қай даражада бажарилганлиги билан ҳам белгиланади. Янада оддийроқ қилиб айтадиган бўлсак, бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, бюджет-солиқ сиёсати биринчи навбатда мамлакат бюджетини тўлдиришни соликларнинг рағбатлантирувчилик вазифасини ошириш ва келгусида бюджет даромадлари барқарорлигини таъминлаш орқали мамлакат миқёсида иқтисодий барқарорликни таъминлаш ва таркибий ўзгаришларни амлга оширишга эришмоғи лозим.

5.3. Солиқ юкини камайтириш шароитида бюджет-солиқ сиёсатининг мутаносиблигини таъминлаш

Макроиқтисодий барқарорлик ва мустаҳкам иқтисодий ўсишни таъминлаш стратегик муҳим вазифа бўлиб бормоқда. Келажакда нархнинг ўсиши минимал суръатларни йилига 5% ва ундан паст даражасига эришишга ҳаракат қилиш керак. Бу фуқаро ва корхоналар ўз даромад ва харажатларини режалаштириш жараёнида нодавлат секторида жамғариш ва инвестицияларни амалга оширишга қулай шароитлар яратади.

Шуни тан олиш керакки, бу вазифани ҳал қилиш осон кечмайди. Вазифани ҳал қилиш бир қатор ечимларни, жумладан, бюджет дефицити ва унинг молиялаштириладиган инфляцион манбалари устидан қаттиқ назорат қилиш, аҳоли ва корхона даромадларидан солиқ юкини пасайтиришни амалга оширишга кўп вақт талаб қилади.

Солиқ юкини оптималлаштириш муаммосини ҳал қилиш бошқа икки иқтисодий муаммони ҳал қилишга боғлиқ бўлади:

1. Солиқ юкини иқтисодиётга бўлган рационал (тўғри) даражасини белгилаш.
2. Давлат бюджети харажатларининг рационал (тўғри) даражасини аниқлаш.

Таклиф қилинаётган концептуал йўналиш солиқ юкини оптималлаштириш призмаси орқали солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг қуйидаги тамойилларига асосланиши керак:

- корхонага жами фискал оғирликни оптималлаштириш «солиқ юкини пасайтириш-қисқа даврда бюджет даромадларининг қисқариши-иқтисодий молиявий аҳволнинг яхшиланиши-узоқ муддатли даврда бюджет даромадларининг ошиши» схемасини амалга ошириш;
- ҳамма солиқ турлари бўйича икки ёқлама солиққа тортишни чеклаш;
- эгри солиқлар юкини ишлаб чиқаришдан истеъмолчига қайта тақсимлаш ва пасайтириш;

- солиққа тортиш механизмини максимал даражада соддалаштириш ва унификация қилиш.

Солиқ сиёсатининг асосий хўжалик бирлигига солиқ оғирлигини оптималлаштиришга қаратилган бўлиши асосланган ҳисобланади. Фақат шундай ёндашишгина, солиқнинг фискал ва рағбатлантириш функцияларини такомиллаштирадиган, давлат ва хусусий сектор ўртасида тенг ҳамкорликни таъминлайдиган шарт-шароитларни яратишга қодирдир. Бу шартларнинг бузилиши кўланкали иқтисодиётни кенгайтириб, шу билан бирга хусусий сектор ўзининг харажат ва йўқотишларни қонуний хўжалик фаолияти соҳасида қоплайди.

Бироқ, шуни ҳисобга олиш керакки, асосий иқтисодий вакил - корхона солиқлар мажмуаси бўйича солиққа тортиш субъекти бўлиб ҳисобланади. Шунга кўра, корхона фаолиятига бир солиқнинг юки эмас, балки жами солиқлар юкининг таъсири қизиқтиради.

Солиқлар юкини оптималлаштириш корхонага чегаравий жами солиқ юкининг миқдорий аксини топиши керак. Чегаравий солиқ юки қуйидаги бирликларга нисбатан ҳисобланиши мумкин:

- қўшилган қиймат (бутунлай иқтисодиёт бўйича, тармоқлар бўйича, алоҳида корхоналар бўйича);
- янгидан яратилган қиймат (бутунлай иқтисодиёт бўйича, тармоқлар бўйича, алоҳида корхоналар бўйича);
- ялпи тушум (бутунлай иқтисодиёт бўйича, тармоқлар бўйича, алоҳида корхоналар бўйича);
- меҳнат харажатлари / ишқи (бутунлай иқтисодиёт бўйича, тармоқлар бўйича, алоҳида корхоналар бўйича);
- корхонанинг ялпи даромади (бутунлай иқтисодиёт бўйича, тармоқлар бўйича, алоҳида корхоналар бўйича).

Фискал юкка иккита ташкилий қисмларни: соф фискал юк солиқ юки ва квази фискал юкни қамраб олувчи сифатида қараш лозим. Фискаль

юкни фақат шундай қараб чиқишгина солиқ юкини яхшилаш сиёсатини тўғри методологик ва харакатчан амалга ошириш мумкин. Солиқ юкига «ҳозир енгиллик-ҳозир компенсация» формуласи билан ёндашиш, уни бир саватдан иккинчисига олиб қўйиш кабидир. Ҳар бир солиқнинг фискал ва рағбатлантириш функцияларини тартибга солиш қуйидаги критерияларни такомиллаштириш орқали тақдим қилинади:

- солиқларни тўлаш механизми;
- ставкалар параметри;
- мақсадли имтиёзлар.

Солиққа тортишни такомиллаштиришга бундай ёндашиш объектив равишда пайдо бўлган шароитлар билан шартланган бўлиб, бундай кейинги даврдаги иқтисодиётни эркинлаштириш фискал сиёсатдан халқаро стандартларни қўллашни талаб қилади.

Боскичма-боскич ва шу билан бирга дифференциал равишда солиқларни тушириш. Бу нимани англатади? У чегараланган доирада кичик ва ўрта бизнес учун солиқларни камайтирилишини билдиради. Шу эксперемент натижаларидан келиб чиқиб, кейинчалик катта корхоналардан солиқларни пасайтириш мумкин. Биринчи боскичда кичик ва ўрта бизнес соҳасида жамғариш имкониятларининг ошиши, бу соҳага бошқа соҳалардан капитални ўтиши, инвестицион ва ишлаб чикариш активлигининг жонланиши кузатилиши мумкин. Давлатнинг молиявий ресурслари кам даражада ошади, чунки у бюджетга солиқ тушумларининг асосий манбаларини ўзидан кейин қолдирмоқда.

Шуни ҳисобга олиш керакки, корхона ҳажми билан уларга қўйилган инвестицияларнинг реал қайтиш бошланғич муддатлари ўртасида боғланиш мавжуд. Корхона қанчалик катта ва мураккаб бўлса, шунчалик унга қўйилган инвестицияларнинг қайтиши қийин кечади ва аксинча. Бинобарин ижобий иқтисодий самара инвестициялар қайтиш муддатини тезлаштириш, кичик ва ўрта бизнесга қўйиш орқали амалга ошириш

мумкин.

Иккинчи босқичда йирик корхоналарга солиқларнинг камайиши содир бўлганда, иқтисодиётнинг ҳамма соҳа ва тармоқларида жамғаришга инновацияни ва инвестицион фаолликни ривожлантиришга оптимал шароитлар пайдо бўлади. Давлат солиқ ставкасининг қисқартирилган фоизини олади, лекин меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқаришнинг самараси асосида товар маҳсулот ишлаб чиқаришни ўсиши билан таъминланади.

Юқорида айтиб ўтилган тамойиллар ва доираларга мувофиқ қуйидаги асосий солиқлар бўйича солиқ сиёсати йўналишлари таклиф қилинади. Жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишни такомиллаштириш соҳасида солиқ сиёсатининг мақсади ўрта даромадли аҳолининг ўсишини рағбатлантириш бўлиши керак. Жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш шкаласини такомиллаштириш зарур. Бунда аҳоли даромадлари бўйича шаклланган тақсимлашга мувофиқ солиққа тортишда оптимал мақсадли коридорларни назарда тутиш керак. Шу билан биргаликда аҳоли даромадларини оширишга йўналтирилган паралел чора-тадбирларни қабул қилиш керак. Шу жумладан, тармоқлараро иш ҳақининг корректировкалари механизмини татбиқ этиш, амалдаги иш ҳақи фонди шаклланиши тартибини такомиллаштириш ва эркинлаштириш орқали аҳоли даромадлари даражасини ошириш лозим.

Жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш ставкалари даражаси ва мақсадли коридорларни қайта кўриб чиқиш зарур:

- минимал иш ҳақида белгиланадиган солиққа тортиш базасидан аҳолининг кам даромад оладиган, ўрта даромад оладиган, ўртадан юқори даромад оладиган, юқори ва жуда юқори даромадлари объектив табақалашувини акс эттирадиган маълум ҳажмларга ўтиш;
- солиқ тўловчиларнинг алоҳида категориялари бўйича солиққа

тортишнинг имтиёзлар тизимини қайта кўриб чикиш;

- яшаш минимумидан келиб чиққан ҳолда, солиққа тортиладиган минимал иш ҳақини аниқлаш.

Юридик шахслар даромад (фойда) солиғини такомиллаштириш соҳасида қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- нафақат корхоналарнинг фаолияти бўйича, балки даромаднинг ҳажми бўйича даромад (фойда) солиғини табақалаштиришни ишлаб чикиш;
- солиққа тортиладиган фойдадан ишлаб чиқариш характерига эга бўлган харажатларни чиқариб ташлаш орқали солиққа тортиладиган базани такомиллаштириш. Бугунги кунда ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ бўлган харажатлар солиққа тортиладиган базага қўшилиб, солиқ юкини оширмокда (алока, транспорт, ортиқча амотизация чегирмалари ва бошқа харажатлар). Бу харажатлар халқаро амалиётда ишлаб чиқариш харажатларига киритилди;
- ижтимоий мазмунга эга бўлган имтиёзларни сақлаб колган ҳолда қайтадан ташкил этилаётган корхоналар учун имтиёзларни ва инвестиция имтиёзларини қайта кўриб чикиш.

ҚҚСни такомиллаштириш соҳасида энг жиддий таҳлил ва оптималлаштиришни талаб қилади, чунки у биринчидан, корхона-ишлаб чиқарувчининг оралик истеъмол товарлари жараёнида нархни оширади. Иккинчидан тамойил икки ёқлама солиққа тортишни назарда тутади. Бизнинг фикримизча, қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- ҚҚС ставкасини 2003 йилда 15% тушириш ва аста-секин ҚҚСни табақалашган солиққа тортишга ўтиш (масалан, ижтимоий мухим товар ва хизматлар учун ставкани пасайтириш, шу вактда бошқа товарлар учун эса ставкани ошириш);
- ҚҚСни солиққа тортиладиган базаси ичидан акциз солиғи божхона божларини чиқариб ташлаш киритилиши адолат тамойилларига тўғри

келади, чунки юқори даромадли аҳоли қатлами истеъмол даражасининг юқорилигига мувофиқ юқори солиқ суммасини тўлайди. Иккинчидан, истеъмол солиғи бошқа тўғри ва эгри соликларнинг пасайган қисмини қоплаши лозим.

Бюджетдан ташқари фондларнинг даромадлари даражаси ЯИМда 10%ни ташкил қилиб, иқтисодиётга сезиларли оғирлик ҳисобланади. Бундан кўринадики, бюджетдан ташқари фондларни тартибга солиш мақсадга мувофиқдир. Бунда уларни максимал даражада давлат бюджети доирасига кириб, мақсадли бюджет дастурларини амалга ошириш ва шакллантириш йўли билан харжатларни самарасини ошириш лозим.

Тўғри бюджет сиёсати солиқ сиёсатининг муваффақият манбандир, чунки бюджет ресурсларидан тўғри фойдаланиш ва уларни иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш қувватини оширишга йўналтириш муҳимлигини тасдиқлаш зарур.

Мустақиллик йилларидаги давлат харажатлари таҳлили шуни кўрсатадики, бирламчи ижтимоий ва иқтисодий вазифаларни ҳал қилишда, мудофаа ҳимоясини мустаҳкамлашда, бюджетни бошқаришда халқаро тамойиллар ва меъёрлари томон силжишда муҳим натижаларга эришилди. Мустақилликнинг биринчи йилларидаги молиявий қийинчиликларига қарамасдан, бюджет сиёсатининг асосий ва стратегик мақсадларига эришилди. Эришилган ижобий ютуқларга қарамасдан, давлат бюджети харажатлари ҳолати таҳлили шуни кўрсатадики, давлат маблағларини харажат қилиш механизмини такомиллаштириш, давлат молия тизимида бундан кейин ислоҳотларни чуқурлаштириш зарур.

Давлат бюджети маблағларидан фойдаланишнинг самарасини ошириш, бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштиришнинг нобюджет манбалари ролини ошириш мақсадида бюджет ташкилотлари харажатларини қайта кўриш, оптималлаштириш бўйича мунтазам ишларни амалга ошриш ва керак бўлса, дотация ва бошқа харажатларни

қисқартириш лозим.

Сўнгги йилларда уларнинг харажатларини умумий хажмда молиялаштиришнинг нобюджет манбалари улуши ўсди. Шундай қилиб, нобюджет манбаларидан молиялаштиришнинг улуши олий таълим соҳасида 1999 йилдаги 43,7%дан 2001 йилда 53,%га, ўрта-махсус таълим муассасаларида 5,2%дан 11,2%га ўсди. Соғлиқни сақлаш, маданият ташкилотларининг харажатларини бюджетдан ташқари манбалардан молиялаштириш учун ҳам шарт-шароитлар ва чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, ижтимоий соҳада грант маблағларидан фойдаланиш имкониятлари кенгаймокда. Бирок, соғлиқни сақлаш ва таълим тизимига йўналтирилган грант маблағларидан фойдаланиш таҳлили шуни кўрсатадики, вазирликлар ва ваколатли органлар томонидан беғараз ёрдам ҳисоб-китобнинг, шунингдек, уларнинг бюджет томонидан ажратиладиган пуллар миқдори билан боғлиқлиги йўқдир.

Бюджетдан ташқари маблағларнинг ошиши ҳар доим ҳам бюджет харажатларининг пасайишига олиб келмайди. Бу шу билан шартланганки, бюджетдан ташқари фондларга эга бюджет ташкилотларининг ҳамма харажатларини бюджет ҳисобига молиялаштириш кўпинча уларнинг нобюджет маблағларидан самарасиз фойдаланишга ва таркалиб кетишига олиб келади. Вазирликлар ва ваколатхоналар нобюджет фондлари маблағларидан тўғри ва максадли фойдаланишни тартибга солиш, шунингдек, бюджетдан молиялаштиришнинг бир кисмида улардан самарали фойдаланишни ошириш мақсадида қуйидагилар таклиф килинади:

- вазирликлар ва ваколатхоналар нобюджет фондларига ўтказиладиган маблағларни қисқартириш бўйича қайта кўриб чиқиш;
- нобюджет фондларининг смета харажатларини рўйхатдан ўтказиш ва мувофиқлаштириш тартибини Ўзбекистон Республикаси Молия

вазирлигида, шунингдек, фондлар маблағдан фойдаланганлик ҳақида ҳисоботларни татбиқ этиш;

- нобюджет маблағлари ҳисобига жорий ва капитал ремонт, коммунал, телекоммуникация хизматлар тўловлари, озиқ-овқат ва дори-дармон сотиб олиш харажатларини молиялаштиришни назарда тутиш.

Маълумки, солиқ юки фискал инструменти орқали давлатнинг иқтисодиётга аралашуви даражасини белгилайди. умумий солиқ юкини баҳолаш унинг моҳиятини янада чуқурроқ англаш учун «хусусийдан умумийга» тамойили бўйича қараб чиқиш мумкин. Муайян солиқ тури бўйича солиқ юки миқдорини белгилаш бўйича ёндашувлар бир хил бўлиб, ушбу солиқ бўйича ставканинг миқдорига тенглаштирилади. Ҳар бир солиқ бўйича тўлов суммаси солиқ солинадиган базанинг миқдори ва солиқ ставкасини бир-бирига кўпайтириш орқали аниқланади.

TRi- i солиқ бўйича тўлов суммаси, **Bi – i** солиқ бўйича солиқ солинадиган база, **ri- i** солиқ стакаси бўлсин, бунда – **i=1,2..**

Таъриф бўйича TRi= Bi*r (1)

Бундан қуйидагини чиқарамиз: TBi=ri= Tri \Bi (2)

Бунда, TBi – i солиғи бўйича солиқ юки.

Бу хилдаги ёндашищда солиқ юки нисбий кўрсаткич сифатида чиқади, бунга сабаб уни солиқ суммасини маълум бир молиявий кўрсаткичга нисбатан белгиланишидир. Миқдорларни ушбу тарзда солиштириш солиқ тушумларини алоҳида даврлар ва алоҳида корхоналар ёки турли тармоқ корхоналари бўйича тушуми асосида таққослама таҳлилини ўтказиш имконини беради. Бироқ, ушбу ёндошиш якка тартибдаги характерга эга: умумий солиқ юкига таъриф бермай, фақат мазкур солиқ туринигина таърифлайди. Масалан, бирор-бир солиқ бўйича ставка миқдори 50%ни ташкил қилса, (2) формула бўйича солиқ юки ушбу солиқ бўйича 50%ни ташкил қилади.

Лекин, бу ҳол ҳақиқатдаги аҳволни нотўғри кўрсатиши мумкин.

Муайян солиқ бўйича солиқ юки ушбу солиқ бўйича тўловлар суммасини корхонанинг солиқ солинадиган, яъни базасига нисбати сифатида кўриш мувофиқ бўлади. Яъни і солиғи бўйича солиқ юки қуйидаги формула билан аниқланади:

$$TBi = TRi \backslash B \quad (3)$$

Фикримизча, солиқ юкини баҳолаш учун унинг ҳам вертикал (корхона, сектор, тармоқ, иқтисодиёт), ҳам горизонтал (корхона-корхона, сектор-сектор, тармоқ-тармоқ), тақсимланишини акс эттирувчи бир қатор кўрсаткичлар тизимидан фойдалниш мақсадга мувофиқдир.

Одатда, миллий иқтисодиётдаги солиқ юки сифатида умумлашган бюджет даромаднинг ЯИМдаги улушини қаралади. Ҳақиқатдан ҳам, бу кўрсаткич солиқ юки сатҳини акс эттиради, чунки кўпчилик давлатларда умумлашган бюджет даромадларининг асосини солиқ тушумлари ташкил этади.

Бизнинг фикримизча, солиқ юкини умумлашган бюджетга солиқсиз тушумлари, масалан, давлат божлари, давлат мулкини сотишдан келиб тушадиган даромадлар, заёмлардан, пул-буюм лотереяларидан келиб тушадиган даромадлар йил бошидаги бюджет қолдиклари ва бошқа солиқсиз даромадлар чегириб ташланиши лозим.

Солиқ юкини ҳаққоний баҳолаш учун солиқлар суммасига қонун бўйича тўланиши лозим бўлган, лекин бюджетга келиб тушмаган суммалар миқдорини (бокимандалар), ўзаро хисоб-китоблар ва кечиб юборилган тўловларни қўшиб ҳисоблаш лозим.

Бундан ташқари, валюта айирбошлашнинг турлича курсларининг мавжудлиги, баъзи маҳсулотларга давлат буюртмасининг мавжудлиги ва баъзи махсулотлар нархларининг давлат томонидан бошқарилиб турилиши кўрсаткичларини ўрганиш иқтисодиётдаги солиқ юки тўғрисидаги тўла тасаввурга эга бўлиш имконини беради. Афсуски, охирги кўрсаткичлар амалда мавҳум кўрсаткичлар бўлиб, уларнинг миқдорий ўлчовини

аниқлаш мушкулдир.

Таянч сўз ва иборалар

Давлатнинг мақсадли жамғармалари, дотация, ғазначилик, бюджетлар аро муносабатлар, маҳаллий бюджетларнинг ўз маблағлари, қўшимча қиймат солиғи, тартибга солинувчи солиқлар.

Мавзу бўйича назорат учун саволлар

1. Ўзбекистон Республикасидаги бюджет тизимини шакллантиришда қонунчилик базасини халқаро стандартларга мослаштиришни чора-тадбирларини кўрсатинг.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонуннинг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши тўғрисида нима дея оласиз?
3. Ўзбекистонда бюджет-солиқ сиёсатининг яхлитлигини таъминлашнинг асосий вазифалари нималардан иборат?
4. Давлат бюджети таркибидаги давлат мақсадли жамғармалари фаолиятини таҳлил қилинг.
5. Бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солиш тўғрисида нима дея оласиз?
6. Ривожланган мамлакатлар тажрибасидаги бюджет ижросини ғазначилик тизимининг ижобий томонларини айтинг.

III-бўлим. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ

6-боб. Бюджет сиёсати ва иқтисодиётни бюджет орқали тартибга солиш

6.1. Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги йилларида бюджет тизимидаги ислоҳотлар

Мустақил республикамизнинг бозор муносабатларига ўтиши шароитида, демократик давлат қуриш йўлидан бораётган ҳозирги кунда ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида бўлгани каби бюджет тизимида ҳам чуқур ўзгаришларни амалга ошириш ҳозирги куннинг асосий талабидир. Мамлакатимиздаги иқтисодий сиёсатини барқарор амалга оширишда давлат молияси асосий функцияни бажаради. Давлат молия-бюджет тизимининг асосини давлат бюджети ташкил этади. У бир томондан, ресурсларнинг ҳал қилувчи қисмини ўзида жамлайди, иккинчи томондан эса барча молия бўғинлари ва муассасаларининг ўзаро алоқадорлигини таъминлайди, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида рўй бераётган туб ўзгаришлар молиявий-иқтисодий назария, бюджет жараёни ва бюджетнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини бажарилишини ижтимоий-иқтисодий яратувчанлик руҳида бюджет тизимини қайта кўриб чиқишни талаб этмоқда.

Зеро, Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаганидек, «Иқтисодий ўсиш суръатларини таъминланган ҳамда молиявий барқарорликка эришишга йўналтирилган ислоҳотларни ҳозирги даврида давлат молияси ва айникса, бюджет тизими барқарорлигини мустаҳкамлаш муҳим стратегик вазифа ҳисобланади»[26].

---

[26] Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Т. : Ўзбекистон, 1998 йил. -56б

Бюджет тизими-бу иқтисодий муносабатларга, давлат тузилишига ва қонун нормаларига асосланган давлат, маъмурий-ҳудудий тузилишларнинг, бюджет муносабатларида мустақил бўлган давлат ташкилотлари ва фондларининг мажмуидир.

Бюджет тизими давлат молиявий тизимининг асосий звеноси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимида муҳим таркибий қисмни маҳаллий бюджетлар ташкил этади. Маҳаллий бюджетлар умумдавлат иқтисодий ва ижтимоий вазифаларини амалга оширишда, биринчи навбатда, давлат маблағларини тақсимлаш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Улар маҳаллий ҳокимиятнинг фаолият кўрсатишларида молиявий манба бўлиб, давлатнинг ижтимоий сиёсатини жойларда амалга оширишда асосий рол ўйнайди. Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти сари йўл тутиши даврида бюджетнинг ва маҳаллий бюджетларнинг республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги роли янада ошади.

Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими икки бўғиндан иборат: Республикаси бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар, Тошкент шаҳри Ўзбекистон Республикаси бюджети бир бутундир, яъни бюджет тизими барча бўғинларга давлатнинг ягона давлат бюджетига кирадиган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳар ва туманлари бюджетларининг узвий бирлигини билдиради.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида бюджетдан анча миқдорда маблағ талаб килинади, асосан, ушбу маблағларни бериш маҳаллий бюджетлар томонидан амалга оширилади. Шундай экан, маҳаллий бюджет даромадларини шакллантириш ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида республика ва унинг ҳудудларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда бюджет тизимида олиб борилаётган ўзгаришларнинг марказида Давлат бюджети даромадларини тўлиқ ва ўз вақтида тушириш, республика ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган иқтисодий-ижтимоий соҳа харажатларини режалаштиришда ва харажатларни молиялаштиришда янги шакл ва усуллардан самарали фойдаланиш, бюджетдаги тақчилликни ўсишига таъсир кўрсатувчи сабабларни олдини олиш, иш хақи ва нафақаларни ўз вақтида тўлашни таъминлаш, шунингдек, бюджет маблағларидан фойдаланиш жараёнида бюджет интизомига риоя этиш масалалари туради.

Мамлакатимизда бюджет тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни халқаро андозаларга мувофиқ келадиган тарзда ривожлантириш, бюджетдан молиялаштириладиган соҳаларга қўшимча маблағлар талаб қилиниши боис, бюджет даромадларини шакллантириш ҳамда харажатларини режалаштириш ва молиялаштириш механизмини такомиллаштириш зарурияти пайдо бўлмокда. Бюджет тизими мураккаб механизм бўлиб, муайян мамлакатнинг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа хусусиятларнинг бутун мажмуи асосида шаклланади.

Барча давлатларда хўжалик субъектларнинг фаолияти натижасида ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ва миллий даромад (МД) яратилади. Моддий ишлаб чиқариш даражасида ишлаб чиқарилган миллий даромад тақсимлаш ва қайта тақсимлаш босқичларидан ўтади. Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ва миллий даромад (МД) қайта тақсимлашда ва фойдаланишда бюджет муҳим вазифани бажаради. Мамлакатда МД ни қайта тақсимлаш жараёнида унинг бир қисми пул шаклида бюджетга тушади ва молиявий ресурсларнинг марказлашган фондини ташкил этади.

Бюджет - давлатнинг олдида турган мақсад ва вазифаларини молиявий таъминлашга мўлжалланган пул маблағлари фондини шакллантириш ва харажат қилиш шаклини акс эттиради. Бюджетга

мамлакат молиявий тизимида бошқарувчилик ҳолати тегишлидир. У умумдавлат молиявий ресурс фондини шакллантириш ва фойдаланиш билан боғлиқ бўлган, бир томондан, давлат ўртасидаги тақсимлаш муносабатларининг бир қисмини, иккинчи томондан корхоналар ва аҳоли ўртасидаги тақсимлаш муносабатларининг бир қисмини англатади. Бюджетни шакллантириш бевосита мамлакат миллий даромадини шакллантириш ва уни қайта тақсимлаш билан боғликдир.

Миллий даромадни қайта тақсимлашнинг асосий молиявий усуллари бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

- Пул тушумларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш (фойда, ҚҚС, давлатнинг мақсадли фондларига тўлов);
- Солиқларни ташкил қилиш;
- Халқ хўжалиги тармоқларини молиялаштириш;
- Умум истеъмол фондларини, суғурта ва резерв фондларни шакллантириш ва фойдаланиш.

Ушбу жараёнларнинг барчасида бюджет асосий ўринни эгаллайди. Бюджет ёрдамида давлат ва ҳудудий ҳукумат бошқарув апаратини, ҳарбий харажатларни, ижтимоий-маданий тадбирларни молиялаштиришни амалга ошириш, иқтисодий вазифаларни амалга оширишни таъминлаш, яъни уларга юклатилган вазифаларни бажариш учун молиявий ресурсларни олади. Шу билан бирга бюджетга аниқ иқтисодий муносабатларни англатадиган иқтисодий категория сифатида қараш мумкин. Давлат бюджетдан бевосита ўз фаолиятини ҳамда иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга оширишнинг муҳим дастаги сифатида фойдаланади.

Шундай қилиб «бюджет давлатнинг иқтисодий-ижтимоий, маданий ҳаётни бошкариш, мудофаани амалга ошириш ва бошқа тадбирлар учун марказлаштирилган пул маблағларини ташкил этиш ва ишлатиш жараёнида вужудга келган юридик ва жисмоний шахслар билан давлат

ўртасида юз берадиган муносабатлар мажмуидир»[27].Давлат бюджети асосий марказлаштирилган молиявий ресурслар жамғармаси сифатида ўзига хос ижтимоий аҳамият касб этади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибалари шуни кўрсатадики, бюджет олдида турган вазифалар қуйидагилардан иборат бўлади: МД ни қайта тақсимлаш, иқтисодиётни давлат томонидан бошқариш ва тартибга солиш, ижтимоий соҳаларни молиявий таъминлаш ва давлатнинг ижтимоий сиёсатини амалга ошириш, пул маблағларини марказлаштирилган фондини шакллантириш ва фойдаланиш устидан назорат олиб бориш. Бюджет орқали МД ни қайта тақсимлаш бир-бири билан боғлиқ ва узвий бўлган босқичлардан иборат:

- бюджет даромадларини шакллантириш;
- бюджет маблағларидан фойдаланиш.

Бюджет даромадлари – бу бир томондан давлат ўртасидаги ва иккинчи томондан хўжалик субъектлари ва фуқоролар ўртасидаги иқтисодий муносабатларидир. Шу билан биргаликда бюджет даромадлари-бу давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларини ҳисобига ўтадиган пул маблағларидир. Бюджет даромадларини шакллантириш жараёнида давлат фойдасига миллий даромадни бир қисми ўтади, булар асосида давлат билан корхоналар ва аҳоли ўртасида молиявий муносабатлар юзага келади.

Бюджет - турли даражадаги марказлаштирилган пул маблағлари фондини вужудга келтириш, тақсимлаш ва фойдаланишга оид асосий молиявий режа бўлиб, у тегишли давлат ёки маҳаллий идора томонидан ишлаб чиқиладиган ҳамда тасдиқланадиган ҳуқуқий ҳужжатдан иборат. Бюджет асосий молиявий режа сифатида қуйидаги белгилар билан тавсифланади:

---

[27] Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси. Иккинчи китоб: Олий ўқув юртлари ва талабалари учун ўқув қўлланма. – Т.: Шарқ. 2003. -221б.

- Бюджет универсал молиявий режа сифатида тегишли ҳудуднинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётининг барча соҳалари ва йўналишларини тўла камраб олади;
- Бюджет бошқа турдаги молиявий режаларга нисбатан мувофиқлаштирувчи вазифани бажаради.

Бюджет инглизча сўз бўлиб, давлат, корхона, муассаса ва айрим шахсларининг маълум муддатга олдиндан белгилаб қўйиладиган кирим-чиқим, яъни даромад ва харажатлари мажмуини ифодалайди. Бюджетнинг қайси даражада эканлигидан қатъий назар унга уч жиҳатдан ёндашиш мумкин:

⇒ иқтисодий категория сифатида;

⇒ моддий маънода;

⇒ ҳуқуқий категория сифатида.

Бюджет иқтисодий категория сифатида бу турли бюджет фондларини шакллантириш, тақсимлаш, фойдаланиш пайтида юзага келувчи ва рўёбга чиқувчи иқтисодий муносабатлардир.

Бюджет моддий маънода тегишли даражадаги давлат ва маҳаллий ҳокимият идоралари фаолиятини таъминловчи, улар олдига қўйилган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий вазифаларни бажариш имконини берувчи марказлаштирилган пул маблағлари фондидан иборатдир. Давлат томонидан режалаштирилган тадбирларни бюджет ҳисобидан молиявий таъминлаш деганда, бюджетнинг айнан ана шу моддий маъноси кўзда тутилади.

Бюджет ҳуқуқий категория сифатида-тегишли ҳудуд доирасида марказлаштирилган пул маблағларини шакллантириш, тақсимлаш, фойдаланишга қаратилган ва тегишли давлат ёки маҳаллий ҳокимият идораси томонидан тасдиқланган, ҳуқуқий меъёрлардан иборат асосий молиявий режадир.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги қабул

қилинган «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасида бюджет тизимига қуйидагича таъриф берилган. «Бюджет тизими турли даражадаги бюджетлар ва бюджет маблағлари олувчилар йиғиндисини, бюджетларни ташкил этишни ва тизиш принципларини, бюджет жараёнида улар ўртасида, шунингдек, бюджетлар хамда бюджет маблағлари олувчилар ўртасида вужудга келадиган ўзаро муносабатларни ўзида ифодалайди»[28].

Ўзбекистон Республикасини бюджет тизимининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- бюджет таснифи тизими, ҳисоб-бюджет хужжатлари ва бюджет жараёни тузилишининг ягоналиги;
- бюджет тузилишининг Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тузилишига мувофиқлиги;
- турли даражадаги бюджетларнинг ўзаро боғлиқлиги;
- Давлат бюджетининг балансслилиги;
- давлат даромадларини аник манбалар бўйича ва харажатларини йўналишлари (моддалари) бўйича режалаштирилиши;
- Давлат бюджети харажатларини бюджетдан ажратиладиган тасдиқланган маблағ доирасида сарфланиши;
- барча даражадаги бюджетларнинг мустақиллиги.

Ҳар бир мамлакат бюджетининг таркиби, аввало, унинг давлат курилишига боғлиқдир. Унитар тузумга эга бўлган мамлакатларда бюджет тизими икки бўғинли курилмага — давлат бюджети ва маҳаллий бюджетларга эга бўлади. Федератив тузумга эга бўлган мамлакатларда (АҚШ, ГФР) оралиқ бўғин — штатлар, ўлкалар (вилоятлар) ва уларга мувофик маъмурий тузилмаларнинг штатлари мавжуд. Қуйидаги чизмада Ўзбекистон Республикаси давлат бюджет тизими ифода этилган (6-чизма).

[28]Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни. //Халқ сўзи. 2000. 14 январ. 4-модда.

6-чизма

Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими



Консолидациялаштирилган бюджетларнинг кўрсаткичлари мамлакат марказлаштирилган молиявий фондидан фойдаланиш ва уни шакллантиришни таҳлил қилишда муҳим ўринни эгаллайди. Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг кўрсаткичлари ёрдамида мамлакатда тузиладиган ва давлат молиявий балансида акс эттириладиган молиявий ресурсларни марказлаштириш даражаси аниқланади. Консолидациялаштирилган кўрсаткичларга ҳисобсиз молиявий режалаштиришни умумлашгириш мумкин эмас, чунки давлат молиявий балансини ва худудий молиявий балансларнинг кўпгина, кўрсаткичлари консолидациялаштирилган бюджетдан олинади.

Баланснинг даромад қисмида қуйидаги бюджет маълумотларидан фойдаланилади: ҚҚС ва акциз солиқлари, жисмоний шахсларнинг даромад солиғи, мулк солиғи, ташқи савдодан солиқ, ташқи иқтисодий операциялардан ва ташқи иқтисодий фаолият даромадидан солиқ, бюджет мақсадли фондлар даромади. Давлат бюджети давлатнинг асосий молиявий режаси сифатида, ҳукумат органларига ўз ваколатларини амалга ошириш учун иқтисодий имкониятларни беради. Бюджет давлат учун зарур бўлган молиявий ресурсларни акс эттириб ва шу билан биргаликда мамлакат солиқ сиёсатини белгилайди. Бюджет маблағлари сарф этишнинг аниқ йўналишларини, миллий даромад ва ялпи ички махсулотнинг қайта тақсимланишини ўзида акс эттиради, бу эса унга иқтисодиётни самарали бошқарувчиси сифатида чиқишга ёрдам беради.

Шу билан биргаликда, бюджетдан аниқ иқтисодий муносабатларни акс эттирувчи иқтисодий категория сифатида фойдаланиш мумкин. Бюджетнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши давлатнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши билан боғликдир. Давлат бюджетдан нафақат ўз фаолиятининг асосий таъминот манбаси сифатида балки иқтисодий ва ижтимоий сиёсат ўтказишининг муҳим элементи сифатида фойдаланади. Иқтисодий категория сифатида бюджет муносабатлари молиявий муносабатларнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг давлат бюджети республика бюджетидан, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан

иборатдир. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг етакчи бўғини - республика бюджетидир. «Республика бюджети - Давлат бюджетининг умумдавлат тусидаги тадбирларни молиялаштиришда фойдаланиладиган қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади»[29]. Миллий даромадни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ўртасида тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёни республика бюджети орқали тартибга солинади. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг муҳим таркибий қисми маҳаллий бюджетлардан иборат (-чизма).

Маҳаллий бюджетлар тизими маҳаллий эҳтиёжларни тўлароқ ҳисобга олиш ва уларни давлат марказлаштирилган тартибда амалга оширадиган чора-тадбирлар билан тўғри мувофиқлаштириш имконини беради. Шунинг учун маҳаллий ҳокимият органлари маҳаллий бюджетга даромадлар келиб туришини ва ресурслардан мақсадли фойдаланишдан манфаатдорлар, чунки жойларда иқтисодиёт ва маданиятнинг ўсиш суръатлари маҳаллий резервларни сафарбар этишга, маблағларни режали сарфлашга доир ишларни ташкил этишга бевосита боғлиқ бўлиб, бу эса, ўз навбатида, умуман Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетини муваффақиятли бажаришга имкон яратади.


Бюджет уч таркибий қисмдан харажат, даромад қисмлари ва улар балансидан иборат, яъни даромадларнинг харажатларга мувофиқлиги қоидасига кўра тузилган. Бюджетни шакллантириш аввало унинг харажат қисмини тузиш йўли билан юз беради, чунки давлат ўзида мавжуд молиявий имкониятлардан келиб чиқибгина харажатлар қилиши мумкин эмас. Давлат аввало жамиятни самарали ривожлантириш мақсадида унинг зарур маблағлар ҳажмини белгилаш ва шундан кейингина ўз қўлида бўлган бюджет даромад қисмини тўлдиришнинг асосий воситаси- солиқлар ва бошқа манбалар ёрдамида ана шу молиявий ресурсларни жалб этиши ва самарали бошқариши керак бўлади.

---

[29] Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни. //Халқ сўзи. 2000. 14 январ.

7-чизма

Ўзбекистон Республикаси маҳаллий бюджетининг тузилиши



Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларининг шаклланиши ва ривожланишида ижтимоий-иқтисодий соҳадаги қийинчиликлар молия-кредит тизимини ислоҳ қилиш жараёни билан тўғри келди. Ҳозирги шароитда биринчи навбатдаги вазифалардан бири бўлиб бюджет тизимини ислоҳ қилиш ва бюджетлараро муносабатлардаги, шунингдек бюджет тузилиши ва бюджет жараёнидаги муаммоларни ҳал қилишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш зарур бўлиб қолди. Бу эса, ўз навбатида, барча даражадаги ҳокимият органларининг молиявий базасини мустаҳкамлаш зарурлигини, янги молия- бюджет ва солиқ механизмларини миллий, ҳуқуқий, иқтисодий ва молиявий муносабатларининг шакллантириш 1991 йилдаги мустақилликни эълон қилиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш билан бошланди. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий йўналтирилган, эркин бозор иқтисодиётига асосланган, миллий молия-кредит тизимига эга бўлган, мустақил бюджет ва солиқ сиёсатига эга бўлган давлат қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Ислоҳот дастурларини амалга ошириш ушбу соҳадаги қонунчилик фаолиятида ҳамда ҳуқуқий фаолият доирасида ҳам ўзгаришларга олиб келди. 1992 -1995 йилларда республикада бюджет тизимининг кейинги ривожланишини бошқарадиган қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди, бунга мувофиқ қуйидагиларни амалга ошириш кўзда тутилган эди: барча даражадаги бюджетларнинг иқтисодий мустақиллик принципини тарғиб қилиш, уларни алоҳида шаклланишининг меъёрий асосларини белгилаш, бюджетларни шакллантиришнинг муҳим тадбирлари республика бюджетидан молиялаштириш билан боғлиқлигининг зарурияти Ўзбекистон Республикасида давлатнинг икки даражали бюджет тизими фаолият юрита бошлади, у ўз ичига республика ва маҳаллий бюджетларни олар эди. Молия тизими бошқа секторларга қараганда бюджет жараёнининг қонунчилик асосларини ишлаб чиқишда муайян орқада қолишга йўл қўйилган бўлиб, бу давлат молиясидан самарали фойдаланишга салбий таъсир этиши мумкин. Шу сабабли бюджет жараёнини тартибга солиш механизмини яратиш ва бюджет тизимининг институционал ўзгартишларини

амалга ошириш учун бюджет маблағларини сарфлашни мақбуллаштириш, иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш, иқтисодий юксалишни рағбатлантириш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш ҳамда мустақил Ўзбекистоннинг давлатчилик асосларини мустаҳкамлашга кўмаклашадиган ягона қонун қабул қилиниши зарур бўлиб қолган эди. Ҳозирги вақтда бюджет тизимини шакллантириш зарурати Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиётнинг босқичма-босқич ривожланишининг янги даражаси билан юзага келган. Республиканинг халқаро майдонга чиқиши қонунчилик базасини халқаро стандартларга мослаштиришни талаб қилди. Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими тўғрисида»ги қонунининг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши бир неча сабаблар билан боғланган: Биринчидан, 1992 йилдан бошлаб мамлакатда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси амал қилиб келмокда. У эса давлат тузилишига муҳим ўзгартиришлар киритди. Бу эса бюджет тизимига таъсир қилмасдан қолмайди. Иккинчидан, 1997 йилдан Ўзбекистон Республикасида «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси» кучга кирди. Ушбу кодекснинг қабул қилиниши молия тизимини, шу жумладан солиқ тизимини шакллантиришга асос бўлди. Президентимиз И.А. Каримов таъкилаганларидек, Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичида асосий эътибор мамлакат молиявий тизимини такомиллаштиришга қаратилди. Ҳозирги вақтда бюджет ва бюджет фаолиятининг ушбу хусусиятлари «Бюджетлараро муносабатлар» категорияси билан аниқланадиган йўналишда ўзгармокда. Ушбу категория билан ифодаланадиган муносабатларнинг шаклланиши 1992 йилнинг охирларидан актив равишда ривожлана бошланди. Бунда Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими ажратилди, солиқ тизими шаклланди, бюджет тузилиши ва бюджет жараёни асослари аниқлаштирилди. 90-йилларгача сақланиб келинган бюджет тизимининг характерли томонларини кўрсатиш мумкин:

♦ молиявий ресурсларнинг умумлаштирилган давлат бюджетига йўналтирилганлиги;

♦ барча даромад манбаларини бириктирилган ва ҳажми юқори орган томонидан аниқланадиган тартибга солувчи даромадларга бўлинганлиги;

♦ молиявий ресурсларни бюджет тизими бўғинлари ўртасида қайта тақсимланишини кенг доирада эканлиги;

♦ харажатларга мўлжалланган ва қуйи бюджетга ўтказиладиган маблағлар ҳажми тўғрисидаги вазифаларни ҳал этишда маъмурий бошқариш мавжудлиги;

♦ тартибга солиб турувчи даромадлардан ажратмалар миқдори ва фоизларини ҳар йили қайта кўриб чиқилиши;

♦ қуйи бюджетга молиявий ёрдам бериш тўғрисидаги масалаларни ҳал этишда субъектив ёндашувни қўллашга имкон берувчи молиявий ресурсларни бюджетлараро қайта тақсимланиши шаклларининг кўплиги ва бир тизимга солинмаганлиги.

Умуман, қонунда белгиланган тушунчалар мажмуи бюджет тизимига таъсир этган омиллар вазифаси ва ўзгаришлари жиддий эканлигини акс эттиради. Шунингдек атамаларга, оид кўрсатмаларнинг бир хиллигини бюджет атамалари ҳуқуқининг умумий меъёрлари ва иқтисодий реалликлар билан мумкин қадар мустаҳкам ўзаро боғланишларини таъминлайди. Давлат бюджети таркиби Конституция, қонунлар, шунингдек, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришининг ҳозирги босқичида бюджет маблағларини шакллантириш, тақсимлаш амалиёти билан мослаштирилган. Тегишли ваколатли ҳокимият органлари қайта ташкил қилинганлиги муносабати билан посёлка қишлоқ, овул бюджетлари бартараф этилган. Давлат ҳокимияти ва бюджет тизимини бошқариш органларининг ваколатлари қуйидан юқорига қараб изчил кўриб чиқилди.

Бюджетларнинг мустақиллиги бюджет тизимининг асосий тамойили сифатида белгиланган бўлиб ушбу тамойил турли даражадаги ваколатли

ҳокимият органларининг ўзларига берилган ваколатлари доирасида бюджет жараёнини мустақил равишда амалга ошириш ҳуқукларини англатади. Ҳар бир даражадаги бюджет даромадларининг ўз манбалари, шунингдек, жойлардаги ваколатли ҳокимият органларининг қонунларида белгиланган доираларида маҳаллий соликлар ва йиғимлар солиқ ставкаларини ўзгартириш ҳуқуқини қонун асосида мустаҳкамлаб қўйилган. Даромадлар манбалари белгиланиши ва улар маҳаллий бюджетларга тушиши қонун асосида мустаҳкамлаб қўйилиши маҳалий хокимият органларининг мустақиллиги ва бюджетларни шакллантиришдан манфатдорлигини оширади.

Бунда маҳаллий бюджетларга маблағлар келиб тушишининг регулятив манбалари белгиланган бўлиб уларнинг жумласига белгиланган меъёрлар бўйича давлат солиқларидан ажратиладиган маблағ ажратмалари киради. Барча даражалардаги бюджетлар харажатларнинг йўналишлари аник белгилаб қўйилганлиги, шунингдек, қўшимча даромадларни тақсимлашда мустақилликка эга эканликлари жойлардаги ҳокимият органларининг бюджет маблағларини минтақавий ривожланиши дастурларига мувофик самарали сарфлаб бориш имкониятини беради. Бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солиш мазкур конун лойихасининг зарурий элементи бўлади.

Ҳудудий сиёсатни ва янги бюджет тизимини шакллантириш жараёнининг таҳлили қуйидаги йўналишларни белгилайди:

- Ўзбекистон Республикасида бюджет тузилишининг кооператив турдаги прогматик модели юзага келмокда. У бир томондан, маҳаллий ҳукуматга ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида янада мустақилликни ва жавобгарликни берилиши ва уларнинг миллий даромадни тақсимлашда кўпрок иштирок этишлари, бошқа томондан эса марказнинг ҳудудий молияларнинг ва ҳудудларнинг ривожланиши ҳолати учун жавобгарлигини оширади;

♦ бюджет тизимининг амал қилиш механизми ва тузилиши қатъий марказлаштириш тамойилига хос эди. Бюджет тузилишини шакллантириш жараёни ҳозирча марказ ва маҳаллий ҳукумат органларининг ўзаро мунозаралари олиб борилмоқда.

♦ бюджетлараро муносабатларнинг ривожланиши турли бюджет даражалари бўйича, ўз ҳудудларининг даромад базасини мустаҳкамлаш йўли билан даромадларни тақсимлаш тизимини такомиллаштириш йўлида, ҳудудларга ўз ишлаб чиқариш, табиий ресурс ва меҳнат потенциалини мустақил фойдаланиш ҳуқуқини бериш йўлида бориши керак.

Ҳозирга қадар давлат бюджети маблағларини турли даражалардаги бюджетлар ўртасида қайта тақсимлаш мазкур усулни кўрсатмаган ҳолда амалга оширилиб келинди. Қорақалпоғистон Республикаси ичида ҳамда маҳаллий бюджетларда қайта тақсимлаш бўйича низомлар мавжуд эмас эди. Мазкур қонунда турли даражалардаги бюджетлар ўртасидаги маблағларни қайта тақсимлаш мумкинлиги қайта тақсимлаш усуллари ҳамда қайта тақсимлашни амалга ошириш зарурлиги мезонлари айтиб ўтилди. Турли даражалардаги бюджетлар ўртасида маблағларни қайта тақсимлаш юқори даражадаги бюджет орқали амалга оширилиши белгиланган.

Шуни таъдиклаш лозимки, қайта тақсимлашнинг бундай механизми кўпчиллик мамлакатларда қўлланилади. Камдан-кам мамлакатлардагина масалан, Германияда даромадларни вертикал тарздагина эмас, балки горизантал тарзда ҳам бараварлаштириб бориш қўлланилади. Бунда юкори даромадли ерлар (вилоятлар) ўз молиявий ресурсларнинг муайян қисмини кам ривожланган ерларга ўтказадилар. Турли даражалардаги бюджетлар ўртасида маблағларни қайта тақсимлаш қўшимча равишда олинадиган даромадлар ёки фойдаланмай қолган ажратма манбаларни сарфлаш тартиби белгиланган, чунончи тўлов интизомини мустахкамлаш бўйича чора-тадбирлар натижасида тасдикланган кўрсаткичлардан ташқари қўшимча

равишда олинган суммалар тегишли ҳудудларнинг тасарруфида қолиши белгиланган.

Давлат бюджетида консолидацияланадиган давлат мақсадли жамғармаларни рўйхатга олинган. Эндиликда давлат мақсадли жамғармаларни фақат қонун бўйича ташкил қилиниши мумкин. Кўрсатиб ўтилган жамғармаларни фаолияти давлат бошқарувини устувор вазифаларини ҳал этишга йўналтирилган амалнёт бюджетни мустаҳкамлаш даромадлар ва харажатлар ҳисобини юритишни яхшилаш бюджет интизомини амалга оширишни муҳим элементи сифатида консолидацияланадиган тарзда қўшиб бориб бирлаштириш зарурлигини исботламокда.

Давлат молиясидан мақсадли тарзда оқилона самарали фойдаланиш ҳар қандай мамлакат бюджетларини ижросини зарурий кўрсаткичи ҳисобланади. Бюджет ижроси солиқ тўловчиларининг ҳам давлат ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳам доимий диккат эътиборида туради.

Давлатнинг келгуси даврдаги мақсад ва вазифаларини молиялаштиришни таъминлашнинг асоси негизи сифатида барча даражалардаги бюжетларни тайёрлаш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш жараёни муддатлари ҳамда босқичлари жиҳатидан келишилган ҳар бир босқичнинг аниқ ижрочилари кўрсатилган ягона бюджет цикли бўлади. Белгиланган қатъий календар муддатлари бюджет жараёни барча қатнашчиларининг мувофиқлаштирилган тарзда ишлашларига кўмаклашади. Айрим босқичларда муддатларни ўзбошимчалик билан белгилаш эса бутун жараённи издан чикариб юбориши мумкин. Бу эса биринчи навбатдаги сарф-харажатларнинг ўз вақтида молиялаштирилмай қолишига олиб келиши мумкин.

Аниқ белгиланган молиявий негизга таянмасдан туриб, давлат ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ тартибни ва мамлакат мудофаа қобилиятни сақлаш каби муҳим соҳаларни молиявий таъминлай олмайди. Бундан ташқари, мамлакатимиздаги анъаналар, болалар, кексалар, хотин-

қизларнинг юкори даражада ҳимояланишини кўзда тутади. Буни эса бозор иқтисодиёти шароитларида давлатнинг қўллаб-қувватлашисиз таъминлаб бўлмайди. Шу сабабли конуннинг шу жиҳати ниҳоятда мухимки, турли тоифадаги ташкилотлар ва бошқа бюджетдан маблағ олувчилардан бюджет маблағларини ажратиш тўғрисида талабномалар олиниши бюджет лойиҳасини шакллантиришнинг бошланғич босқичи бўлади. Жойлардаги тегишли ҳокимият органлари бюджетлар лойиҳаларини шакллантириш ҳуқуқига эга эканликлари ва улар турли даражалардаги бюджетларни қабул килишлари яна бир белгиловчи жиҳатдир.

Хулоса килиб айтганда, бюджет биринчи навбатда Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тизимининг яхлитлигини белгилаб беради. Бюджет тизими бутун республика ҳудудида амал қилаётган давлат даромадлари ҳамда умуман республикани Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга йўналтириладиган давлат харажатларининг бир бутун тизимига асосланади. Бюджет яхлитлиги бюджетга доир прогнозлаштириш услубияти ва ташкил этиш бир бутунлигини кафолатлайди.

Бюджетнинг яхлитлилиги туфайли республика ўз тасарруфига пул ресурсларининг ягона марказлаштирилган фондини олади уни бюджет тизимининг фақат бирор - бир бўғинига тақдим этиш мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетига бирлаштириладиган барча бюджетларнинг мажмуи сифатида ифодаланади. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг яхлитлиги ва бир бутунлиги конун томонидан мустаҳкамлаб қўйилган, унда қуйи бюджетларнинг ҳар бири юқори бўғинга кириши кўзда тутилган.

6.2. Бозор иқтисодиёти шароитида бюджет тизими бўғинларининг вазифалари

Ҳар қандай демократик давлат тузилишининг зарурий омили маҳаллий ўз-ўзини бошқаришдир. Маҳаллий бошқарув ва ижроия органларига юклатилган вазифаларни бажариш учун уларга муайян мулкий ва молиявий бюджет ҳуқуқлари берилади. Бу ҳуқуқлар ўз бюджетларини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш, бажариш ҳамда улар бошқарувига берилган корхоналарни бошқариш ва бу корхоналардан маҳаллий даромадни шакллантириш имкониятини яратади. Ҳудудий давлат бошқарув органлари молиявий тизимининг асосий таркибий қисми- бу маҳаллий бюджет ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси «Бюджет тизими тўғрисидаги» қонунда таъкидланганидек, "Маҳаллий бюджет - Давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, унда даромадлар маблағлари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайинида аниқ мақсадлар учун ажратилган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади".[30] Маҳаллий бюджетлар Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетида муҳим таркибий қисмни ташкил этади ва маҳаллий ҳукумат органларининг фаолият кўрсатишларида молиявий манба бўлиб ҳисобланади.

Маҳаллий бюджетлар ишлаб чиқаришнинг якуний натижаларини аҳолига етказишнинг асосий йўналишини белгилаб берувчи воситадир. Маҳаллий бюджетлар орқали ижтимоий истеъмол фондлари аҳолининг айрим гуруҳлари ўртасида тақсимланади.[35]Маҳаллий бюджетларнинг иқтисодий моҳияти уларнинг вазифаларида намоён бўлади.


Маҳаллий бюджетлар умумдавлат иқтисодий ва ижтимоий вазифаларини амалга оширишда, биринчи навбатда, давлат маблағларини тақсимлаш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

---

[30] Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида» ги Қонуни. 2000 йил 14 декабр.

8-чизма

Маҳаллий бюджетларининг вазифалари



Ишлаб чиқарилган моддий неъматларни тақсимлаш ва аҳолига етказиш асосан бюджет тизими орқали амалга оширилади. Маълумки, истеъмол фондларининг асосий қисми бюджетлар орқали шакллантирилади. Бунда халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, уй-жой коммунал хизмат соҳаси билан боғлиқ асосий харажатлар маҳаллий бюджетлар ҳисобидан амалга оширилади.

Давлат томонидан ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ сиёсатни амалга ошириш катта миқдордаги моддий ва молиявий ресурсларни талаб қилади ва бу муҳим вазифалар маҳаллий ҳокимият органларига юклатилган. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш билан боғлиқ чора-тадбирларни молиялаштириш асосан маҳаллий бюджетлар ҳисобидан амалга оширилади.

Умумдавлат пул маблағларини бюджет звенолари ўртасида тақсимланишининг асосини, ҳудудий бюджетлар мустақиллиги, уларни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватланиши, улар даромадларини ҳудудий манбалар ҳисобидан шаклланиши тамойиллари ташкил этади. Ушбу тамойиллардан келиб чиққан ҳолда, маҳаллий бюджетларнинг даромадлари ўз даромадлари ва бошқариладиган манбалар ҳисобидаги даромадлардан шаклланади. Маҳаллий ҳокимият органлари, ўз даромадлари манбалари

базасини кўпайишидан манфаатдордирлар. Чунки, бу даромадлар ҳокимиятлар олдидаги вазифаларни моддий жиҳатдан молиялаштириш манбаси сифатида ва уларни мустақил сарфлаш имконини беради. Аҳоли яшаш шароитини яхшилаш, турар жой ва коммунал хизматлар билан боғлик харажатлар ҳамда ижтимоий соҳани ривожлантириш маҳаллий бюджетлар харажатларининг асосий йўналишини ташкил этади.

Маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган соҳалар конунчилик билан белгилаб берилган, Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги конуннинг 23-моддасида маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган соҳалар қуйидагича гурухланган:

⇒ фан, таълим, маданият, соғликни сақлаш жисмоний тарбия ва спорт (маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган ташкилотлар бўйича);

⇒ ижтимоий таъминот;

⇒ аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш;

⇒ Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини таъминлаш;

⇒ иқтисодиёт турли тармокларининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджет ташкилотларини сақлаш;

⇒ конун ҳужжатларига мувофиқ иқтисодиёт тармокларини ривожлантиришнинг мақсадли дастурлари ва тадбирларини амалга ошириш;

⇒ конун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мақсадлар.

Маҳаллий бюджетлар харажатларини доимо ошиб бориши, ўз маблағларини етишмаслиги сабабли, юқори бюджетдан қўшимча маблағлар ажратиш заруриятини келтириб чиқаради. Бу зарурият асосан тартибга солувчи даромадлар, яъни юқори бюджет маблағларидан бериладиган маблағлар ҳисобига бажарилади. Республикамизда маҳаллий бюджетларнинг даромад манбаларини тартибга солиш мақсадида:

- қўшилган қиймат солиғидан;
- акцизлардан;
- корхоналар даромади (фойдаси)га солиғидан;
- жисмоний шахслар даромад солиғидан ажратмалар қилинади.

Маҳаллий бюджетни даромад базаларни мустаҳкамлашда улар ихтиёрига берилган маҳаллий солиқ ва йиғимлар бўйича тадбирлар муҳим ўрин тутади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, маҳаллий бюджетлар маҳаллий соликлар ва йиғимларни ташкил этиш ва бошқаришда мустақил бўлса-да, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқарилган тегишли меъёрий хужжатлар доирасида фаолият юритади. Маҳаллий бюджетлар амалиётидаги муҳим хусусият Ўзбекистон Республикаси «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунда белгиланганидек, маҳаллий бюджетлар тақчиллигига йўл қўймаслигидир. Давлат молия сиёсатида маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатларининг баланслиги республика бюджети субсидиялари орқали кафолатланмокда.

Бюджетлараро муносабатларни ташкил этиш ва бошқариш тизимида маҳаллий бюджетлар риоя қилиши лозим бўлган муайян чекланишлар муҳим аҳамиятга эга. Маҳаллий бюджетлар учун:

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилмаган манбалар ҳисобига ўз бюджетларини тўлдириш ёки максадли фондлар ташкил этиш;
- бюджет ссуддаларидан ташқари бошқа ҳар қандай қарз маблағларини жалб қилиш;
- бюджет қонунчилигида кўзда тутилган ҳолатларда ўз бюджет харажатларининг тасдиқланган ажратмалардан ортиб кетишига йўл қўйиш;
- бюджет маблағлари ҳисобидан бошқа шахслар фойдасига молиявий кафолатлар ва кафилликлар бериш;
- юридик ва жисмоний шахсларга бюджет ссудаларини бериш тақиқланади.

Маҳаллий бюджетларнинг давлат бюджет сиёсатидаги тутган ўрни маҳаллий бюджетлар даромадларини ташкил этиш ҳамда унинг таркибини белгилашда молиявий асос ҳисобланади. Маҳаллий бюджетларнинг мавқеини янада ошириш ҳукуматнинг бюджет сиёсатини самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган муҳим омил эканлиги аҳамиятга моликдир.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президенти фикр-мулоҳазалари диққатга сазовордир: «Давлат бюджети даромадларининг катта қисмини жойларга бериш, маҳаллий бюджетларни мустаҳкамлаш зурур. Бу эса минтақалар мустақиллигини ошириш, уларнинг ташаббускорлилигини, бюджетнинг ижросидан манфаатдорлиги ва бу борадаги масъулиятини ошириш имконини беради. Бундан ташқари, бу нарса маҳаллий бюджетларга тушумларни янги манбаларини қидириб топишга рағбатлантиради, жойларда бюджет интизомини мустаҳкамлайди»[31]. Маҳаллий бюджетлар даромадларининг давлат бюджети даромадларидаги салмоғи қуйидаги жадвал маълумотларида яққол намоён бўлади.

20-жадвал

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети харажатларида маҳаллий бюжет харажатларини салмоғи

(фоизда)

	2001	2002	2003	2004	2005
Давлат бюджети харажатлари	100	100	100	100	100
Маҳаллий бюджет харажатлари	54.5	55.4	55.4	52.0	55.0

Манба. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2001-2005йил маълумотлари

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетида маҳаллий бюджет харажатлари кейинги

[31] Каримов И. Ўзбекистон иктисодий ислохотларни чукурлаштириш йўлида. Т. Ўзбекистон.1995. - 208 б.

йилларда занжирли равишда ўсиб борган. Шунингдек, бир вақтнинг ўзида маҳаллий бюджетнинг даромадлари давлат бюджети даромадларига нисбатан анча илдамрок ошган, яъни 2001 йилда маҳаллий бюджетлар даромадлари 574781,9 млн. сўмни ташкил қилган бўлса, 2002 йилда бу кўрсаткич 829958,0 млн. сўмни ташкил қилган. 2003 йилда бу кўрсаткич 1042148,0 млн. сўм бўлиши режалаштирилди. Лекин, шундай бўлишга қарамасдан маҳаллий бюджет даромадларининг давлат бюджетидаги салмоғи фоизларда сезиларсиз ошганини кўришимиз мумкин. Олиб борилган таҳлиллар шундан далолат беради ки, маҳаллий бюджет харажатлари учун зарурий даромадлар доимо бюджетнинг юқори бўғини ёрдамида барқарорлаштириб турилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов маърузасида баён қилинган талаблардан келиб чиққан ҳолда, 2003 йил иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари белгиланди, жумладан, солиқ-бюджет соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштириш, давлат харажатларини сарфлаш механизмини мақбуллаштирган ҳолда уларни қисқартириш лозим бўлади. Маълумки, маҳаллий молия-давлат молия тизимининг муҳим звеноси ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида маҳаллий бюджетларга эътибор янада кучаймокда. Маҳаллий бюджетлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг муҳим ва ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Республикамиздаги иқтисодий ва ижтимоий жараёнларнинг ривожи маҳаллий бюджетлар харажатлари қисмида ўзининг ёркин ифодасини топади.

Маҳаллий бюджетларнинг мавқени янада ошириш ҳукуматимизнинг бюджет · сиёсатини самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган муҳим омил эканлиги шубҳасиздир, бу борада уларни янада қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилинмокда. Албатта, қабул қилинган ижтимоий дастурларни, биринчи навбатда, аҳолининг ижтимоий ночор табақаларини аник тарзда қўллаб-қувватлаш, соғлом авлодни тарбиялаш, дастурларини рўёбга чиқариш асосида аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган ижтимоий сиёсатнинг

таъсирчанлиги ва аниқ тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш»»[32]да маҳаллий бюджетларнинг аҳамияти катта.

6.3. Ўтиш даври иқтисодиётида бюджет орқали молияляштириш хусусиятлари

Республикамизда бюджетдан молиялаштиришни амалга оширишда эса марказлашмаган йўналиш асосий ўрин тутди. Яъни маҳаллий бюджетлар харажатларининг давлат бюджети харажатлари таркибидаги улушнинг ошиб бориши кузатилмоқда.

Давлат бюджети харажатларининг таркибида эса маҳаллий бюджет харажатларининг салмоғи ошиб бормоқда, яъни у 1991 йилда 48,2 фоиздан, 2005 йилда 55,1 фоизга етди. Чунки, ижтимоий соҳа харажатларининг 80% фоизи ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш харажатларининг 100% фоизи маҳаллий бюджетлардан амалга оширилади.

Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек, ҳаётимизни эркинлаштириш йўналишларининг яна бир муҳим йўли-марказий ва юқори давлат бошқарув идоралари вазифаларини давлат хокимиятининг қуйи тузилмаларига, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказа боришни таъминлашдир. Мамлакат бюджети даромад қисмининг 56 фоизи ва харажат қисмининг 52 фоизини ҳудудий бюджетлар ташкил этмоқда».

Агар барча бошқарув масалалари молиявий йўл билан ҳал этилишини назарда тутадиган бўлсак, мана шу рақамлар ҳудудий хокимият тузилмалари ваколатларини кенгайтириш борасида қилинган ишлар салмоғини яққол кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон Республикасидаги бозор ислоҳотларининг ўзига хос жиҳати ҳам, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг натижаси ҳам бу шахс салоҳиятини кўтариш ҳисобланади. Ҳозирги шароитдаги таълим мажмуини,

---

[32]Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов маърузаси. 2002 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2003 йилда ислоҳатларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари. //Ишонч газетаси. 2003 йил 19 февраль.

кадрлар тайёрлаш кўп даражали тизимини ривожлантириш, бу борада янги концепцияни рўёбга чиқаришга, иқтисодиётда зарур силжишларни амалга оширишга, жумладан, асосий ишлаб чиқарувчи куч - инсонни тараққий килдиришга, унинг иқтисодиётдаги ва ижтимоий соҳадаги ўзгаришларга доимий мослашувини таъминлашга имкон беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек, "халқ таълимини тубдан ислоҳ қилиш, мазкур дастурни амалга ошириш биздан ниҳоятда катта куч, маблағ ва имконият талаб қилмоқда, лекин ҳам иқтисод, ҳам сиёсат, ҳам маънавият нуқтаи назаридан бу сарф-харажатларга назар ташласак, ундан келадиган манфаат ҳар қандай харажатларни коплаши ва оқлаши мумкин"[33]. Жамиятни ислоҳ қилиш ва янгилашга қаратилган фаолиятимиз ва дастуримиз марказида инсон туради. Ислоҳотларнинг мазмуни айни хар бир фуқаро ўз қобилиятини, ўз истеъдодини намоён этишига ва шахс сифатида ўзини кўрсатиш имкониятига эга бўлишга қаратилган.

Ижтимоий муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш, ишончли ижтимоий кафолатларни яратиш, меҳнатнинг манфаатли бўлишини кучайтириш ислоҳотларни ўтказиш учун мустаҳкам ижтимоий таянч бўлади, унинг мукаррарлигининг гарови бўлиб хизмат қилади.

Биз шунчаки демократик жамият эмас, балки адолатпарвар демократик давлат қуришга интилаяпмиз. Адолатга интилиш халқимиз маънавий-руҳий дунёсига хос энг муҳим хусусиятдир. Адолатпарварлик гояси бутун иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тизимига сингиб кетиши, ижтимоий кўмаклашув механизмида ўз аксини топиши керак. Бугунги кунда жамият ҳаддан ташқари бойларга ва камбағалларга ажралиб кетишига йўл қўймаслик керак, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатлами-болалар, қариялар, ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва уларни қўллаб-қувватлаш ишларини амалга ошириш ва такомиллаштириш зарур.

---

[33] И. А. Каримов. «Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиёти пойдевори». Олий Мажлиснинг IX сессиясида сўзлаган нутқи. // «Халқ сўзи» 1997 йил 29 август.

Аҳолини ҳимоялаш борасида "Қарияларни қадрлаш йили", "Соғлом авлод йили", "Она ва бола йили" дастурларида белгиланган тадбирларни молиявий таъминланди, 2003 йил "Обод маҳалла йили" дастури ва бошқа дастурлар бўйича маҳаллий бюджетлардан белгиланган маблағларни ажратилиши ҳамда мақсадли йўналтирилиши таъминлаш амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг Конституциямизнинг 13 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишидаги маърузасида кўрсатиб берилган мақсад ва вазифалар асосида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар юртимизда бағрикенглик ўзаро меҳр-оқибатлик, фуқароларо тотувлик, турли миллат вакиллари ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини қарор топтириш, ёшларни юксак инсоний фазилатлар руҳида тарбиялаш учун зарур шарт-шароитларни яратишга хизмат қилади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида бозор иқтисодиётига ўтиш даврида Ўзбекистон моделига асос бўлиб хизмат қилган машҳур беш тамойилдан бири аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган бўлиб, мазкур тамойил мамлакатимиз ички сиёсий барқарорлиги учун ўта муҳим шартлардан бири эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Давлат сиёсатининг бу борадаги йўналишлари, аввалombор, мавжуд ҳуқуқий-меъёрий базани такомиллаштириш, аҳолини ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, хусусан, ногиронлар, каровчисиз фуқаролар ва ёлғиз кексалар, кам таъминланган оилаларга берилаётган моддий ва маънавий ёрдамларнинг таъсири ва самарасини кўтариш, давлат ва нодавлат ташкилотлари, маҳалла каби ўзини-ўзи бошқариш органларининг бу масала бўйича фаоллиги ва масъулиятини ошириш, халқаро ташкилотлар, тадбиркорлик ва хусусий бизнес тузилмаларини куч ва имкониятларини ана шундай эзгу ишларга жалб этишга қаратилган чора-тадбирлар ҳам ўз аксини топди.

Республикамизда қабул қилинган "Меҳр-мурувват" дастури аввалги йилларда қабул қилинган «Инсон манфаатлари йили», «Оила йили», «Аёллар йили», «Соғлом авлод йили», «Оналар ва болалар йили», «Қарияларни қадрлаш йили», «Обод маҳалла йили» дастурларнинг мантиқий давоми бўлиб, унинг асосий маъно-мазмуни халқимизга хос бўлган азалий қадриятлар ва замонавий демократик тамойилларга таянган холда, давлат ва жамиятнинг инсонга бўлган муносабат ва эътиборини янада кучайтиришдан иборат.

6.4. Бюджет сиёсати ва бюджет орқали тартибга солиш сохалари

Бюджет даромадлари уларни тўловчилар, солиққа тортиш объектлари, ундириш усуллари, тўлов муддатлари ва бошқалар бўйича муҳим фарқларга эга. Лекин, шу билан бирга, улар ягоналиги билан ажралиб туради, яъни улар бир мақсадга турли даражадаги бюджетларнинг даромад қисмини шакллантиришга хизмат қилади.

Бюджет даромадлари мамлакат бюджет жамғармасини шакллантириш жараёнида давлат билан корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар ва фуқаролар ўртасида пайдо бўладиган иқтисодий муносабатларни ифода этади. Бу иқтисодий муносабатлар корхоналар, ташкилотлар ва аҳоли томонидан бюджетга тўланадиган турли тўловлар кўринишида юз беради, уларнинг моддий-ашёвий ифодаси бюджет жамғармасига йўналтириладиган пул маблағлари ҳисобланади.

Бюджет даромадларини вужудга келтиришнинг шакллари ва усуллари кўпдан-кўп объектив ва субъектив омиллар таъсирида ўзгариб туради. Уларнинг орасида ишлаб чиқарувчи кучлар, ишлаб чиқариш муносабатлари молия фанининг ривожланиш даражаси таъсири биринчи ўринда туради.

Даромадларга, шунингдек, юзага келган конкрет иқтисодий ва ижтимоий вазият, муайян даврдаги иқтисодий сиёсат, жамият тараққиётида танланган устуворликлар, белгиланган вазифаларга эришиш стратегияси ва бошқалар ҳам катта таъсир кўрсатади. Аммо, ҳар қандай ҳолат ҳам сафарбар

қилинган даромадларнинг асосий мақсади-барча бошқариш даражалардаги ҳокимият органларига ўз вазифаларини амалга оширишга имконият берадиган, умумдавлат эҳтиёжларини қондирадиган барқарор молия базасини яратишдан иборат.

Даромаднинг вазифаси бюджет харажатларини қоплашдан иборат. Аммо, бунда хўжалик юритувчи субъектлар билан ўзаро молиявий муносабатларнинг шундай шаклларини топиш зарурки, даромадларни бюджетга олиш усуллари меҳнат унумдорлигини кўтаришга, жами ресурслардан оқилана фойдаланишга, тушумларни кўпайтиришга хизмат қилсин.

Даромадларнинг ғазнадаги ўрни билан бирга даромадлар ўсишининг моддий асосларини кенгайтиришни таъминлайдиган рағбатлантирувчилик функцияси, бюджетнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга худди шу ўринда яққол кўзга ташланади.

Бюджет даромадлари бир томондан, ижтимоий маҳсулот қийматини такрор ишлаб чиқариш жараёнидаги турли иштирокчилар ўртасида тақсимлаш натижалари бўлса, иккинчи томондан, давлат қўлида тўпланган қийматини яна қайта тақсимлаш объекти хисобланади, чунки бу қиймат ҳудудий, тармоқ ва мақсадли йўналишдаги бюджет жамғармаларини шакллантиришда фойдаланилади.

Хўжалик юритишнинг бозор асосларига ўтиш ижтимоий ишлаб чиқаришга раҳбарликда иқтисодий усуллардан фойдаланишни талаб қилади, корхоналар соф даромадининг бир қисмини илгари қўлланиб келган бюджетга олиш шакллари самарасизлиги даромад тушумлари тизимини тубдан ўзгартиришни тақозо қилади. Натижада, даромадлар тушуми солиқ тўловлари негизига кўчирилди; корхоналарнинг бюджет билан ўзаро муносабатлари қонун билан тартибга солинадиган ҳуқуқий асосга эга бўлди.

Турли мамлакатларда даромадларнинг шаклланишини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, конкрет тўлов турлари хилма-хил бўлишига қарамай,

ҳамиша бюджетга пул тушумларининг доимий манбаи мавжуд бўлган ва ҳозир ҳам шундай. Жумладан:

- давлат мулки, умумдавлат ресурслари, улардан фойдаланганлик учун ҳақ олинади, муайян бадаллар тўланади;
- давлат заёмларини қимматли қоғозлар ва лотереяларни сотишдан давлат банкидаги қўйилмалар бўйича олинган даромадлар шаклларида жалб қилинган ресурслар.

Давлат бюджети жами даромадларнинг умумий моддий асосини миллий даромаднинг қайта тақсимоти мамлакатда янгидан яратилган қиймат катта қисмининг давлат қўлида тўпланиши ташкил қилади. Бундай қайта тақсимлашнинг энг муҳим таркибий қисмлари солиқлар, давлат мулки, давлат қарзларидан иборат.

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор вазифалари иқтисодиётни эркинлаштириш, давлат бошқарувчилик функциясини қисқартириш ва унинг иқтисодиётга аралашувини чеклашдан иборат. Шу билан биргаликда мамлакатда ишлаб чиқаришни шакллантириш ва ривожлантириш, бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигини таъминлаш, бюджет тақчиллигини тартибга солиш каби вазифаларни амалга ошириш учун, давлат даромадларини, аввало, солиқлар орқали иқтисодиётни бошқариш механизмини тўғри, оқилона ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш лозим бўлади.

Дарҳақиқат, Президент И.А. Каримов таъкидлаганидек, «солиқ сиёсатини такомиллаштириш иқтисодиётни барқарорлаштиришга ва молиявий аҳволни мустаҳкамлашга оид муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида солиқлар иқтисодий сиёсатни амалга оширишда энг муҳим бошқарувчи омил бўлиб қолди»[34]. Солиқлар иқтисодий ислоҳотлар жараёнининг таркибий қисми, унинг ички ҳаракатлантирувчи омили бўлган ҳолдагина, иқтисодий ислоҳотлар мақсадига мувофиқ келиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси бозор муносабатларини ривожлантириш

[34] И.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: Ўзбекистон. 1998. 358-бет.

жараёнининг муҳим боскичидан ўтмокда. Иқтисодиётнинг барча тармокларида тадбиркорлик фаолияти ва давлатнинг билвосита бошқаришга асосланган ҳолда, рақобатчилик механизмига таяниб чуқур тузилмавий ислоҳотлар амалга оширилмокда. Билвосита бошқариш ҳақида гап кетганда, аввалambор иқтисодий ривожланишнинг муҳим жараёнининг солиқ тизими орқали амалга оширилиши тушунилади.

Жаҳоннинг барча ривожланган мамлакатлари каби бозор иқтисодиётига ўтиш даврини ўз бошидан кечираётган Ўзбекистонда ҳам соликлар давлат даромадлари ва давлат бюджети даромадларининг асосий қисмни ташкил қилади. Ўзбекистон Республикаси бюджетининг даромадлар қисмини шакллантиришда солиқларнинг аҳамияти йилдан-йилга ошиб, иқтисодий ривожланишнинг турли босқичларининг устувор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, таркибий жиҳатдан ўзгариб бормокда.

Республикамизда солиқларнинг зарурлиги бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг қонуниятларидан келиб чиқади. Солиқларнинг фискал функцияси орқали солиққа тортишнинг асосий вазифаси, яъни давлат молиявий маблағларининг шаклланиши, шунингдек, давлатнинг умумдавлат ва мақсадли дастурларини амалга ошириш учун маблағларни жамғариш вазифалари амалга оширилади.

Солиқларнинг бажарадиган вазифалари кўпчилик мамлакатларнинг солиқ қонунчилиги умумий ўхшашликларга эга. Ана шундай анъанавий вазифалардан бири-умумдавлат вазифаларини ҳал қилиш учун давлатга зарурий молиявий ресурслар таъминлаб берилишидир. Бу эса, энг аввало, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатларининг давлат томонидан молиялаштиришнинг шартлигидир.

Солиқларнинг тақсимловчилик функцияси аҳолининг турли гурухлари ўртасида умумий даромадларни қайта тақсимланишини таъминлаши нуқтаи-назаридан ижтимоий функцияни ҳам бажаради. Солиққа тортиш орқали алоҳида ижтимоий гурухлар ўртасида тенгсизликни камайтириш мақсадида уларнинг даромадлари бўйича ўзаро муносабатларни ўзгартириш йўли билан

ижтимоий мувозанат қўллаб-қувватлашга эришилади. Бошқача қилиб айтганда, солиқ юкининг имконияти юқори бўлган солиқ тўловчиларга кўпроқ тушиши ҳисобидан фуқароларнинг ижтимоий ёрдамга муҳтож қисми фойдасига маблағлар олиниши содир бўлади. Давлатнинг иқтисодий ривожланишида солиқларнинг ушбу функциясининг муҳим рол ўйнашини таъкидлаш лозим.

Республикамизда солиқ сиёсати аниқ мақсадга қаратилган молиявий сиёсат билан биргаликда, ялпи миллий маҳсулотнинг бир қисмини қайта таксимлайди ва шу тарзда иқтисодиёт тизимини ўзгартиришда, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш кафолатини таъминлашда бевосита иштирок этади.

Давлат ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг катта қисмини йиғилган солиқлар ҳисобидан молиялаштирилади ва қолган қисми фуқаролар ўртасида тақсимланади. Бунда таълим, тиббий хизматлар, болаларни тарбиялаш ва шу каби йўналишлар тегишлидир. Мақсад-ҳаётий муҳим воситаларни имкон қадар тенг тақсимланишига эришишдир.

Дарҳақиқат, «Миллий даромадни қайта тақсимлаш давлат қўлидаги энг асосий манба ва воситадир. Швеция, Германия, Австрия ва бошқа бир қатор ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, кишиларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уни кафолатлашнинг кучли таъсирчан механизми бўлгандагина бозор иқтисодиётини, собиқкадамлик билан ўтишини таъминлаш, таркибий қайта қуришни амалга ошириш, ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаган ҳолда ишлаб чиқариш муносабатларини тубдан ислоҳ қилиш мумкин[35].

Бюджет-солиқ сиёсати уйғунлигини таъминлаш, бюджет даромадларининг шакллантиришда солиқларнинг ўрни ва аҳамиятини ошириш Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги 490-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2003 йилги Давлат бюджети ва асосий макроиқтисодий истиқбол кўрсаткичлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31

[35] И.А. Каримов Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. Т.: Ўзбекистон 1992. 47-48 б.

декабрдаги 455-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2003 йилги Давлат бюджети ва асосий макроиқтисодий истиқбол кўрсаткичлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 декабрдаги 567-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги Давлат бюджетининг асосий кўрсаткичлари тўғрисида»ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 декабрдаги 610-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджетининг асосий кўрсаткичлари тўғрисида»ги қарорларида ўз ифодасини топди.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг эркинлашуви ва ислоҳотларнинг чуқурлашуви жараёни бюджет-солиқ тизимини, давлат бюджетининг даромадларини тушумини таъминлашни ҳам мунтазам такомиллаштириб боришни тақозо этади.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Ўзбекистонда давлат қурилишининг асосий тамойилларини белгилаб берди. Уларнинг амалга оширилиши республика ва маҳаллий ҳокимият ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ўзгаришини шарт қилиб қўйди, уларнинг бюджет фондларини чеклади ва бюджетлараро муносабатларини табақалаштирди.

Конституцияда мустаҳкамланган маҳаллий ҳокимиятларнинг мустақиллиги молия соҳасида қайта ўзгартиришларни ва маҳаллий бюджетларнинг даромад асосларини мустаҳкамлаш йўлларини излашни талаб қилди. Маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришнинг янги моделига бўлган зарурият бюджетни қайта ўзгартиришга олиб келган. Давлат бошқаруви тамойиллари ўзгаришлари бюджетни ҳудудий тартибга солиш тамойилларининг ўзгаришлари билан боғликдир.

Бюджетларни даромадларини мустаҳкамлаш харажатларини барқарорлаштириш, уларни даромад базасини кенгайтириб бориш ҳозирги Ўзбекистоннинг бозор иқтисодига ўтаётган даврда долзарб масалаларидан биридир. Маҳаллий бюджетларнинг даромад базаси ҳудудларда яратилаётган миллий даромад, яъни ишлаб чиқаришни ривожланиш даражаси,

даромадларини доимий ва бир маромда тушиши, маҳаллий ҳокимият органларининг маҳаллий бюджетларни даромадларини ошишидан манфаатдорлиги билан бевосита боғликдир. Маҳаллий бюджетларни даромадларини ошишини ички резервларн, ҳудудларда ишлаб чиқаришни ривожланиши, жойларда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширилиши билан чамбарчас боғликдир.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда давлат мулкини хусусийлаштириш жараёни, турли мулкчилик формаларини юзага келтириш ва бу мулкчилик шакллари ўртасида эркин рақобат орқали ишлаб чиқаришни ривожлантиришга эришиш муҳим ўрин эгаллайди. Турли мулкчилик шаклларини ривожлантирилиши ҳам бевосита бюджет даромадларини шакллантиришда ўз таъсирига эга. Ўзбекистонда собиқ совет тизими даврида ишлаб чиқариш бир ёқлама, яъни қишлоқ хўжалиги устун ривожланиб келди. Ўзбекистоннинг бундай ривожланиши, албатта, маҳаллий бюджетларнинг ўз даромад базасини шаклланишида салбий таъсирга эга бўлди. Маҳаллий бюджетларни даромадларини таҳлилидан буни кўриб чиқдик.

Маҳаллий бюджет даромадлар базасини мустаҳкамлаш, харажатларни барқарорлаштиришда бозор иқтисодиёти шароитида маълум бир муаммолар пайдо бўлади. Биринчи навбатда, инфляция даражасининг ўсиши солиқлар ва йиғимлардан тушадиган тушум салмоғининг пасайишига олиб келади. Бу бюджетнинг харажатлар қисмини қоплашда маълум маблағларнинг етишмаслигига олиб келади.

Муаммолардан яна бири мулк шаклининг ўзгариши натижасида ҳиссадорлик жамиятлари, хусусий фирмалар, кичик корхоналар, деҳқон-фермер хўжаликлари, чорвачилик фермалари сон жиҳатдан кўпайиб кетиб, солиқ тўловчилар сонининг ошиб кетишига олиб келади. Уларни рўйхатдан ўтказиш, солиқ ҳисоблаш, ундириш масалаларида қийинчиликлар пайдо бўлади.

Ҳудудий иқтисодиёт муаммолари маҳаллий бюджетлар олдига янги муаммоларни қўймоқда:

- бюджет маблағларининг худудлар бўйича тақсимотида харажатлар кўлами ҳамда маблағларнинг чекланганлиги оқибатида бюджет ресурсларига бўлган эхтиёжини қондира олмаслик муаммоси вужудга келди;
- бюджет тизимида маҳаллий бюджетларнинг мустақиллиги ва унинг молиявий иқтисодий заминлари ҳақида тортишувларнинг мавжудлиги;
- ривожланган мамлакатлар бюджет амалиётида кенг қўлланилаётган бюджет ресурсларини бюджет бўғинлари ўртасида тақсимлаш жараёнида тегишли асослар ва мезонларга амал қилиш муаммоси.

Бюджет ресурсларини тақсимлашда жаҳон амалиётида қуйидаги мезонлар ҳамда кўрсаткичлар асос қилиб олинади:

- бюджет ресурсларининг аҳоли жон бошига кўра тақсимланиши;

- иқтисодий салоҳиятдан фойдаланиш даражасига қараб бюджет ресурсларининг тақсимланиши.

Маҳаллий бюджет даромадларини режалаштиришда бюджет йили учун олдинги йил пойдевор қилиб олинади. Лекин, бозор иқтисодиёти шароитида корхона ва ташкилотларнинг шароитга мослашиши маълум бир вактни талаб килади. Бозор механизмига мослашиш босқичма-босқич амалга оширилади. Шуннинг натижасида корхона ва ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларда маълум узилишлар мавжуд бўлади. Бу ўз навбатида корхона ва ташкилотларнинг ишлаб чиқариш циклини тўлиқ амалга оширишга халақит беради. Натижада, режада кўзда тутилган маҳсулот сотиш бўйича тахминий кўрсаткичлари бажарилмай қолади. Корхона ишлаб чиқарган маҳсулотини реализация қилолмасдан қолади. Бу ўз навбатида, бюджетга режалаштирилган солиқ тушумлари миқдорининг бюджетга тушмай қолиши ҳавфини туғдиради. Корхоналарнинг бюджетдан боқиманда қарзлари ошади.

Маҳаллий бюджетларнинг солиқ ва бюджет тизимини мувофиқлаштирилишида—корхоналардан олинадиган фойда солиғи,

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, ҚҚС каби маҳаллий бюджетларнинг бошқариладиган даромадларини қайта кўриб чиқиш ва давлат томонидан улардаги имтиёзларни кенг кўламда бекор қилиниши муҳим аҳамиятга эга. Зарур бўлган шароитларда эса (ногиронлар жамиятидан ташкил топган корхоналарда ва бошқа ҳолатларда) имтиёзларнинг бекор қилинишини тўғридан-тўғри республика бюджетидан компенсациялар тарзида қопланиши мумкин.

Солиқ қонунчилигининг аниқ ва мустаҳкамлигини таъминлашга эришилиши лозим. Маҳаллий солиқлар бўйича қарздорликларнинг олдини олиш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

- қарздор корхоналарнинг ҳисобидан маблағларни ҳисобдан чиқарилиши жараёни белгиланган тартибда амалга оширилиши;
- солиқлар бўйича катта қарздорлик ҳолатларида банкротлик процедурасини амалга ошириш;
- корхоналар ва хусусий ташкилотларнинг раҳбарларига бюджетга солиқларни ўз вақтида тўламаганликлари учун қатъий жавобгарликлар белгиланиши;
- бюджетга солиқ тўловлари жараёнида кечиктирилган қарзларнинг ўсишини юзага келтирувчи ҳисоб схемаларидан воз кечиш;
- солиқ тўлай олмайдиган йирик муассасаларда солиқ постларининг ташкил этилиши ва бошқарув аппаратига солиқ вакилининг киритилиши орқали алоҳида ишларни йўлга қўйиш;
- қарздор ташкилотларнинг акциялар пакетини сотилиши ҳамда уларнинг янги оқимларини чиқарилиши орқали солиқ тўловларини амалга оширилиши йўлларини кўриб чиқиш.

Юқорида кўрсатиб ўтилган тадбирларнинг амалда қўлланилиши-солиқ йиғимларининг ошишини, солиқ тизимининг иқтисодий ўсиш масалаларига мос келишини таъминлайди. Шу билан бирга маҳаллий бюджетлар даромадларини оширади.

1997 йилнинг 1 сентябридан бошлаб корхона ва ташкилотларнинг ягона солиқ тўловига ўз хоҳишлари билан ўтишлари ҳозирги кунда бюджетга тушиб келаётган тушумларнинг стабиллигини анча бузаяпти, масалан. ягона солиқ тўловига ўтган корхона ва ташкилотлар бошқа тўғри ва эгри солиқларни, маҳаллий солиқларни тўламасдан, балки ялпи даромадларидан фаолиятларига қараб 5-25 фоиз миқдорида бюджетга тўлов тўлашмоқда ёки бошқача қилиб айтганда даромади бўлса тўлайди бўлмаса йўқ. Ваҳоланки, бу солиқ тури тўловига ўтишдан олдин даромадлар солиғидан ташқари мол мулк, ер ва бошқа маҳаллий солиқлар тўланаётган эди. Шу масалани келгусида аниқликлар киритиш йўли билан ечиш лозим.

Маҳаллий бюджет даромадларини режалаштиришда, яъни якка тартибдаги тадбиркорларни даромадидан тушадиган тушумни режалаштиришда хам маълум қийинчиликлар туғилади. Булар асосан тадбиркорлик билан шуғулланадиган фуқаролар даромадларини тўлиғича аниқлашнинг имконияти йўқлигидан ҳосил бўлади. Чунки, жисмоний шахслар сотиб оладиган товарларини накд пулга сотиб олади ва накд пулга сотади.

Маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини мустаҳкамлашнинг ҳозирги пайтда амалда бўлган тартиби қуйидаги камчиликларнинг олдини олишга имконият бермайди:

- маҳаллий ҳокимият органлари томонидан йиғиладиган молиявий маблағлар, харажатларни қоплаш учун етарли бўлмайди, бу нарса маҳаллий инфратузилмани ривожлантириш имкониятларини сезиларли даражада пасайтиради;

- бюджет харажатларининг етмайдиган қисмини Республика бюджети ҳисобидан тўлдириш маҳаллий ҳокимиятларнинг марказий органларига нисбатан бўлган қарамликни кучайтиради;

- маҳаллий ҳокимият органлари маблағларга бўлган объектив ва асосланган эҳтиёжлардан келиб чиқиб, даромадларнинг қўшимча манбаларини излашга бўлган мустақиллигини маълум даражада йўқотади.

Бюджет тузилиши мамлакатнинг давлат бюджети ва бюджет тизимини, унинг айрим бўғинлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни ташкил қилишни, бюджет тизимига кирадиган бюджетлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини, бюджетлар таркиби ва тузилмасини, бюджет маблағларини шакллантириш ва сарфлашдаги тартиб-қоидалар ва бошқаларни белгилаб беради.

Давлат харажатлари – давлат пул маблағлари жамғармасининг тақсимланиши ва ундан тармоқ, мақсадли ва ҳудудий даражаларда фойдаланиш билан боғлиқ ҳолда пайдо бўладиган иқтисодий муносабатлардир. Бюджет харажатларида ягона тақсимот жараёнининг икки томони: бюджет жамғармасининг таркибий қисмларга бўлиниши ва бюджетдан маблағлар оладиган моддий ишлаб чиқариш соҳаларидаги корхоналар, ташкилотлар ҳамда муассасаларда мақсадли сарф қилинадиган пул жамғармаларини шакллантириш ўз аксини топади.

Бюджет харажатлари категорияси ҳар бир миқдор ва сифат жиҳатидан тавсифланадиган харажатларнинг аниқ турлари орқали юзага чиқади. Сифат тавсифи ҳар бир бюджет харажати турининг иқтисодий мазмуни ва ижтимоий вазифасини миқдор тавсифи-уларнинг қийматини белгилашга имконият яратади.

Давлатнинг жамият иқтисодий ҳаётдаги ижтимоий ўзгаришларни амалга оширишдаги фаол ўрни бюджет харажатлари турларининг хилма-хиллигини келтириб чиқаради. Бу хилма-хиллик бир қатор омиллар: табиат ва давлатнинг функциялари, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик даражаси, бюджетнинг халқ хўжалиги билан алоқалари қай даражада тармоқланганлиги, бюджет маблағларини бериш шакллари ва бошқаларнинг таъсири билан боғлиқ.

Бюджет даромадларини шакллантириш жараёнида ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида яратилган ЯИМнинг бир қисмини давлат фойдасига мажбурий олиш юз беради. Давлатнинг солиқ тўловчилар билан молиявий муносабатлари шу негизида юзага келади. Бюджетнинг назорат функцияси

тақсимот функцияси билан бир пайтда амал қилади ва бюджет маблағларининг тушуми ва сарфида давлат назорати бўлишини назарда тутади.

Ўзбекистон Республикаси бюджетининг тузилиши Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг "Бюджет тизими тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳар йили қабул қилинадиган "Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида"ги қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва параметрлари прогнози тўғрисида"ги қарорлари ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида белгиланади. Барча даражадаги бюджетларни шакллантириш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва уларнинг ижроси ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўмда амалга оширилади.

Бюджет тизимига раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги олиб боради. Ўзбекистон Республикасида бюджет тизимини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бошқаради. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ягона бюджет сиёсатини таъминлайди, давлат бюджети ресурсларини давлат бюджетига мувофиқ режалаштиришни ва молия муассасаларига услубий раҳбарликни олиб боради.

Бюджет тизимини бошқаришни Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими тузилишининг асосий тамойилларига мувофиқ молия органлари ва банк муассасалари амалга оширади. Барча даражадаги бюджетлар ягона бюджет таснифи-даромадлар ва харажатларни тасниф объектларига гуруҳловчи хос рақам (кодлар) бериш билан гуруҳлаш кўрсаткичлари доирасида шакллантирилади ва ижро этилади.

Бюджет таснифи – Давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар даромадлари ва харажатларини, шунингдек, унинг тақчиллигини молиялаштириш манбаларини гуруҳлашдир. Бюджет таснифи Давлат

бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ҳамда ижро этиш мақсадида бюджет маълумотларини тизимга солиш учун фойдаланилади ва у бюджет маълумотларини халкаро тасниф тизимларининг айнан шундай маълумотлари билан қиёсланишини таъминлайди.

Бюджет таснифи:

- давлат бюджети даромадлари таснифини;
- давлат бюджети харажатларининг вазифаси жиҳатидан (функционал), ташкилий ва иқтисодий таснифини;
- давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш манбалари таснифини ўз ичига олади.

Давлат бюджети даромадларининг таснифи қонун ҳужжатларига мувофиқ даромадларни турлари ва манбалари бўйича гуруҳлашдан иборат.

Давлат бюджети харажатларининг вазифаси жиҳатидан таснифи харажатларни давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, бошка бюджет ташкилотлари томонидан ижро этиладиган асосий вазифалар бўйича гуруҳлашдан иборат бўлади.

Давлат бюджети харажатларининг ташкилий таснифи харажатларни хўжалик юритувчи субъектлар турлари ва бюджетдан ажратиладиган маблағлар уларни бевосита олувчилар ўртасида таксимланишини акс эттирувчи тадбирлар бўйича гуруҳлашдан иборат бўлади.

Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий таснифи харажатларни тўловларнинг иқтисодий вазифаси ва турлари бўйича гуруҳлашдан иборат бўлади. Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш манбалари таснифи тақчилликни молиялаштиришнинг ички ва ташқи манбалари бўйича гуруҳлашдан иборат. Бюджет таснифи қонун хужжатларда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдикланади.

Бюджетни режалаштириш - давлатнинг молия сиёсати талабларига мувофиқлаштирилган молиявий режалаштиришнинг мухим таркибий қисмини ташкил қилади. Бундай режалаштиришнинг иқтисодий

вазифаси турли даражадаги бюджетлар ва нобюджет жамғармаларини тузиш ва ижроси жараёнида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг умуммиллий дастурлари асосида ялпи ички маҳсулот ва миллий даромад қийматини молиявий тизим бўғинлари ўртасида марказлаштирилган режалаштиришдан иборатдир.

Бюджетни режалаштириш давомида молия мамлакатни ривожлантириш давлат дастурларининг асосий иқтисодий ва сифат кўрсаткичларига ҳамда табиий, моддий, меҳнат, молия ресурсларидан самарали фойдаланиш захираларини топишга фаол таъсир кўрсатади. Бюджетни режалаштириш давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан амалга оширилади.

Бюджетни режалаштиришнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- бюджет масалаларини ягона ҳуқуқий нормалар билан тартибга солиниши;
- бюджет маблағлари йўналишларининг аниқ манзили ва мақсадли характери;
- йиллик бюджетни режалаштиришнинг узлуксизлиги;
- молиявий кўрсаткичларнинг (меъёрлар, солиқ ставкалари, сметалар) барқарорлиги;
- баланс усули.

Бюджетни режалаштириш турли даражадаги бюджетларни тузиш ва ижро этиш тартиби, унинг меъёрий-ҳуқуқий базаси ва ташкилий асоси тарзида бюджет жараёнини, шунингдек, мамлакат бюджетини тузишнинг назарияси ва методологияси масалаларини ҳам ўз ичига олади. Бюджет бўйича режалаштириш асослари мамлакат конституцияси ва қонунлари билан белгиланади.

Бюджет жараёни бюджетни режалаштиришнинг асосий шакли сифатида ҳокимият органларининг давлат бюджети ва унга кирадиган бюджетларни тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш, уларнинг ижросини назорат

қилиш, шунингдек, уларнинг ижроси хакидаги ҳисоботларни тасдиклаш бўйича қонун хужжатлари билан тартибга солинган фаолиятидан иборат.

Бюджет жараёни бюджет фаолиятининг тўрт босқичини қамрайди:

⇒ бюджет лойиҳасини тузиш;

⇒ бюджетни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

⇒ бюджетни ижро этиш ва унинг ижросини назорат қилиш;

⇒ бюджет ижроси тўғрисида ҳисобот тайёрлаш ва уни тасдиқлаш.

Бюджет орқали тартибга солиш, яъни молия ресурсларини турли даражадаги бюджетлар ўртасида қайта тақсимлаш бюджет жараёнининг таркибий қисмини ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан белгиланган муддатларда келгуси молия йилига:

-тегишли бюджетлар ва давлат максадли жамгармалари лойиҳаларини тайёрлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига, давлат максадли жамгармаларини тақсимловчи органларга;

-бюджетдан ажратиладиган маблағларни олишга буюртмалар тузиш учун давлат бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчиларга бюджет сўрови юборади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бюджет сўрови олинганидан кейин уч кунлик муддат ичида тегишли бюджет лойиҳаларини тузиш, ушбу лойиҳаларни тайёрлаш тартибини ва муддатларини белгилаш юзасидан қарорлар қабул қилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия органлари қарорлар қабул қилингандан кейин уч кунлик муддат ичида тегишли бюджетлар лойиҳаларини тузиш, ушбу лойиҳаларни тайёрлаш тартибини ва муддатларини белгилаш юзасидан қарорлар қабул қилади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан бюджет маблағлари олишга буюртмалар тузиш учун-Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчиларга бюджет сўровлари юборади.

Вилоятга бўйсунадиган шаҳарлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар таркибига кирувчи туманлар ҳамда шаҳарлар таркибига кирувчи туманлар ҳокимлари бюджет сўрови олингандан кейин уч кунлик муддат ичида тегишли бюджетлар лойиҳаларини тузиш, бу лойиҳаларни тайёрлаш таркиби ва муддатларини белгилаш юзасидан қарорлар қабул қилади.

Туман ва шаҳар ҳокимларининг молия органлари ушбу қарорлар қабул қилинганидан кейин уч кунлик муддат ичида туманлар ва шаҳарларнинг бюджетларидан бюджет маблағлари олиш асосли буюртмалар тузиш учун - шу шаҳар ва туман бюджетларидан молиялаштириладиган бюджет маблағларини олувчиларга бюджет сўровлари юборади. Бюджетдан ажратиладиган маблағлар олиш учун бериладиган буюртма шакли ва уни тузиш тартибини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгилайди.

Келгуси молия йилига бюджетдан ажратиладиган маблағлар олишга буюртмалар:

- Қорақалпоғистон Республикаси бюджетдан ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштирилган бюджет маблағлари олувчилар томонидан жорий йилнинг биринчи июнидан кечиктирмай тегишли молия органларига;

- Республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчилар томонидан - жорий йилнинг биринчи июлидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этилади.

Келгуси молия йилига тегишли бюджетлар лойиҳалари қуйидаги тартибда тақдим этилади:

- туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари молия органларн томонидан маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари белгиланган тартибда

ва муддатларда бирок, жорий йилнинг 25 июнидан кечиктирмай юкори молия органларига;

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги келгуси молия йилига мўлжалланган Давлат бюджети лойихасини тайёрлайди ва жорий йилнинг 15 сентябригача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасига такдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат бюджети лойихасини бюджет маблағлари олувчилар такдим этган буюртмалари ва Давлат бюджетининг тузилмасига кирувчи бюджетлар лойихаларига мувофик тайёрлайди.

Келгуси молия йилига мўлжалланган Давлат бюджети лойихаси:

- бюджет таснифига мувофик акс эттириладиган Давлат бюджети даромадлари ва харажатларини;
- умумдавлат соликларидан Қорақалпогистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шахар бюджетларига ажратмалар нормативлари, шунингдек, мазкур бюджетларнинг даромадлари, шу жумладан, бюджет дотациялари ва бюджет субвенциялари хамда харажатлари микдорларини;
- Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шахар бюджетларининг айланма касса маблағи меъёри микдорларини;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси захира жамғармасининг, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахар бюджетлари захира жамғармаларининг назарда тутилмаган харажатларини қоплашга тегишли бюджет маблағлари йўналтирилиши мумкин бўлган доирадаги микдорларини;
- Давлат бюджети тақчиллигининг энг юкори микдори ва уни молиялаштириш манбаларини;

▪Давлат ички ва ташки қарзларининг, давлат томонидан бериладиган кредитлар ҳамда кафолатли жамғарманинг энг юқори миқдорини ўз ичига олади.

Келгуси молия йилига мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳасини тайёрлаш жараёнини мувофиқлаштириш ва назорат қилиниши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раиси ёки унинг топшириғига кўра Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги вакил килинган вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, шунингдек, тегишли ташкилотлар билан биргаликда қуйидагиларни ўз ичига олган бюджетнома лойиҳасини ишлаб чиқади ва 15-сентябргача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади:

- мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ўтган йилги асосий якунлари ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг жорий йилга якунларининг башорат баҳоси;
- ўтган йилги Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисобот ва жорий йилги давлат бюджетининг кутилаётган ижроси баҳоси;
- келгуси йилга мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳасини тузишда асос бўлган келгуси йилнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари;
- мамлакат бюджети ва солиқ сиёсатининг келгуси йилги асосий йўналишлари лойиҳаси;
- мамлакат бюджети ва солиқ сиёсатининг келгуси йилги асосий йўналишларига шархлар;
- давлат ички ва ташки қарзлари хамда улар бўйича харажатлар холати тўғрисида маълумотлар;
- келгуси молия йилига мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳаси.

Бюджетнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан жорий йилнинг 15 октябрдан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритилади. Давлат бюджети Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинади.

Давлат бюджетига мувофик:

- Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетлари – Давлат бюджети қабул килинганидан кейин икки ҳафталик муддат ичида тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимият вакиллик органлари томонидан;
- Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар таркибига кирувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетлари - Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бюджетлари қабул килинганидан кейин бир ҳафталик муддат ичида туман, шаҳар ҳокимият вакиллик органлари томонидан;
- Шаҳарлар таркибига кирувчи туманлар бюджетлари ва туман бўйсинувидаги шаҳарлар бюджетлари белгиланган муддатларда маҳаллий ҳокимият юқори турувчи вакиллик органлари томонидан қабул қилинади.

Давлат бюджети даромадлари Ўзбекистон Республикасининг "Бюджет тизими тўғрисида" Қонуни, солиқ, божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва бошқа қонунчилик хужжатларига мувофик шакллантирилади. Давлат бюджети маблағлари тасдикланган бюджет ажратмалари доирасида, харажатлар сметасига мувофик бюджет маблағларини олувчилар томонидан молия йили давомида босқичма-босқич, муайян даврга ва тегишли суммага тайинлаш сертификатини расмийлаштириш йўли билан;

- республика бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотлар бўйича - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан;
- Қорақалпоғистон Республикаси бюджетдан ёки маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган ташкилотлар бўйича тегишли молия органи томонидан сарфланади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва бошқа молия органлари Давлат бюджети ва унинг тузилмасига кирувчи бюджетларнинг қонун хужжатларида белгиланган кўрсаткичлар доирасида бажарилиши учун

жавобгардир. Давлат бюджети даромадлари ва харажатларини бошкариш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Давлат бюджетининг касса ижросини ташкил этиш, шунингдек, унинг давлат даромадлари ва харажатларини хисобга олиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда амалга оширилади. Давлат бюдетининг касса ижроси операцияларини банклар Марказий банкнинг топшириғига биноан бажаради.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва бошка молия органлари Давлат бюджети ижросини назорат килишда;

- турли даражадаги бюджетлар ижроси якунларини кўриб чикади;
- турли даражадаги бюджетларга маблағлар тушуми тўғрисида солик ва божхона органларидан, давлат мақсадли жамғармаларини таксимловчи органлардан ахборатлар олади;
- бюджет маблағлари олувчиларидан бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг тушуми ва сарфи тўғрисида маълумотларни талаб килиб олади;
- конун ҳужжатларига мувофик банклардан бюджет маблағлари ҳаракати тўғрисида маълумотлар олади;
- ўз ваколатлари доирасида бюджет маблағлари олувчиларининг молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилади ва текширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси йилнинг ҳар чорагида Давлат бюджети ижросининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тақдим этадиган якунларини кўриб чиқади.

Республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчилар бюджетдан ажратиладиган маблағлардан ҳисобот даврида фойдаланганлик тўғрисидаги ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига шу вазирлик белгиланган муддатларда тақдим этади. Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ҳамда маҳаллий бюджетлардан

молиялаштириладиган маблағлар олувчилар бюджетдан ажратиладиган маблағлардан ҳисобот даврида фойдаланганлик тўғрисидаги ҳисоботларни тегишли молия органларига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгиланган муддатларда тақдим этади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1-майидан кечиктирмай тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлари Маҳкамаси Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 майидан кечиктирмай тақдим этади. Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар Қораколпоғистон Республикаси Жўкорги Кенгеси ва тегишли маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

Бюджет жараёнининг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

- мувозанатланган бозорга кириб бориш йўлида муҳим тараққиётга эришиш мақсадларида иложи борича кўпроқ моддий ва молиявий захираларни излаб топиш;
- бюджет даромадларини алоҳида солиқлар ва бошка тўловлар, шунингдек ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг прогнозлари ва мақсадли дастурларига мувофиқ ҳолда умумий ҳажми бўйича белгилаш;
- бюджет харажатларини мўлжалланган вазифалар бўйича, шунингдек, бюджетни умумий ҳажмини назарда тутилган умумдавлат аҳамиятига молик жами тадбирларни узлуксиз молиялаштириш эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда белгилаш;
- бюджетни иқтисодиётдаги инфляция тенденцияларини бартараф этиш ва миллий пул тизимни барқарорлигини мустаҳкамлашга

йўналтирилган умумий молиявий барқарорлаштириш дастури билан мувофиқлаштириш;

- иқтисодий мақбул манбалар ҳисобидан бюджет тақчиллигини қисқартириш ва тугатиш;
- турли даражадаги бюджетларни балансланишини таъминлаш мақсадларида давлат даромадлари манбаларини шу бюджетлар ўртасида, шунингдек, хўжалик соҳалари ва иқтисодий минтақалар ўртасида қайта тақсимлаш йўли билан бюджет бошқарувини амалга ошириш;
- барча йиллик миқёсли ижтимоий-иқтисодий дастурларнинг мутаносиблиги ва балансланганлигини таъминлаш мақсадларида истиқболга мўлжалланган бюджетни режалаштириш прогнозлаш ролини ошириш;
- юридик шахслар ва айрим фуқароларнинг ўз солиқ мажбуриятларини бажаришларида уларнинг молиявий фаолиятини ва даромадлари устидан назоратни кучайтириш;
- электрон ҳисоблаш техникасидан кенг фойдаланган ҳолда молиявий ҳисоб-китобларни автоматлаштириш тизими орқали бюджетларни тузиш ва унинг ижроси жараёнларини автоматлаштириш.

Бюджет жараёнини ташкил қилишда қуйидаги тамойилларга риоя қилинади:

- ягоналик – ягона ҳуқуқий база, ягона бюджет таснифи, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети ва ҳудудлар бюджетларини тузишда статистик ахборот тузиш учун зарур бўлган бюджет ҳужжатлари шаклининг ягоналиги.
- Ҳар бир қонун чиқарувчи ва ижро хокимият органи бюджет жараёнининг мустақиллиги ўз даромад манбалари ва улардан фойдаланиш йўналишларини белгилаш ҳуқуқи билан таъминланади;

- баланс усули – жами бюджетларнинг даромадлари ва харажатлари ўртасида, шунингдек, натурал ва молиявий кўрсаткичлар ўртасида тўғри нисбатларни белгилашдир.

Бу бюджет барқарорлигини таъминлаши хамда маблағларни хўжалик соҳалари, иқтисодий минтақалар ўртасида тақсимлашда зарур пропорцияларни яратиши лозим. Унинг муҳим шарти- бюджет харажатларининг даромадларга мос бўлиши, молиявий заҳиралар ташкил килишдан иборат. Бу принцип бутун молиявий сиёсатнинг асосий мақсади ҳисобланади ва давлат бюджетини ташкил қилувчи бюджетларнинг ўзаро боғлиқлиги хамда давлат даромадларини аниқ манбалар бўйича ва харажатларни йўналтириш (моддалар) бўйича режалаштириш, давлат бюджети харажатларини Давлат бюджети тўғрисидаги конун билан белгиланган маблағлар доирасида сарфланишини амалга оширади.

Республикада бозор муносабатлари ривожланиши давомида давлат бюджетини шакллантиришга бўлган ёндашувлар ҳам ўзгаради. Бюджет сиёсатининг қайта йўналтирилиши бюджет харажатлари ва даромадларининг янги мувозанатида ўз аксини топди.

Макроиқтисодий баркарорлаштириш Ўзбекистон Республикасининг бозор муносабатларига ўтиш моделининг хусусиятларидан биридир. Бозор иқтисодиётига ўтиш даври шароитларида солиқ-бюджет ва пул-кредит сиёсатини амалга ошириш соҳасини чегаралаш муҳимдир. Айникса, халқ хўжалиги объектларига субсидия бериш манбаларини ажратишда, шунингдек, корхоналар ўртасидаги ўзаро тўламасликлар, бюджетга муддатида тўланмаган солиқлар ва йиғимлар муаммосини ҳал этишда алоҳида аҳамиятга эгадир. Солиқ-бюджет сиёсати деганда, ушбу ўринда давлат бюджетини мақбул шакллантириш ва давлат харажатларини оқилона тусга келтириш учун солиқ солишни такомиллаштириш соҳасидаги давлат сиёсатини тушунилади.

Давлат бюджет сиёсати давлат даромадлари ва харажатларини оқилона шакллантирилишини ва аҳамияти доимий равишда ошиб

борилаётган маҳаллий бюджетларнинг манфаатлари билан бирга қўшиб олиб борилишини таъминланишни тақозо қилади. Айни вақтда солик-бюджет сиёсати ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва унинг самарадорлиги ошишига солик солинадиган базани кенгайтириш мақсадида юридик ва жисмоний шахсларнинг даромадлари кўпайишига каратилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси қуйидаги умумий тамойиллар асосида амалга оширилади: манбаларидан қатъий назар барча даромадларга солиқ солиш мажбурийлиги; умумдавлат солиқ сиёсати доирасида маҳаллий ҳокимият органларининг солиқ фаолиятини ҳуқуқий негизга солишда мустақиллиги билан бирга қўшилган ҳолда, барча маъмурий ҳудудий даражалар учун солиқ солишнинг ягона умумдавлат сиёсати юритиш; фаолияти мухим ижтимоий, иқтисодий ва экологик муаммоларни ҳал этишга ёрдам берадиган самарали ишловчи корхоналарга имтиёз бериш тизими орқали, шунингдек, хўжалик юритишнинг илғор шаклларини рағбатлантириш йўли билан солиқ меъёрларининг рағбатлантирувчи аҳамиятини таъминлаш; декларациялар, селлектив текшириш ва тафтишларни ташкил этиш, қонун бузувчиларга нисбатан иқтисодий санкциялар қўллаш асосида солиқ тўловлари бўйича барча субъектларнинг мажбуриятлари устидан молиявий назорат. Солиқ тизимининг юқорида санаб ўтилган тамойиллари солиқларга хос бўлган функцияларни акс эттиради, бироқ уларни амалга оширишнинг турлича даражаси билан белгиланади. Республикада амал қилаётган солиқ тизими асосан фискал тусдадир. У Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг сиёсий иқтисодий хусусиятлари ҳамда пул маблағлари муайян ҳажмининг давлат қўлида тўпланиши зарурлиги билан шартлангандир. Шу билан бирга давлат солиқ воситалари орқали тадбиркорлик тузилмаларининг иқтисодий манфаатларига таъсир кўрсатади, мулкчиликнинг янги шаклларини ривожлантиради, энг истиқболли ва ижтимоий аҳамиятли тармоқларнинг ривожланишини рағбатлантиради. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун фойдадан олинадиган солиқ ставкаларининг табақалаштирилиши, унинг ҚҚС дан озод

қилиниши, экспортга йўналтирилган ва импортнинг ўрнини босадиган маҳсулотларнинг рағбатлантирилиши солиқ кредитларининг жорий қилиниши, болалар учун маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тармоқларнинг рағбатлантирилиши, уюшмаларнинг айрим турлари, товар ишлаб чиқарувчилар палатаси, банклар айрим турларининг солиқлардан озод қилиниши бунинг ёркин мисолидир.

Ўрни келганда, шуни айтиб ўтиш керакки, амалга оширилган таҳлил ҳозирги вактда республикадаги солиқ тизими асосан фискал функцияда намоён бўлаётганлиги ва рағбатлантирувчи функция етарлича ишга туширмаётганлигини кўрсатади. Бюджет тузилмаси давлат томонидан белгиланган ижтимоий-иқтисодий кўрсатмаларни бажаришга бюджет маблағлари эҳтиёжидан ва бюджет тақчиллигини қисқартириш заруриятидан келиб чиқиб шаклланади. Шу сабабли ХВЖ билан келишилган иқтисодий дастурга мувофиқ республикада давлат бюджет тақчиллигини чекловчи қаттиқ молиявий сиёсат ўтказилмоқда. 2004 йилнинг ўттан даврида оқилона солиқ-бюджет сиёсати юритилиши туфайли сезиларли ижобий натижаларга эришилди. Умуман олганда, бу барқарор иқтисодий ўсиш, инфляция даражасини пасайтириш, аҳоли даромадларини ошириш, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, реал секторни мустаҳкамлаш ва ижобий институционал ўзгаришларни амалга ошириш имконини берди. Жорий йилнинг 9 ойида бюджет даромадлари 1706,3 млрд. сўмни ёки тасдиқланган параметрларга нисбатан, ўтган йилдаги 69,9 фоиз ўрнига 73,9 фоизни ташкил қилди, бу тасдиқланган прогноз кўрсаткичларнинг бажарилиши кутилаётганлигидан далолат беради. Шу билан бир қаторда, даромадлар манбалари бўйича тасдиқланган кўрсаткичларга нисбатан тушумлар ҳажмининг ўзгариши кутилмоқда. Бунда 2004 йилда юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи ставкасининг 18 фоиздан 15 фоизгача камайтирилишига қарамасдан, мазкур солиқ тури бўйича истиқбол кўрсаткичларини ортиғи билан бажарилди. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича энг паст ставка билан солиққа тортиш

шкаласининг кенгайтирилиши натижасида даромад солиғини энг паст ставка бўйича тўловчилар сони сезиларли даражада ошди, бу эса ушбу солиқ тури бўйича тушумларнинг нисбатан камайишига олиб келди. Республикамизда 2003 йилда ўтган йиллардагидек, бюджет умумий даромадларида билвосита солиқлар бўйича тушумлар асосий салмоғини ташкил этмокда, 2002 йилда 54,6 фоизни ташкил қилган бўлса, 2003 йилда 58,0 фоиз ва улар бўйича тушумлар 1343,6 млрд.сўмни ташкил этди. Акциз солиғи ва божхона тўловлари тушумлари миқдорини ошириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар қўшилган қиймат солиғи бўйича тушумлар камайишини қоплаш имконини берди. Қўшилган қиймат солиғи тушумларининг тасдиқланган параметрларга нисбатан бирмунча паст бўлишининг асосий сабаблари савдо корхоналари ва полиэтилен плёнкаси ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг қўшилган қиймат солиғидан озод қилиниши ҳамда "Ўздонмаҳсулот" АКнинг корхоналарида ун ишлаб чиқариш ҳажмининг камайишидир. Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи бўйича 2003 йил учун тасдиқланган режанинг бажарилиши ва уларнинг бюджет умумий даромадлари таркибидаги улушининг 7,5 фоиздан 9,1 фоизгача ошишига эришилди. Божхона тўловлари бўйича тушум ҳажми 285,3 млрд. сўмни ташкил килиши ёки 2003 йил учун тасдиқланган параметрга нисбатан 9,4 млрд. сўм кўп бўлди. Юқоридагилардан келиб чиқиб, 2003 йилда Давлат бюджетининг даромадлари ҳажми Олий Мажлис томонидан тасдиқланган 2309,0 млрд. сўм ўрнига 2317,5 млрд. сўмни ташкил килди. Давлат бюджети харажатларининг ижроси 2003 йил учун тасдиқланган 2492,5 млрд. сўм ўрнига 2393,5 млрд. сўм миқдорида бўлди. Харажатлардаги бу ўзгаришлар кутилаётган инфляция даражасининг пасайиши ва ўртача йиллик валюта айирбошлаш курсининг барқарорлашуви, иккинчи даражали харажатларнинг оптималлаштирилиши ва қисқартирилиши, шунингдек, 2003 йил 1 апрелидан бошлаб уй-жой-коммунал хизматлари бўйича аҳолига берилган имтиёзлар ўрнига компенсация пул тўловларининг жорий этилиши сабабли юзага келди. Бунда, ҳукумат томонидан кафолатланган чет эл кредитларини ўз

вақтида қайтариш мақсадида кафолат жамғармаси 23,9 млрд. сўмдан 44,7 млрд. сўмга етказилди. Қўшимча даромадлар ҳамда бюджет харажатларини оптималлаштириш бўйича амалга оширилган тадбирлар Давлат бюджети тақчиллигини тасдиқланган 183,5 млрд.сўмдан (ЯИМга нисбатан 2,0 фоиз) 76,0 млрд. сўмгача (ЯИМга нисбатан 0,8 фоизга) камайтириш, бу эса ўз навбатида, бюджет тақчиллигини фақат ноинфляциявий манбалар ҳисобига молиялаштириш имконини беради. Республикадаги вилоятлар маҳаллий бюджетдаги даромадлари ва харажатларидан келиб чиққан ҳолда, республика бюджетидан ёрдам олувчи ва аксинча, даромадини бир қисмини республика бюджетига ўтказувчи минтақаларга бўлинади. Маҳаллий солиқ ва йиғимлар ставкалари маҳаллий хокимият органлари томонидан белгиланган ҳолда умумдавлат солиқларидан ажратмалар ҳисобидан шаклланадиган, бошқариладиган даромадлар нормативлари, ҳудудларнинг даромад манбалари ва харажатларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан туманлар бўйича табақалаштирган ҳолда белгиланади. Бюджет тизими бутун республика ҳудудида амал қилаётган давлат даромадлари ҳамда ижтимоий - иқтисодий ривожлантиришга йўналтириладиган давлат харажатларининг бир бутун қисмига асосланади. 2005 йилда солиқ-бюджет сиёсатининг асосий вазифалари бўлиб аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш ҳамда бюджет тизимининг самарали фаолияти ва ривожланиши негизида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ҳисобланади. Солиқ-бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари иқтисодий ислоҳотларни янада чукурлаштириш бўйича дастурий тадбирларни амалга оширишни назарда тутган 2005 йилги макроиқтисодий истиқбол кўрсаткичлардан, шунингдек, мамлакат ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий устувор йўналишларини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилди:

• ялпи ички маҳсулотнинг 7,0 фоизга ўсишини ҳамда йиллик инфляция даражасини 5,0 фоизгача пасайтиришни таъминлаш, макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни мустаҳкамлаш;

• кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қўшимча рағбатлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда ва ички бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришда уларнинг ролини ошириш, бунда улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги ва сифатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратиш;

• маъмурий ислоҳотларни амалга ошириш, хусусийлаштиришни фаоллаштириш, фаол инвестицион сиёсат олиб бориш орқали иқтисодиётнинг барча тармоқларида чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, янада қулай инвестицион мухитни шакллантириш, тўғридан-тўғри хорижий сармояларни жалб этиш учун керакли шарт-шароитларни таъминлаш ҳамда миллий иқтисодиётнинг экспорт салоҳиятини ва маҳсулот экспортини кенгайтириш;

• мелиорация ва ирригация тизимларини ривожлантириш ҳамда янгилаш, шунингдек, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш.

2005 йилги бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари бюджет харажатларининг ижтимоий йўналганлигини кучайтириш билан характерланади:

• ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтирилаётган бюджет харажатлари улушини ижтимоий объектлар қуришга йўналтирилаётган капитал қўйилмалардан ташқари 2004 йилдаги жами бюджет харажатларининг 47,6 фоизидан 2005 йилда 52,0 фоизгача ошириш;

• бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақлари, стипендия, ижтимоий нафақалар ва ҳарбий хизматчиларга тўловларни инфляция даражасидан юқори миқдорларда ошириш. Мазкур тадбирни давлат секторида банд ходимлар сонини қисқартириш ва оптималлаштириш қамда

даромад солиғи ставкасини пасайтириш ҳисобига ҳам амалга ошириш мўлжалланмокда;

- Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари доирасида педагог ва муҳандис–педагог ходимлар малакасини ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун дарсликлар, лаборатория ва ўқув-ишлаб чиқариш жиҳозлари сотиб олиш;

- умумтаълим мактаблари ва мактабгача тарбия муассасаларини капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун харажатларни 2003 йилга нисбатан 1,8 баробар ошириш. Бунда тасдикланадиган манзилли рўйхат доирасида маблағларни иситиш ва сув билан таъминлаш тизимларини таъмирлашга жалб қилишга алоҳида эътибор қаратиш;

- соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш дастурининг II босқичи чора-тадбирлари доирасида республикада юкори технологияли ихтисослаштирилган тиббиёт марказларини ташкил этиш, уларни замонавий тиббиёт техникаси ва асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, кўз микрохирургияси ва кардиология марказларини капитал таъмирлаш, тез тиббий ёрдам хизматини ривожлантириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, аёллар ва ўсиб келаётган ёш авлод саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

- манзилли рўйхатга қатъий риоя этган ҳолда, даволаш муассасалари- туғруқхоналар, юқумли касалликлар шифохоналари, махсус даволаш муассасаларини капитал таъмирлаш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтириладиган харажатларни ошириш;

- Давлат бюджетида илк маротаба иситиш козонхоналари ва тизимларини капитал таъмирлаш учун маблағлар ажратиш назарда тутилмокда;

• 1991 йилгача қурилган уйларни капитал таъмирлашга харажатларни икки баробар ошириш.

1. Бюджет харажатлари самарадорлигини ошириш ва оптималлаштириш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

• бюджет жараёнини табиий монополиялар нархларини қайта кўриб чиқиш билан боғлиқ тадбирлар билан уйғунлаштириш, яъни 2006 йилгача марказий иситиш ва иссиқ сув таъминоти бўйича аҳолига кўрсатилаётган хизматларни ўз-ўзини қоплашга босқичма-босқич ўтказиш бўйича тасдиқланган дастурга асосан ушбу хизматлар нархидаги фарқни қоплаш харажатларининг бюджетдан молиялаштириладиган қисмини ушбу хизматлар тарифларини ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда камайтириш;

• маъмурий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари доирасида давлат бошқарув органларининг вазифа ва функцияларининг давлат эҳтиёжлари нуқтаи назаридан чуқур таҳлил қилган ҳолда ортиқча ва бир-бирини такрорловчи бошқарув тузилмаларини қисқартириш, бирлаштириш ва тугатиш орқали давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини сақлаш харажатларини оптималлаштириш;

2. Инвестиция дастури харажатларини бюджетдан молиялаштиришни оптималлаштириш ва маблағларни қуйидаги устувор йўналишларга ажратиш:

• Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга ошириш доирасида академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун бинолар қуриш ва реконструкция қилиш;

• қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш;

• қишлоқ хўжалик ерлари мелиорацияси, қайта тиклаш ва янги ерларни ўзлаштириш;

• транспорт инфатузилмасини ва коммуникацияларни ривожлантириш ва кенгайтириш;

• 1991 йилгача қурилган кўп қаватли уй-жойларни капитал таъмирлаш.

3. Бюджетлараро муносабатларни янада такомиллаштириш.

Саккизта дотация олувчи маҳаллий бюджетлар (Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятлари) даромадлари базасини кенгайтириш, умумдавлат соликларидан ажратмалар меъёрларини ўзгартириш ва умуммиллий тадбирларни молиялаштириш учун мақсадли субвенциялар ажратиш орқали:

• Самарқанд ва Сирдарё вилоятлари маҳаллий бюджетларига республика бюджетидан дотациялар ажратишни бекор қилиш;

• Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, Андижон, Жиззах, Наманган, Сурхондарё ва Хоразм вилоятлари маҳаллий бюджетлари харажатларини молиялаштиришда дотациялар улушини қисқартириш.

Иқтисодиётга солиқ юкини янада камайтириш:

- корхоналар ихтиёрида қоладиган фойда улушини кўпайтириш, солиқнинг рағбатлантирувчи ролини ошириш, корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига техник қайта жиҳозлаш ҳамда инвестицион жараёнларини фаоллаштириш мақсадида 2005 йилда юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи ставкасини 3 фоиз бандга пасайтириш;

- жисмоний шахсларга солиқ юкини камайтириш ва аҳолининг реал даромадларини ошириш мақсадида, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаларининг иккинчи гуруҳи (5 минимал иш ҳақидан 10 минимал иш ҳақигача) бўйича ставкасини 21 фоиздан 20 фоизгача, учинчи гуруҳ (10 минимал иш ҳақидан ортиқ) бўйича эса 30 фоиздан 29 фоизгача тушириш;

- иш ҳақига тўловларнинг оширилишини рағбатлантириш мақсадида амал қилаётган тизимдаги умумий ставкаси 33,0 фоиз бўлган ижтимоий

суғурта ажратмалари ўрнига иш ҳақи фондидан 31,0 фоизли ягона ижтимоий соликни жорий қилиш;

- кичик корхоналар учун ўрнатилган ягона солиқ тўловчилар доирасини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 30 августдаги Фармонига мувофиқ кичик тадбиркорликнинг субъекти бўлишнинг янги тасдикланган талабларига мос келувчи ўрта корхоналарнинг қўшилиши ҳисобига кенгайтириш. Кичик корхоналар учун ягона солиқнинг ставкасини 12%га пасайтириш. Мазкур тадбир соддалаштирилган тартибда солиқ тўловчи корхоналар сонининг ўсишига ва ўрта бизнесга солиқ юкининг камайишига олиб келади.

1.2 Солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва тартибга солиш:

- корхоналарнинг ўз айланма маблағларидан окилона фойдаланишини таъминлаш мақсадида қўшилган қиймат солиғи бўйича тўловлар сонини ва муддатини бир ойда икки мартадан бир мартагача камайтириш;
- акциз солиғи тўлаш тизимини соддалаштириш ва ягоналаштириш, этил спирти ишлаб чиқарилиши ва сотилиши устидан назоратни кучайтириш мақсадида алкогол маҳсулотлари учун акциз солиғи ставкаларини пасайтириш билан бир қаторда этил спирти учун акциз солиғи тўлашнинг ягона механизмини жорий этиш;
- Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи, юридик шахслар мол-мулкидан олинадиган солиқ бўйича амалдаги солиқ имтиёзларини соддалаштириш ва ушбу имтиёзлар берилиш механизмларини тартибга солиш, шунингдек, паст самарали алоҳида солиқ имтиёзларини ва солиққа тортишнинг умумий тартибидан чекинишларни бекор қилиш, бу эса бир турдаги фаолият билан шуғулланувчи алоҳида хўжалик субъектларига, иқтисодиётнинг турли соҳаларига солиқ юкини тенглаштириш имконини беради.

Солиққа тортиш тизимида ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғининг ролини ошириш, маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини мустаҳкамлаш:

- ер майдонлари ва сув манбаларидан самарали фойдаланишни рағбатлантиришда ресурс тўловлари ва мулк солиғининг ролини ошириш мақсадида ресурс соликлари ва тўловлари ставкаларини индексация қилиш, шунингдек, жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ ставкасини ошириш;

- корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланишни таъминлаш ва уларнинг бюджет даромадларидаги улушини кўпайтириш мақсадида юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкасини ошириш.

Кўрсатиб ўтилган 2005 йилги солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари 2004 йилда солиқ сиёсати иқтисодиётга солиқ юкини янада камайтириш, солиқ тизимини бошқаришни такомиллаштириш, иқтисодий жиҳатдан асоссиз ва самарасиз солиқ имтиёзларини бекор қилиш, солиқ тўловчиларнинг солиқ мажбуриятларини тўлиқ ва ўз вақтида бажаришларида уларнинг иқтисодий манфаатдорлигини оширишга қаратилади.

Таянч сўз ва иборалар

Дотация, бюджетлараро муносабатлар, маҳаллий бюджетларнинг ўз маблағлари, бюджет тизими, қўшимча қиймат солиғи, миллий даромад, вертикал ва горизантал бараварлаштириш, тартибга солувчи соликлар.

Мавзу бўйича назорат учун саволлар

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва молия органлари Давлат бюджетини ижросининг назорат қилиш йўлларини айтинг.
2. Миллий даромадни қайта таксимлашнинг асосий молиявий усулларини кўрсатинг.

3. Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими тўғрисида нима дея оласиз?
4. Германиядаги даромадларни вертикал ва горизантал тарзда бараварлаштиришни тушунтиринг.

7-Боб. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий тараққиётни молиявий барқарорлаштириш концепцияси

7.1. Ижтимоий сиёсатнинг молиявий муаммолари

Мамлакатимизда жаҳон тажрибасини рад қилмаган ҳолда, ижтимоий тараққиётнинг ўзига хос ва ўзига мос йўналиши танлаб олинди ҳамда бозор муносабатларига ўтишнинг назарий асослари яратилди. Шулардан бири мамлакатимизда кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишдир. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш концепциясида янги шакллантирилаётган иқтисодиётнинг асосий белгиларини илмий изоҳланган ҳолда, уларни шакллантириш йўллари ёритиб берилди. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш концепциясида ижтимоий соҳаларни ривожлантириш ва аҳолининг кенг қатламларини, энг аввало, унинг ночор гуруҳларини ижтимоий ҳимоялашни таъминлаш чора-тадбирларини кўриш зарур деб қаралди, чунки, мамлакатдаги ижтимоий барқарорликка давлатнинг ижтимоий сиёсатининг йўналишлари орқали эришилиши маълумдир.

«Ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, кишиларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уни кафолатлашнинг кучли таъсирчан механизми бўлгандагина бозор иқтисодиётини, собитқадамлик билан ўтишини таъминлаш, таркибий қайта қуришни амалга ошириш, ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаган ҳолда, ишлаб чиқариш муносабатларини тубдан ислоҳ қилиш мумкин[36].

Ижтимоий барқарорлик деганда, ижтимоий-иқтисодий тизимнинг барқарорлиги, шахсни иқтисодий талабларини ижтимоий-иқтисодий тизимлар доирасида қондирилишининг барқарорлиги, атроф-муҳит, экологик шарт-шароитлар жамият манфаатлари билан мослигининг барқарорлиги, жамиятда шахсни ижтимоий тараққиётининг барқарорлиги тушунилади. Чунки, жамиятни табақаланиш жараёнининг кучайиши нафақат мулкий

[36] Каримов. И. Ўзбекистоннинг Ўз истиклол ва тараққиёт йўли. Т.:, Ўзбекистон 1992. 47-48 б.

даражага, балки аҳолининг касбий ва таълим даражасига ҳам боғликдир.

Бизнинг республикамизда ижтимоий сиёсатнинг муҳим аҳамиятга эга эканлиги фақатгина иқтисодий ва сиёсий вазиятларгагина боғлиқ эмас, балки, халқнинг маънавий қоидаларига асосланган соғлом авлодни тарбиялаш, кўп болали оилаларга мадад бериш, қарияларга ғамхўрлик қилишдан иборатдир. Қолаверса, аҳолининг кам таъминланган ва кам ҳимояланган қисми - болаларга, аёлларга, қарияларга, ногиронларга ижтимоий ёрдам бериш ва уларнинг турмуш шароитини яхшилаш ҳамда бир тизимдан иккинчи тизимга ўтишда фуқароларнинг иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларга бўлган ишончни янада кучайтиришга ёрдам беради.

Республикамизда ижтимоий ёрдам тизимини ҳуқуқий асосда барпо этиш ва бу борадаги қонунларни ижро этилишини таъминлаш бозор иқтисодиёти шароитида муҳим вазифалардан бири ҳисобланди. Фуқароларнинг ижтимоий таъминотга бўлган ҳуқуқлари асосий қонунимиз бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан кафолатланди. Истиқлол йўлининг дастлабки мураккаб, иқтисодий танглик йилларида одамларнинг турмуш даражасини мўътадиллаштириш мақсадида аҳолини ижтимоий ҳаётнинг давлат йўли билан бошқаришнинг кўпдан-кўп усуллари ва услубларидан фойдаланилди. Жумладан, иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, нафақалар миқдори оширилди, компенсация тўловлари тарзидаги бевосита пул тўловлари, имтиёзлар ва турли дотациялар шаклидаги тўловларни жорий қилиш усуллари кенг қўлланилди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов 2002 йил 30 августдаги «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» номли маърузаларида кўрсатиб берган еттинчи устувор вазифа, барча ислоҳотларимизнинг бош йўналиши ва самарадорлигининг пировард натижасини белгилаб берадиган инсон омили ва мезонидир. Бу-демографик ва бошқа миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш демакдир. Албатта, кучли

ижтимоий сиёсат ижтимоий соҳаларни ривожлантириш тадбирларини бажариш орқали амалга оширилади.

Бугунги кунда аҳоли ёшининг таркибий тузилиши республикамиздаги барча ижтимоий жараёнларга ўз таъсирини кўрсатмокда, бу соҳадаги долзарб муаммоларни келтириб чиқармокда. Бу эса ижтимоий масалаларни, жумладан, ижтимоий ҳимоя, пенсия таъминоти, таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт соҳаларини ислоҳ этишнинг устувор йўналишлар эканлигини белгилаб бермокда.

Айтмокчимизки, бизнинг республикамизда бозор иқтисодиётига ўтиш-шунчаки мақсад эмас-у инсон учун, унинг ҳаёти фаровон бўлиши, манфаатлари ва эҳтиёжлари рўёбга чиқишига шароит яратиш учун амалга оширилади. Бозор ҳар қанча ўз-ўзини бошқариш имкониятига эга бўлмасин, ана шу ғоят мураккаб муаммоларни ҳал қилишга қодир эмас, бунинг учун кучли ижтимоий сиёсат зарур бўлади.

ўтиш даври ижтимоий сиёсатнинг кучи ва аҳамияти унинг инсонга, уни ҳимоялашга инсонпарварларча қаратилишидан иборат. Бундай сиёсатнинг моҳияти шундаки, давлат бутун жамиятни аниқ ишлаб чиқилган, янги бозор муносабатларига ўтишни юмшатадиган ижтимоий ҳимоя тизими билан қамраб олишга ҳаракат қилади.

Айтиш мумкинки, Ўзбекистонда жамиятни аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш ва ижтимоий соҳаларни ривожлантириш учун аник мақсадни кўзлаб ишлаб чиқилган чора-тадбирлар ва воситаларнинг бутун тизими ишламокда. Ана шу чора-тадбирларни амалга ошириш бозор тараққиётининг одат тусига кирмаган хусусияти туфайли келиб чиқадиган руҳий тангликни йўқотишга ёрдам бериши керак.

Шу билан бирга иқтисодий эркинлаштириш ва ислоҳотларнинг чуқурлашуви шарт-шароитида ижтимоий сиёсат одамларда тоталитар тизим томонидан шакллантирилган боқимандалик кайфиятини енгишга, уларда бозор шароитида зурур бўладиган тадбиркорлик имкониятларини кўрсатишга қаратилиши керак.

Бугунги кунда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар мамлакат иқтисодиётининг барча жабҳаларини, шу жумладан, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасидаги тармоқларни ҳам қамраб олади. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳа тармоқларининг асосини ижтимоий-маданий соҳалар ташкил этади.

«Барча ислоҳотларнинг-иқтисодий, демократик, сиёсий ислоҳотларнинг асл мақсади,-деб ёзади Президентимиз И.А. Каримов,-инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини вужудга келтиришдан иборатдир[37]. Мазкур вазифаларнинг ижобий ҳал этилиши айнан ижтимоий-маданий соҳалар ривожига ва тараққиётига боғликдир.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигига эришгач, жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ривожининг ҳамма жабҳаларини, шу жумладан, таълим тизимини ислоҳ қилиш шароитида одимламоқда. Чунки, чуқур ислоҳатларни амалга ошириш, бозор иқтисодиётига ўтиш, биринчи навбатда, кадрлар потенциалига, уларнинг касб жиҳатидан тайёргарлигига боғлиқ бўлади. Бу эса бутун таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишни тақозо этади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, «агар биз ҳақиқатдан ҳам қашшоқлик ва қолоқлик кишанларидан қутулмоқчи бўлсак, ёшларни тайёрлаш билан жуда жиддий шуғулланишимиз, замонавий касбларни эгаллашда уларга ёрдам беришимиз керак»[38], чунки, ишлаб чиқариш соҳаси вакилларини тарбиялаш, ўқитиш, малакасини ошириб бориш ижтимоий ҳимоялаш тараққиётининг гаровидир. Ўтиш даврининг қийинчиликлари шароитида аҳолининг даромадларини ҳисобга олиш ва таълимга бўлган талабни қондиришни ижтимоий ҳимоянинг бир тури сифатида қарашимизга тўғри келди.

Республикамизда қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий

---

[37] Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: Ўзбекистон, 1995. 119 б.

[38] И.А.Каримов. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараккиётининг пойдевори. Ўқитувчилар газетаси. 1998. 28 октябр.

дастури» юртимиз таълим амалиётида тўплаган амалий тажрибалар ва ривожланган мамлакатлар ютуқларига таянган ҳолда ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йилда қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва "Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури" миллнй таълим тараққиёти ва миллий кадрлар тайёрлаш тизими истиқболларини белгиловчи ҳужжат сифатида таълим хизматлари ва меҳнати бозорларини шакллантириш ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими учун сарфланаётган бюджет маблағларидан фойдаланишнинг самарадорлигини оширишнинг янги усулларини излаш зарурлиги вазифасини қўйди.

Иқтисодчи Л.А. Дробозина бюджетнинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини қуйидаги таърифлайди: «ўзининг моддий мазмунига кўра давлат бюджети давлатнинг марказлаштирилган пул маблағлари фондини шакллантириш ва ундан фойдаланишнинг алоҳида шаклидир. Давлат бюджети ўзининг ижтимоий-иқтисодий моҳиятига кўра-миллий даромадни тақсимлашнинг асосий қуролидир»[39]

Муаллиф бюджетнинг ижтмоий-иқтисодий моҳиятига кўра берган таърифи айнан бозор иқтисодиёти шароитида миллий даромадни тақсимланишида ижтимоий характердаги ижтимоий соҳалар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож кам таъминланган қатламни давлат томонидан қўллаб-қувватлашда, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг муҳим инструментларидан бири сифатидаги бюджетнинг мазмунига урғу беради.

Иқтисодчи В.Родионованинг таъбири билан айтганда, бюджет муносабатлари-бу жамият иқтисодий тузилишининг ажралмас қисмидир, уни амал қилиши давлат томонидан унга тегишли функцияларни бажариши учун зарур моддий-молиявий базани шаклллантириш билан объектив равишда аниқланади»[40].

---

[39] Дробозина Л. А. Общая теория финансов Учебник. М.: Банки и Биржи. Издательское объединение «ЮНИТИ», 1995 г.

[40] Радионова В. М. Финансы. Учебник 3-изд., М.: Финансы и статистика, 2003.

Бюджет-давлатнинг олдида турган мақсад ва вазифаларини молиявий таъминлашга мўлжалланган пул маблағлари фондини шакллантириш ва харажат қилиш шаклини акс эттиради.

Иқтисодчи Г.В.Поляк фикрларига кўра, «Давлат бюджетдан ўзининг фаолиятини бевосита молиявий таъминлашнинг инструменти сифатида ҳамда иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга оширишнинг муҳим элементи сифатида фойдаланади»[41].

Давлат бюджети орқали жамиятда яратилган ялпи ички маҳсулот қайта тақсимланади. Ялпи ички маҳсулотнинг қайта тақсимланиши жамиятдаги умумий эҳтиёжлар, таълим, соғлиқни сақлаш, мамлакатдаги иқтисодий ва сиёсий барқарорлик, аҳоли таркибида ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни моддий жиҳатидан қуллаб-қувватлаш, тинчлик, чегаралар дахлсизлигини сақлаш ва фавқулодда ҳолатлар учун сақланадиган давлат заҳираларининг мавжуд бўлиши зарурияти туфайли келиб чиқади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, ижтимоий соҳалар иқтисодиётнинг катта бир бўлаги ҳисобланади, жамият ва унинг аъзоларига номоддий хусусиятдаги хизмат кўрсатиш вазифасини амалга ошириш билан шуғулланади. Ижтимоий соҳалар бир қанча шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилади. Биз ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлар деганда, «кишиларнинг яшаши, меҳнат қилиши ва маълум иқтисодий мавқега эга бўлиши учун истеъмол этилиши зарур маҳсулот ва хизматлар мажмуи»[42]ни тушунамиз. Эҳтиёждаги таркибий ўзгаришларига хос қонуният бу саноат маҳсулотларига, фан-техника ривожи яратган янги маҳсулотларга ва ниҳоят, турли хизматларга бўлган эҳтиёжнинг жадал ўсишидир.

Жамиятнинг ижтимоий эҳтиёжлари деганимизда, энг аввало, биргаликда қондириладиган эҳтиёжларни тушунамиз, бу эҳтиёжларни қондириш учун молиявий маблағлар талаб этилади. Демак, бунинг учун

---

[41] Поляк Г.Б. Бюджетная система Российской Федерации .-М.: ЮНИТИ.2001.

[42] Ўлмасов А.А., Шарифхўжаев М.«Иқтисодиёт назарияси». Меҳнат нашриёти. Тошкент. 1995йил. 18-бет.

зарур жамғармалар ташкил этиш керак. Ишлаб чиқаришни эришилган даражада сақлаш ва кенгайтириш учун кадрлар зурур, кадрлар мутахассис бўлиши учун соғлом бўлишлари, етарли даражада билим олишлари керак. Бунинг учун етарли даражада таълим, маданият муассасалари зарур ва жисмоний тарбия ҳамда спорт тадбирларини кенгайтириб бориш керак.

Шу билан бирга меҳнат қила олмайдиган, ногирон, кўп болали оилалар ҳам ёрдам талаб этади. Жамият ўз истиқболи учун фан-техника тараққиётини ҳам қўллаб-қувватлаши зарур. Ундан ташқари, ватанни ҳимоя қилиш, мамлакат ичкарисидаги қонунбузарликка йўл қўймаслик ва қатор бошқа эҳтиёжларни таъминлаш керак, уларни таъминлаш эса миллий даромадни қайта тақсимлаш асосида амалга оширилади.

Миллий даромадни қайта тақсимлашда давлат бюджети асосий рол ўйнайди. Қайта тақсимлаш жараёнида биринчидан, корхоналар ва ташкилотлар, фуқаролардан олинган солиқ ва йиғимлар асосида марказлашган бюджет фонди ташкил этилади. Иккинчидан, шу даромадлар бюджетда кўзда тутилган эҳтиёжларни қондириш учун тақсимланади.

Шундай қилиб, бюджет давлатнинг иқтисодий-ижтимоий, маданий ҳаётни бошқариш, мудофаани амалга ошириш ва бошқа тадбирлар учун марказлаштирилган пул маблағларини ташкил этиш ва ишлатиш жараёнида вужудга келган юридик ва жисмоний шахслар билан давлат ўртасида юз берадиган муносабатлар мажмуидир». Давлат бюджети асосий марказлаштирилган молиявий ресурслар жамғармаси сифатида ўзига хос ижтимоий аҳамият касб этади.

Юқорида таъкидланганидек, бюджет муносабатларининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, биринчидан ижтимоий ишлаб чиқаришнинг тақсимлаш босқичида вужудга келади, иккинчидан, марказлаштирилган молиявий ресурсларни шакллантириш ва ундан давлат манфаатлари юзасидан фойдаланишга йўналтирилади. Ўз-ўзидан маълумки, давлат манфаатлари эса бу ижтимоий манфаатлар ҳисобланади, бозор иқтисодиёти

шароитида ижтимоий манфаатлар фақатгина давлатдагина ўз ифодасини топади.

Шунингдек, давлат бюджети орқали жамиятнинг ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнига таъсир қилишнинг молиявий дастакларига эга бўлинади. Давлат бюджети давлатнинг асосий молиявий режаси сифатида давлат ҳокимиятининг иқтисодий имкониятларини молиявий асосларини яратади.

Демак, бир томондан бюджетнинг пайдо бўлиши давлатларнинг пайдо бўлиши билан бевосита боғлиқ бўлади, иккинчидан айнан бозор иқтисодиёти шароитида жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий соҳалардаги давлат ислоҳатларини амалга оширишнинг асосий дастаги сифатида бюджетнинг сифат белгиларига аниқлик киритилади.

Давлатнинг ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган харажатлари фақат ижтимоий эмас, балки иқтисодий аҳамиятга эга бўлади, жамиятнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга ёрдам беради, чунки давлат амалга ошираётган, аҳолининг ҳамма қатламлари манфаатларига дахлдор бўлган иқтисодий фаолият натижалари ижтимоий соҳа орқали рўёбга чиқади.

Инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини вужудга келтиришдан вазифанинг ижобий ҳал этилиши айнан ижтимоий-маданий соҳалар тараққиётига боғлиқдир. Шуни назарда тутган ҳолда, ҳозирги кунда мамлакатимизда ижтимоий соҳаларда ислоҳотлар амалга оширилмоқда, албатта, уларни молиявий таъминланмоқда.

Республикамизда кейинги йилларда «Инсон манфаатлари йили», «Оила йили», «Соғлом авлод йили», «Қарияларни қадрлаш йили», «Обод маҳалла йили», «Меҳр-мурувват йили» деб эълон қилинганлиги ва бу борада қатор чора-тадбирларнинг ўтказилаётганлиги фикримизнинг ёркин далилидир. Президентимиз таъкидлаганларидек, «қабул қилинган ижтимоий дастурларни, биринчи навбатда, аҳолининг ижтимоий ночор табақаларини аниқ тарзда қўллаб-қувватлаш, соғлом авлодни тарбиялаш, «Обод маҳалла йили» ва бошқа дастурларни рўёбга чиқариш асосида аҳоли фаровонлигини

оширишга қаратилган ижтимоий сиёсатнинг таъсирчанлиги ва аниқ тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш лозим».[43]

Инглиз иқтисодчиси Ж.Кейнс мактаби тарафдорлари айтадики, бозор иқтисодиёти ички зиддиятлари билан беқарордир. Бозор иқтисодиётини барқарорлаштириш миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади.

Кейнсчиларнинг фикрича, давлат иқтисодиётга фаол аралашиши лозим, айниқса, жами товар ва хизматнинг талаб ва таклифни тартибга солиб туриши керак. Мисол учун, агар ишлаб чиқаришнинг пасайиш тенденцияси бошланган бўлса, солиқларни камайтириш, давлат харажатларини кўпайтириш лозим. Бундан асосий мақсад жами таклифни кўпайтиришдан иборат. Агар иқтисодиёт гуркираб ривожланаётган, баҳо ўсиб бораётган бўлса, давлат солиқларни кўпайтириши, давлат харажатларини камайтириши лозим бўлади.

Демак, мураккаб иқтисодий шароитда ижтимоий йўналишдаги харажатлар катта миқдордаги маблағларни талаб этади. Лекин, бозор иқтисодиётининг энг жиддий муаммоларидан бири бўлган – ишсизлик, инфляция, кам таъминланганлик, меҳнатга лаёқатсизлик келтириб чиқарадиган мушкулликларни ҳам ижтимоий йўналишдаги пухта ишлаб чиқилган дастурлар асосида барҳам бериш мумкин бўлади»[44].

Хорижий иқтисодчилардан Пол Самуэлсон «давлат хусусий тадбиркорлар кириша олмайдиган ёки киришишни хоҳламайдиган айрим товарларни ишлаб чиқаришни ва хизматларни кўрсатишни ўз зиммасига олиши керак» деган хулосага келди, у давлатнинг аҳоли учун уй-жой қурилиши дастурларини молиялаштиришни ва озиқ-овқат ёрдамини қашшоқликни камайтириш усули сифатида қўллаб- қувватлайди.

---

[43] Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов маърузаси. 2002 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2003 йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари. //Ишонч газетаси. 2003 йил 19 февраль.

[44] Қосимова Г. Ижтимоий инвестициялар самараси. // Бозор, пул ва кредит. 1999 йил. Июл-август. 78-бет.

Ҳозирги пайтда ривожланган мамлакатларда реал маҳсулот ишлаб чиқариш суръати аҳоли ўсиш суръатига қараганда бир неча марта ортиқ. Кейинги юз йил давомида аҳолининг турмушида эришилган даража, бутун инсоният тарихи давомида эришилган натижадан кўпдир. «XIX аср бошидан планета аҳолиси беш марта ўсди, техника тараққиёти туфайли аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад ундан кўпроқ бўлди".[45]

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, бюджетнинг асосий вазифалари миллий даромадни тақсимлаш, иқтисодиётни давлат томонидан бошқариш ва тартибга солиш, ижтимоий соҳаларни молиявий таъминлаш ва давлатнинг ижтимоий сиёсатини амалга ошириш ва марказлаштирилган пул жамғармаларини шакллантириш ҳамда улардан фойдаланишнинг молиявий назоратини амалга оширишдан иборат. Чунки, бюджетда кўзда тутилган тадбирлар ва дастурларни аниқ ва ўз вақтида молиялаштирилиши айни пайтда давлат дастурларининг ҳам пировард натижада тўлиқ бажарилишини таъминлайди. Бюджет маблағларидан оқилона фойдаланишга эса самарали назорат тизимини шакллантирмасдан туриб эришиб бўлмайди.

Шундай қилиб, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, ислоҳатларни «ижтимоий ларзаларсиз» якунлаш бевосита ижтимоий-маданий соҳаларга жиддий ёндашишни талаб этди. Ижтимоий-маданий муассасалар фаолиятининг натижаларини баҳолашда янгича ёндошув ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Ижтимоий соҳалар тараққиётигина ижтимоий зиддиятларни ва муаммоларни ҳал эта олади. Ижтимоий соҳаларни молиявий таъминлаш манбаларини белгилаб олиш, шунингдек, ижтимоий-маданий соҳаларга давлат томонидан ажратилаётган молиявий заҳиралар миқдорини илмий асослаб бериш ижтимоий соҳалар ривожланишининг имконини яратади.

---

[45] Доклад о мировом развитии 2000/2001 года. М. Вес мир. 2002. –51стр.

Иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлашуви даврида инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини вужудга келтириш борасида ижтимоий хизматларни ривожлантириш, маданиятни ошириш, жисмоний тарбияни яхшилаш, аҳолини меҳнат билан бандлигини таъминлашга қаратилиши керак бўлади.

Шундай қилиб, ижтимоий соҳаларни молиялаштириш ва ижтимоий зиддиятларни ҳал қилишда бюджет муҳим рол ўйнайди, бу эса ўз навбатида бюджетнинг тақсимлаш ва ижтимоий ҳимоя функцияси асосида унга юклатилган вазифа ҳисобланади.

Иқтисодий ислоҳотларининг эркинлашуви шароитида ҳам давлат бюджетдан бевосита ўз фаолиятини амалга ошириш ҳамда ижтимоий сиёсатни олиб боришнинг молиявий таъминотида муҳим дастак сифатида фойдаланади.

Шундай қилиб, ҳозирги кунда ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга бюджетдан ташқари манбалардан маблағларни жалб этилиши, фақатгина, Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш зарурияти туфайли келиб чиқмаган, балки у умумжаҳон тажрибаларига асосланади. Шу муносабат билан давлат бозор талаблари асосида, ижтимоий соҳаларни молиялаштириш жараёнида мазкур соҳага ресурслар қўйиш масъулиятни ўз зиммасида саклаган холда, ижтимоий соҳаларни молиялаштиради.

7.2. Инвестицион фаолиятни давлат томонидан бошқариш

Ўзбекистон Республикасининг ўтиш иқтисодиёти ҳозирги вактда бошидан кечираётган муаммолар ҳаммага маълум. Макроиқтисодий вазиятнинг сўнгги йиллардаги ривожланиш тамойиллари Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг бир шаклдан иккинчи шаклга ўтиши шароитининг мураккаблиги ва унинг натижалари бир хил эмаслиги кўрсатмокда. Барқарор иқтисодий тараккиёт, инфляция даражасининг пасайиши, ислоҳотлар меъёрий асосларининг яратилиши бир томондан, иқтисодиётнинг реал

секторида ва валюта бозорида молиявий барқарорсизликнинг ўсиши, экспортдан валюта тушумларининг қисқариши, иш билан банд кишиларнинг даромадлари ва ишлаб чиқариш самарадорлигининг ортиши соҳасида ўсиш йўқлиги билан изма-из келаётган бўлса, иккинчи томондан жаҳон молиявий танглиги молиявий барқарорсизлик кучайишида сезиларли рол ўйнади. Тўғри, бунга ички ва ташқи сабаблар бўлиши мумкин.

Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш учун бой ресурсларга эга. Бироқ, ҳали жамғаришнинг барча ички манбалари ҳаракатга келтирилгани йўқ ва давлат бюджети ҳозирча етишмовчиликлардан қийналмоқда. Ана шу муаммоларни ҳал қилиш учун Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётга инвестицион фаолиятни, яъни чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва ривожлантиришни талаб қилади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон иқтисодиёти учун иқтисодий ривожланишни молиялаштиришнинг ташқи манбалари ниҳоятда долзарб аҳамият касб этмоқда. Чет эл инвестициясини жалб этишнинг жаҳон амалиётини асосий турдан -жаҳон бозорида рақобатбардош тармоқларни ривожлантириш учун қарзлар олиш ва қўшма ишлаб чиқаришда иштирок этувчи чет эл инвесторлари бевосита кириб келиши учун бозорни очишдан иборат.

Бу инвестицион фаолиятни ҳар томонлама рағбатлантириш ва иқтисодиётнинг истиқболли тармоқларида чет эл инвесторлари учун фойдали шарт-шароитлар яратиш йўлидир. Бу йўлда ҳеч қандай муаммолар учрамайди, деб ўйламаслик керак, бироқ, улардаги иқтисодий ўсишнинг муҳим ва барқарор юксак суръатлари бу йўлнинг умидбахшлигидан далолат бермоқда. Республика томонидан давлат миқёсида янги кўламли заёмларни олиш муаммолари, ташқи қарздорлик, заём маблағларидан фойдаланишнинг ҳозирча унчалик юқори бўлмаган самарадорлиги ва бошқа омилларни ҳам ҳисобга олиш керак.

Шундай қилиб, Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳозирги ривожланиш

босқичида чет эл инвестиция сармоясини бевосита жалб қилиш ғоят долзарб вазифа бўлиб турибди. Умуман, бозор иқтисодиётини барпо этишнинг асосий йўналишлари ва ҳаракатчанлиги кўп жиҳатидан бу вазифанинг муваффақиятли ҳал қилинишига боғлиқ.

Кўп укладли тизим равнақи, уни ташкил этувчи субъектлар моддий базаси ривожланишига боғликдир. Чунки, моддий ресурслар мавжудлиги ва улардан самарали фойдаланиши ҳар қандай иқтисодий ўсишнинг зарурий шарти ҳисобланади. Кўп укладли тизим учун, энг аввало, микродаражадаги иқтисодий ўсишнинг ресурслар билан таъминланиши муҳимдир. Бу ўринда инвестицион фаолият муҳим аҳамиятга эга.

Республикамизда фаолият кўрсатаётган корхоналарда инвестициявий жараён жуда нотекис кечмоқда. Бу биринчидан, корхонанинг иқтисодий аҳволига боғлиқ бўлса, иккинчидан давлатнинг инвестициявий сиёсатига ва бу жараённинг нотекис кечишини тақозо этмоқда. Инвестицияларнинг тармоқлараро тақсимланишида иккинчи омил етакчи бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистонда давлатнинг инвестициявий сиёсати моҳиятини иқтисодий трансформация шароити белгилаб беради. Транзит тизимда иқтисодий сиёсат давлатнинг ялпи даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш фаолияти билан боғлиқ бўлади. Шу йўл билан давлатнинг қўлида инвестициявий ресурслар жамланади ва ишлатилади. Бу ресурсларни давлат ўзига қарашли корхоналардагина эмас, балки бошқа укладлардаги субъектлардан ҳам олади.

Давлатнинг инвестиция сиёсатини амалга оширишда эса банклар алоҳида рол ўйнайди. Республикамиз тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал секторини молиялаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар мамлакатимиз иқтисодиёти тараққиётига салмоқли таъсир кўрсатмоқда. Давлатнинг соликлар ва бошқа тушумлар шаклида олган даромади бюджет орқали тақсимланиб, унинг ихтиёридаги инвестиция ресурсларини ҳосил қилади. Давлатнинг инвестиция сиёсатини унинг ўз инвесторлиги билан чеклаш нотўғри. Давлатнинг инвестиция сиёсатини

кенгайтиради ва қуйидагиларни амалга оширади:

- давлатнинг ўз даромадлари ва олган қарзи ҳисобидан инвестицияларни йўналтириш;
- миллий ва хорижий инвесторлар учун қулай инвестиция шароитини яратилиши;
- барча секторлардаги инвестиция фаолиятини рағбатлантириш.

Инвестиция сиёсатининг манна шу уч жиҳати Ўзбекистонда ҳам амал килади. «ўзбек модели»да давлат бош ислоҳотчи бўлгани каби у бош инвестор ҳам ҳисобланади. Давлатнинг инвестиция сиёсатини унинг иқтисодий сиёсатни амалга оширилишига хизмат қилади. Ўзбекистон эндиликда замонавий иқтисодга ўтиши керак. Бунга эса давлатнинг фаол инвесторлиги орқали эришилади. Албатта, бу давлат укладиининг инвестициялар борасидаги устиворлигини таъминлайди. Аммо, бу бошқа укладлар ривожи учун ҳам зарур шарт-шароит яратади. Давлат укладидаги инвестициялар миллий доирадаги такрор ишлаб чиқаришга хизмат қилади. Чунки, давлат уклади корхоналри таркибан базавий тармоқлар корхоналари ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан иборат. Уларнинг фаолияти умуммиллий аҳамиятга эга бўлиб, ижтимоий доирадаги такрор ишлаб чиқаришни таъминлайди, бутун иқтисодёт учун энг муҳим бўлган товарлар ва хизматларни яратади. Давлат укладида яратилган маҳсулот ва хизматлар истеъмоли бошқа укладлардаги такрор ишлаб чиқаришни кафолатлайди. Чунки, улар муҳим ресурслардан иборат. Давлат укладининг умуммиллий аҳамияти уни инвестиция соҳасида етакчи бўлишига олиб келади, бу сиёсат бюджет инвестициялари орқали молиявий таъминланади.

Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини молиялаштириш кўрсаткичлари дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан биридир. Бу кўрсаткичлар Ўзбекистонда инвестиция жараёнларни эркинлаштириш самарали кечаётганлигидан дарак беради. Бюджетдан инвестициялаш давлат инвестиция фаолиятининг фақат бир жиҳатидир. Бюджетдан ташқари ҳосил бўлган, лекин марказлаштирилган инвестициялар, шунингдек, давлат

корхонлари инвестициялари ва хориж капиталининг давлат кафолатлаган инвестициялари унинг иккинчи жиҳатидир.

Бозор иқтисодиёти шароитида республикамиз иқтисодиётида йирик таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, қайта ишлаш ва халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарувчи етакчи тармоқларни янада юксалтириш, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузулмаси объектларини кенгайтириш ва ривожлантириш каби вазифаларни ечиш иқтисодиётни давлат йўли билан тартибга солишни ва инвесторларнинг инвестиция қўйишларини рағбатлантиришнинг энг самарали усулларини яратишни тақозо этмокда.

Ҳозирги кундаги Ўзбекистон иқтисодиётининг асосий муаммоларидан бири, юртбошимиз таъкидланганидек, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш, унинг сифати ҳамда рақобатбардошлигини жаҳон бозори талаблари даражасига етказиш мақсадида иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишдир. Биз мавжуд халқ хўжалиги тармоқларини таркибий қайта қурмасдан, илғор замонавий технологияларни қўлламасдан ва республикамиз учун муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган тармоқларни ривожлантирмасдан иқтисодий мустақилликка эриша олмайди. Бу муаммоларни ечиш республикамиз иқтисодиётига катта ҳажмда инвестициялар қўйишни талаб қилади. Бунга хўжалик субъектлари инвестицион фаолиятини рағбатлантирган ҳолда бу жараённи кескин жадаллаштириш орқали эришиш мумкин.

Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш билан инвестицион жараён иқтисодий усул билан рағбатлантиришнинг аҳамияти жиддий ортади. Бунда молиянинг аҳамияти катта бўлиб, у ўзининг тақсимлаш табиатига кўра ишлаб чиқариш омилларига, жумладан, инвестицион фаолиятига таъсир этишнинг катта имкониятларига эга.

Иқтисодиётни маъмурий-буйруқбозлик билан бошқариш даврида молиявий ресурслар давлатнинг ижтимоий ва иқтисодий режасига мувофик тақсимланар, бунда корхоналарнинг хўжалик юритиш самарадорлиги ҳисобга олинмас эди. Корхоналарнинг бюджетга тўлови асосан фискал

характерда бўлиб, бу тизимнинг рағбатлантириш даражаси сезилар эди. Корхоналарда фойдани тақсимлаш ва иқтисодий рағбатлантириш фондларини ташкил этиш тизими хўжалик субъектларининг яхши натижаларига эришиш манфаатдорлигига деярли таъсир қилмас, бюджетдан молиялаштириш тизими молия ресурсларини ишлатишда бокимандалик ва жавобгарсизликни яратган эди.

Иқтисодиётни марказлашган тартибда бошқариш даврида «инвестицияларнинг асосий манбаи давлат бюджети ҳисобидан ажратилган маблағлар бўлиб, инвестицион лойиҳалар давлат режасига киритилган тақдирдагина бюджетидан молиялаштирилган.

Хўжалик юритувчи субъектлар инвестиция мақсадларида банк кредитларидан ҳам эркин фойдаланиш имкониятига тўла эга бўла олмаган. Банклар ягона давлат банки тизимида бўлгани учун кредит ресурсларини тақсимлаш унинг ихтиёрида бўлган ва кредитлаштириш давлат режаси асосида амалга оширилган.

Демак, иқтисодиётни бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик даврида молиявий ресурслар директив тарзда юқоридан тақсимланган ва улар ёрдамида асосан қатъий марказлашган давлат режа топшириклари бажарилган. Марказлашган ҳолда тақсимланган молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги эътиборга олинмаган ва давлат режасида уларнинг қайтимини таъминлаш тўла амалга оширилмаган. Натижада, иқтисодиётимизда молиявий ресурсларнинг етишмовчилиги вужудга келди. Бу сабаблар ўз навбатида иқтисодиётда инвестиция қўйиш жараёнини секинлаштирди ва иқтисодий ўсишни пасайтирди. Инвестицион фаолиятни рағбатлантиришнинг маъмурий-буйруқбозлик усули уруш йиллари ва урушдан кейинги тикланиш даврида муҳим рол ўйнаган. Аммо, кейинчалик бу тизим инвестицион жараённинг фаоллигини рағбатлантиришга тўскинлик қилган.

Республикамиз иқтисодиёти бозор муносабатларига ўтиб бораётган ҳозирги даврда инвестицион фаолиятни рағбатлантиришнинг иқтисодий усуллари муҳим роль ўйнайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат, унинг ҳокимият бошқарув тузилмалари тўғридан-тўғри хўжалик фаолиятига аралашишдан ҳоли бўлиши керак. Давлат ихтиёрида фақат иқтисодий дастур ва рағбатлантириш вазифалари қолади. Корхоналар хўжалик фаолиятининг асосий қисмларидан бири бўлмиш инвестицион фаолият давлат ва унинг бошқарув тузилмалари томонидан иқтисодий рағбатлантирилиши лозим.

Давлатнинг иқтисодий қонунларини ҳисобга олмаган ҳолда молия тизимига ўзгартириш киритиши мақсадга мувофиқ эмас, негаки, молия муносабатларининг шакли иқтисодий шароит билан аниқланади. Давлат фақат шундай солиқ турларини киритиши ва шундай харажатлар тизимини танлаши керакки, булар объектив иқтисодий қонунлар харакати ва ишлаб чиқариш кучлари ривожланишининг объектив эҳтиёжига мос келсин. Яратилган молиявий муносабатларнинг ташкилий тизими инвестицион фаолиятни рағбатлантириб, иқтисодиётнинг ривожланишини тезлатувчи омил бўлиши лозим.

Давлат солиқ, бюджет харажатлари, амортизация ва фоиз сиёсати каби воситалардан иқтисодиётга таъсир этишнинг шундай механизмини яратадики, улар ёрдамида инвестицион фаолиятни кескин рағбатлантириш мумкин бўлади. Бироқ, давлат шунга алоҳида эътибор бериши лозимки, иқтисодиётга аралашув ўзининг объектив шартланган чегарасига эга. Ортиқча аралашув иқтисодий рағбатлантиришнинг салбийлашишига, бутун бозор механизми амал қилиш самарадорлигининг пасайишига олиб келиши мумкин.

Инвестицион жараёнга таъсир этиш учун ҳар қандай молиявий рағбатлантириш корхоналар ишлаб чиқариш фаолияти билан узвий боғланган бўлиши лозим. Чунки, айнан шу ерда, хўжалик юритишнинг бирламчи бўғинида, инвестициянинг манбаи бўлмиш ижтимоий маҳсулот ва

миллий даромад яратилади. Шунингдек, асосий инвестицион фаолиятни олиб борувчилар ҳам айнан корхоналардир.

Инвестицион фаолиятни молиявий рағбатлантириш тизимида солиқлар муҳим ўринни эгаллайди. Бозор иқтисодиёти шароитида солиқлар давлатнинг жамият иқтисодий ҳаётига, айниқса, хўжалик субъектлари фаолиятига бевосита таъсир қилувчи воситага айланади. Солиқлар хўжалик юритиш тамойиллари тизимида давлат билан корхоналар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб турувчи восита бўлиб, у ишлаб топган маблағлардан фойдаланиш учун корхоналарга меъёрий шароит яратиб беради. Аммо, солиқлар ҳиссаси маълум бир чегарагача бўлгандагина корхоналар ривожланиши учун қулай имконият яратилади. Шу чегарадан ўтгандан сўнг солиқлар корхона ривожланишига тўсқинлик қилади.

Давлат солиқлардан иқтисодиётни тартибга солиш жараёнида рағбатлантирувчи восита сифатида кенг фойдаланади. Солиқлар орқали давлат хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз молиявий маблағлари билан таъминланиш даражасига таъсир этган ҳолда уларнинг инвестицион фаолиятини рағбатлантиради.

Корхоналар эгалари инвестиция тўғрисида қарор қабул қилишда солиқлар тўланганидан кейинги кутилаётган фойдани ҳисобга олади. Демак, тадбиркорлардан олинадиган солиқ ставкаларининг ўсиши даромадлилик даражасининг пасайишига олиб келади ва инвестицияга бўлган ўзгарувчи талабни салбий силжишларга олиб келади, солиқларнинг камайиши эса, аксинча, унинг ижобий силжишига олиб келади. Аммо, республикамиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳозирги даврида тадбиркорлар даромадларига солиқларнинг ҳиссасини бирданига кескин камайтириб бўлмайди. Сабаби, республикамиз бюджетида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатларининг ҳиссаси каттадир.

Аммо, шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга булган етакчи тармоқларни ривожлантиришнинг зарурлиги сабабли шу тармоқларга

пастроқ, солиқ ставкаларини қўллаш ёки солиқ имтиёзлари орқали уларни қўлллаб-қувватлаш ўта муҳимдир.

Бизнинг фикримизча, солиқ имтиёзларини мақсадли равишда берган ҳолда умумий тарзда, солиқ оғирлигини енгиллаштириш зарур, хўжаликлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида даромадларини инвестиция қилсалар бундай корхоналарга солиқ имтиёзлари бериш зарур. Бу тадбир истеъмолни чегаралаб, инвестицион фаолиятни кучайтиради.

Иқтисодиётга инвестиция қўйиш жараёнига нафақат солиқ сиёсати, балки давлатнинг фоиз сиёсати ҳам кескин таъсир қилади. Чунки, бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарда инвестицион фаолиятни амалга ошириш учун уларнинг ўз маблағлари етарли бўлмаса, бу корхоналар молиялаштиришнинг бош манбаи сифатида фоиз тўлаш ҳисобига банкларнин қарз маблағларидан кенг фойдаланади.

Инвестиция қўйиш мақсадида корхоналарнинг кредитдан фойдаланиш имконияти фоиз ставкасига боғлиқдир. Агар корхона инвестиция қилиш натижасида оладиган фойда нормаси фоиз ставкасидан ошса, инвестиция қилиш самарали бўлади. Аммо, фоиз ставкасини кутилаётган фойда меъёридан ошганда инвестиция қилиш фойдали бўлмай қолади ва инвестицион фаолият сусаяди.

Бозор иқтисодиёти шароитида Марказий банк иқтисодиётда баҳолар барқарорлигига эришиш мақсадида тижорат банкларининг фоиз сиёсатига бевосита таъсир ўтказади ва бу таъсир, аввало, иқтисодий ўсиш нуқтаи-назардан амалга оширилади. Мамлакат тўлов балансининг активлигини ошириш мақсадида амалга ошириладиган фоиз сиёсати корхоналарнинг инвестицион фаолиятини банк кредитлари ҳисобидан молиялаштириш имкониятини юзага келтиради.

Бундай шароитда, бизнинг республикада амалга оширилган чет эл капитал қўйилмаларининг таркибий тузилишини таққослаш жуда муҳим ҳисобланади. Чет эл инвестицияларининг асосий қисми - бу ҳар доим 90 фоиздан кўпроқ - ишлаб чиқариш мақсадларидаги инвестицияларга тўғри

келган. Бунда уларнинг қайта ишловчи саноат ёки ишлаб чиқариш характеридаги хизмат кўрсатиш соҳаларига тўланиши аниқ кузатилади. Жумладан, чет эл инвестицияларнинг энг юқори улуши озиқ-овқат, нефтни кайта ишлаш ва енгил саноат тармоқларига, транспортга ва алоқага тўғри келган.

Умуман олганда, Давлат статистика департаменти чет эл инвестициялари таркибий тузилишининг кўрсатиб ўтилган ўлчамлари, чет эл инвесторларига хос бўлган афзалликларни аниқ кўрсатади, улар юқори самарали ҳозирги замон иқтисодий ўсиш талабларига мос келади. Истиқболда Ўзбекистон миллий иқтисодиёти бўйича барча капитал қўйилмаларнинг умумий тузилиши, ана шу таркибий тузилиш тамойилларига аста-секин яқинлашиши зарур.

Шундай қилиб, ялпи миллий маҳсулотни миллий иқтисодиётнинг асосий соҳалари бўйича таксимлашнинг бандлик ва капитал қўйилмаларнинг ҳозирги даврда таркиб топган тузилиши, ўзларининг мазмуни бўйича, иқтисодий ўсишнинг Республикада эришилган самарадорлиги пасайишни олдиндан аниқлаб беради, деб хулоса чиқаришга етарлича асос бўла олади.

Ялпи ички маҳсулотни аҳоли жон боши ҳисобига кўпайтириш имкониятлари нуқтаи назаридан, инвестицион ресурслардан фойдаланиш республикада миллий иқтисодиётнинг анча кам истиқболли соҳаларида марказлаштирилган. Шунга мос равишда, аҳоли фаровонлигининг ўсиш суръатлари иқтисодий ўсиш суръатларидан тобора кўпроқ орқада қолиб боради. Шу сабабли иқтисодий ўсишнинг янги сифатига ўтишнинг асосий муаммоси, уни молиялаштиришнинг мос келувчи таркибини шакллантириш бўлиб колади ва унинг ёрдамида иқтисодий тараққиётнинг таркибий устуворликларини ўзгартириш реал имкониятга айланади.

Ҳақиқатдан ҳам, муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган тармоқлар, соҳалар ва корхоналарни ривожлантириш учун улар давлат бюджети томонидан молиялаштирилади, корхоналар инвестицион фаолиятини рағбатлантириш мақсадида имтиёзли кредитлар берилиши ва

солиқ имтиёзлари жорий қилиниши бюджет даромадларига таъсир қилади ва, ниҳоят, молиявий воситалар ҳам бюджет билан узвий боғликдир. Аммо, ҳар бир молиявий воситанинг корхоналар иқтисодий фаолиятига таъсир этишда ўзининг алоҳида ўрни бор.

Инвестицион фаолиятни рағбатлантиришда бюджетга тўловлар қандай бўлса, бюджетдан молиялаштириш ҳам шундай муҳимдир, бироқ, уларнинг ролини бир хил деб бўлмайди. Бюждетга тўловлар асосан корхоналар молиявий базасига, уларнинг ихтиёрида қоладиган молиявий ресурслар миқдорига таъсир қилади. Бюджетдан молиялаштириш эса, умумдавлат ресурсларини жалб этиш ҳисобидан корхоналар молиявий имкониятини янада оширади. Булар хўжалик субъектлари инвестицион фаолиятини янада жонлантириб, иқтисодиёт алохида тармоқларининг тез ривожланишига ёрдам бериши, янги ишлаб чиқариш ва замонавий технологияларни ўзлаштириш учун шарт-шароит яратиши, илмий-техника тараққиётини жадаллашгириш ва инфратузилма тармоқларининг ривожланиши учун имконият яратиши мумкин.

Шубҳасиз, бюджетдан молиялаштириш тизими пул маблағларини аниқ мақсадларга йўналтиришни таъминлайди, инвестиция қўйишлари учун корхоналарга тез ва қулай ёрдам бериш имкониятини яратади. Аммо, хўжалик амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, бюджетдан молиялаштириш маълум салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Корхоналар молиявий эхтиёжини ўзлари ишлаб топмаган маблағ оркали қондириш билан бюджет оркали молиялаштириш тизими хўжалик субъектларида боқимандалик кайфиятини кучайтиради.

Инвестицияларни бюджетдан молиялаштиришнинг самараси пастлиги сабабли бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш билан уларнинг ҳиссаси кескин қисқартирилди. Бюджет дотацияси тизими айрим тармоқ ва товарларгагина сақланиб қолди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бозор муносабатлари шароитида ҳам халқ хўжалиги тармоқлари ва хўжаликларни бюджетдан молиялаштириш

тизими амал қилади. Бирок, жаҳон амалиёти тасдиқлашича, давлатнинг молиявий ёрдами нафақат кучсиз балки иқтисодий кучли корхоналарга ҳам берилиши лозим. Бюджет маблағлари кўпроқ хўжалик фаоллигининг кучайтирувчиси сифатида ишлатилиши мақсадга мувофиқдир. Улар билан ҳар қачон ҳам рентабеллиги паст, истиқболсиз ва зарарга ишлайдиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш зарур эмас.

Бозор ислоҳотларининг чувурлашувн шароитида инвестицион қўйилмаларни бюджет маблағлари билан молиялаштиришнинг кўлами ва аҳамияти кескин ўсмокда. Демак, давлат иқтисодиётида инвестиция жараёнини рағбатлантириш ва уни таркибий ислоҳ қилиш имтиёзли солиқ ва фоиз сиёсати орқали қандай амалга оширса, худди шундай тарзда бюджетдан молиялаштириш тизими ёрдамида иқтисодиётга бевосита таъсир этади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, барча иқтисодий жараёнлар сингари инвестицион фаолиятни рағбатлантиришда давлат барча молия-кредит воситаларидан уларни мувофиклаштирган ҳолда фойдаланиши зарур, акс ҳолда, уларнинг амал қилиши кутилган самарани бермайди. Масалан, хўжалик субъектларига солиқ имтиёзи берилсаю, аммо муомалада пул массаси кўпайиши оқибатида инфляция даражаси юқори бўлса, берилган имтиёзларнинг таъсири бўлмайди ва фоиз ставкаси кўтарилиб иқтисодий фаоллик сусаяди. Демак, иқтисодиётда қулай инвестиция иклимини яратишда молия-кредит воситалар бир-бирини тақозо қилувчи ва тўлдирувчи ягона тизим сифатида амал қилинишини таъминлаш мухимдир.

7.3. Бюджет ва пул-кредит сиёсатининг ҳозирги замон муаммолари

Пул-кредит сиёсатининг билвосита воситаларини такомиллаштириш ва пул-кредит сиёсатининг самарадорлигини ошириш республикамизда давлат иқтисодий сиёсатининг ҳозирги кундаги устувор йўналишларидан бири сифатида қаралмокда.

Ҳозирги пайтда жаҳон иқтисодий амалиётида очиқ бозордаги операциялар, ҳисоб ставкаси сиёсати (дисконт сиёсати) ва мажбурий захиралар меъёрини ўзгартириш каби қатор билвосита инструментлардан фойдаланилмоқда.

Маълумки, жаҳоннинг юксак даражада ривожланган давлатларида молия бозорлари юқори даражада ривожланганлиги туфайли пул массасини ва пул бозорини самарали тартибга солишда Марказий банкларга монетар сиёсатнинг билвосита воситаларидан кенг фойдаланиш имконини беради. Ушбу давлатларда Марказий банкнинг мустақиллиги етарли даражада таъминланган бўлиб, бу эса Марказий банкка мустақил монетар сиёсатни амалга оширишда зарурий шарт-шароит яратади.

Ривожланаётган мамлакатлар Марказий банклари хусусида бундай фикрларни билдириб бўлмайди. Чунки, ўтиш даври иқтисодиётидаги давлатларнинг кўпчилигида молия бозорлари заиф ривожланган ҳамда Марказий банкларнинг мустақиллиги етарли даражада таъминланмаган. Ушбу омилларнинг барчаси пировард натижада, Марказий банкларга самарали пул-кредит сиёсатини амалга ошириш имконини бермайди.

Фикримизча, макроиқтисодиёт, пул назарияси, молия бозорлари, пул-кредит сиёсати, шу жумладан, пул-кредит сиёсатининг воситалари тўғрисидаги етакчи назарияларнинг мазмуни ва моҳиятини атрофлича ўрганмасдан, илмий асосланган, пухта ва аниқ пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш, қолаверса, унинг тактикаси ва стратегиясини аниқ белгилаб олиш мумкин эмас. Монетар воситалардан фойдаланиш амалиётини ривожлантириш етакчи пул-кредит концепцияларининг асосий назарий хулосалари ва қоидаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Шунингдек, пул-кредит концепцияларининг хилма-хил йўналишлари мавжуд бўлиб, улар ичида монетаризм ва кейнсчилик асосий назарий оқим ҳисобланади.

Кейнсчилик концепцияси, асосан, XX асрнинг 30-йилларида яхлит ғоявий оқим сифатида тўлиқ шаклланди. Унинг асосчиси - Буюк

Британиялик таниқли иқтисодчи Жон Мейнард Кейнс эди. Шунингдек, Кейнс ва унинг тарафдорларининг қарашлари XX асрнинг 70-йилларигача кенг тарқалган ва машҳур назария бўлиб қолди.

Ж. М. Кейнс пул айланиш тезлигининг доимийлиги тўғрисидаги классик ёндашувдан воз кечиб, асосий эътиборни фоиз ставкасининг таъсирига қаратган ҳолда, пулга бўлган талаб назариясини ишлаб чиқди. Кейнс ишлаб чиққан пулга бўлган талаб назарияси «ликвидликка ихлос қўйиш» назарияси номини олди. Ушбу назария ҳам нима учун одамлар қўлларида пулни сақлайдилар? деган масалани ҳам кўриб чиқди. Бироқ, Кейнс ўзидан олдинги иқтисодчилардан фарқли ўлароқ, одамларнинг қўлларида нақд пулни ушлаб туриш сабаблари сифатида қуйидаги уч омилни ажратиб кўрсатди:

1) битимлар омили;

2) эҳтиётқорлик омили;

3) чайқов омили.

Умуман, Кейнс тадқиқотларида фоиз ставкасининг ўсиши билан пулга бўлган талаб пасаяди, деган хулоса илгари сурилади. Кейнс назарияларида пулга бўлган талаб, услубий жиҳатдан, уларни ишлаб чиқаришнинг «эндоген омили» сифатида қарашга асосланган. Кейнс, пулга бўлган талаб нафақат даромадгас, балки фоиз ставкасига ҳам боғлиқ деган хулосага келган. Шунингдек, Ж. М. Кейнс марказий банклар томонидан пул массасини тўла назорат қилиш имконияти мавжудлилига ишониб, шу боисдан ҳам Марказий банклар банк захираларини назорат қилиш йўли билан банк депозитларини юзага келиш жараёнини ҳам назорат қила олади, деган хулосага келди. Бу эса унинг Фишер томонидан илгари сурилган пулга бўлган талабга фоиз ставкаси ҳеч қандай таъсир қилмайди деган, пулга бўлган талаб тенгламасидан кескин фарқ қилади. Фоиз ставкасининг ўсиши одамларнинг қўлларида реал пул қолдиқларини камроқ ушлашга ундайди. Ўз навбатида, пулнинг айланиш тезлиги катта бўлади.

Маълумки, *пул-кредит сиёсати назариясида марказий ўринни фоиз* ставкаси пулга бўлган талабга таъсир этадими? Агар таъсир этса, қай даражада?, масаласи эгаллайди.

Фоиз ставкаси ва пулга бўлган талаб ўртасидаги боғлиқлик тўғрисидаги энг биринчи тадқиқотлардан бири, АҚШ статистик маълумотлари асосида Жеймс Тобин томонидан амалга оширилган. У бошқа пул қолдиқларини транзакцион пул қолдиқларидан ажратиб, уларни фойдаланилмайдиган пул қолдиқлари деб атаб, транзакцион пул қолдиқларини даромадга пропорционал, фойдаланилмайдиган пул қолдиқлари эса фоиз ставкаси билан боғлиқ, деб ҳисоблади. Сўнгра Ж. Тобин 1922-1941 йилларда фойдаланилмайдиган пул қолдиқларининг фоиз ставкаси билан ўзаро боғлиқлигини текшириб кўрди ва тадқиқотлар натижасида у пулга бўлган талаб фоиз ставкасининг ўзгаришига боғлиқ, деган хулосага келди»[46]. "Ўша даврда Дэвид Лейдер, Карл Брюннер, Аллен Мельцер каби олимлар томонидан пулга бўлган талаб тўғрисидаги қўшимча эмперик *тадқиқотлар ҳам Ж. Тобиннинг ушбу кашфиётини тасдиқлайди*"[47].

Тадқиқотлардан маълумки, АҚШ иқтисодиётида 1963 йилда пул массаси 8,5 фоизга ва 1983 йилда 16,2 фоизга ўсган бўлса, ушбу йилларда фоиз ставкаси мос ҳолда 3,5 ва 8,5 фоизни ташкил этган. Бироқ, 2000 йилга келиб, инфляция суръати (3,4 фоиз), пул массасининг ўсиши (6,5 фоиз) ва фоиз ставкаси (6,0 фоиз) анча барқарорлашди (диаграммага қаранг). Агар, диаграмммадаги тенденцияга назар ташласак, фоиз ставкаси юқори бўлган шароитда пул массасининг ўсиш суръати пасайганлигини ва аксинча, фоиз ставкасининг пасайиши билан пул массаси ўсишининг гувоҳи бўламиз[48].


---

[46] Ф. Мишкин «Экономическая теория денег, банковского дела и финансовых рынков» Учебное пособие для студентов вузов. Аслект пресс. Москва. 1999 г. -стр570.

[47] Қаранг: Meltzer A.H. TЬe Demand for Money: The Evidence from Times Seriyes // Journal of Political Economy (1963) №71 P.219-246; Brunner, Meltzer A.H. Predisting Velocity: Implication for Theory and Policy // Journal of Finance(1963) №18. P. 319-354.

[48] ХВФ материаллари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоблари-international Financial Statistics (IFS) Yearbook Vol. XIVI 1993. and IFS. Volume LIV. Number 7 july 2001.

11-диаграммага



Манба: ХВФ материаллари – International Financial statisticks (IFS) Yearbook Vol.XLVI 1993. and IFS Volume LIV. Number 7 juny 2001.

М. Фридменнинг «пул қоидаси»га мувофиқ, давлат ҳар доим муомаладаги пул массасининг асосланган ўсишини қўллаб-қувватлаши керак. Шунингдек, М.Фридменнинг ушбу қоидаси муомаладаги пул массасининг қатъий назорат остида йиллик 3-5 фоиз атрофида ўсишини назарда тутади. Пул массасининг ушбу миқдорларда ўсиши иқтисодиётда иқтисодий фаолликни кучайтиради. Пул таклифининг ўсиши йилига 3-5 фоиздан юқори бўлса, унда инфляция ўса бошлайди, агар, иқтисодиётда пул таклифининг ўсиши 3-5 фоиздан кам бўлса, ЯММнинг ўсиш суръати пасая бошлайди[49].

Ўзбекистонда банк тизими шаклланиши ва ривожланиш босқичлари тадқиқ қилиниб, унинг тўрт босқичдан иборат эканлиги асослаб берилган. Дастлабки босқич 1991-1994 йилларни ўз ичига олиб, икки босқичли банк тизими юзага келди, банк тизимининг ҳуқуқий асослари яратилди. Миллий валюта муомалага киритилиши билан иккинчи босқич бошланди ва у 1996 йилгача бўлган даврни ўз ичига олди. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги ҳамда «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунларнинг қабул қилиниши ушбу босқичнинг муҳим воқеалари эди.

[49] Қаранг: Экономическая теория. Учебное пособие для студентов вузов. Под ред., Проф., В.Д.Камаева, Москва ИМПЭ, 1999 г, стр. 345.

Учинчи босқич 1997-2000 йилларни ўз ичига олади. Бунда акциядорлик тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш, хусусий тижорат банклари очишни рағбатлантириш, банкларда корпоратив бошқаришни такомиллаштириш каби муҳим масалаларга жиддий эътибор қаратилди. Шунингдек, ушбу босқичда Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати рестрикцион характерга эга бўлди ва айнан мана шу сиёсат мамлакатда макроиқтисодий барқарорликка эришишга, инфляция суръатларини кескин пасайтиришга имкон берди.

Кейинги тўртинчи босқич 2001-2005 йилларни қамраб олади. Ушбу босқичда тижорат банкларини хусусийлаштириш жараёнини чуқурлаштириш, уларнинг инвестицион жараёнлардаги иштирокини кенгайтириш, кичик ва ўрта бизнес корхоналарини кредитлаштиришни кучайтириш, миллий валюта бозорини эркинлаштириш масалаларига асосий эътибор қаратилди.

Монетар воситалардан фойдаланиш амалиётини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, пул-кредит сиёсатининг бевосита инструментларига - фоиз ставкаларини чегаралаш, ҳар бир банк учун кредит лимитини белгилаш, ликвидликнинг норматив коэффициенти, мақсадли кредитлар, ҳар бир банк учун қайта ҳисобга олиш меъёрларини белгилаш кабилар киради. Билвосита инструментларига эса-очиқ бозордаги операциялар, ҳисоб ставкаси сиёсати (дисконт сиёсати) ва мажбурий резервлар меъёрини ўзгартириш кабилар киради.

Маълумки, XX асрнинг 70-йиллари бошлари ва 80-йилларининг охирига қадар ривожланган кўпчилик мамлакатларнинг Марказий банклари пул-кредит сиёсатининг бевосита инструментларидан секин-аста воз кечиб, билвосита инструментларига ўта бошлади[50]. Билвосита инструментлардан фаол тарзда фойдаланиш банклар томонидан ноқонуний операцияларни амалга оширишлишини кучайтиришга сабаб бўлди.

---

[50] Қаранг: Occasional paper 126. The Adortion of indirect instruments of Monetary Policy. IMF, \Wachington DC, gune 1995. P. 17.

Таъкидлаш жоизки, пул-кредит сиёсатининг билвосита инструментларига ўтиш фақат иқтисодиётнинг очиқлиги ва жорий операциялар бўйича миллий валютанинг тўла конвертациясига эришилган ҳамда бозор тўлиқ, эркинлашган тақдирдагина янада катта самара беради. Бундай шароитда ўз-ўзидан бевосита инструментларнинг самараси ва аҳамияти пасаяди.


Миллий валютамиз - "сўм"нинг муомалага киритилиши билан Марказий банк мустақил пул-кредит сиёсатини юритиш имкониятига эга бўлди. Бунда пул-кредит сиёсати, биринчи навбатда, макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга, инфляция даражасини пасайтиришга, иқтисодиётнинг таянч тармокларини қўллаб-кувватлашга ва шу орқали иқтисодий ўсишни таъминлашга йўналтирилди. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида инфляциянинг ўртача ойлик даражаси 1994 йилдаги 30 фоиздан 2002 йилда 1,6 фоизгача қисқарди. Натижада, банк фоиз ставкаларининг пасайиши учун шарт-шароит яратилди, бу эса, ўз навбатида, жамғарма ва узоқ муддатли кредитлаш жараёнларини рағбатлантирди.

Таъкидлаш жоизки, 1992-1994 йилларда Ўзбекистонда истеъмол нархларининг ўсиши ўртача 1000 фоизни ташкил этиб, бу кўрсаткич, айниқса, 1994 йили ўз чўққисига чиқди. Шу йили инфляция даражаси 1282 фоизни ташкил этди, бу эса иқтисод фанида гиперинфляция, яъни жиловланмаган инфляция хисобланади (диаграммага қаранг).

12-диаграмма

Ўзбекистонда 1993-2002 йилларда ойлик инфляция даражаси динамикаси

(фоизларда)



Тижорат банкларини қайта молиялаш механизми инструменти Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ликвидлилигига ва муомаладаги пул массасига таъсир қилиш мақсадида фойдаланилади. Ўзбекистонда 1994 йилнинг ўрталарига қадар қайта молиялаш ставкаси турлича белгиланди. Ушбу даврда Марказий банк ҳар бир тармоқнинг хусусиятидан келиб чиқиб, турли хил банклар учун тузилган шартномага кўра турли фоиз ставкаларини белгилаб келди. Масалан, ушбу кўрсаткич 1991 йил учун 8 фоиздан 12 фоизгача, 1992 йилда 8 фоиздан 17 фоизгача, 1993-1994 йилларда эса 45 фоиздан 225 фоизгача ораликда белгиланган[51]. Айни вақтда ушбу даврда инфляция даражаси қайта молиялаш ставкасига нисбатан анча юқори бўлган ва реал фоиз ставкаси амалда салбий даражага тушиб қолганди. Ушбу ҳолат фақат Ўзбекистонда эмас, балки барча МДҲ мамлакатларида ҳам мавжуд эди.

"Миллий валюта киритилган пайтда қайта молиялаш ставкаси йилига 150 фоизни ташкил этар эди. Аммо, миллий валюта киритилгунча бўлган инфляциянинг инерция кучи шу даражада катта эдики, тезда қайта молиялаш ставкасининг бу даражаси етарли эмаслиги маълум бўлиб қолди. Инфляцияни камайтириш борасида янада қатъийроқ сиёсат юритиш мақсадида Марказий банк 1994 йил октябр ойидан бошлаб қайта молиялаш

[51]Қаранг: Р.Т.Шомуродов. Ўзбекистонда монетар сиёсатнинг билвосита инструментларидан фойдаланиш. "Бозор, пул ва кредит" журнали, 2001, 8-сон. 62б.

ставкасини 150 фоиздан 225 фоизгача кўтарди. 1995 йил феврал ойида қайта молиялаш ставкаси 250 фоизгача оширилган бўлса, март ойидан бошлаб, у 300 *фоиз этиб белгиланди*"[52]. Кейинги йилларда инфляциянинг кескин пасайтирилиши билан ушбу ставка тобора пасайтириб борилди ва 2000 йилнинг апрелидан 2001 йилнинг 31 декабригача йиллик 24 фоиз миқдорида ушлаб турилди. 2002 йилнинг 1 январидан пул бозоридаги талаб ва таклиф хамда инфляция даражасидан келиб чиққан ҳолда, қайта молиялаш ставкаси ойлик 2,5 миқдорида белгиланди. Мажбурий захира талаблари Ўзбекистонда у Марказий банк томонидан пул массасини тартибга солиш инструменти сифатида 1992 йилдан бошлаб фойдаланиб келинмокда (жадвалга қаранг).

21-жадвал

Мажбурий захира жамғармасига ўтказиш меъёрлари

(фоиз ҳисобида)

Амал қилиш муддати	Талаб қилиб олингунча ва 3 йилдан ошиқ бўлмаган муддатли депозитлар учун	3 йилдан ошиқ муддатли депозитлар учун	Чет эл валютаси даги депозитлар учун
1993 и. Ноябрдан	30	10	30
1994 и. Майдан	30	10	30
1995 и. Январдан	25	10	25
1996 и. июлдан	25	10	0
1997 и. декабрдан	20	10	0
1998 йил	20	10	0
1999 йил	20	10	0
2000 и. май	20	20	0
2001 йил	20	20	0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳисобот материаллари.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида, яъни юқори инфляция шароитида мажбурий захиралар талаблари меъёри 1994 йилнинг майидаги 15

[52] Ф.М.Муллажонов. «Банковская система в годы независимости». Т: 1996 г. стр 80-81.

фоиздан 30 фоизгача оширилди. Шунингдек, 1994 йил давомида мажбурий заҳиралар меъёри талаб қилиб олингунча ва 3 йилгача бўлган муддатли депозитлар учун 30 фоиз, 3 йилдан ошиқ бўлган муддатли депозитлар учун 10 фоиз ҳамда чет эл валютасидаги депозитлар учун 30 фоиз даражасида бўлди.[53]

Очиқ бозордаги операциялардан Республика Марказий банки очиқ бозор сиёсатидан банк тизимининг ликвидлилигига таъсир этиш ва муомаладаги пул массасини тартибга солиш воситаси сифатида фойдаланмоқда. Ҳозирги пайтда фақат давлатнинг қисқа муддатли облигациялари (ДҚМО) очиқ бозор операцияларининг объекти бўлиб турибди. ДҚМОларнинг эмиссия қилинган миқдори кичик бўлиб, Марказий банкнинг очиқ бозор операцияларини ривожлантиришга салбий таъсир қилмоқда. "2002 йилнинг 1 январ ҳолатига банк тизимининг ДҚМОга йўналтирилган инвестиция миқдори 26846 млн. сўмни ташкил қилди. Бу эса жами банклар активларининг 0,84 фоизини ташкил қилади"[54].

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда монетар инструментлардан фойдаланиш амалиётида мавжуд бўлган бир қатор муаммоларнинг моҳияти очиб бериш мумкин. Улардан асосийлари қуйидагилардан иборат:

1. Республикамизда кейинги беш йил давомида юқори ва барқарор даражадаги инфляция муаммоси.
2. Алмашув курсларини бирхиллаштириш ва алмашув курсини сузиб юрувчи курсга ўтказиш муаммоси.
3. Иқтисодиётда умумий солиқ юкининг юқорилиги муаммоси.
4. Марказий банкларнинг мустақиллигини таъминлаш муаммоси.
5. Иқтисодиётда молиявий воситачилик даражасининг тобора пасайиб бориши муаммоси.
6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг мажбурий заҳира

[53] Ф.М.Муллажонов. Ўзбекистон Республикаси банк тизими. Т.: «Ўзбекистон», 2001. -606.
[54] Ўша жойда.

сиёсатидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш муаммоси.

7. Муомаладаги накд пулларнинг ва банклардан ташқаридаги айланманинг сезиларли даражада ўсиши муаммоси.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Миллий иқтисодиётда макроиқтисодий барқарорликка эришиш ҳамда уни янада ривожлантиришни таъминлаш монетар ва фискал сиёсатнинг самарадорлигига бевосита боғлиқдир.

2. Монетарча пулга бўлган талаб назарияси, асосан, "кутиш" лардан иборат омилларга асосланган бўлиб, ушбу омиллар ишлаб чиқариш жараёнларидан ташқарида шаклланади.

3. Етакчи пул-кредит асосий қоидаларининг моҳиятини атрофлича ўрганмасдан, илмий асосланган, пухта ва аниқ пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш, қолаверса, унинг тактикаси ва стратегиясини аниқ белгилаб олиш мумкин эмас.

4. Пул-кредит сиёсати ҳеч қачон яккаю-ягона кўрсаткичга асосланмаслиги керак.

5. Ўзбекистонда банк тизимининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари таҳлили, уларни тўрт босқичдан иборат эканлигини кўрсатилди, ҳар бир босқич банк тизимини ривожлантириш борасидаги муҳим тадбирларни ўз ичига олади.

6. Монетар сиёсат инструментларидан фойдаланишда хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш амалиёти шуни кўрсатадики, биринчидан, ўтган асрнинг 80-йиллари бошларидан бошлаб, жаҳоннинг ривожланган давлатларида монетар сиёсатнинг бевосита инструментларидан воз кечиш бошланди; иккинчидан, қарбий Европа давлатларида билвосита инструментлардан кенг кўламда фойдаланилаётган бўлса-да, айрим чекловлар ўз кучини сақлаб қолди.

7. ХВФ экспертларининг хулосасига кўра, мамлакатда фоиз ставкаси бўйича чекловларни бекор килиниши ва Марказий банкнинг максадли кредитлари умумий кредитлар ҳажмида 25 фоиздан ошмаслиги

монетар сиёсатнинг билвосита инструментларига ўтиш жараёнининг тугалланганлигини англатади.

8. МДҲ давлатларидаги каби 1992-1994 йилларда мамлакатимизда ҳам инфляция жараёнларининг чуқурлашуви Республика Марказий банкини рестрикцион пул-кредит сиёсатини амалга оширишга ундади; иккинчидан, қатъий пул-кредит сиёсати инфляцияни жиловлаш, пул массаси ўсишини барқарорлаштириш имконини берди; учинчидан, тижорат банкларининг молиявий барқарорлигига салбий таъсир қилувчи ҳолатларни юзага келтирди. Бунга мисол қилиб, юқори даражадаги ва табақалаштирилмаган мажбурий захира ставкаларини қўлланилишини, Марказий банк томонидан РЕПО операциялари бўйича ДҚМОдан бошқа қимматли қоғозларни киритилмаганлигини келтириш мумкин.

9. Мажбурий захиралар сиёсати Ўзбекистон Марказий банкининг энг таъсирчан инструменти бўлиб қолмоқда. Аммо, барча муддатдаги депозитлар учун ягона ставканинг белгиланганлиги ва ажратмалар ставкасини депозитларнинг суммалари бўйича табақалаштирилмаганлиги мазкур инструментнинг мослашувчанлигини йўқотган.

10. Мамлакатимиз молия бозорида юқрри ликвидлилик хусусиятига эга бўлган қимматли қоғозларнинг (ДҚМОдан ташқари) етишмаслиги, яъни уларни эмиссия қилиш ҳажмининг чекланганлиги туфайли очиқ бозор сиёсати ҳозирча Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ривожланмаган инструменти бўлиб қолмоқда.

Бизнинг фикримизча, қуйидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши монетар инструментлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда хизмат қилиши мумкин. Масалан:

⇒ Республикамизда янада барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, пул ва молия бозорларини ривожлантириш, иқтисодиётнинг пулга бўлган талабини тўлиқ қондириш самарадорлигини ошириш мақсадида ривожланган ва ривожланаётган хорижий давлатлардаги каби монетизация даражасини муттасил ошириб бориш сиёсатини

қўллашимиз лозим, чунки, ушбу кўрсаткич нафақат республикамизда, балки барча МДҲ давлатларида ҳам кичикдир;

⇒ Марказий банкнинг валюта сиёсатини такомиллаштириш асосида миллий валюта бозорининг ликвидлилик даражасини ошириш зарур, бунинг учун, аввало, тўлов балансининг жорий операциялари бўйича сўмнинг хорижий валюталарга эркин алмашишини таъминлаш зарур;

⇒ Миллий валютанинг барқарорлигини мустаҳкамлаш, инфляция даражасини яқин йиллар ичида 6-8 фоизга туширишга эришиш ва ривожланган молия бозорига эга бўлиш мақсадида ривожланган хорижий давлатларда фойдаланилаётган билвосита монетар инструментларга тўлиқ ўтишимиз шарт. Бу эса пул массасининг ўсишини самарали тартибга солишда, пул-кредит сиёсатининг таъсирчанлигини ошириш, айниқса, ортиқча ликвидлиликни стерилизация қилиш имконини беради;

⇒ Пул массасининг асоссиз ўсишининг ва банклардан ташқаридаги айланма ўсишининг олдини олиш мақсадида Марказий банкнинг депозит сертификатларини ва облигацияларини муомалага чиқариш, уларнинг ҳажмини ошириш ҳамда ушбу операциялар ҳажмини тобора кенгайтириб бориш мақсадга мувофиқдир. Бунинг натижасида хорижий валюталарга бўлган талаб камаяди ва сўмнинг алмашув курси барқарорлашади;

⇒ Тижорат банклари ликвидли активлари таркибида ДҚМОларнинг салмоғини ошириш учун Марказий банк ўзининг РЕПО операциялари орқали банкларнинг ДҚМОларни сотиб олишдан манфаатдорлигини ошириши лозим. Бунинг учун ДКМОларнинг даромадлилигини ошириш лозим, акс ҳолда, миллий валютанинг алмашув курсининг пасайиши инвесторларнинг ДҚМО сотиб олишдан манфаатдорлигини пасайтиради;

⇒ Марказий банкнинг мажбурий захира сиёсати таъсирчанлигини

ошириш мақсадида мажбурий захира ставкаларини депозитларнинг суммаси ва муддатига кўра табақалаштириш лозим, шунингдек, муддатли депозитларга нисбатан минимал захира ставкалари қўлланилиши лозим;

⇒ Марказий банк томонидан банкларараро кредит бозорини тартибга солиш ва ушбу бозордаги операциялар бўйича доимий мониторингни амалга ошириш ишларини, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда РЕПО операцияларини, ДҚМОлар ҳисобидан ломбард кредитлари беришни ва қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозорини ривожлантириш чора-тадбирларининг кўрилиши зарур;

⇒ ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган хорижий давлатларда кенг қўлланилаётган пул-кредит сиёсатининг узатиш механизмидан республикамизда амалга оширилаётган пул-кредит сиёсатининг таъсирчанлигини ошириш ва унинг мақсадларига эришиш учун фойдаланишга ўтишимиз лозим.

7.4. Иқтисодий ўсиш стратегияси ва давлат молиясини соғломлаштириш

Ўзбекистон учун 1997 йил кескин бурилиш даври бўлди, иқтисодий ўсишнинг етарлича юқори суръатлари таъминланди.

1998 йил эса тараққиёт барқарор бўлиб қолиши учун кўплаб ишлар қилинди, 1999-2004 йилларда эришилган ютуқлар мустаҳкамланди.

Республика Президенти И.А.Каримов эришилган натижаларга якун ясаб таъкидлаб ўтганларидек, "иқтисодиётнинг эришилган ўсиши капитал қўйилмалар ҳажмининг ортиши, инфляцияга қарши тартибга солиш тадбирлари самарадорлиги, молиявий барқарорлаштириш ва пул муомаласи тизимини мустаҳкамлаш натижаси ҳисобланади".[55] Яхлит олинган

[55] И.Каримов. Барқарор тараққиётга эришиш - устувор вазифа. «Халқ сўзи» 1998 йил 26 февраль №41.

иқтисодиёт ҳамда унинг етакчи соҳаларида таджирий иқтисодий ўсиш тамойиллари аниқ кузатилаётганлиги ҳам таъкидлаб ўтилди.

Шу билан бирга олдинда турган муаммоларни ҳал қилишда диққат-эътиборни мавжуд ресурсларга қаратиш лозимлиги тўғрисидаги масала кун тартибида туради. Ресурслардан фойдаланиш нуқтаи назаридан бутун иқтисодий тизим ўзгариши рўй бераётган шароитда иқтисодий ўсишнинг барқарорлиги каби иқтисодий ҳодисалар мазмунини ҳар томонлама тадқиқ қилиш мухим масалалардан бўлиб қолади.

Иқтисодий ўсиш - бу анча кенг тарқалган иқтисодий тушунча ва реал воқейликлардан бири, ҳатто у мавжуд бўлмаганда ҳам олимлар ва жамоатчилик худди ўша иқтисодий ўсишни фақат салбий кўрсаткичлари билан идрок қилади. Одатда иқтисодий ўсиш тушунчаси у ёки бу мамлакатнинг миллий иқтисодиётига татбиқ қилинади. Умуман, давлатлар ўзларининг ривожаниш тарихида кўплаб ўлчамлари бўйича тараққий қилган ёки ўсган бўлади.

Мамлакатлар ўсишига кўпроқ қуйидаги ўлчамлар хос: аҳоли сони бўйича; амалга оширилаётган ишлаб чиқаришнинг умумий миқёси бўйича; аҳолининг ишлаб чиқариш ва ижтимоий секторида бандлик даражаси бўйича; яратилган реал миллий маҳсулот бўйича; ҳаёт кечиришнинг ўртача даражаси бўйича; у ёки бу ижтимоий гуруҳдаги оилаларнинг турмуш даражаси бўйича; ишдан ташқари бўш вақтлар миқдори бўйича; оғир меҳнатнинг енгилаштирилганлик даражаси бўйича; ҳаёт кечиришнинг ўртача давомийлиги бўйича. Бу айтилганлардан ўз-ўзидан тушунарлики, иқтисодий тизим ўзгаришнинг барча ўлчамлари иқтисодий ўсишнинг ҳар хил жиҳатларини ташкил қилади.

"Мазкур жиҳатлар ичида шундай кўрсаткичлар борки, уларни натурал ёки қиймат шаклларда миқдорий аниқлаш кам ёки кўп даражада мураккаб. Айрим кўрсаткичларни қандайдир таққослаш мумкин бўлган бирликларда

ҳисоблаб чиқиш амалда мутлоқ мумкин эмас. Шунга мос равишда иқтисодий ўсишни характерловчи кўрсаткичлар тизими тақозо қилинади".[56]

Иқтисодий воқеликнинг шундай идрок қилинишини ҳисобга олиб, П.Самуэльсон иқтисодий ўсишнинг энг яхши ягона кўрсаткичи ялпи ёки соф миллий маҳсулот ҳисобланишини кўрсатади. Бироқ, бутун эътиборни шу кўрсаткичга тўлиқ жамлаш ҳам кўпам тўғри эмас. Реал вақеликнинг анча аниқ кўриниб турган далиллари бўйича бир катор изоҳ бериш тақозо қилинади.

Биринчидан, фаровонлик даражасини қараб чиқиш нуқтаи назаридан реал миллий маҳсулотнинг мутлақ, миқдорларига эмас, балки нисбий ўлчамларига (ЯИМ, аҳоли сони) устуворлик бериш зарур.

Иккинчидан, самарадорлик ҳисобга олинганда ялпи миллий маҳсулотнинг тегишли ҳажмини ишлаб чиқаришга қилинган иқтисодий ресурс сарфлари ва уларнинг ўзгариши ҳисобга олиниши лозим.

Учинчидан, ишдан ташқари бўш вақт фаровонликнинг энг асосий шарти сифатида ялпи миллий махсулотда ўз ифодасини топа олмайди. Шу сабабли иш ҳафтаси давомийлигн ва йилдаги иш кунлари сонига алоҳида эътибор қаратиш керак.

Тўртинчидан, ялпи миллий маҳсулот ҳажми ортиб бориши билан унинг аҳоли ўртасида тақсимланишида тенгсизлик сусайиш томонга бориши зарур. Акс ҳолда, жамият ялпи маҳсулотнинг тегишли ўсишини тан олмаслиги мумкин.

Бешинчидан, товар ва хизматлар сифатининг яхшиланишини ҳисобга олиш зарур, улар табиийки ялпи миллий маҳсулот ўсишида ўз ифодасини топмайди. Бунинг учун, аввало, баҳо даражасига тегишли тузатишлар киритиш керак.

---

[56] Каримов И.А. Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт! «Ўзбекистон овози» 1998 йил 24 декабр № 155-154.

Олтинчидан, кишилар маънавий бойликларнинг барча таркибий қисмларини амалда қиймат жиҳатдан баҳолаш мумкин эмаслиги сабабли алоҳида мантиқий тузатиш киритиш тақозо қилинади.

Мазкур ҳолда муаммо танлаш назарияси («экономикс»)нинг энг бошланғич қоидасига олиб чиқилади. Чекланган ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишнинг энг оптимал усулларини танлаш жараёнининг анъанавий мазмунини, ҳар қандай иқтисодий формация марказий муаммоларини аниқлаш орқали очиб берилади. Мавҳумлик даражаси универсал умумиқтисодий вазифаларни шакллантириш имкониятини беради. Улар қуйидаги учта муаммо ҳисобланади:

1. Нима ишлаб чиқарилиши зарур, яъни ишлаб чиқариш ресурсларининг чекланганлиги сабабли бир-бирини ўзаро инкор қилувчи товарлар ва хизматлардан қайсиси ва қанча миқдорда ишлаб чиқарилиши кутилади?

2. Товар ва хизматлар қандай ишлаб чиқарилади, яъни жамият ихтиёридаги мавжуд ресурслардан қандай технологияда фойдаланиш кўзда тутилади?

3. Ишлаб чиқариладиган товарлар ва хизматлар ким учун мўлжалланган, яъни яратилган ялпи миллий маҳсулотнинг тақсимланиши қандай тартибларда амалга оширилади?

Танлаш назарияси («Экономикс») қоидалари бўйича бир қатор бошқа манбаларда шунга ўхшаш бештагача савол бўлиб, улар муҳим ёки асосий саволлар деб аталиши мумкин. Бироқ, уларнинг асосий мазмуни амалда барча ҳолларда ўзгармайди, фақат саволлар ифодаланиши бўйича анча тўлиқ ёки лўнда ҳолда берилади. Ўз-ўзича бу учта марказий саволлар - «Нима?», «Қандай?», ва «Ким учун?» - тарихда маълум бўлган барча ижтимоий-иқтисодий тизимлар учун умумий ҳисобланади. Бироқ, бу саволларнинг аниқ ҳал қилиниш усуллари - ҳар хил хўжалик тизимларининг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ.

Бундан хулоса шуки, иқтисодий ўсиш муаммоси юқорида тилга олинган барча масалалар билан ўзаро боғлиқ. Шундай экан, иқтисодий ўсиш муаммоси бу марказий масалаларни ҳал қилишнинг асосий мазмуний қоидаларига узвий равишда киради.

Бироқ, танлаш назарияси («экономикс») бўйича ишларда қараб чиқиладиган бу мантиқий йўналиш, фақат белгиланиш сифатида тахмин қилинади. Фикримизча, иқтисодий ўсиш муаммолари нуқтаи назаридан мазкур ёндашув кенгайтирилиши ва аниқлаштирилиши зарур бўлиб, у назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Асосий ҳолат шундан иборатки, "иқтисодий жўшқинлик ҳар доим марказий масалаларни ҳал қилишда миқдор ва сифат ўлчамларда узлуксиз ўзгаришларни кўзда тутади. «Экономикс» муаллифлари бу ўзгарувчанликни фақат бошқа жиҳатдан фарқлайди. Жумладан, бозор тизимининг моҳиятини ёритиб беришда, мослашиш муаммосини алоҳида таъкидлайди. Индустриал жамиятларнинг жўшқинлиги кўрсатилади-улар учун истеъмолчининг афзал кўриши, ишлаб чиқариш технологияси, етказиб бериладиган ресурсларининг таркиби ўзгариши хос. Шу сабабли, аниқ вақт давомида энг юқори самарали бўлиб, мазкур жамиятнинг истеъмолчилик диди таркибига, муқобил технологияларнинг мавжуд турига ва ресурслар таклифнинг мавжуд тузилишига мос келган ресурсларнинг тақсимлаш тизимнинг ўзига хос таркиби, табиийки вақт ўсиш билан истеъмолчи афзал кўришнинг ўзгариши ишлаб чиқаришда янги технологияларнинг яратилиши ва тақдим қилинган ресурслар таркибидаги ўзгаришлар сабабли эскириши ва самарасиз бўлиб қолиши мумкин. Баҳоларнинг мўлжал олиш вазифаси туфайли бозор тизими ўзгаришларига мослашишни анча оптимал таъминлайди деб ҳисобланади".[57]

Умуман айтганда, ҳеч ким ва ҳеч қачон ўзгарувчанлик иқтисодиётга хос белги эканлиги тўғрисида баҳслашмаган. Ҳатто, ўзгаришларсиз иқтисодиётнинг бўлмаслиги ҳақидаги қоида билан ҳам баҳслашиш даргумон. Бироқ, бу доимий ўзгарувчанлик ижтимоий манфаатлар томонидан

[57] Макконнелл К.Р.,Брю С.Л. Экономикс. В 2 Т.; - М.; Республика, 1992. *Т.1. С.85-86.*

самарадорликнинг турлича даражасида амалга оширилади. Бизга бу ўзгарувчанлик қайси иқтисодий ходисада ҳаммадан кўпроқ, анча равшан намоён бўлади ва унинг асосий мазмунига киради - деган саволни бериш мақсадга мувофиқ деб тасаввур қилинади. Бироқ, иқтисодий адабиётлардан саволнинг бундай қўйилишини топишга мувофиқ бўлмадик. Аммо, бозор иқтисодиётининг афзалликлари, ҳаммадан аввало хўжалик тузилмаларининг самарадорлиги билан боғланган кўплаб манбаларда, жавоб мантиқан ўз-ўзидан келиб чиқади.

Иқтисодий ўсиш ўзининг мазмуни ва ижтимоий шакли бўйича юқорида санаб ўтилган ўзгаришлар билан чамбарчас боғланган иқтисодий тушунча ҳисобланади. Бундай фикр юритиш натижасида биз нимага эга бўламиз? Иқтисодий ўсишнинг моҳиятини очиш учун жуда муҳим мазмундор нуқтаи назарга эга бўламиз. У шундан иборатки, иқтисодий ўсиш моҳиятининг энг асосий томонларидан бири, унинг амалга ошиши жараёнида миллий иқтисодиётининг ўзгариши ҳисобланади. Бундан қуйидаги хулоса келиб чиқади, бутун иқтисодий тизим ўзгараётган шароитда миллий иқтисодиёт тузилишнинг ўзгариши-бу иқтисодий ўсишнинг энг муҳим мезонларидан бири. Бунинг устига устувор сифат мезонлар, миқдор мезонлар таъсирини умумий баҳолашни умумлаштириш зарур. Шу жумладан, иқтисодий баҳолаш мумкин бўлмаганларни ҳам шулар жумласига киради.

Шу сабабли иқтисодий ўсиш - у ёки бу миллий ижтимоий-иқтисодий тизимлар бутун иқтисодий механизми амал қилишининг якуни, асосий натижаларидан бири. Саволни айнан шу тартибда қўйиб, биз ўз олдимиздаги вазифани бир мунча қийинлаштирамиз, чунки иқтисодий ўсиш муаммосининг предмет доирасини аниқлаш анча қийин иш бўлиб колади. Бир томондан танлаш назарияси («Экономикс»)да ўз ўрнига эга бўлган кенгайтирилган ёндашув, амалда ялпи ички маҳсулот ва инвестициялар *ўсишидан анча четда колади.*

Шу билан бирга, фикримизча, иқтисодий ўсиш муаммоларини барча иқтисодий муаммоларга «қориштириш» ҳам керак эмас. Энг оптимал

вариант-бу ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг амал қилишини, иқтисодий ўсишнинг асосий мазмунини ташкил қиладиган ва бир-бири билан жиддий иерархик боғлиқликда жойлашган мезонлар нуқтаи назаридан қараб чиқишдир.

Иқтисодий ўсишнинг ортиқча соддалаштириб аниқланишини мисол тариқасида К.Макконнелл ва С.Брюнинг «Экономикс» китобидан оламиз. Айнан шу ишда миқдорий ёндашув ниҳоятда аниқ ифодаланган. Жумладан, унда хақиқатда етарлича даражада асосланмаган бўлса-да қуйидаги аниқланиш келтирилади: «Иқтисодий ўсиш назариясига келганда, унинг асосий муаммоси қуйидагича шакллантирилади»; «Тўлиқ бандлик шароитида ишлаб чиқариш қувватлари ёки ялпи миллий маҳсулот ҳажмини қандай қилиб кўпайтириб бориш мумкин ?».[58]

Шунга мос равишда иқтисодий ўсишни ҳисоблаш ҳам соф миқдорий ўлчамларга келтирилади. Таъкидлаб ўтилган китобда иқтисодий ўсишни аниқлаш ва ҳисоблашнинг ҳақиқатда фақат иккита ўзаро боғлиқ аниқланиши ажратиб кўрсатилган;

⇒ биринчидан, маълум вақт оралиғида реал ялпи ички маҳсулотнинг кўпайиши сифатида;

⇒ иккинчидан, маълум вақт оралиғида реал ялпи ички маҳсулотнинг аҳоли жон боши ҳисобига кўпайиши сифатида.

Бундай ёндашув билан бирга савол шаклидаги қўшимча тушинтиришдан ҳам фойдаланади; нима учун иқтисодий ўсиш ўз-ўзича иқтисодий ривожланиш, иқтисодий сиёсатнинг энг муҳим мақсади сифатида қаралади? Жавобнинг мазмуни энг аввало, аҳоли жон боши ҳисобига ялпи миллий махсулотнинг кўпайиши турмуш даражаси ошганлигини билдиришини кўрсатишдан иборат.

Реал махсулот ҳажмининг ўсиши моддий мўл-кўлчилик учун асосни кўпайтиради ва иқтисодий ривожланишнинг харажатларни энг кам даражага келтириш (минималлаштириш) қоидасининг рўёбга чиқарилишини

---

[58] Макконнелл К.Р., Брю С.Л.. Экономикс. В 2 Т. - М.; «Республика, 1992. Т.1. С.380.

билдиради. Бир сўз билан айтганда, ўсиб борувчи иқтисодиёт эҳтиёжларни қондириш ва ижтимоий-маданий тадбирларни ҳал қилишнинг катта лаёқатига эга бўлади. Булардан ташқари, иқтисодий ўсиш ўз-ўзича жамият ихтиёридаги мавжуд иқтисодий ресурслар чекланганлиги каби мураккаб умумиқтисодий муаммоларни ҳал қилишни енгиллаштиради. Бошқача айтганда мантиқий вазият кўп жиҳатдан унчалик мураккаб эмас. Иқтисодий ўсиш қанчалик жадал бўлса, миллий иқтисодиёт олдида турган барча вазифаларни ҳал қилиш учун шунча катта потенциал мавжуд бўлади. Бизнинг фикримизча, бундай тасдиқлаш фақат чекланган ресурслардан фойдаланишни оптималлаштириш вазифаси ҳал қилинган, хўжалик тизими бир меъёрда ва барқарор ишлайдиган иқтисодий тизимлар учун мувофиқ келади.

Иқтисодий ўсиш ва миллий иқтисодий потенциали ўзаро боғлиқлигининг тўғрилиги шак-шубҳасиз аниқ ва шубҳаларга берилмайди. Амалий нуқтаи назардан эса у фақат инвестициялар ва иқтисодий ўсишнинг боғлиқлиги нуқтаи назардан тасаввур қилинади. Албатта, инвестицион фаоллик иқтисодий ўсишнинг энг муҳим шарт-шароитларидан бири ҳисобланади, лекин бунда у тўлиқ аниқловчи эмас. Инвестицияларнинг иқтисодий ўсиш жараёнидаги ролини махсус қараб чиқиш мақсадга мувофиқ, аммо буни иқтисодий ўсиш тушунчасининг асосий мазмуни очиб берилгандан кейин амалга ошириш лозим.

Шундай қилиб, юқорида зикр қилинганларни жамлаб, оралиқ хулоса чиқарамиз - иқтисодий ўсиш ўз мазмунига кўра иқтисодий тизимлар қисмлари яхлитлигининг шундай даражасини акс эттириши зарурки, унинг фарқ қилувчи сифат белгиси ривожланишининг реал жараёнини ва потенциалини аниқлаш ҳисобланади. Бундай ёндашув миллий иқтисодий тизимлар ривожланиши хусусиятлари бўйича фарқларни қўшимча тадбиқ қилишга ёрдам беради.

Ўз-ўзидан маълумки, Ўзбекистон учун ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини яратиш муҳим ҳисобланади. Шундай экан, иқтисодий ўсиш

фойдаланадиган чекланган иқтисодий ресурслар самарадорлигини оширишни таъминлаш зарур. Бу фақат харажатлар қисқариб борганда, ишлаб чиқариш натижаларини максималлаштиришни таъминлайдиган тармоқлар фойдасига чуқур таркибий ўзгаришлар рўй берган шароитида реалликка айланиш мумкин. Шу сабабли, Ўзбекистон миллий иқтисодиётида иқтисодий ўсишнинг мазмунини фақат битта миқдорий тавсиф билан чеклаш мумкин эмас. Унга ялпи миллий маҳсулотни яратиш ва ундан фойдаланиш жараёнида рўй берадиган таркибий ўзгаришлар таъсири орқали қараш зарур.

Республика Президенти И.А. Каримов таъкидлаб ўтганидек, «макроиқтисодий нисбатлар, инфляцияни пасайтириш, пул ҳажмини ва давлат бюджети тақчиллигини чеклаш - буларнинг барчаси бозор механизмига амал қилишнинг, иқтисодий, молиявий барқарорликнинг ва собитқадамлик билан ўсишнинг муқаррар, энг мухим шартидир».[59] "Агар, кейинги вақтда йилдан-йилга инфляция даражаси пасайишига нақд пул эмиссияси ҳажмининг қисқаришига ва бюджетни ялпи ички маҳсулотга нисбатан 3,0 фоиздан ошмайдиган тақчиллик билан бажаришга эришаётганлиги ҳисобга олинса",[60] ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида асосий эътибор қатор макроиқтисодий пропорцияларга қаратилиши зарур. Бу, ўз навбатида тегишли омилларни аниқлашни тақозо қилади. Ҳар бир миллий иқтисодиёт ўзининг махсус иқтисодий ўсиш омиллари тўпламига эга бўлади. Бу масалани ёритишда, дастлаб чет эл иқтисодий фанида кўлланилган ёндашувларга эътиборни қаратиш керак.

Мазмундор мисол сифатида ривожланиш (иқтисодий ўсиш) нинг юқори ривожланган миллий хўжаликлар тизимига хос бўлган муаммоларига тўхталамиз. Бу ҳолатларни ажратиб кўрсатиб, республика миллий иқтисодиётини ривожлантириш хусусиятлари билан боғлиқ равишда мазкур муаммолар бизнинг олдимизда хам туришини ҳисобга оламиз.

---

[59] Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.- Т.; «Ўзбекистон», 1998.- 369 бет.
[60] И.Каримов. Барқарор тараққиётга эришиш - устувор вазифа. «Халқ сўзи» 1998 йил 26 февраль. №41.

Республика иқтисодиёти олдида турган муаммолар нуқтаи назаридан тан олиш керакки, ҳозирги замон йирик корпорацияларининг ўзи жорий юз йилликнинг иккинчи ярмида илғор мамлакатларда шиддатли иқтисодий ўсишнинг натижаларидан биридир. Шундай қилиб - корпорацияларнинг самарали фаолият қилиши-бу бир вақтда иқтисодий ўсишнинг омили ва натижасидир.

Йирик корпорацияларнинг ривожланиши ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ўрганиш энг муҳим ва қизиқарли назарий масалалардан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда халқаро характерга эга бўлган йирик корпорациялар 40 фоизгача саноат ишлаб чиқаришини ва жаҳон ташки савдосининг ярмидан кўпроғини назорат қилмоқда. Фақат 300 та энг йириклари жаҳон активларининг 1/4 қисмидан кўпроғини, ҳукмрон мавкеига эга бўлган 100 та трансмиллий корпорациялар чет эллардаги тўғридан-тўғри олинган капитал қўйилмаларнинг деярли 90 фоизини назорат килади. БМТ Маркази тадқиқотчилари трансмиллий корпорациялар бўйича худди шундай хулосага келган бўлиб, бу уларнинг IV хабарномасида ўз аксини топган. Кўрсатилган хабарномада БМТ мутахассисларининг трансмиллий корпорацияларининг жаҳон иқтисодий ривожланишидаги ролини қайта баҳолаш вақти келди, деган фикри жуда яхши келтирилган. Бу қайта англаш бир қатор ҳал қилувчи йўналишларга эга. Бизнинг муоммоларимиз нуқтаи назаридан улардан энг мухимлари, биринчидан, бозор рақобати қонуниятларининг ўзгариши, иккинчидан, йирик корпорациялар активларини жаҳон иқтисодининг технологик жиҳатдан энг такомиллашган секторларига тўпланиши ҳисобланади.

Корпорациялар устувор мавкеига эга бўлган иқтисодиёт - бу эркин рақобат асосида ривожланадиган классик бозор иқтисодиёти эмас. 50-йиллар охирларида чет элларда анча муҳим тадқиқотлар пайдо бўлиб, уларда корпорациялар иқтисодий муносабатларнинг бутунлай янги тизими сифатида тассавур қилинади. Корпоратив иқтисодиёт учун баҳоли рақобат ўз ўрнига эга эмаслиги, баҳолар барқарорлиги ва қайд қилинганлиги характерли бўлиб,

улар кўп жиҳатдан маъмурий тартибда ўрнатилади. Натижада, А.Смитнинг машҳур «кўринмас қўллари» ўрнига бошқа "корпоратив кўринмас қўллари" алмашиниши тўғрисида хулоса чиқарилади. Албатта, масаланинг бундай қўйилишига ҳамма ҳам бир хил фикрда эмас, жумладан, охирги ўн йилликларда монетаризм деб номланувчи оқим вакиллари мавқеининг кучайиши бундан гувохлик беради. Улар учун эркин рақобатни ҳар қандай тартибга солишни чеклаш талабига қаратилган қарашлар характерли.

Шу билан бирга, корпорацияларнинг тизим ташкил қилувчи роли ва уларнинг янги илғор технологияларни ўзлаштириш соҳаларида пайдо бўлишининг аҳамиятини амалда барча тадқиқотчилар ижобий баҳолайди. Иқтисодий ўсиш муаммолари нуқтаи назаридан караб чиқилганда буларнинг барчаси нимани англатади? Фикримизча, анча илғор мамлакатларда иқтисодий ўсишни янада равнақ топтириш биринчи навбатда йирик корпорациялар, уларнинг мақсадга мувофиқ инвестицион сиёсати билан боғлиқ. Уларнинг фаолиятини уйғунлаштириш кўпгина давлат воситачилигида амалга оширилади.

Бу масалада нафақат соф назарий синчковлик ўз ифодасини топган. Бизнинг республикада иқтисодий ўсишни молиялаштириш масалаларини ҳал қилишда, бу соҳадаги умумжаҳон тамойилларини ҳам ҳисобга олиш зарур. Айниқса, ислоҳотлар жараёнида миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалиги тизимига изчил интеграцияси вазифаси, жумладан, чет эл инвестицияларини фаол жалб қилиш йўли билан ҳал қилинади.

Чет эл иктисодий фанида жуда кенг мунозарага эга бўлган бошқа муаммо - бу иқтисодий ўсишнинг меъёрлари масаласидир.[61] Биринчидан, иқтисодий ўсиш асосида ётувчи индустриялаштириш ва техника тараққиёти, муқаррар кўп миқдордаги зарарли моддаларнинг ташкил топишига олиб келиши таъкидланади. Ишлаб чиқариш ривожланиб бориши билан улар ишлаб чиқариш ва маиший чиқитлар кўринишида атроф мухитга, тупроққа, сув манбаларига чиқариб ташланади. Натижада, инсонлар ҳаёт кечириш

[61] Рузавин Г.И.Основы рыночной экономики.- М, 1996г., С.374-377.

мухити бўлган биосфера ўзининг ўлчамларини ўзгартиради ва у аста-секин инсоният жамияти учун яроқсиз ҳолга келиб қолади.

Иқтисодий ўсишнинг ҳозирги шароитида фан-техника тараққиёти таъсир остида автоматлаштириш ва робот техникасини қўллашнинг жадал ривожланиши ишчи ўринлари сонини қисқартириши тўғрисидаги тасаввурлар айнан шу муаммо билан мустаҳкам боғланган. Демак, мазкур жамиятда ишсизлар сони ортади. Бу тамойил чуқур ижтимоий из қолдиради, чунки кўплаб ишчиларнинг ўз меҳнатлари таклифи учун жой қолмаслиги, жамиятда эртанги кунга хавотирланиб қарашни кучайтиради.

Юқорида келтирган далиллардан шунчаки эътибор бермасдан ўтиб кетиш мантиқий жиҳатдан нотўғри бўлар эди. Улар диққат-эътибор билан қараб чиқилиши зарур. Бизнинг тасаввуримизча, иқтисодий ўсишга қарши бу далиллар, улар билан боғлиқ равишда келиб чиқадиган муаммолар, умумий иқтисодий қонуниятлар билан эмас, балки хўжалик ривожланиш даражасида ифодаланган миллий иқтисодиёт хусусиятлари билан боғлиқлигини кўрсатади.

Республика Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўттанидек, Ўзбекистон, улкан табий хом ашё потенциалига эга бўлиб, бу ерда Менделеев даврий системасининг барча элементлари топилган. Умумий хом ашё потенциали 3.3 триллион АҚШ долларидан ортиқ баҳоланади. Бунда мавжуд стратегик ресурслар-нефт ва газ конденсати, табиий газ, қимматбаҳо металлар ва бошқа шу кабилар алоҳида рол ўйнайди. Уларнинг кўпчилиги бўйича Ўзбекистон дунёда етакчи ўринни эгаллайди.

Инсон салоҳияти (аҳолининг саводхонлиги 99 фоиздан юқорилиги), фан ва илмий инфраструктуранинг ривожланиш даражаси бўйича, Ўзбекистон иқтисодий тараққий этган мамлакатлар билан бир қаторда туради. Шундай қилиб, таклиф омиллари ичида нисбатдан кўпроқ чекланган ва ривожланишни тутиб турувчиси мавжуд асосий капитал ва капиталлашган бойликлар етарли эмаслиги ҳисобланади. Уларни маълум даражада нафақат таклиф, балки талаб омиллари сифатида ҳам қараб чиқиш

лозим. Шу сабабли, технологик ускуналарнинг ҳозирги даврдаги ролини, унинг чекланган ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигига таъсирини ҳисобга олиб, жамғарилган капитал ускуналарни талаб томонидан қараб чиқилса анча тўғри бўлади. Бунинг тасдиғи сифатида, иқтисодий ўсишни таъминлаш учун қандай омиллар энг аҳамиятли ҳисобланишига бағишланган ҳозирги замон тадқиқотлари натижаларини мисол қилиб келтириш мумкин. Аввало, шуни таъкидлаш лозимки, фақат ялпи сарфлар тўлиқ бандликни ушлаб туриш учун етарлича бўлиб, қўшимча ресурслар маҳсулот чиқаришнинг максимал имкониятини таъминлайдиган қилиб тақсимланганда ҳақиқий иқтисодий ўсишга эришилади. Бундай мақсадли йўл тутишда қуйидаги натижалар энг характерли бўлиб қолади.

Бир қатор ғарб иқтисодчиларнинг амалга оширган, тажрибаларидан келиб чиққан тадқиқотлари шуни кўрсатадики, меҳнат унумдорлигининг ортиши иқтисодий ўсишга энг кўп даражада таъсир кўрсатади. Унинг улушига ўсиш суръатининг тахминан 70% тўғри келади, меҳнат сарфлари улуши қолган 30% ни ташкил қилади. Турли мамлакатларда бу рақамлар кўрсатилган миқдорлар атрофида тебранади. Аксинча, кам ривожланган мамлакатларда нисбатан унча катта бўлмаган иқтисодий ўсишга кўп жиҳатдан меҳнат сарфлари ҳисобига эришилади.[62] Инвестицияларга бундай кенг маънода ёндашишда у иқтисодий ўсишнинг манбаи сифатида тасаввур қилинади. Бундай ёндашишда инвестицион ресурсларидан фойдаланиш фаоллиги муаммоси кўтарилади ва бу Кейнс даврида «мультипликатор самараси» номи билан машҳур бўлган инвестицияларнинг ажойиб хусусиятида ўз ифодасини топади.

Жаҳон бозорининг қараб чиқилаётган секторида рақобат ҳолати билан вазият ўзгаради. Рақобатга лаёқатлилининг асосий ўлчамларини энди ривожланаётган ёки миллий иқтисодиёти ўзгаришларга учраётган мамлакатлар эмас, балки ўзларининг иқтисодий ўсишдаги муаммоларни учинчи дунё мамлакатлари ўсиб борувчи бозорлари билан боғланган, саноат

---

[62] Рузанин Г.И. Основы рыночной экономики. М., 1996 г.,с.380.

жиҳатдан ривожланган мамлакатлар белгилаб беради. Улар ялпи талабнинг ўсишини ўзларининг миллий ёки биргаликдаги ишлаб чиқаришлар томонидан билдирилган таклиф билан мос равишда тўлдиради. Булардан ташқари, агар иқтисодий ўсиш муаммоларига ёндашиш ҳақида гап кетганда, унинг омилларини баҳолашга ёндашишнинг ўзгариши каби далилларга алоҳида тўхталиб ўтиш зарур. Умуман, омилларни ўрганишга ёндашув одатига асосан иккита-экстенсив ва интенсив мезонлар бўйича амалга оширилади.

Шундай қилиб, миллий иқтисодиётнинг самарали тузилиши, нафақат иқтисодий ўсишнинг мазмунига, балки унинг омилларига ҳам дахлдор бўлади. Ўзбекистонда иқтисодий ривожланишнинг энг кескин муаммоларини ҳисобга олиб, бу иш доирасида нафақат ЯИМнинг аҳоли жон бошига ўсиш муаммоларига, балки кутилган таркибий самарани таъминлаш мумкин бўлган иқтисодий ўсишни молиялаштиришнинг хусусиятларига асосий эътибор қаратилади.

7.5.Фан-техника тараққиётини рағбатлантиришда давлатнинг молиявий фаолияти

Иқтисодиётда юз бераётган хусусийлаштириш ва кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш билан боғлиқ жараёнлар таъсирида, фан-техника тараққиёти-кичик бизнес тараққиётининг асосий омилига айланмоқда.

Инновацион бизнес-мамлакат тарққиётининг асосини ташкил этувчи фаолиятдир. Мамлакатимизда сўнгги пайтларда фан-техника тараққиёти, фақатгина, инновацион жараённинг ички хусусиятларини инобатга олмайдиган ҳамда бюджетдан молиялаштириш ва режалаштиришга боғлиқ бошқарув асосида, йирик давлат корхоналарида амалга оширилиб келинди.

Мустақилликдан сўнг инновациялар соҳасида ташкил этилган кўпгина корхоналар, бир неча йил фаолият юритишга улгурмасдан, ўз фаолиятини тўхтатишади. Бунга ўша пайтда инновацион бизнес ривожланишига

тўсқинлик қилган юқори соликлар, капитал етишмаслиги, бу соҳадаги билим ва ахборотнинг етишмаслиги каби ноқулай омиллар ўз таъсирини ўтказди. Шу билан биргаликда, мустақил ташкил этилган инновацион фирмалар давлат томонидан етарлича қўллаб-қувватланишига ишонч билдирмади. Мазкур соҳада амалга оширилган фаолият, инновацион бизнес билан шуғулланаётган тадбиркорлар муаммоларини ҳал қилиш учун етарли бўлмади.

Ўзбекистон иқтисодиёти учун, бу соҳа, анча янги ва давлат томонидан пухта ишлаб чиқилган қўллаб-қувватлашга муҳтожлигича қолмоқда. Ўзбекистонда инновацияларни қўллаб-қувватлаш миллий тизимининг ишлаб чиқилмаганлиги ва турли мулкчиликка асосланган иқтисодиётни шакллантиришда, унинг асосий таркибий тузилмаси сифатида урғу берилаётган кичик бизнес корхоналари фан-техника тараққиётининг молиявий дастакларини илмий жиҳатдан етарлича ўрганилиши керак.

Иқтисодий адабиётларда "Инновация" терминига аниқлашга қаратилган бир қанча таърифлар мавжуд. Инглизча луғатларга кўра "Инновация" -бу янгилик киритиш, янгилик, ўзгариш демакдир.

В.А. Макаренко таҳрири остида нашр этилган замонавий тушунча ва терминларнинг қисқача луғатида "инновация терминига кенгроқ тушунча келтирилган. "Инновация" (инг. innovation–янгилик киритиш, янгилик; лотинчадан innovatio-тикланиш, янгиланиш дегани маънони билдиради"[63].

Инновациянинг маъноси:

- ⇒ техника ва технология авлодини алмашинувини таъминловчи, иқтисодиётга маблағ йўналтириш;
- ⇒ илмий-техника тараққиётининг маҳсули бўлган янги техника, технологиядан фойдаланиш;
- ⇒ янги ғояларни ишлаб чиқиш, синтезлаш, янги назария ва моделларни яратиш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш;

---

[63]В.А. Макаренко. Краткий словарь современных понятий и терминов. - М.: Республика. 2000. стр.201.

⇒ индивидуал тусдаги, такрорланмас, сиёсий дастурларни амалга ошириш;

⇒ тилшуносликда янгидан ташкил этиш, нисбатан янги кўриниш каби мазмун беради.

Айтиш мумкинки, инновацияларни (янгилик киритиш, янгилик, ўзгариш) инсоният фаолиятининг барча жабҳаларида қўллаш мумкин.

Шундай қилиб, инновация – бу тадқиқотлар ва ишланмалар натижаси бўлиб, янгилик ёки ижтимоий-иқтисодий ечимларни такомиллаштиришдир. У инсоният фаолиятида қўллаш орқали жамият томонидан тан олинишига эришиш учун ҳаракатда бўлади. Шунга мувофиқ, инновацияларни амалга ошириш жаарёни фан-техника тараққиёти деб юритилади. У қуйидаги йўналишларда янгиликни ихтиро қилиш ва жорий қилишни ўзида мужассамлаштиради:

- янги маҳсулот;
- янги технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни ташкилий шакли;
- янги бозорлар;
- янги бошқарув жараёни ва ижтимоий-иқтисодий масалаларнинг ҳал этишилиши, уларга мос равишда, янги молиявий дастаклар ва ташкилий тузилмалар.

Шундай қилиб, инновацияларни жорий килишнинг энг оптимал даражалари ҳақида фикр юритиш ўринли бўлади. Тадқиқотчилар инновацияларнинг тор таърифлари билан чегараланмасдан, унинг учта асосий хилини ажратиб кўрсатадилар: маҳсулотлар, техника-технология ва ташкилий бошқарув[64].

Маҳсулотлар инновацияси энг кенг тарқалган бўлиб, жуда кўп корхоналарда мавжуд. Бунда бир корхонадан бошқа корхонага ўтиш характери фарқланади. Айримлар учун-анъанавий профилга кирувчи маҳсулотлар ассортиментини алмаштириш ёки маҳсулотлар сонини

[64] Кабалина В., Кларк С. Инновации на промишленних предприятиях. // Вопроси Экономики . 2001. №7.стр19

сезиларли даражада ошириш, бошқалар учун-истеъмол талабларини инобатга олган ҳолда, анъанавий маҳсулотнинг истеъмол сифатини оширишдир. Баъзан янги маҳсулот ишлаб чиқариш технологик ўзгаришларсиз, эски асбоб-ускуналарда амалга оширилади, баъзида эса, янги маҳсулот ишлаб чиқариш корхонанинг янги техник-технологик жиҳатдан жиҳозлаш билан амалга оширилади.

Технологик инновацияларнинг етакчи мотиви бўлиб, бозор талабини қондирувчи янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳисобланади. Шунинг билан бирга, инновацияларнинг юзага чиқарувчи сабаблар турличадир: технологик жараённинг такомиллашуви, ресурсларни иқтисод килиш, экологик талаблар, замонавий технологик қарорларнинг етишмаслиги ва бошқалар.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини ошириш, таннархини тушириш ва хилларини кенгайтириш орқали унинг рақобатбардошдигини ошириш, технологик янгликларни жорий қилишнинг асосий мақсади ҳисобланади. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, кейинги пайтларда корхоналарда ускуналарни алмаштириш, асосан рақобатга қарши восита эмас, балки уларнинг маънавий эскириши туфайли амалга оширилмокда.

Ташкилий-бошқарув инновациялар кўпрок фирманинг барча даражаларида янги бўлимларни, бўлинма ва хизматларни ташкил этиш орқали тавсифланади. Масалан, маркетинг бўлимлари, янги йўналишлар ва маҳсулотни сотишнинг янги усулларини яратиш. Бунда ишлаб чиқариш ва персонални бошқариш усулларини такомиллаштириш ва самарасини ошириш бўйича инновация чора-тадбирларини кўриш мумкин.

Ҳеч кимга сир эмаски, жамият учун кўпгина керакли ғоялар, фаннинг потенциали етарлича очиб берилиб тақдим этилмаганлиги учун татбиқ этилмасдан қолган. Бу ишни фақат ғояларни ҳаётга татбиқ этиш учун курашга тайёр кишиларгина яхшироқ амалга оширишлари мумкин. Чунки, ғоялар билан бевосита боғлиқ-муаллиф, ҳаммуаллиф ёки ушбу ғояларни

туғилишида иштирок этганларгина уни ҳаётга тадбиқ этишга бошқалардан кўра кўпроқ ишонади.

Маҳсулотлар инновацияси, кўпчиликни қизиқтирганлиги учун ҳам, яшаб колиш имкониятлари кўпрок. Инновация қилувчининг вазифаси ҳам инновацияни одамларнинг амалий фаолиятига айлантиришдан иборат. Шу нуқтаи назардан инновация қилувчиларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ўз ихтиросини (ғояни) амалга ошириш билан боғлиқ тўсиқларни енгиб ўтган ихтирочи;
- воситачилар (маслаҳатчилар)- тадбиркорлик тузилмалари ёки жамоат фикрини инновациялардан фойдаланишга йўналтирувчилар;
- ўз ихтироларини (ғояни) қонуний асосда сотиб олиб, уларни амалиётга тадбиқ этадиган тадбиркорлар;
- давлат ва жамият ҳаётининг маълум йўналишида фойдаланиш учун ихтирога (ғоя) ижтимоий аҳамият берадиган давлат ва жамоат арбоблари.

Фойда ва зарарлар (ёки харажатлар ва даромадлар)-бу бозор иқтисодиёти шароитида фаолият юритишни мақсадга мувофиқлигини кўрсатувчи ёки самарасиз фаолиятидан воз кечишга ундовчи асосий кўрсаткич ҳисобланади. Инновациялар мавжуд мувозанатни бузади ва иқтисодиётни янги мувозанат сари ривожланишга ундайди. Бу, жамият ривожини таъминловчи ҳар кунлик ва ҳар дақиқада содир этиладиган меърий жараёндир.

Жамият ҳаётининг турли йўналишларини бошқаришда йўл қўйиладиган хатолар ёки сиёсий воқеалар, шунингдек, айрим фалокатлар натижасида юзага келадиган инқирозлар инновацияларнинг юзага чиқишига туртки бериши мумкин. 1973 йилда нефт нархининг бирдан ўсиб кетиши, саноатлашган мамлакатларни табиий ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш йўлларини қидиришга мажбур этди. Натижада, «Катта еттилик"ка (АҚШ, Япония, Германмия, Буюк Британия, Франция, Италия ва

Канада) кирувчи мамлакатлар ЯИМ энергия истеъмоли 1973 йилдан 1989 йилгача 4 мартага кискарди.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида инновация ва илмий-техника соҳасидаги сиёсатнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлиши лозим: ишлаб чиқариш самарадорлиги ва рақобатбардошликни оширишга таъсир этувчи, инновация ва илмий-техника соҳасининг устувор йўналишларини аниклаш ва амалга ошириш; фан-техника тараққиётини рағбатлантиришнинг ҳуқукий, иқтисодий ва молиявий шароитларини юзага чиқариш. Давлатни иқтисодиётни инновацион ривожлантириш ва саноат корхоналарини технологик жиҳатдан қайта куроллантиришнинг асосий инструментлари-бу давлатнинг максадли дастурларини ишлаб чиқишдир. Мазкур дастурнинг асосий мақсадлари қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

1. Натижалари ўрта муддатли шароитларда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга имкон берувчи, илмий ва технологик инновацияларни давлат томонидан ташкиллаштириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш.
2. Илмий-техника тадқиқотлари – амалий-техник тадқиқотлар-технологиялар-рақобатбардош маҳсулотни саноат ишлаб чиқариш циклини узлуксизлигини таъминлаш.
3. Дастур доирасида ишлаб чиқилган ва ўзлаштириладиган, прогрессив, ресурсларни тежайдиган инновацион технологиялар бўйича инвестицион лойиҳаларни амалга оширишга хамкорлик килиш.
4. Илмий инновация ва саноат соҳаларида янги иш ўринларини яратиш.

Давлатнинг фан-техника тараққиётини тартибга солиш соҳасидаги тартибга солиш тизими қуйидаги элементларни ўз ичига олиши зарур:

- давлат сиёсатининг аниқ белгиланган мақсадларини;
- белгиланган мақсадларни амалга оширадиган бошқарув органлари ва уларнинг функциялари;
- бошқарув функцияларини тўлиқ амалга оширишда тартибга солиш

объекти ҳақида ахборот берадиган ахборот тизими;

- давлат бошқарув органларининг қўллаб-қувватлаш ва тартибга солиш инструментлари.

Давлатнинг фан-техника тараққиётини тартибга солишнинг асосий инструментларига нафақат унинг элементлари тааллуқли бўлади, балки:

- давлатнинг илмий имтиёзлар тизимига мувофиқ, илмий тадқиқотлар ва ишланмалар соҳаси ўртасида бюджет ва бюджетдан ташқари ресурсларни таксимлаш орқали илмий-техника янгиликларини давлат томонидан тўғридан-тўғри қўллаб-қувватлаш;
- инновацион жараёнларнинг субъектларига турли хил имтиёзларни тақдим этиш (ҳам инновацияларни амалга ошираётган бевосита тадбиркорларга, ҳам уларни у ёки бу даражада қўллаб-қувватлаётган инфратузилма элементларига);
- иқтисодиётда инновацион муҳитни шакллантириш ва илмий-техник ахборотлар миллий хизматини, патентлаш ва лицензиялаш, стандартлаштириш, сертификатлаш, статистика, хорижий тажрибани ўрганувчи таҳлилий марказлар, илмий техник ривожланишни прогнозлаштирувчи кадрларни тайёрлаш кабиларни ўз ичига олувчи тадқиқотлар ва ишланмалар таъминоти инфратузилмаси ҳамда улар асосида қарор қабул қилувчи шахсларни устувор илмий, миллий тизимлар билан таъминлашдан иборат.

Ривожланган мамлакатларда инновацион фаолиятини молиявий рағбатлантиришда солиқ имтиёзлари муҳим рол ўйнайди. Улар корпарациялар фаолиятининг давлат ҳоҳлаган йўналишларини, шу жумладан, илмий-техник тараққиётни, экспорт ва иновацион бизнеснинг фаолияти йўналишини рағбатлантиришга қаратилган бўлади.

Солиқ имтиёзлари орасида асосий бештасини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- янги асбоб-ускуна ва капитал қурилишга ажратилган капитал қўйилмалар миқдорида фойдадан чегирмалар;

- илмий-тадқиқ учун сарфланган харажатлар ҳажмини солиққа тортиладиган даромадлардан чегириш;
- илмий тадқиқотлар учун ишлатиладиган айрим турдаги асбоб-ускуналар харажатларини жорий харажатлар сифатида юритиш;
- фойда фондидан солиққа тортилмайдиган махсус фондниng шакллантирилиши;
- фойдани пасайтирилган тарзда солиққа тортиш.

Шунингдек, Европа мамлакатларида инновацион фаолликни ошириш мақсадида давлат кадрлар тайёрлашни тез-тез рағбатлантириб туради. Масалан, Францияда кадрлар тайёрлашга харажатларнинг 25 фоизга ошиши уларни солиқдан озод этилади. Ишсизлик суръатлари катта ҳудудларда бундай харажатлар умуман солиқдан озод этилади.

Агар мавжуд инструментлар ҳаракат йўналиши, тартибга солиш объектининг муҳим муаммоларини ечишга қаратилган бўлса, унда у идеал ҳисобланди. Аммо бугунги ижтимоий-иқтисодий шароитлар даврида ҳеч қандай сиёсат такомиллашган бўла олмайди ва иқтисодиётнинг эркинлашуви шартларини инобатга олган ҳолда, давлатнинг стратегик ва жорий мақсадлари кўпчилик ҳолатларда бир-бирига қарама-қарши ва доимий ўзгарувчан бўлади. Ўз навбатида, фан-техника тараққиётини қўллаб-қувватловчи ва тартибга солувчи инструментларнинг шаклланиши зарурий ҳуқуқий асосни яратиш, шунингдек, давлатнинг фан-техника тараққиётини рағбатлантирувчи сиёсатини шакллантириш орқали амалга оширилади.

Республикамизда кўп укладли иқтисодиётни шаклланиши ва фан-техника тараққиётини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш амалга оширилаётган бугунги кунда, фан-техника тараққиётини рағбатлантиришнинг молиявий дастакларидан самарали фойдаланиш, жамият тараққиётининг асосий омили ҳисобланади.

7.6. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг молиявий масалалари

Иқтисодий тараққиётнинг турли босқичларида мамлакат молия тизимининг йўналтирилган сиёсатнинг мазмуни ва вазифалари ўзгариб боради. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар таажрибаси шуни кўрсатадики, бюджет-солиқ сиёсати мамлакат молия тизимининг асосини ташкил этади. Мавжуд молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни тўғри йўналтириш, самарадорлигини ошириш ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашда бюджет-солиқ муносабатларининг қандай асосга таянилаётганлиги жуда муҳимдир. Бюджет-солиқ сиёсатининг яхлитлигига эришиш мамлакатда макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга самарали бюджет сиёсатини юритишга аҳоли турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилади.

Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигини таъминлашнинг ҳозирги ҳолати омиллари ва мезонларини ўрганиб чиқиб, таҳлил қилиш жараёнида ва бу борадаги чет эл тажрибаларини умумлаштириб, қуйидагиларни келтириш қилиш мумкин:

1.Иқтисодий адабиётларнинг кўпчилигида ўрганилаётган муаммога нисбатан бир томонлама ёндашув мавжуд. Бунда асосан солиқларнинг фискал хусусиятларига эътибор қаратилиб, уларнинг рағбатлантириш функциялари тўлиқ таҳлил этилмаган. Яъни, солиқ ва имтиёз диалектикаси ва уларни бюджет даромадлари ва харажатларига таъсирининг аниқ мезонлари белгилаб берилмаган. Бундан ташқари, «бюджет-солиқ сиёсати» эмас, балки «солиқ -бюджет сиёсати» деб талқин этилади. Яъни, ушбу масалада бюджетнинг асосий моҳиятини белгилаб берувчи омил унинг харажатларига нисбатан тизимли ёндашувнинг йўқлиги яққол сезилиб туради. Шунинг учун бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларда фақат даромад манбаларини шакллантириш, уларни бюджетга жалб этиш усулларигина эмас, харажатларнинг таркибий ўзгариши, улардан фойдаланиш самарадорлиги, харажатлар ва

даромадларнинг ўзаро боғлиқлиги масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарур.

2.Ҳозирда «бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигини таъминлашининг омиллари ва мезонларини баҳолашни ягона тизимлаштирилган методологияси ва асослари бўйича назарий қарашларнинг мукаммал тизими мавжуд эмас. Мавжуд назарий изланишлар бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигини таъминлаш ва унга таъсир этувчи омиллар ва мезонларни тўлиқ ёритиб бера олмайди, яъни ҳеч бир адабиётларда ўрганилаётган муаммонинг аниқ мезонлари кўрсатилмаган.

Бизнинг фикримизча, бундай мезонларни ишлаб чиқишда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

- давлатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражаси;
- давлат бюджети даромадлари ва харажатлари таркиби ва уларнинг самарадорлик кўрсаткичлари;
- ялпи ички маҳсулот таркибидаги солиқлар ва бошқа тўловлар улуши;
- аҳолининг турмуш даражаси;
- солиқларнинг аҳоли ва иқтисодий тармоқлар ўртасида тақсимланиш хусусиятлари;
- давлат молия сиёсатининг асосий йўналишлари;
- мавжуд иқтисодий ҳолатдан келиб чиқиб белгиланган вазифалар кўлами;
- бюджет тақчиллиги даражаси .

3.Ўрганилаётган муаммони тахлил қилиш жараёнида ушбу соҳадаги қонунчилик тизимини ҳам такомиллаштириш зарур эканлигини яккол кўзга ташланади. Гарчи 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар бюджет - солиқ сиёсатини тартибга солиш ва назорат қилиш асосларини белгилаб берса-да, улар ўртасида айрим бир-

бирини инкор этувчи зиддиятлар мавжудки, бу зиддиятлар ўрганилаётган муаммони ҳал этишда салбий таъсир кўрсатади. Чунки, бюджет сиёсати ва солиқ сиёсатини бир-биридан ажратиб қўйиш мумкин эмас. Бюджет-солиқ сиёсатининг яхлитлигига эришиш бюджет ижроси жараёнининг такомиллаштириш, ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётга мос келадиган бюджет тизимини яратиш учун меъёрий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш зарур. Шунинг учун Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини қабул қилиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

4.Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ЯИМ га нисбатан солиқларни бюджетга жалб этишнинг аниқ меъёрий чегаралари шакллантирилган. Бу чегара ўртача 20-22 % ни ташкил этади. Бизнинг республикамизда ҳам ушбу меъёрий чегара даражасига эришиш лозим. Бунинг учун бюджет даромад ва харажатлари бўйича чуқур таркибий ўзгаришлар ва ислоҳотларни амалга ошириш зарур.

Хусусан, бюджет даромадларини шакллантириш жарёнини такомиллаштириш максадида:

- солиқ қонунчилигини такомиллаштириш, соддалаштириш, уларга қонуний аниқлик киритиш, солиқ ставкаларини пасайтириш, солиққа тортиш базасини кенгайтириш;
- солиқ имтиёзларини реал тарзда қайта кўриб чиқиш, самарасиз имтиёзлардан воз кечиш;
- ягона солиқ базасига эга бўлган солиқларни бирлаштириш;
- солиққа оид жиноятчиликка қарши курашда кескин чоралар қўллаш ва бошқалар.

Бюджет харажатларини такомиллаштириш эса қуйидаги йўналишларда бўлиши керак, деб ҳисоблаймиз:

- бюджетдан молиялаштириладига муассасаларни инвентаризация қилиш;
- бюджет ташкилотларининг ходимларини иш ҳақларини таҳлил қилиб чиқиш ва уларнинг моддий таъминотини яхшилаш

юзасидан кенг кўламда ишлар олиб бориш;

- босқичма-босқич бюджетдан бериладиган дотация ва субвенциялардан воз кечиш;
- давлат қарзларига хизмат кўрсатадиган харажатларни оптималлаштириш;
- бюджет ташкилотлари томонидан истеъмол қилинадиган электр энегия, табиий газ каби коммунал хизматларни меъёр доирасида ишлатилишини назорат қилишни кучайтириш;
- бюджет ташкилотлари томонидан тузиладиган шартномалар устидан назоратнинг тизимли механизмини яратиш;
- кредитор қарзларни тартибга солиш, бюджет ташкилотлари фаолиятини назорат-тафтиш қилишни кучайтириш.

5. Иқтисодиётдаги солиқ юкини баҳолаш амалий аҳамиятга эга бўлиб, солиқ тўловчиларнинг молиявий аҳволига таъсир қилувчи ҳамма фискал омилларни ҳисобга олади. Ялпи оғирликни, шу жумладан, солиқ юкини (солиқ мажбуриятлари ва солиқ имтиёзлари), соф бюджет трансфертлари ҳамда яширин солиқлар ва субсидияларни характерлайдиган фискал кўрсаткичлардан фойдаланиш таклиф этилади.

6. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, давлат бюджети солиқли даромадларининг умумий ҳажми ЯИМга нисбатан тушиб бормоқда.

Бир томондан бу кўрсаткичга солиқ ставкаларини пасайишини, турли имтиёзлар ва давлатнинг иқтисодиётга аралашувини чегараланиши натижаси сифатида қараш мумкин. Аммо шуни унутмаслик керакки, бу ерда бошқа сабаблар корхоналар ва аҳоли даромадларининг пасайиши, айланма маблағларнинг ва истеъмолнинг камайиши мавжуд. Булар бюджетнинг даромадлар қисмини ва иқтисодиётга солиқ юкини чуқур таҳлил қилишни талаб этади. Шунинг учун консолидациялашган бюджет солиқли даромадларинг ЯИМга нисбатан тушиши фискал бошқаришнинг объектив индикатори ҳисобланмайди.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, бюджет-солиқ сиёсати олдида турган

муаммо ва вазифалар тизимли характерга эга. Ҳозиргача бюджет-солиқ сиёсати мамлакат ривожланишининг бирламчи ва устувор ижтимоий ва иқтисодий соҳа ечимларда даромадларни мобиллаштириш мақсадларига йўналтирилган эди. Шунга кўра, мавжуд солиққа тортиш механизмида рағбатлантиришдан кўра, фискал хусусиятлари сақланиб қолган. Қисман солиқ ставкаларининг туширилиши иқтисодиётдаги ялпи фискал юкни сақлаб қолган ва ўзгартирилмаган кўринишда амалга оширилди. Бир солиқдан берилган енгиллик бошқа солиқ ҳисобидан қопланди.

Эгри солиқларнинг юки охирги истеъмолчи зиммасига тушади, деб бир томонлама фикр юритиш нотўғри ҳисобланади. Биринчидан, эгри солиқларнинг ўсиши товар нархининг ўсишига олиб келади ва ўз навбатида товарга талаб қисқаради. Натижада таклиф ҳам камаяди ва бу реал солиққа тортиладиган базанинг камайишига олиб келади. Иккинчидан, республикамизда қўлланилаётган ва оралиқ ишлаб чиқариш истеъмоли босқичидан ҳисобланадиган эгри солиқлар юкининг ҳаддан ошиши иқтисодиётнинг реал секторида қийин молиявий аҳволи пайтида корхонанинг бюджет олдидаги қарзларини ошишига олиб келади.

Шунинг учун эгри солиқлар сонининг қисман аҳолига товарларни сотиш босқичида истеъмол солиғини сотишдаги солиқ киритилиши орқали ўтказиш самара бериши мумкин. Биринчидан, бундай истеъмол солиғининг киритилиши адолат тамойилига тўғри келади, чунки юқори даромадли аҳоли қатлами истеъмол даражасининг юқорилигига мувофиқ юқори солиқ суммасини тўлайди. Шунингдек, истеъмол солиғи бошқа тўғри ва эгри солиқларнинг пасайган қисмини қоплаши лозим.

7. Давлат молиясини стратегик таъминлаштиришда фискал ва иқтисодий функцияларнинг мувофиқлигини таъминлаш заруриятидан келиб чиқиб, солиқ турлари солиқ ставкалари, имтиёзлар тизимини ва харажатлар таркиби ва тузилиши ҳамда улар самарадорлигини ошириш бўйича қуйидагилар таклиф қилинади:

- қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғини ҳисоблаш механизмини

соддалаштирилган тартибини ишлаб чиқиш, имтиёзларни қайта кўриб чиқиш. Қўшилган қиймат солиғини табақалашган ставкаларини жорий қилиш, истеъмолчиларнинг кенг қатламлариаг мўлжалланган товарларга ва маҳсулотларга бўлган акциз солиғини бекор қилиш ёки ставкаларини пасайтириш, унинг ўрнига кумуш, биллур ва бошқа қимматбаҳо буюмлар учун акциз ставкаларини кўтариш;

- мол-мулк ставкаларининг табақалашган тартибини ишлаб чиқиш ва умумий ҳажмини ошириш;
- ижтимоий фондларга ажратмалар миқдорини 25 фоиз атрофида ги чегарада мустаҳкам сақлаш;
- жисмоний шахслар даромад солиғи бўйича имтиёз ва солиққа тортилмайдиган даромад миқдорини аниқлашда ва солиқ ставкасини белгилашда солиқ тўловчининг ижтимоий аҳволи ва оилавий шароитларини (болалар сони) ҳам эътиборга олиш.

Иқтисодий таҳлиллар натижаси шуни кўрсатадики, турли тармоқларда солиқ юкини ошираётган асосий омиллар эгри солиқлар ва ижтимоий фондларга ажратмалар (иш ҳақи фондига мажбурий тўловлар) эканлигини кўрсатмокда.

Жисмоний шахслар даромад солиқлари таҳлил қилинганда, асосий солиққа тортиладиган база ҳисобланган иш ҳаки нуқтаи назаридан мавжуд шароит қониқарли ҳисобланмайди. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш бўйича фискал сиёсатнинг мақсади аҳолининг ўрта ва юкори даромадли гуруҳларини ошириши керак.

8. Давлат бюджети маблағларини марказлаштириш ва бюджет ижроси самарадорлигини ошириш, бюджет маблағлари сарфланишини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш мақсалида бюджет ижроси жараёнида ғазначилик тизимини жорий этиш зарур. Бу бюджетнинг даромадлар қисмига маблағлар тушуми ва уларни мақсадли ишлатилиши устидан назоратни кучайтиради. Шу ўринда ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб,

ғазначиликни марказлашган ахборотлар тизимини жорий этиш ва унинг даромадлар ва харажатлар тизимини бошқаришда қўллаш таклиф этилади. Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигини таъминлаш жараёнида маҳаллий бюджетлар даромадлар базасини мустаҳкамлаш ва улар мустақиллигини ошириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, маҳаллий бюджетлар жами даромадларининг камида 70-80 фоизини ўз даромадлари ташкил этмоғи лозим. Бу эса бюджетдан ажратиладиган дотация ҳажмини камайтириш имконини беради. Бунинг учун маҳаллий бюджетлар ўз ҳудудий ва маҳаллий облигацияларини чиқаришларига кенг имкониятлар бериш керак. Маҳаллий бюджетлар эркинликларининг чекланганлиги, ўз даромадларидан манфаатдорлик даражасининг пастлиги уларни даромадлар базасини турли манбаларини, айниқса, солиқсиз манбаларини қўллашга бўлган қизиқишларини сўндирмокда.

9. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида солиқ имтиёзларини қисқартириш ва қуйидаги йўналишлар билан чеклаш лозим:

- инвестицияларни рағбатлантириш (ички инвестициялар учун кенг имкониятлар яратиш);
- кичик бизнесни рағбатлантириш. Бунда асосий эътиборни маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, ички бозорни тўлдириш ва экспортга маҳсулотлар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратиш;
- ижтимоий тавсифга эга аниқ мақсадга йўналтирилган имтиёзлар.

Ҳозирги босқичда солиқ юкини камайтириш учун қуйидагилар зарур. Фойдани солиққа тортиш ягона базасини барча тўловлар учун белгилаб, фойда солиғини ва даромад солиғини амалдаги ҳисоблаш механизмини бир хил қилиш ва вақтинчалик солиқ таътили ва янги барпо этилган корхоналар учун солиққа тортиш имтиёзли тизимини истисно этиш билан бир вақтда тадбиркорлик фаолиятидан зарар кўришлик бўйича меъёр жорий этиш. Бюджет-солиқ сиёсатини амалга оширишда солиқ юкини пасайтириш жуда муҳим ҳисобланади, чунки бу ҳуфёна сектор ҳажмини қисқартиришнинг, тадбиркорликни ривожлантиришнинг, корхоналар даромадини ошириш

хисобига ички инвестициялар салмоғини оширишнинг асосий жиҳатларидан биридир.

Таянч сўз ва иборалар

Солиқ юки, солиқ ставкаси, тақчиллик, иқтисодий ўсиш, инвестиция, инвестиция мухити, давлатнинг инвестиция сиёсати, қимматли қоғозлар бозори, инновация, фан-техника тараққиёти, ижтимоий сиёсат, ижтимоий барқарорлик, фоиз ставкаси, хорижий инвестиция.

Мавзу бўйича назорат учун саволлар

1. Ижтимоий сиёсатнинг молиявий муаммолари нималардан иборат?
2. Ижтимоий-маданий тадбир харажатларини молиялаштириш механизмини тушунтиринг.
3. Пул-кредит сиёсатини бюджет-солиқ сиёсати билан боғлиқлиги нималардан иборат.

Фойдаланилган адабиётлар

Ўзбекистон Республикасининг расмий ҳужжатлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.Т., Ўзбекистон, 1999. -39б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. Т.: 1999. Адолат. -123 б.(2001 йил 7 декабр ҳолатига кўра ўзгартириш ва қўшимчалар).
3. Ўзбекистон Республикасининг Божхона Кодекси. // Халқ сўзи 1998. 3 январ.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни. //Халқ сўзи, 1997. 29 август.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни. //Халқ сўзи. 2000. 14 январ.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат бюджетига солиқлар ва бошқа тўловлар бўйича имтиёзлар беришни тартибга солиш тўғрисида»ги 1999 йил 26 июн Фармони. Т.: 2000. Адолат.
7. Ўзбекистон Республикаси Перезедентининг 1998 йил 9 апрелдаги «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1987-сон Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини маблағларини шакллантириш ва сарфлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» 2000 йил 23 декабрдаги Қарори. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг Қарорлар тўплами. 2000. №12.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кадрлар тайёрлаш соҳасида таълим бозорини вужудга келтириш ва жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 48-сон Қарори. 1998. 28 январ.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори. // Ишонч. 2000. 14март.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Иқтисодиёт ва солиқ соҳасидаги жиноятларга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори. // Соликлар ва божхона хабарлари, 2001 йил 30-31 сонлар. 31 июл. 4-бет.
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 декабр «Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2005 йилги параметрлари тўғрисида»ги 610-сон Қарори.
13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 декабр «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2004 йилги параметрлари тўғрисида»ги 567-сон Қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 мартдаги «Кичик ва ўрта бизнес корхоналари учун ҳисоботларни қисқартириш ва тартибга солиш чора-тадбирлари» тўғрисидаги Қарори.
15. Давлат молияси тизими. Меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. –Т.: Ўзбекистон. 2001. -368б.

Махсус илмий адабиётлар

16. Каримов И. А. Ўзбекистон- бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т., Ўзбекистон, 1993. -108 б.
17. Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари. Т., Ўзбекистон, 1993 .-53 б.
18. Каримов И. А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., Ўзбекистон, 1995 .-73 б.
19. Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., Ўзбекистон, 1995.- 269 б.

20. Каримов И. А. Баркамол авлод -Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.Т., Шарқ, 1997.
21. Каримов И.А. Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чукурлаштиришнинг муҳим вазифалари. Т.,Ўзбекистон, 1996 .-110 б.
22. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида; хавфсизликка тахдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997.-326 б.
23. Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: Ўзбекистон, 1998.-682 б.
24. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилмокда. Т.: Ўзбекистон, 1999.-52 б.
25. Каримов И. А. Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш- бош йўлимиз. Т.: \\ Халқ сўзи, 2002 йил 15 феврал.
26. Каримов И. А. Одамларнинг ташвиш ва орзу-интилишлари билан яшаш фаолиятимиз мезонига айлансин.\\ Туркистон, 2002 йил 20 июл, №88 (14579).
27. Каримов И. А. Ислоҳотлар стратегияси – мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир.\\ Халқ сўзи, 2003 йил 18 феврал, №40.
28. Каримов. И.А.Мирная жизнь и безопасность страны зависят от единства и твердой волы нашего народа. Узбекистан. НМИУ. 2004. стр 157-158.
29. Averting the Old Age Crisis. – Oxford Univ. Press, 2000. – A Policy Research Report 1999 /The World Bank/.
30. Абрамова А.М. Александров Л.С. Финансы, денежное обращение и кредит. Учебное пособие .М., 1999. 335с.
31. Бабич А.М., Павлова Л.Н. Государственные и муниципиальные финансы. –М.: ЮНИТИ. 1999.
32. Бабич А.М., Павлова Л.Н. Финансы. –М.: ФБК-пресс. 2000.

33. Бабич А.М., Павлова Л.Н. Финансы, денежной обращение, кредит. – М.: ЮНИТИ. 2000. -687с.
34. Брайчева Т. В. Государственные финансы. Санкт Петербург.: Питер. 2001. -278с.
35. Бранко М. Бедность, неравенство и социальная политика в странах переходного периода. Всемирный Банк. Вашингтон.1997.
36. Бюджетная система Российской Федерации. Учебник. под редак. Романовскова. -М.: ЮРАЙТ. 2000. -615с.
37. Бюджетный Кодекс Российской Федерации. Принят ГД РФ и одобрен СФ РФ 17.07, 98.
38. Верхолаз М.А. Влияние степени использования экономического потенциала на состояние местных бюджетов.2- изд. Белград. Искра. 2000. 91с.
39. World Development Report. 1993 y. Washington, Published for the World Bank. 1994 y. 329 p.
40. Гроссман Д. "Составление капитальных бюджетов и программы по управлению финансами"" Институт государственного управления США. 1997г.
41. Гибкое развитие предприятия: эффективность и бюджетирование. М.: Дело 2000. 352с.
42. Гизатулин Х.Н., Зарипова И.Р. Формирование и проблемы расширения самостоятельности местных бюджетов в условиях рыночных отношений. 2-изд. Уфа: Институт экономики УрО РАН, 2001. 248с.
43. Голицкая С.Б. Деньги кредит финансы. –М.: Экзамен. 2002. -221с.
44. Головачев Д.Л. Государственные долг: теория Российская и мировая практика. –М.: Черо. 1998.
45. Девере М.П. Экономика налоговой политики. –М.: Филинь. 2002.
46. Деренберг Р. Международный налогообложение. –М.: ЮНИТИ, 1997.

47. Дмитриев М. Бюджетная политика в современной России. –М.: Московский Центр Карнеги. 2001. -264с.
48. Дробозина Л. А. Финансы, денежное обращение, кредит. Учебник. М.: Банки и Биржи. Издательское объединение «ЮНИТИ», 1999.
49. Дорнбуш Р., Фишерс. "Макроэкономика". Москва. Издательство МГУ. 1997 год.
50. Журавлева Л.В. Бюджетная политика как метод государственного регулирования. –М.: Дело. 2001. -264с.
51. Зарипова И. Р. Хафизова В.Р. История развития и современной ссотояние межбюджетных отношений в России. –Уфа: ГП Принт. 2001. -181с.
52. Землин А. И. Бюджетной право: схемы и комментарии. –М.: Юриспруденция. 2001. -240с.
53. Иванова Н.Г. Казначейская сситема исполнения бюджетов. –Санкт Петербург.: Питер. 2001. -200с.
54. Йўлдошев М., Турсунов Й. Молия ҳуқуқи. Т.: Меҳнат. 1999.
55. Йўлдошев М., Турсунов Й. Солиқ ҳуқуқи». Т.: Молия. 2000. -212б.
56. Йўлдошев О. Т. Давлат бюджетининг даромадлар ва харажатлар таркибида жиддий ва ижодий силжишлар юз берди. Солиқ ва божхона хабарлари. 1996.
57. Карасева М.В., Крохина Ю.А. Финансовое право. –М.: Норма. 2001.
58. Кейт Г. Социальная политика и экономические преобразование в Узбекистане Программа Развития ООН.1995.-196 с.
59. Маликов Т.С. Молиявий қарор қабул қилиш асослари Т.: Шарқ 1996.64 б.
60. Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари Т.: Адлия. 2002. -204 б.
61. Michael Rogers. Public Sector Accounting» Stanley. Thornes.
62. Мовшович С., Крупенина Г., Богданова М. Оценка избыточных тягот налогообложения в Российской экономике. -М.: РПЭИ. 1999.

63. Наговицин А. Г. Бюджетная политика. -М.: Инфра. 2000. -124с.
64. Наговицин А.Г. Бюджетная политика. М.: Экзамен. 2000. 512с.
65. Налоги Учебное пособие. Под редак. Д.Г. Черникова. -М.:«ЮНИТИ», 1997. -688с.
66. Налоги и налоговой право. Учебное пособие. Под редак. А.В.Брызгалина. -М.: Аналитика-Пресс. 1998. -608с.
67. Набиев Э., Қаюмов А. «Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти» Т.: Академия, Университет, 2000. -45б.
68. Орёшин В.П. Государственное регулирование национальной экономики. -М.: Инфра. 2000. -56с.
69. Основы налогового законадательства. Т.: Мир экономики и права. 2000.
70. Поляк Г.Б. Бюджетная система России. -М.: ЮНИТИ. 1999. -539с.
71. Поляк Г.Б. Финансовой обеспечение социальной сфере. -М.: Финансы и статистика. 1998.
72. Поляк Г.Б. Финансы местных советов. -М.: Финансы и статистика. 1998
73. Раҳимова А., Ҳожиев Э. Ўзбекистон Республикасининг молия ҳуқуқи. -Т.: ТДЮИ. 2002. -406б.
74. Роберт Маккэнл. Америка иқтисодининг асослари Таржимон Х. Кароматов., Шарқ - 212 б.
75. Самуэльсон П. Экономика. Вводный курс. Перевод с английского языка. М.: Прогресс, 1964 .-204 с.
76. Самсонов Н.Ф., Баранников Н.П., Строкова И.И. Финансы на макроуровне. -М.: Высшая школа. 1998.
77. Sandford C. Economics of Public Finance. Pergamon Press.1998.-130 p.
78. Сумароков В.Н. Государственные финансы. В системе макро экономического регулирования. Москва. Финансы и статистика. 1996. 224с.

79. Срожиддинова З.Х. Управление государственными финансами. Тексты лекций. Т.: ТФИ. 2001. 94с.
80. Срожиддинова З.Х. Шарифходжаев М.Ш. Туляганова Н. Б. Бюджетная политика Республики Узбекистан. Учебное пособие. Т.: ТФИ. 2001. 86с.
81. Срожиддинова З.Х. Абдуллаев ғ. А., Усипбоев Н.И. Государственные финансы Республики Узбекистан. Учебное пособие. Т.: ТФИ. 2001. 85с.
82. Срожиддинова З.Х. Ваҳобов А.В., Сиддиков Ж.Р. Государственный бюджет Республики Узбекистан. Учебное пособие. Т.: ТФИ. 2001. 107с.
83. Тошмуродова Б. Соликлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизми. Т.: Янги аср авлоди. 2002. -128б.
84. Тренев Н.Н. Управление финансами. -М.: Финансы и статистика. 1999.
85. Разберг Б. А. Курс экономики. Учебник. -М.: ИНФРА. 1997. -720с.
86. Финансовая политика, налоги и налогообложения. Справочное пособие под ред. Беганов В.С., Куролов М.Я., Шаулов Д.И., Кан У.Т. Т.: Мир экономики и права. 1998.-209с.
87. Хван Л.Б. Солиқ ҳуқуқи. Т.: Консаудитинформ. 2001. -656б.
88. Financial Statements and Budjet Reports. Her Majecty's Treasury annual. 1998 y -42 p.
89. Чепурин М.Н., КиселеваЕ.А. Курс экономической теории. Учебник. - М.: АСА, 1997.
90. Черник Д.К. Налоги. -М.: Финансы и статистика. 2001. -656с.
91. Чжен В.А. Хусусийлаштириш асослари. Тошкент.1996.
92. Шаулов Д.И., Кан У.Т. Солиқ қонунчилиги асослари. Ўқув қўлланма.—Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 2000. -592б.
93. Эгамов Э., Маликов Т. Молия механизми, муаммо ва ечимлар. Т.: Ўзбекистон, 1991 . –94 б.

94. Эклунд К. Эффективная экономика шведская модель. М.: Экономика, 1991.-94 с.
95. Ўлмасов А.Ў., Шарифходжаев М. Иқтисодиёт назарияси. -Т., Меҳнат, 1995.
96. Ўлмасов А. Ў. Иқтисодиёт асослари. Т.: Меҳнат, 1997 .-225 б.
97. Ғуломов С. "Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти". Тошкент. "Меҳнат" 1999 йил. -208 б.
98. Юткина Т.Ф. Налоги и налогообложение. -М.: ЮНИТИ. 2002. -101с.
99. Яҳёев Қ. Ўзбекистонда солиқ тизими. -Т. Меҳнат, 1998. -37б.
100. Яҳёев Қ. Ўзбекистонда солиқлари тўғрисида асосий тушунчалар. -Т. Огоҳ, ГТШК, 2001. -56б.
101. Яҳёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. -Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. -168б.
102. Яҳёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. -Т.: Фан ва технологиялар маркази, 2003 йил. -248б.

Журналлар ва рўзномалар

103. Асамутдинов Х. Ижтимоий соҳаларда ислоҳотлар. // Мулкдор. 2003. 15 август.
104. Абдурахмонов У. Доклад о человеческом развитии. Узбекистан. 1999. //Экономическое обозрение. 2000 . №3.
105. Абдуганиев А. А. Матрица анализа экономической политики.-Т.; Экономика и статистика, 1977 №11-12.
106. Беляев Ю.А. Финансы местного самоуправления . // Финансы, 1997. №11.
107. Бобожонов А. Солиқ муносабатларида ҳуқуқий маданият, \\ Солиқ тўловчининг журнали. 1999. №6. -17-бет.

108. Ваҳобов А. Иқтисодиётнинг ижтимоий йўналтирилганлиги ва ижтимоий фондлар. // Ўзбекистон Иқтисодий Ахборотномаси, 2000 . №9.

109. Варехова Ю.М. Совершенствование системы налогообложения. // Аудит и финансовый анализ, 1999, №1.

110. Виссарионов А., Еланчук О. Использование налогов государственном регулировании экономики России. // Проблемы теории и практики управления, 2000, №5.

111. Гришкова Л., Аношкина В. Ўзбекистон Республикасининг солиқ тизими: шаклланиш боскичлари \\ Бозор, пул ва кредит, 1998, №1.23-б.

112. Гринбург Р. С. Системные преобразования и стабилизационная политика. //Проблемы прогнозирования. 1993. №14. 15 с.

113. Демисов Н. Социальное расслоение общества: причины, последствия меры по ограничению. // Экономист. 1997 . №1

114. Жамолов Х. Н. Межбюджетные отношения. Сборник текстов лекций. Т.: ТФИ. 2001. 214с.

115. Истомина В. В. Финансовые нормативы для определения расходов учреждений социальной сферы в крупном городе. // Финансы, 1999 . №2.

116. Ёкуббоев О. Солиқ механизми ва солиқ оғирлиги. \\ Солиқ тўловчининг журнали. 1999. №9. 18-бет.

117. Йўлдошев О. Т. Давлат бюджетининг даромадлар ва харажатлар таркибида жиддий ва ижодий силжишлар юз берди. Солиқ ва божхона хабарлари. 1996.

118. Каримова М. Социальная защита в США. // ЭВУ, 1998 . №1.

119. Коровлева Н.В. Бюджетно-налогавая политика-как проявление экономической политики. Региональный аспект. 2-изд. Сыктывкар: Изд. Сыктывкарского Гос. Унив-та, 2000. 196с.

120. Лексин В., Швецов А. Бюджетный федерализм в период кризиса и реформ. // Вопросы экономики, 1998, №3.
121. Леткемен Н. Бюджет тизимини давлат томонидан тартибга солиш механизмини такомиллаштириш. // Бозор, пул ва кредит, 2001. июль.
122. Лущин С.И. Государственные финансы в новых условиях. // Финансы, 1998. №5.
123. Лушин С.И. О единстве бюджетной системы. // Финансы, 1995. №5.
124. Levine R., Zervos S. Stock Markets, Banksand Economic Crowth. Chicago University of Chicago Press, pp.307.
125. Максимова Н.С. О реформировании межбюджетных отношений в Российской Федерации. // Финансы, 1998. №6.
126. Максимова Н.С. Местные финансы и формирование бюджетов муниципальных образований. // Финансы, 1997. №11.
127. Маликов Т.С. Мустақиллик йилларида солиқ сиёсати. // Жамият ва бошқарув. 2001. №2. 6-б.
128. Мовсесян А. Г. Вопросы реформирования науки и привлечения частных инвестиций. //Финансы, 1998. №3.
129. Намозов Р. Хазиначилик тизими роли тўғрисида. //Бозор, пул ва кредит, 2001. №3-4.
130. Набиходжаев А., Шибаршова Л. О финансовой политике в Узбекистане. // Экономика и статистика, 1997 . №5.
131. Олимжонов О.Мустақил молия сиёсати буюк келажак асосларидан бири // Халқ сўзи. 1998 йил март.
132. Пешеханов Ю. В. Современные проблемы финансирования социальной сферы. // Финансы, 1998 . №10.
133. Петров В.А. Бюджет-98. приоритеты и финансовые механизмы экономического роста. // Финансы, 1997. №11.
134. Петров В.А. Основные направления бюджетной политики до 2001 года. // Финансы, 1998. №5.

135. Пронина Л.И. О местных финансах в проекте Бюджетного Кодекса. // Финансы, 1998. №6.
136. Пыхова И.А. К решению проблем межбюджетных отношений на территории. // Финансы, 1998. №6.
137. Поляк Г.Б. «Финансовое обеспечение социалной сферы»-Москва. Финансы и статистика 2001.
138. Pagano M Financial Markets and Economic Review. 2000. pp 912.
139. Райимбердиева О. Соғлиқни сақлаш тизимида иқтисодий муносабатлар ислохоти. // Бозор, пул ва кредит. 2000 №4.
140. Раҳматуллаев Б. Бюджет –давлат иқтисодий қудрати асоси. //Бозор, пул ва кредит, 2001. №7.
141. Самаров Р. Таълим тизимида янгича йўналиш. //Бозор, пул ва кредит, 2000 . №1.
142. Sigh A. Financial liberalization. Economic journal 1999. pp 771.
143. Steinbery A. An innovatori package for financial sector reforms. Journal of Banking and finance, 2001.
144. Szepo G. Financial regulation and multitier Financial intermediation system in Eastern Europe. Introduction journal of Banking and finance 2000. pp 410.
145. Туртаев М. Здравоохранение: оптимизация финансирования. //Экономика и статистика, 1997. №5.
146. Улюкаев А. Государственные финансы и региональное развитие. // Вопросы экономики, 1998, №3.
147. Шишкин А. Г. Оптимизация численности работников бюджетной сферы. //Финансы, 1999 . №3.
148. Шулгин С.Н. Реформирование налоговой системы. // Российский налоговый курьер. 1999. №1.
149. Эшқувватов Б. Система социальной рыночной экономики Германии. // Экономика и статистика, 1998 . №5.

150. Ясин Е. Функции государств в рыночной экономики. 1997. // Экономист. №6.
151. Хурсевич С.Н. Перспективы денежного и неденежного испольнения бюджетов в России. // Финансы, 1998. №5,6.
152. Ғозибеков Д.Ғ., Қоралиев Т.М. Инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва давлат томонидан тартибга солиш. Т.: Матбаачи. 1993.
153. Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш муаммолари. Т.: Матбаачи. Банк-Молия Академияси. Молия. 2003.-331б.
154. Қосимова Г. А. Иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида давлат бюджети соликли даромадларининг аҳамияти. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида солиқ тизимини ва суғурта фаолиятини такомиллаштириш йўллари. Тошкент Тошкент Молия институти. 2004 йил 11-12 феврал.
155. Қосимова Г. А. «Ғазначилик тизимида ижтимоий соҳага ажратилган бюджет маблағларининг самарадорлигини ошириш. «Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ўсишини таъминлашда молия-кредит механизмларининг самарадорлигини ошириш муаммолари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. Тошкент. Банк-молия Академияси. 2004 йил. 25 май.
156. Қосимова Г. А. Харажатларни бошқариш асоси. Жамият ва бошқарув. 2005йил 1-сон. 31-33 бет.
157. Қосимова Г. А. Давлат бюджети харажатларининг ижтимоий йўналтирилганлиги. Солиқ тўловчининг журнали. 2005йил 5-сон. 47-48 бет.
158. Қосимова Г. А. «Ғазначилик фаолиятининг ташкил этишнинг долзарб муаммолари. «Ўзбекистон Республикаси банк ва молия тизимларида ислоҳотларни чуқурлаштириш муаммолари» мавзусидаги халкаро илмий-амалий анжуман материаллари. Тошкент. Банк-Молия Академияси. 2005 йил. 15 июн.

159. Қосимова Г. А. «Ижтимоий соҳаларни ривожлантиришда бюджет сиёсати» Молия. 2004. -152б.

Интернет сайт маълумотлари

160. http: //www.bankofenglang.co.uk

161. http: //www.federalreserve.gov

162. http: //www.cer.uz

163. http: //www.review.uz

164. http: //www.uzland.uz

165. http: //www.nalog.ru

166. http: //www.finansy.ru

167. http: //www.finance.rambler.ru

Вахобов Алишер Восикович,

Қосимова Гулёра Ахматовна,

Жамолов Хасан Нўъмонович.

Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги

Муҳаррир: Н. Юсупова

Босишга рухсат этилди	26.12.05
Қоғоз бичими	30x42
Ҳисоб-нашр табоғи	18 б.т.
Адади	200
Буюртма	№ 252

"IQTISOD-MOLIYA" нашриёти, 700084, Тошкент, Ҳ. Асомов кўчаси, 7-уй

Тошкент Молия институти босмахонасида ризография усулида чоп этилди.

700084, Тошкент, Ҳ. Асомов кўчаси, 7-уй